

81288

У-73



УЗБЕК ТИЛИ

олий ўқув юртларининг рус
группалари учун дарслик



812У3
У-73

М. УСМОНОВА, Э. АЗЛАРОВ, Ғ. ШАРИПОВ

ЎЗБЕК ТИЛИ

УНИВЕРСИТЕТЛАР ВА ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РУС ГРУППАЛАРИ
УЧУН ҚЎЛЛАНМА

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
ИККИНЧИ НАШРИ

*Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
тасдиқлаган*



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1991

Тақризчилар: *Н. Маҳмудов*, филология фанлари доктори,
С. Ризаев, филология фанлари номзоди.

Махсус муҳаррир: *Ш. Каримов*, филология фанлари номзоди

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР — УСЛОВНЫЕ СОКРАЩЕНИЯ

- | | |
|--|--|
| <i>А. О.</i> — Абдулла Орипов | <i>С. Абд.</i> — Собир Абдулла |
| <i>А. К.</i> — Абдулла Каххор | <i>С. Аҳм.</i> — Санд Аҳмад |
| <i>Ас. М.</i> — Асқад Мухтор | <i>С. З.</i> — Саида Зуннунова |
| <i>Б. П.</i> — Борис Полевой | <i>«С. Узб.»</i> — «Совет Ўзбекисто-
ни» газ. |
| <i>Г.</i> — Н. В. Гоголь | <i>Т.</i> — И. С. Тургенев |
| <i>Е. Ш.</i> — Ёқубжон Шукуров | <i>Ч. А.</i> — Чингиз Айтматов |
| <i>И. Р.</i> — Иброҳим Раҳим | <i>Ш. Х.</i> — Шукур Холмирзаев |
| <i>К. С.</i> — Константин Симонов | <i>«Ш. ю.»</i> — «Шарк юлдузи» жур-
нали |
| <i>Л. Б.</i> — Лидия Бать | <i>Э. В.</i> — Эркин Воҳидов |
| <i>Л. Т.</i> — Лев Толстой | <i>Э. Р.</i> — Эгам Раҳим |
| <i>Л. У.</i> — «Ленин учқуни» газетаси | <i>У. Ҳ.</i> — Ўткир Хошимов |
| <i>М. Г.</i> — Максим Горький | <i>Ғ. Ғ.</i> — Ғафур Ғулом |
| <i>М. И.</i> — Мирзакалон Исмоилий | <i>Ҳ. Н.</i> — Ҳаким Назир |
| <i>О.</i> — Ойбек | <i>Ҳ. О.</i> — Ҳамид Олимжон |
| <i>О. Ё.</i> — Одил Ёқубов | <i>Ҳ. Ғ.</i> — Ҳамид Ғулом |
| <i>П.</i> — А. С. Пушкин | |
| <i>П. Т.</i> — Парда Турсун | |

4602000000—243
У _____ 154—91
353(04)91

ISBN 5-645-00723-9

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1981
© «Ўқитувчи» нашриёти, 1991.
Қайта ишланган наشري

СУХБАТ

ЕЗГИ КАНИКУЛ

- Ёзги каникул қачондан бошланади?
- Ёзги каникул биринчи июлдан бошланади.
- Сиз каникулни қандай ўтказдингиз?
- Мен каникулни жуда яхши ўтказдим.
- Қаерларда бўлдингиз?
- Дугонам билан Қримда бўлдим.
- Қримда нима қилдингиз?
- Қримда дам олиш уйида бўлдик.
- Нималар билан шуғулландингиз?
- Саёҳатларга бордик, денгизда чумилдик, томошалар кўрдик, китоб ўқидик.
- Қримдан қачон қайтдингиз?
- Қримдан июлнинг охирларида қайтдик.

Фонетика ва орфоэпия

Фонетика — наука, изучающая звуковую систему языка. Она рассматривает особенности образования и произношения звуков, фонетические процессы, происходящие в речи, устанавливает соотношение произношения и письма, выявляет особенности ударения и слогаобразования.

Орфоэпия — это наука о произносительных нормах языка.

Орфоэпия рассматривает правила произношения слов и форм слова, постановки ударения в слове.

Фонетика и орфоэпия взаимосвязаны.

Звуки речи характеризуются в трех аспектах: физическом (акустическом), физиологическом (артикуляционном) и собственно лингвистическом (языковом). Лингвистический аспект отличает звуки человеческой речи от других звуков, встречающихся в природе, так как только звуки речи способны выполнять социальную функцию, разграничивая значимые единицы языка в процессе общения.

Звук не следует смешивать с буквой. Звук мы произносим и слышим, а букву — пишем и видим. Буква — это условный знак, символ для передачи звуков речи на письме.

В действующем узбекском алфавите 35 букв. Их

принято располагать в следующем алфавитном порядке: а, б, в, г, д, е, ё, ж, з, и, й, к, л, м, н, о, п, р, с, т, у, ф, х, ц, ч, ш, щ, ь, э, ю, я, љ, қ, ғ, җ.

Как видим, порядок тот же, что и в русском алфавите. Буквы љ, қ, ғ, җ, передающие специфические узбекские звуки и отсутствующие в русском языке, стоят в конце алфавита.

Практическое письмо с помощью букв передает далеко не все звуки, имеющиеся в языке. Не все звуки узбекского языка передает и действующий узбекский алфавит. Одной буквой может передаваться несколько звуков, и, наоборот, один звук может обозначаться на письме несколькими буквами. Например, в узбекском алфавите буквы а, и, у передают три звука. Сравним произношение а в словах қандай (какой), қанча (сколько), где а передает звук более задний, чем русский а; латта (тряпка), мана (вот), где звук, обозначаемый буквой а, является более передним, чем русский а (иногда соответствует русскому а после палатализованных, мягких согласных); парта, фабрика, где а передает звук, аналогичный русскому а. Или: в словах икки (два), учун (для), буквы и, у, передают более передние звуки, а в словах қиш (зима), узун (длинный) эти же буквы обозначают более задние звуки; в заимствованных из русского языка словах эти буквы передают звуки, подобные русским и, у, хотя в узбекских словах они произносятся более бегло. Буква љ обозначает два звуковых варианта — более передний, например в слове кўл (озеро), и более задний, как в слове бўл (будь).

Два звука передает буква ж — слитное произношение д и ж, например в слове жуда (джуда) — очень (этот звук отсутствует в русском языке) и звук, подобный русскому ж, например в слове журнал.

Четыре буквы е, ё, ю, я служат для передачи йотированных звуков, т. е. сочетаний типа: й+э=е, й+о=ё, й+у=ю, й+а=я.

Один звук передается двумя буквами (буквосочетанием) нг. Это носовой звук, отсутствующий в русском языке.

В узбекском алфавите нет буквы щ; она передается сочетанием шч: Щедрин — Шчедрин, отсутствует и буква ы, которая во всех случаях заменяется буквой и.

Знаки ь, ь имеют ту же смысловую нагрузку, что и в русском языке.

1- машк. Куйидаги сўзларни тўғри уқинг.

Қон, қоп, қор, қоч, қайси, қалъа, камчи, қани, қанор, қарор, қайрағоч, қалдирғоч, қайнона, қайнота, қарағай, қаҳқаҳа.

2- машк. Куйидаги сўз бирикмаларини уқинг. *о, а, и* товушларининг талаффузига эътибор беринг.

Қон томири, қора қош, оппоқ қор, қарор қилмоқ, баланд қайрағоч, чиройли қалдирғоч, қарағай дарахти.

БОТАНИКА БОҒИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи 1944 йили ҳозирги Гагарин номидаги маданият ва истироҳат боғи ўрнида барпо этилган. 1950 йилдан бошлаб боғнинг ҳозирги территорияси (майdonи 80 гектар) шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида ўзлаштирила бошлади.

1968 йилда Ботаника боғига институт ҳуқуқи берилди.

Ботаника боғи илмий-текшириш ишларининг асосий йўналиши СССРдаги Ботаника боғларининг умумий вазифасидан келиб чиқади. Бу ерда янги ўсимлик навларини етиштириш, иқлимга мослаштириш ва иқлим муаммолари билан шуғулланилади.

Бунда олимлар дунёнинг бошқа бурчакларидан келтирилган ўсимликларни экадилар ва уларни маҳаллий шаронтга мослаштирадилар.

Ботаника боғи — ўсимлик турларига жуда бой.

Ўтган давр ичида Ботаника боғида 6 мингдан зиёд дарахт ва ўт турлари етиштирилади.

Боғда ишловчи илмий ходимлар — фан докторлари ва кандидатлари шу соҳада қўплаб илмий ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу боғ Совет Иттифоқида ва жаҳонда етакчи боғлардан биридир.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

2- §

СУҲБАТ

- Тошкентдаги янги сайилгоҳни биласизми?
- Янги сайилгоҳ шаҳарнинг Карл Маркс кўчасида.
- У қанақа сайилгоҳ?

— У янги типдаги сайилгоҳ бўлиб, Москвадаги Арбат сайилгоҳига ўхшайди.

— У ерда нималар бор?

— У ерда кафелар, чойхоналар, ошхоналар, савдо расталари, томоша жойлари бор.

— У жойда қандай маданий ишлар олиб борилади?

— Унда турли концертлар, учрашувлар, томошалар бўлиб туради.

— У ерда овқатланиш мумкинми?

— Ҳа, ошхона, буфет, чойхона, кафеларда овқатланиш мумкин.

— Миллий таомлардан нималар тайёрланади?

— Палов, манти, лағмон, мастава каби миллий таомлар тайёрланади.

— Сайилгоҳ қайси кунлари гавжум бўлади?

— Сайилгоҳ шанба ва якшанба кунлари айниқса гавжум бўлади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ УНЛИ ФОНЕМАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

(Краткая характеристика гласных фонем узбекского литературного языка)

Фонема — это минимальная единица звукового строя языка, служащая для образования и различения значимых единиц языка (морфем, слов). Фонема является компонентом морфемы — минимальной значимой единицы языка. Понятие фонемы и звука речи не совпадают. Например, в словах *қул* и *кўл* одна и та же фонема *ў* звучит по-разному.

Рассмотрим гласные в современном узбекском языке.

Гласный *а* имеет различные оттенки. Наиболее часто встречается передний оттенок, представляющий собой звук широкий, нелабиализованный. Этот оттенок встречается в любом слого слова: *ака* — старший брат, *ука* — младший брат.

Задний оттенок по своему звучанию приближается к русскому *а* в безударном положении, особенно после заднеязычных *к, г, х*, например, *қалам* — карандаш, *галаба* — победа, *халқ* — народ.

3- машк. Куйидаги сузларни овоз чиқариб тўғри уқинг.

хат	баланд	байрам	гарб
пахта	ана	қалам	ғалла
тахта	пана	халқ	ғалаба
хабар	тантана	қанд	ғўза
хайр	барг	ақл	гайрат

4- машк. Куйидаги русча ва ўзбекча сузларни киёслаб уқинг ва ушш товушларининг талаффузига эътибор беринг.

база	базм	набирать	набира
март	мард	паста	паст
таблица	табрик	роса	рост

Гласный **о** заднего ряда, широкий (открытый), нижнего подъема. Гласный звук **о** произносится, как звук средний между русскими ударными звуками **а** и **о**: *ол* — бери, *бор* — иди, *от* — лошадь, *озод* — свободный.

5- машк. Куйидагиларни ўқиб, **о** товушининг талаффузига эътибор беринг.

Русча

от
том
ток
сон
дон

Ўзбекча

от
том
ток
сон
донг

6- машк. Куйидаги сузларни уқинг, уларнинг талаффузига эътибор беринг.

Ота, олма, олмос, ойна, ок, ой, оз, озод, ора, орзу, ортик, оғиз.

7- машк. Куйидаги сузларни ўзбек тилига таржима қилинг ва улар иштирокида бешта гап тузинг.

Погода, благоустроенный, авторитетный, охота, голос, звук, пицца, еда, столовая.

Намун а: Ёзда Ўзбекистонда ҳаво иссиқ булади.

Гласный **у** лабиализованный, верхне-узкий, заднего ряда, произносится более кратко, чем русский **у**: *ун* — мука, *тун* — ночь, *кун* — день, *бугун* — сегодня, *узун* — длинный, *узум* — виноград, *туз* — соль.

8- машк. Куйидаги русча ва ўзбекча сўзларни киёслаб ўқинг, у товушининг ҳар икки тилдаги талаффузига эътибор беринг.

Русча

суп
тут
гул
суд
пуд

Ўзбекча

супа
тут
гул
сут
пут

9- машк. Куйидаги сўзларнинг талаффузига эътибор бериб ўқинг ва шу сўзлар иштирокида олтига гап тузинг.

умр	бутун	ука	учун
уруш	кун	укки	ухламоқ
урғу	тун	уфқ	уламоқ
устун	тутун	уч	укув

10- машк. Куйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг ва улар иштирокида олтига гап тузинг.

Учитель, тутовник, война, жизнь, спать, стоять, для.

Гласный *ў* лабиализованный, полуузкий, произносится как звук, средний между русскими ударными *у* и *о*: *ўзбек* — узбек, *ўртоқ* — товарищ, *ўроқ* — серп, *ўқ* — стрела, пуля.

11- машк. Куйидаги сўзларни ўқинг, *ў* ва *к* товушларининг талаффузига эътибор беринг.

ўра	тўққиз	ўқи
ўрмон	кўрқоқ	ўғил
ўртоқ	хўроз	ўғлон
ўроқ	хўрда	ўрмон

12- машк. Куйидаги сўзларни ўзбек тилига ёзма таржима қилинг ва *ў* товушининг ёзилишига эътибор беринг.

Играть, проходить, четыре, десять, лес, растение, правый, спросить, товарищ.

13- машк. Сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг ва улар иштирокида олтига гап тузинг.

Трава, озеро, читай, сын, товарищ, место, жатва

Намун а: *Ғалла ўрими бу йил эрта бошланди.*

Гласный *и* узкий, верхнего подъема. В начале слова перед переднеязычными несколько приближается к русско-

му и: *иш* — работа, дело, *ип* — нитка, *ипак* — шелк, *ина* — иголка.

Звук **и** в конце слова произносится, как краткое **и**: *китоби* — его (ее) книга, *мактаби* — его (ее) школа, *келди* — он пришел (она пришла), *кетди* — он ушёл (она ушла), *ёзди* — он написал (она написала), *икки* — два, *укки* — сова.

Между двумя согласными звук **и** произносится очень кратко: *бир* — один, *кир* — вход, *сир* — тайна, *билан* — с (предлог), *ким* — кто, *мис* — медь, *пичоқ* — нож.

Гласный **и** перед глубокозаднеязычными **к, ғ, х** произносится почти как русский **ы**: *балиқ* — рыба, *тариқ* — просо, *қизиқ* — интересный, *ариқ* — арык, *сарик* — желтый, *қирғиз* — киргиз, *қисса* — повесть, *қисқа* — кратко, *қисқич* — щипцы, *хизмат* — служба, *хил* — вид, сорт, *ғижим* — мятый.

14- машқ. Ўқинг, *и* уилисининг талаффузига эътибор беринг.

икки	икбол	қиз	хирмон
илк	иклим	қизил	хитоб
иссик	икрор	кир	қирғиз
ишчи	иктисод	қисса	ғишт

15- машқ. Куйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилиб, гаплар тузинг.

Знание, простой, тишина, иголка, служба, качество.

Намуна: *Сифат учун кураш — бизнинг асосий вазифамиз.*

16- машқ. Куйидаги сўзларни ўқинг, талаффуз ҳамда ёзилишига эътибор беринг ва уларни кўчириб ёзинг.

Мудир, муҳим, мумкин, кўмир, темир, пушти, умид, муҳбир, кулги, тулки, тўсик, тўлқин, ўғил.

Гласный **э** является звуком верхне-среднего подъема; приближается к русскому **е** после согласных, как, например, в словах *сено, время, село, дело* или **э** в слове *эти*.

В начале слова и слога гласный **е** передает йотированный звук, состоящий из **й+э**, например: *ер* (йэр) — земля, *елка* (йэлка) — плечо, *елим* (йэлим) — клей.

Нейотированное **е** (орфографическое **э**) в собственно узбекских словах встречается лишь в начале слова, например: *эр* — муж, *эга* — хозяин, *эркин* — свободный, *эрта* — рано, *эчки* — коза.

17- машк. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва э (е) товушининг талаффузи-
га эътибор беринг.

Экин, элчин, эллик, эмас; мен, сен; келмок, кетмок.

18- машк. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва улар иштирокида гаплар
тузинг.

Аёл, айвон, ишчи, иқлим, бир; устоз, обод, озод, ок;
эркин, эртак; керак, челақ.

19- машк. а товушининг талаффуз қилинишини эсланг. Қуйидаги
сўзлар таркибидаги а товушининг талаффузига эътибор бериб ўқинг.

Ари, асал, ариқ, арқон, анҳор, аъло, Раъно, маъно,
қалам, карам, қаср, хамир, харф, ҳазил.

20- машк. Нукталар ўрнига керакли унлиларни қўйиб ўқинг,
талаффузига эътибор беринг ва кўчириб ёзинг.

1. Буг...инги ишни ...ртага қ...йма. (Мақол.) 2. Боғ...миз-
да олма, ур...к, шафт...ли, олх...ри ва б...шқа турли
м...валар бор. 3. Б...з бу янги ук...в йили учун китоб-
дафтарларни тайёрлаб қ...йдик. 4. Ўзбекистонда б...лбул,
ч...мчук, к...рға, м...сича сингари қ...шлар куп. 5. Боғимиз-
га ...рик, ш...фтоли, г...лос, ан...р, олх...ри каби мевали
дарахтлар ...йдик.

Н а м у н а: *Бугунги ишни эртага қўйма.*

21- машк. I устундаги нукталар ўрнига а, II устундаги нукталар
ўрнига о харфлари қўйиб, сўзларни қислаб ўқинг, о, а товушларининг
талаффузига эътибор беринг ва кўчириб ёзинг.

I устун

б...с
к...ра
ч...л
н...м
с...ф

II устун

б...с
к...ра
ч...л (чалмок)
н...м
с...ф

3- §

ЦИРҚДА

- Тошкент давлат цирки қаерда?
- Тошкент давлат цирки Хадра майдонида.
- Цирк биноси қандай?
- Цирк биноси катта ва чиройли.
- Циркда кимлар томоша курсатади?
- Циркда Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан ва,
хатто, чет эллардан ҳам келган артистлар томоша
кўрсатадилар.

- Циркда хайвонлар ҳам иштирок этадими?
- Ха, ўргатувчилар рахбарлигида от, арслон, йўлбарс, айиқ, ит ва бошқа жониворлар ўйин кўрсатади.
- Цирк томошалари кўпроқ кимларни кизиқтиради?
- У айниқса болаларга кўпроқ ёқади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ УНДОШ ФОНЕМАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

(Краткая характеристика согласных фонем узбекского литературного языка)

Согласные звуки современного узбекского литературного языка классифицируются по наличию голоса, по способу и месту артикуляции.

В узбекском языке 25 согласных фонем: *б, в, г, д, ж; жс* (коришиқ *жс*), *з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ҷ, ч, ш, нг, қ, ғ, ҳ*. Из них звонкие согласные: *б, в, г, д, ж, жс, й, нг, ғ*; глухие согласные: *п, с, т, ф, ш, к, ҷ, ч, х, қ, ҳ*. Узбекские согласные не имеют соотносительных пар по мягкости и твердости.

Согласный **в** — губно-губной звук: *сув* — вода, *ов* — охота, *қовоқ* — тыква.

Согласный **ж** — специфический звук, отсутствующий в русском языке. Встречается в слове в разных позициях: *жар* — овраг, *жун* — шерсть, *жон* — душа, *тож* — корона, венец.

Более трудными для произношения являются узбекские согласные **к, ғ, ҳ**.

Согласный **к** является глубокозаднеязычным смычным звуком, который произносится самым корнем языка, в отличие от русского **к**. Например: *қаймоқ* — сливки, *қизил* — красный, *қор* — снег, *қогоз* — бумага.

Согласный **х** является гортанным, который произносится выдыханием воздуха из гортани. Например: *ҳаёт* — жизнь, *ҳалол* — честный, *ҳамма* — все, *ҳисоб* — счет.

22- машк. Жарангли ундош билан бошланган сўзларни биринчи устулга, жарангсиз ундош билан бошланган сўзларни иккинчи устулга ёзишг.

Фабрика, водий, пахта, дўппи, даструёмол, тут, сомса, зирак, шафтоли, чапак, шоли, чумоли, копток, гулзор, ғўзапоя, хирмон, ғунча, цех, зийрак, чумчук, каптар, хурсанд, дераза.

На м у н а: водий

фабрика

23- машқ. Қуйидаги сўзларни лугат ёрдамида ўзбек тилига таржима қилинг, талаффузига эътибор бериб ўқинг. Шу сўзлар нштирокида бир неча гап тузинг.

Государство, дерево, цветок, ответ, словарь, предприятие, список, благодарность, только, ловкий, сообщение, суббота, голос, критика, руководитель, путешествие, хлопкороб.

24- машқ. Қуйидаги сўзларни рус тилига таржима қилинг.

От, том, мой, сон, дон, бош, ош, жой, кон, лола, мол, моҳир, нок, нон.

25- машқ. Қуйидаги сўзлар таркибидаги унлиларнинг ҳар икки тилдаги талаффузига алоҳида эътибор бериб ўқинг.

Он — ўн, моль — мул, торт — тўрт, сом — сўм, сок — сўк.

4- §

СУҲБАТ

- Бир ҳафта неча кундан иборат?
- Бир ҳафта етти кундан иборат.
- Кунларнинг номларини биласизми?
- Ҳа, биламан; душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба.
- Бугун қайси кун?
- Бугун — душанба.
- Эртача-ча?
- Эртага — сешанба.
- Ҳафтада неча кун ўқийсиз?
- Ҳафтада олти кун ўқиймиз.
- Қайси куни дам оласиз?
- Якшанба куни дам оламиз.
- Қайси кунлар ўзбек тили дарслари бўлади?
- Ўзбек тили дарслари сешанба ва жума кунлари бўлади.

БЎҒИН

(Слог)

В процессе речи струя воздуха, проходящая через речевой аппарат, течет не единым непрерывным потоком, а волнообразно, толчками, которые разделены определенными интервалами.

Один или несколько звуков, произносимых между этими интервалами, т. е. одним толчком воздуха, называются **с л о г о м**.

Слова могут быть односложными: *у* (он, она, оно), *бор* (имеется), двусложными: *она* (мать), *бола* (ребёнок); трехсложными: *ғалаба* (победа), *қарагай* (сосна); четырёхсложными: *ўқитувчи* (учитель); пятисложными: *мома-қалдиروق* (гроза).

В узбекском языке встречаются следующие типы слогов:

- 1) один гласный: *о-на, у-ка*;
- 2) согласный+гласный: *да-ла, бо-ла*;
- 3) гласный+согласный: *ош, от*;
- 4) согласный+гласный+согласный: *кел, йўқ*;
- 5) гласный+согласный+согласный: *ост, уст*;
- 6) согласный+гласный+согласный+согласный: *тўрт, қирқ*.

26-машқ. Қуйидаги сўзларни бўғинларга ажратинг ва қандай ясалганлигини айтиб беринг.

Аввал, алоқа, баланд, баҳор, дарахтзор, ишламоқ, давомат, ўқувчи, жиддий, зафар, меҳнатсевар, сингил, эълон, оила, танга, кўнгил.

Н а м у н а: *ав-вал*.

УРҒУ

(Ударение)

Ударение — это выделение одного из слогов в составе слова или целого словосочетания путем усиления голоса, повышения тона.

Ударение может быть словесное (внутри слова) и логическое (внутри предложения, фазы).

Словесное ударение — силовое или динамическое, при котором ударный слог по сравнению с неударным выделяется главным образом большей напряженностью артикуляции данного слога.

Ударение в узбекском языке обычно связанное, фиксируемое и падает на последний слог. Но встречаются слова и формы слов, в которых ударение падает на другие слоги.

Силовое ударение на последнем слоге встречается в двусложных существительных, прилагательных, глаголах, а также в односложных корневых словах в сочетании

с ударным аффиксом: *қишлоқ, ишламóқ, ишчй, келгáн, шахрйм, китóби* и т. д.

В трех- и многосложных словах, состоящих из корня или основы в сочетании с ударными аффиксами, наряду с ударением на последнем слоге — главным, наиболее сильным, возникают еще более слабые, второстепенные ударения, например: *қарамóқ, эҳтимол, ўрикзóр* и т. д.

Силовое ударение не на последнем слоге имеет место в следующих случаях:

1) во всех лицах повелительного наклонения, например: *гапир, келгин, бошла, борай, олсин*;

2) когда к слову присоединяется безударный аффикс, например: *ишчйман, ёшдйр, ўқувчйми* и т. д.;

3) в заимствованных словах, например: *касса, вокзал, галаба, голиб; Гамлет, Лондон* и т. д.

27- машк. Куйидаги сўзларнинг биринчи бўғинини ургу билан ўқинг.

Гапир (говори), бошла (начинай), боргин (иди же), келинг, келингиз (приходите), келсин (пусть придёт), борай(ин) (пойду-ка), келди (он пришёл), кетди (он ушёл), икки (два), олти (шесть), тўққиз (девять).

ЛОГИК УРҒУ

(Логическое ударение)

Фразовое или логическое ударение сообщает предложению определенный оттенок. Например, в повествовательном предложении *Биз пахта тердик* (Мы собирали хлопок) каждое слово может быть отмечено ударением: (*Биз пахта*) *тердик*. *Биз пахта* *тердик*. *Биз пахта тердик*.

28- машк. Логик ургу ҳосил қилиш учун гапларни қайтадан тузинг.

1. Кеча бизнинг клубимизда катта концерт бўлди.

2. Ёзги каникулда комсомолларимиз колхозчиларга дала ишларида ёрдам бердилар.

3. Биз эртага лекциядан кейин кутубхонага борамиз.


ЎЗБЕК АЛФАВИТИ ВА ОРФОГРАФИЯСИ

(Ўзбекский алфавит и орфография)

Алфавит — это совокупность расположенных в определенном порядке графических знаков, сложившаяся в определенный исторический период и используемая для фиксации и передачи на письме данного языка или языков.

Алфавит и название звуков

Печатные буквы	Рукописные буквы	Название букв	Печатные буквы	Рукописные буквы	Название букв
Аа	<i>Aa</i>	а	Оо	<i>Ooo</i>	о
Бб	<i>Bb</i>	бэ	Пп	<i>Pp</i>	пэ
Вв	<i>Vv</i>	вэ	Рр	<i>Rr</i>	эр
Гг	<i>Gg</i>	гэ	Сс	<i>Ss</i>	эс
Дд	<i>Dd</i>	дэ	Тт	<i>Tt</i>	тэ
Ее	<i>Ee</i>	й+е(е)	Уу	<i>Uu</i>	у
Ёё	<i>Ee</i>	йо(ё)	Фф	<i>Ff</i>	эф
Жж	<i>Jj</i>	жа	Хх	<i>Xx</i>	ха
Зз	<i>Zz</i>	зэ	Цц	<i>Cc</i>	цэ
Ии	<i>Ii</i>	и	Чч	<i>Ch</i>	чэ
Йй	<i>Jj</i>	йэ	Шш	<i>Sh</i>	шэ
Кк	<i>Kk</i>	ка	Ъъ	<i>Ww</i>	айриш белгиси
Лл	<i>Ll</i>	эл	Ьь	<i>Ww</i>	минатиш белгиси
Мм	<i>Mm</i>	эм	Ээ	<i>Ee</i>	э
Нн	<i>Nn</i>	эн	Юю	<i>Ju</i>	ю (й+у)
			Яя	<i>Ja</i>	я (й+а)

Печатные буквы	Рукописные буквы	Название букв	Печатные буквы	Рукописные буквы	Название букв
Ўў		ў	Ғғ		ғэ
Ққ		қа	Хх		ха

Орфография (имло) — это система правил, устанавливающая единообразные способы передачи речи на письме.

Узбекская орфография основана на морфолого-фонетическом принципе, причем ведущим принципом является морфологический, вспомогательным — фонетический.

При морфологическом принципе обозначаемой языковой единицей является **морфема**, т. е. значащая часть слова; одинаковые морфемы пишутся всегда одинаково, независимо от произношения, например: *кел+ди*, *кет+ди* (произносится: *кет+ти*), *от+дан* (произносится: *от+тан*) и т. д.

При фонетическом принципе обозначаемой языковой единицей является реально произносимый в каждом данном случае звук или звуко сочетание, например: *қишлоқ+га* — кишлокка, *тоғ+га* — токка, *элак+га* — элакка, *дук+га* — дукка и т. д.

29- машк. Куйидаги сўз формалари кайси принципда ёзилганлигини аниқлаш.

Кўкка, бокка, туққан, ёққан, отган, синган, йикитган, ёздирган, шошган.

30- машк. Куйидаги сўзларнинг охириги товушини тушириб талаффуз қилиш.

Баланд (высокий), хурсанд (радостный), гарчанд (хотя, даже, если бы), писанд эмас (ничего не стоит), монанд (похожий), хунарманд (ремесленник), Самарканд, гўшт (мясо).

31- машк. Нукталар ўринга керакли бўгинларни қўйиб, сўнгра ёзинг

Ол...зор (яблоне́вый сад), ме...зор (фрукто́вый сад),

пах...кор (хлопкороб), ях...лак (каток), Чи...зор (Чинланзар).

Намун а: олмазор.

32- машк. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг.

Бод — бот; мард — март; пуд — пут; ур — ўр; ун — ўн;
уз — ўз; уч — ўч; уқ — ўқ.

33- машк. Қуйидаги сўзларда у товушининг ишлатилишига эътибор беринг.

жун
кун
тун
Турғун

бутун
устун
учун
уруш

буғу
туйғу
урғу
кайғу

ҒУЛОМЖОН ПАХТАЗОРДА

(*Мирзакалон Исмоилийдан*)

Ғуломжон отаси ёнида туриб атрофга қаради. Ҳосил чиндан ҳам яхши эди. Қалин ғўзаларнинг барглари кўринмайди. Ҳамма ёқда — пахта. Ғуломжон ҳосил яхши бўлишига ишонади ва қувонади. Олтин куз ҳосилга ҳосил кўшди. Эгатлардаги тутларнинг новдалари пишиб, ерга салқин солган.


Теракзорлар янада чиройли бўлган. Улар теримчиларни карши олмоқда. Нарирокда катта тол турибди. Бултур Ғуломжон ўша тол тагида биринчи марта ашула айтган эди. У муҳаббат ҳақида қуйлаган эди. Энди ўша киз эсига тушиб кетди.

То п ш и р и қ. Текстни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

5- §

СУҲБАТ

- Ўзбек алфавитида нечта ҳарф бор?
- Ўзбек алфавитида 35 (ўттиз беш) та ҳарф бор.
- Улар қайсилар?
- Улар унли ва ундош ҳарфлар.
- Айириш ва юмшатиш белгилари ҳам борми?
- Ҳа, айириш ва юмшатиш белгилари бор.
- Унлилар нечта?



- Унлилар олтита.
- Ундошлар-чи?
- Ундошлар йигирма бешта.
- Унлилар қайсилар?
- Унлилар: *и, э, а, о, у, ў.*
- Ундошлар қайсилар?
- Ундошлар: *б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с,*
т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.
- Юмшатиш белгиси қайси?
- Юмшатиш белгиси — *ь.*
- Айириш белгиси-чи?
- Айириш белгиси — *ʼ.*

М о р ф о л о г и я

Морфология — раздел грамматики, изучающий образование форм слов, а также новых слов и определяющий всю совокупность словоформ данного языка.

СУЗ ТАРКИБИ ҲАКИДА ҚИСКАЧА МАЪЛУМОТ

(Краткие сведения о составе слов)

Морфологический состав слова не совпадает с фонетическим делением слова на слоги и звуки. В основе морфологического членения слова лежат значащие элементы слова, которые принято называть морфемами. Так, например, *ишчиларимиз* (наши рабочие) распадается на следующие части: *иш-чи-лар-имиз*. Здесь мы имеем четыре морфемы, которые не одинаковы по своему значению и функциям.

Корень слова (*суз узаги*) выражает основное лексическое значение слова и не имеет в своем составе других морфем. В приведенном примере *ишчиларимиз* корнем является *иш* (работа, дело).

Аффиксы (аффикслар, қўшимчалар) являются такими элементами, при помощи которых образуются от данного корня новые слова или новые грамматические формы. Например, в слове *ишчиларимиз -чи, -лар, -имиз* являются аффиксами.

СУЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШ ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ

(Разряды слов по структуре)

В узбекском языке слова по своей структуре могут быть: 1) простыми (*содда суз*); 2) сложными (*қўшма суз*); 3) парными (*жуфт суз*).

Простые слова состоят из одного корня, например: *иш* — работа, дело, *от* — имя, *ўқи* — читай, *китоб* — книга.

Сложные слова состоят из двух или более корней, например: *белбоғ* — кушак, *муз ёрар* — ледокол, *ошқозон* — желудок, *кузойнак* — очки.

Парные слова образуются из двух различных или одинаковых слов, например: *ота-она* — родители, *болачақа* — дети, *детвора*, *тез-тез* — часто, *катта-катта* — больше-пребольше, *сув-пув* — вода и подобные, *онда-сонда* — иногда, изредка.

34- машк. Ажратилган сўзларнинг тузлишига кўра турини айтинг.

1. Мен **мактабдош** дўстларимнинг **ширин-ширин** сухбатларини кўп соғинаман. 2. Ҳақиқий инсон ўз **отонасини** доим хурмат қилади. 3. Ленин номидаги **муз ёрар** кема жуда баланд, ун икки қаватли **уйдек** келади. 4. Бизнинг уйнимиз **темир йўл** яқинидан жойлашган. 5. Иванов билан Аҳмедовлар ўқишга **Янгийўл** районидан келишди. 6. **Мирзачўл** йилдан-йилга **гуллаб-яшнамоқда**. 7. Қорақамиш йилдан-йилга обод бўлмоқда.

35- машк. Нукталар ўрнига қуйидаги сўзлардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг ва қўшма сўзларнинг тағига чизинг.

Янгийўл, полиз, анор, Киров, Ангрен, Фрунзе, анжир, тошкўмир, Нурота.

1. Районлараро мусобақада ... райони ғолиб чиқди. 2. ... районида ёғ заводи бор. 3. ... райони пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарди. 4. ... кўмир кони халқимизга ... етказиб бермоқда. 5. Дам олиш кўни биз бувамнинг қовун ... чиқдик. 6. Бизнинг боғимизда ... ва ... бор. 7. Халқ шоирн Эргаш Жуманбулбул ... районида туғилган.

36- машк. Иккинчи устундан биринчи устундаги сўзларга мос сўзлар танлаб, қўшма отлар ясанг ва кўчиринг.

I устун

Олма
кўз
ғўза
беш
Сир
Мирза
Жалол
Катта

II устун

поя
арик
дарё
ота
ойнак
обод
кўрғон
чўл

Н а м у н а: *Олмаота.*

37- машқ. Қуйидаги содда сўзлардан жуфт сўзлар ясаиғ.

ота	паст
катта	кичик
баланд	ёмон
оқ	чақа
яхши	қора
бола	она

38- машқ. Қуйидаги содда, қўшма ва жуфт сўзлар иштирокида 6 та гап тузинг.

Сават-сават, пахтазор, синфдош, ер ёнғок, меҳмондўст, тўқ қизил, кўл қўймоқ, сотиб олмоқ, бир юз саксон, болачақа; кундан-кунга.

БИЗНИНГ ОИЛАМИЗ

Бизнинг оиламиз тўққиз кишидан иборат: бобом, бувим, отам, онам, акам, опам, синглим, укам ва мен. Бобом ва бувим — пенсионер. Отам — врач. У район касалхонасида ишлайди. Онам — ўқитувчи. У мактабда ўзбек тилидан дарс беради. Акам колхоз трактор паркида механик бўлиб ишлайди. У пахта териш машиналарини ремонт қилади. Опам — аспирант. У университет лабораториясида тажриба ўтказди. Синглим ўрта мактабда ўқийди. Укам болалар боғчасига боради. Мен Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультети студентиман. Бизнинг оиламиз аъзолари бир-бирини жуда ҳурмат қилади. Оиламизда ҳамма меҳнатни севади. Бир минут ҳам вақтимиз бекорга кетмайди. Ичимизда музика чалувчилар ҳам, расм солувчилар ҳам, ашула айтувчилар ҳам, спорт билан шуғулланувчилар ҳам бор. Меҳнат, санъат ва спорт — бизнинг дўстимиз.

Биз жуда иноқ яшаймиз.

Т о п ш и р и қ. «Бизнинг оиламиз» текстини ўқинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида гапириб беринг.

1. Сиз қаерда яшайсиз? 2. Сизнинг оилангиз неча кишидан иборат? 3. Отангиз қаерда ишлайди? 4. Онангизчи? 5. Акангизнинг касби нима? 6. Опангизнинг касби-чи? У ким бўлиб ишлайди? 7. Оилангиз аъзолари бўш вақтида нима билан шуғулланади? 8. Оилангиз иноқми?

СУХБАТ

- Ҳозир соат неча?
- Ҳозир соат беш.
- Кино қачон бошланади?
- Кино соат олтида бошланади.
- Бугун қандай фильм кўрсатилади?
- Бугун «Тоҳир ва Зухра» фильми кўрсатилади.
- Касса қаерда?
- Касса биннинг чап томонида.
- Кино қачон тамом бўлади?
- Кино соат саккизда тамом бўлади.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

(Части речи)

В узбекском языке слова различаются по своим основным значениям, а также типам формо-или слово-образования. По этим признакам они делятся на классы или части речи.

Части речи различаются по морфологическим, синтаксическим и семантическим признакам.

Части речи по семантическим и функциональным признакам разделяются на два класса:

I. Мустақил сўз

туркумлари

(Знаменательные части речи):

от (имя существительное)

сифат (имя прилагательное)

сон (имя числительное)

олмош (местоимение)

феъл (глагол)

равиш (наречие)

II. Ёрдамчи сўз

туркумлари

(Вспомогательные части речи):

кўмакчи (послелог)

боғловчи (союз)

юклама (частица)

Есть еще особые группы слов: ундов сўзлар (междометия), тақлидий сўзлар (звукоподражательные слова) и модаль сўзлар (модальные слова), которые не относятся ни к знаменательным, ни к вспомогательным частям речи.

Знаменательные части речи называют предметы, их качества или свойства, количество, действия или состоя-

ния, а также признаки этих действий или состояний. Они являются членами предложения.

Вспомогательные слова не являются членами предложения и служат для выражения отношений между словами и предложениями, а также различных смысловых оттенков слов и предложений.

ЖАМИЛАНИНГ ЎЛИМИ

(«Бой или хизматчи» драмасининг 4- пардасидан)

Ҳамза Ҳакимзода

Б о й (кириб). Жамила!

Ж а м и л а. Бой! Мана, Жамила тайёр! Сен бир ёлғиз мени эмас, ёш бир гўдакнинг уволига, қарғишларига қолдинг, зolim бой!

Б о й. Ҳай, одам, бормисан, одам! (Раҳима хола, Хонзода, Сифат-буви ва бошқалар ҳовлиқиб кирадилар.)

Ж а м и л а. Онажон!

Р а ҳ и м а х о л а. Вой болам! (Қучоқлайди, ҳушидан кетади.)

Б о й. Бу нима гап!

Х о н з о д а. Жамила! Жамила!

П о ш ш о о й и м (ҳовлиқиб кириб). Жамилахон, нима бўлди, Жамила!

Б о й (саросимада). Бу қандай бало, бу қандай офат!

Ҳ а с а н (ташқаридан). Бой ота! Сизни ҳоким тўра чақиряпти! Тез борар эмишсиз!

Б о й. Нима гап!

Ҳ а с а н. Ғофирнинг дўстлари саройингизда, заводингизда иш ташлаганлар! Қўзғолон кўтарганлар!

Т о п ш и р и к. Текстни ролларга бўлиб ўқинг.

7- §

СУҲБАТУЧУН САВОЛЛАР

- Сиз қайси шаҳарда яшайсиз?
- Сизнинг районингиз қайси?
- Шаҳарингизда қандай маданий муассасалар бор?
- Саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ҳам борми?
- Клублар, кинотеатрлар ва концерт заллари-чи?
- Шаҳарингизда қандай спорт иншоотлари мавжуд?

ОТ

(Имя существительное)

К именам существительным относятся знаменательные слова, которые являются названиями живых существ, предметов, действий, состояний, свойств, явлений реальной действительности: *шаҳар* — город, *дарахт* — дерево, *девор* — стена, *ҳайвон* — животное, *зилзила* — землетрясение, *кураш* — борьба, *ҳаракат* — движение, *уйқу* — сон, *ўйин* — игра, *севги* — любовь, *тозалик* — чистота, *яқинлик* — близость.

Имена существительные отвечают на вопросы *ким?* (кто?), *ним а?* (что?).

Вопрос *ким?*, в отличие от русского языка, относится только к человеку.

Имена существительные в предложении выполняют следующие синтаксические функции:

1) подлежащего: *Комсомол партиянинг топшириқларини бажаради.* — Комсомол выполняет поручения партии;

2) сказуемого: *Бу йигит-қизларнинг ҳаммаси — студент.* — Все эти юноши и девушки — студенты;

3) дополнения: *Бу китобни кутубхонадан олдим.* — Эту книгу я взял из библиотеки;

4) определения: *Шаҳаримизнинг кўчалари жуда чиройли* — Улицы нашего города очень красивые;

5) обстоятельства: *Отам заводда ишлайди.* — Мой отец работает на заводе.

АТОҚЛИ ВА ТУРДОШ ОТЛАР

(Собственные и нарицательные имена существительные)

Существительные по семантическим признакам делятся на собственные и нарицательные.

Собственные имена — это личные имена, фамилии, названия индивидуальных, единичных предметов и явлений. К ним относятся географические, административно-территориальные наименования, названия исторических событий, литературных и научных произведений, названия предприятий и т. п.: *Нурулла Муродов*, *Улуғ Ватан уруши*, *Ўрта Осиё*, *Волга дарёси*, *Октябрь революцияси*, «*Саодат*» *журнали*, «*Қизил ярим ой*» *жамияти*, «*Кутлуғ қон*» *романи*, «*Намуна*» *колхози*.

Нарицательными именами называются общие имена, объединяющие предметы и явления: *кўча* — улица, *дала* — поле, *ҳовли* — двор, *маданият* — культура, *тараққиёт* — развитие, *онг* — сознание и др.

Иногда собственные имена могут переходить в нарицательные например: *рентген*, *ампер* — от имен ученых, *август* — от имени римского императора Августа и т.п.

Нарицательные имена могут переходить в собственные имена: *Шарқ* — Восток, *Фарб* — Запад, *Темир* — от слова «железо», *Пулат* — от слова «сталь», *Лола* — от слова «тюльпан».

39- машк. Атоқли ва турдош отларни ажратинг.

1. Азиза ҳозир келиб тўхтаган трамвайга чиқиш учун югуриб борарди. 2. Мажлис раиси навбатдаги нотикка сўз берди. 3. Лекциядан сўнг ҳаммамиз митингга борамиз. 4. Метро комбинатга ўн минутда олиб боради. 5. Хамма сайёралардан Ерга энг яқини Марсдир. 6. Алишер Навоий ўзбек халқининг буюк мутафаккиридир. 7. Хайрихон, йиғирма беш ёшлардаги жувон, бизнинг бригадада бригадир бўлиб ишлайди.

40- машк. Аввал атоқли отларни, сўнгга турдош отларни кўчириб ёзинг.

1. Тоштемирнинг дадаси — колхозимизнинг энг илғор механизаторларидан. 2. Сирдарё билан Амударё Орол денгизига қуйилади. 3. География ўқитувчиси Волга, Дон, Днепр каби катта дарёлар ҳақида кизиқ ҳикоялар айтиб берди. 4. Бизнинг колхозимизда Ойниса, Шокир, Турсуной, Ойдин, Қодир каби илғор механизаторлар бор. 5. Тошкентга Ленинград, Киев, Бокудан делегатлар келди. 6. Герасим Мумуга узоқ вақт қараб турди. (Т.) 7. Баҳорнинг дастлабки кунлари камдан-кам бундай иссиқ бўлади. 8. Ҳусайн қўшинлари тунда Ҳиротни ташлаб чиқа бошлади. (Л. Б.) 9. Овчиларнинг чакиригига ҳеч ким овоз бермади. (Л. Б.) 10. Буюк олимимиз Берунийнинг мероси бой, кенг ва ранг-барангдир.

ТОШКЕНТ

Тошкент тарихий шаҳарлардан биридир. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари Тошкентнинг кўчалари тор, гулзор ва хиёбонлар кам эди. Меҳнаткаш халқ камбағал ва саводсиз эди.

Революциядан сўнг, совет ҳокимияти даврида, шаҳар

бутунлай ўзгариб кетди. Унда йирик саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, мактаблар, маданият саройлари, спорт иншоотлари, парклар, хибонлар, кенг кўчалар вужудга келди. Одамлар фаровон яшай бошладилар.

Бирок 1966 йилдаги зилзила шаҳарга катта зарар етказди. Шаҳарни қайтадан тиклаш зарур бўлиб қолди. Бу нинда тошкентликларга партия ва ҳукуматимиз, бутун совет халқи ёрдамга келди. Тезда шаҳар янгидан қад кўтарди. Кўплаб турар жой массивлари, янги кўчалар, кварталлар барпо этилди. Ҳашаматли бинолар, мактаб, шифохона, болалар боғчалари қурилди. Шаҳарнинг чегараси кенгайди.

Тошкент интернационал шаҳар бўлиб қолди, унда турли миллат вакиллари ахиллик билан яшамокда. Биз Тошкентни жон-дилдан севамиз ва уни янада обод қилиш учун курашамиз.

Т о п ш и р и қ. «Тошкент» текстини ўқинг ва қуйида берилган саволлар асосида ўзаро суҳбатлашинг. Сўнгра мазмунини сўзлаб беринг.

1. Тошкент қандай шаҳар? 2. У Октябрь революциясидан илгари қандай эди? 3. Революциядан сўнг қандай ўзгаришлар юз берди? 4. Зилзила шаҳарга қандай зарар етказди? 5. Тошкентликларга қимлар ёрдам берди? 6. Нима учун Тошкентни дўстлик шаҳри деймиз?

У МАНГУ ЯШАЙДИ

(Х а б а р)

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, инкилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 100 йиллигига бағишланган кеча ана шу мавзуда ўтказилди. Ульянов райони марказида уюштирилган бу тадбир театрлаштирилган адабий-бадний музикали композиция билан бошланди. Район кўнгилли китобсеварлар жамиятининг бошланғич ташкилоти билан А. Навоий номи марказий кутубхона ходимлари, Ҳамза номидаги мактаб ўқувчилари ижросидаги шоирнинг «Яша, Шўро!», «Ишчилар, уйғон!», «Турсуной марсияси», «Хуш келибсиз!» номи шеърлари, «Майсаранинг иши» комедиясидан сахналар ҳамзахолик кечаси қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. («С. Ўзб.»)

Т о п ш и р и қ. 1. Текстни ўқиб, мазмунини айтиб беринг. 2. Ўзбекистон телевиденисининг ўзбекча «Ахбо-

рот» программасини кўриб бординг ва бир кунлик ахборот мазмунини қискача сўзлаб беринг.

8-§

СУХБАТ

- Тошкентда қандай транспорт турлари бор?
- Тошкентда метро, троллейбус, трамвай ва автобус бор.
- Метронинг қайси станцияларини биласиз?
- «В. И. Ленин номидаги майдон», «Пахтакор», «Халқлар дўстлиги», «Хамза» станцияларини яхши билман.
- Метро қандай транспорт?
- Метро жуда қулай транспорт.
- Метронинг нечта йўли бор?
- Метронинг ҳозирча Чилонзор, Ўзбекистон йўллари ншлаб турибди.

ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ

(Категория принадлежности)

Категория принадлежности — одна из грамматических категорий существительного, которая устанавливает отношение принадлежности между обладателем и предметом обладания.

Отношение принадлежности выражается морфологическим способом, т. е. с помощью аффикса принадлежности.

Морфологический способ выражения принадлежности — это соединение в одном слове названия предмета обладания с аффиксами принадлежности, которые указывают на лицо обладателя.

ЭГАЛИК АФФИКСЛАРИ

(Аффиксы принадлежности)

Б и р л и к	К ў п л и к
(ед.ч.)	(мн.ч.)
I шахс (лицо) — (и)м	-(и)миз
II шахс (лицо) — (и)нг	-(и)нгиз
III шахс (лицо) — (с)и	-(с)и, (лар)и

Для единственного и множественного числа имеются свои аффиксы принадлежности. Кроме того, для каждого лица существуют два варианта аффиксов: один — для слов, оканчивающихся на согласный, второй — для слов, оканчивающихся на гласный: *отам* — мой отец, *китобим* — моя книга и т. д. Аффиксы принадлежности ударны.

Б и р л и к	К у п л и к
(ед.ч.)	(мн.ч.)
<i>отам</i> (мой отец)	<i>отамиз</i> (наш отец)
<i>отанг</i> (твой отец)	<i>отангиз</i> (ваш отец)
<i>отаси</i> (его отец)	<i>отаси</i> /ёки оталари/ (его отец или их отец)
<i>китобим</i> (моя книга)	<i>китобимиз</i> (наша книга)
<i>китобинг</i> (твоя книга)	<i>китобингиз</i> (ваша книга)
<i>китоби</i> (его книга)	<i>китоби</i> /ёки китоблари/ (его книга или их книги)

В двухсложных словах, оканчивающихся на глухие согласные *к* и *қ* при прибавлении аффиксов принадлежности *к* переходит в *г*, *қ* в *ғ*: *челак* — *челаги* (его ведро), *ўртоқ* — *ўртоғим* (мой товарищ).

Данное правило не распространяется на односложные и некоторые трехсложные слова: *ўқ* — *ўқи* (его стрела), *нок* — *ноки* (его груша), *иттифоқ* — *иттифоқи* (их союз), *иштирок* — *иштироки* (его участие).

Имеется четыре вида притяжательных сочетаний слов:

1) когда обладатель один, а предметов обладания несколько: *унинг акалари* — его старшие братья;

2) когда обладатель один и предмет обладания один: *унинг акаси* — его старший брат;

3) когда обладателей много и предметов обладания несколько: *уларнинг акалари* — их старшие братья;

4) когда обладателей много, а предмет обладания один: *уларнинг акаси* — их брат.

При морфолого-синтаксическом способе выражения категории принадлежности идея принадлежности выражается с помощью аффикса родительного падежа (караткич келишиги) личных местоимений и соответствующих им аффиксов принадлежности, которые присоединяются к названию предмета обладания: *менинг ишим*, *сенинг хатинг*, *унинг мақоласи*, *бизнинг хонамиз*, *сизнинг кутубхонангиз*, *уларнинг уйи*.

Кроме того, значение принадлежности также может

быть выражено аффиксом *-ники*. В этом случае слово с аффиксом *-ники* выполняет функцию сказуемого: *Бу дафтар меники*. — Эта тетрадь моя. *Китоб Каримники*. — Книга — Карима.

41- машк. Куйидаги сўзларга эгалик аффиксларини қўйиб гаплар тузинг:

Мактаб, оила, боғ, ватан, ҳовли.

42- машк. Куйидаги парчани ўқинг ва ундаги эгалик қўшимчаларини аниқланг.

У дори менинг таржимаи ҳолимга сингиб кетган, ахир! Тушуяпсизми? Менинг бутун қувончларим, завқларим, ҳаётимнинг маъноси. Ватан олдидаги бурч, илк муҳаббатим ҳам... ўша билан боғлиқ. Усиз ўтмишим йўқ... Шунақа бўларкан-да ҳаёт!.. Илтимос, тўхтатинг... Анавинга қаранг! Йўл ёқасига! Ажриқзоргайм сепишибди-ку? Сап-сарик бўлиб ётибди! (Ш.Х.)

43- машк. Ўзбек тилига ёзма таржима қилинг.

Детский мир. Дворец Советов. Дворец культуры. Дом счастья. Дом пионеров. Дворец спорта. Спортивные товары. Дворец дружбы народов. Средняя школа. Высшая школа.

44- машк. Нукталар ўрнига эгалик қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни ўқинг.

1. Группада ҳамма студентлар — комсомол аъзо... .
2. Уларнинг оила... Фаргона шаҳрида яшайди. 3. Менинг она... шаҳар Совет...да ишлайди. 4. Сизнинг китоблар... менда. 5. Сенинг муваффақият... мени хурсанд қилади. 6. Ўзбекистоннинг пойтахт... — Тошкент. 7. Оилам Навоий шаҳр...да яшайди. 8. Мен тил ва адабиёт факультет...да ўқийман.

45- машк. Куйидаги парчани ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Мукаддас Москва бўсағасида
Тўкилган покиза катра қоним бор,
Жангу жадалларнинг ўт кўрасида
Қуйиб орзуланган ўлмас жоним бор.

Москвани севамиз, чунки Москва
Мазлум Шарку Ғарбнинг халоскоридир.
Москвани севамиз, чунки Москва
Халқларнинг таянчи, ифтихоридир. (Ғ. Ғ)

ИБН СИНОНИНГ БОЛАЛИГИ

(«Кўҳна дунё» романидан)

Одил Ёқубов

Ибн Сино тунги шудрингда ҳўл бўлган чодир этагини кўтариб, ташқарига чикди.

Бепоеъ дашт артилган тилладай тиниқ йирик юлдузларга тўла, гўё осмон билан дашт қўшилиб кетган-у, оппоқ йирик юлдузлар баҳорги гиёҳлар орасига тарикдай сочилиб кетган, гўё уларни ховучлаб териб олса, ховучлаб сочиб юборса бўлади.

Ибн Сино, тўсатдан юраги «шиғ» этиб, чодир ёнида тўхтади. Қўз олдига худди мана шундай илиқ тун қўйнида, тупроқ йўлда кетаётган ҳўкиз арава келди, арава узра аста айланаётган тунги осмон ўшанда мана шундай оппоқ, мусаффо юлдузларга тўла эди.

— Бибижон?

— Ҳов, олтиним? Нечун ухламайсен?

Қоронғида тилла тақинчоклар нозик жаранглайди, сўнг уч-тўрт яшар гўдакнинг димоғига «гуи» этиб сут ва иссиқ нон ҳиди уради. Кичкина Абу Али онаси Ситорабону-нинг илиқ кафтини тутиб, чўлп-чўлп ўпади, юзига, кўзларига суртади.

— Бу юлдузлар қайдан келган, бибижон?

— Уларни олло яратган, олтиним.

— Олло қайда, бибижон?

— Етти кават осмоннинг устида, арши аълода. Ухла, кўзичоғим..

— Бу юлдузларнинг оти борми, бибижон?

— Бор, олтиним, уларни уламолар билади. Катта бўлганингда сен ҳам уламо бўласен... Шунда ҳаммасини билиб оласен.

То пширик. Текстни ўқинг. Саволлар тузинг ва суҳбатлашинг.

НАША СЕМЬЯ

Наша семья живет в городе Намангане. Мой отец — рабочий. Дедушка и бабушка — пенсионеры. Моя мама работает в районной поликлинике. Она врач. У меня есть старшая сестра и старший брат. Брат — аспирант педагогического института им. Низами. Моя старшая сестра работает в школе. Сестренка ходит в детский сад. Вечером

отец читает газету или журнал. Мама отдыхает. Сестра играет на пианино. Мы ее слушаем. Мы все живем очень дружно.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўзбек тилига таржима қилинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

9- §

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сизнинг факультетингиз 7 Ноябрь байрамига қандай тайёргарлик кўряпти?
2. Группангиз студентлари-чи?
3. Байрамга сиз қандай тайёргарлик кўряпсиз?
4. Байрамга бағишланган кеча қачон ва қаерда бўлади?
5. Байрам кечасига кимлар таклиф қилинган?

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

(Категория падежа)

Падежами называются грамматические формы, показывающие различные отношения существительных к другим словам в предложении, например: *Акам Ленинграддан қайтиб келди* (акам — подлежащее). — Брат вернулся из Ленинграда. *Мен акамни кутиб олдим* (акамни — дополнение). — Я встретил брата. *Мен акамнинг буюмларини олиб келдим* (акамнинг — определение). — Я нес вещи брата. *Акам, акамни, акамнинг* — это различные падежи слова *акам*.

Падежей в узбекском языке шесть: бош келишик (именительный или основной), караткич келишиги (родительный), жўналиш келишиги (дательный), тушум келишиги (винительный), ўрин-пайт келишиги (местный), чиқиш келишиги (исходный).

Изменение слов по падежам называется склонением (турланиш).

ОТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ

(Склонение имен существительных)

Келишиклар — падежи	Кушимчалар — аффиксы	Суроклар — вопросы
Бош келишик — Именительный падеж Қараткич келишиги — Родительный падеж	— <i>нинг</i>	<i>ким? нима? қаср?</i> — кто? что? какое место? <i>кимнинг? ниманинг? қаср- нинг?</i> — кого? чего? какого места?
Жуналиш келишиги — Дательный падеж Тушум келишиги — Винительный падеж	<i>-га, -ка, -қа</i> <i>-ни</i>	<i>кимга? нимага? қаерга?</i> — кому? чему? куда? <i>кимни? нимани? қаерни?</i> — кого? что? какое место?
Урин-пайт келишиги — Местный падеж Чикиш келишиги — Исходный падеж	<i>-да</i> <i>-дан</i>	<i>кимда? нимада? қаерда?</i> <i>қачон?</i> — у кого? где? когда? <i>кимдан? нимадан? қаер- дан?</i> — от кого? от чего? откуда?

БОШ КЕЛИШИК

(Именительный или основной падеж)

Именительный (основной) падеж (бош келишик) выступает в предложении в качестве:

1) **подлежащего** (эга): *Студентлар имтиҳон топширдилар.* — Студенты сдали экзамен. *Тошкент — дўстлик ва биродарлик шаҳри.* — Ташкент — город дружбы и братства;

2) **именного сказуемого** (от-кесим): *Ҳозирги асосий вазифа — қайта қуриш.* — Основная задача данного момента — перестройка. *Мен студентман.* — Я студент. *Отам — ўқитувчи.* — Мой отец — учитель;

3) **прямого дополнения** (воситасиз тўлдирувчи): *Менга битта китоб беринг.* — Дайте мне одну книгу;

4) **определения** (аникловчи): *бир пиёла чой* — одна пиала чая, *бир машина кўмир* — одна машина угля;

5) **обстоятельства времени** (пайт холи): *Бу йил қиш қаттиқ келди.* — Зима в этом году была суровой. *Уни бир ой кўрмадим.* — Я не видел его целый месяц;

6) **приложения** (изохловчи): *Қурувчи-инженер доклад қилди.* — Доклад сделал инженер-строитель.

46- машқ. Қуйидаги гапларни ўқинг, бош келишикдаги отларни аниқлап.

1. Денгиз ёзда атрофдаги хароратни пасайтиради, кишда эса хавони илитади. 2. Пионерлар лагерда куплаб

бадний асарлар ўқиб, билимларини бойитдилар. 3. Совет олимлари Ернинг сунъий йулдошини ихтиро қилдилар. 4. Механик-ҳайдовчи пахта териш машинасини юргизди. 5. Культиватор, сеялка ва пахта териш машиналари колхозчилар меҳнатини енгиллаштиряпти.

47- машк. Қўчиринг. Бош келишикдаги от қайси гап бўлаги бўлиб келганлигини аниқланг.

1. Тарихдан «беш» олдим, дўстим. 2. Раъно, кеча нима учун концертга келмадинг? 3. Тонг нақадар гузал! 4. Баҳор. Қушлар ўйнар осмонда. 5. Биз ҳаммамиз — аълочи студентлармиз. 6. Халққа астойдил хизмат қилишга урганиш керак. 7. Бизнинг колхозда дам олиш уйи қурилди. 8. Кекса она ўз ўғлини кутар эди. 9. Почтальон менга телеграмма берди. 10. Студент Мавлонов машгулотга шўшилар эди. 11. Одессадан биз «Грузия», «Ўзбекистон» теплоходларида келдик.

48- машк. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилиб, қўчиринг. Бош келишикдаги отини аниқланг, гапдаги вазифасини айтинг.

1. Вступил в строй завод-гигант. 2. В магазине продаются часы-будильники. 3. Старшина Егоров был в то время в разведке. 4. Женщин-врачей до революции было очень мало. 5. Депутат Каримов выехал в район. 6. Мой брат работает агрономом. 7. Мой отец — колхозник. 8. Моя мать — учительница.

ЖАНГ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(«Қуёш қораймас» романидан)

Ойбек

Хаво даҳшатли совуқ. «Туф» деса, ях тушади. Қор бўрони туну қуп тишимсиз қутуради. Рус киши — қаҳратон киши авжида. Асрларни қурган кум-қук дов арчалардан бошлаб, то бир қарич нафис болача арчаларга қадар барчаси муҳташам қор кийимда кўркам ва мағрур турадилар. Бироқ фашистлар ўзларининг юпун кийимларида пачор ва ожиз ҳолда эса-да, Москва сари ингилар эдилар. Лекин Москва пулатдан қуйилган тилсимли қурғон каби метин ва зур прода билан курашмоқда. Жангчиларимиз фашистларни техника — танк, авиация ва турли даҳшатли пулемётлар ёрдами билан ҳамон қириб, топтаб янчмоқда давом этадилар. Қаҳрамон аскарларимиз улимни писанд этмайдилар. Москва енгилмас ва смирилмас бир тоғ каби муаззам турар. Атрофи бакувват

пишик мудофаа халкаларига ўралган. Москваликлар — ёш-қари — барчаси кеча-кундуз уйқудан, роҳатдан воз кечиб, минг азоб ва қийинчиликларга дош бериб, шаҳарни маҳкамлади. Дабдаба билан Европани босиб утган немиснинг тини Москва бусағасида сииди, ушатди. Улар ҳамон янги ва янги дивизиялари, минглаб танк ва самолётлари билан жаҳоннам оловини ёғдирсалар-да, бизнинг халқимизнинг, жангчиларимизнинг продасини бука олмадилар, сиидира олмадилар. Нафрат ва ғазабимиз, кин ва уч юракларимизда жўшарди. Энг ёш қизларимизга қадар қурбон бўлишга, осилиш ва отилишга рози бўлдилару, аммо душман йўлини тўсдилар. Москвага киришга йўл бермадилар. Бутун совет халқларининг кучи бир забардаст муштга тупланиб етди.

Т о п и ш и р и к. Текстни ўқинг. Бир неча савол тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

10- §

С У Ҳ Б А Т

- Бу қайси колхоз?
- Бу Карл Маркс номидаги колхоз.
- Колхоз нима экади?
- Колхоз сабзавот ва поллиз экинлари экади.
- У қандай сабзавотлар етиштиради?
- У сабзи, пшэ, бодринг, карам, бақлажон; болгар каламшири ва картошкалар етиштиради.
- Мевалардан-чи?
- Мевалардан олма, ўрик, шафтоли ва узумлар етиштиради.
- Колхозда сут фермаси ҳам борми?
- Ҳа, колхозда сут фермаси ҳам бор.
- Паррандачилик-чи?
- Товуқ фермаси шаҳар аҳолисига гўшт ва тухум етказиб беради.
- Колхозчилар қандай яшайдилар?°
- Колхозчилар яхши яшайдилар.

ҚАРАТҚИЧ ҚЕЛИШИГИ

(Родительный падеж)

Слова, стоящие в родительном падеже, отвечают на вопросы *к и м и г н и г?* — *кого?* *чей?*, *н и м а н и н г?* — *чего?* Например: *педагогика институтининг студентлари* —

студенты педагогического института; *Умаровларнинг оиласи беи кишидан иборат*. — Семья Умаровых состоит из пяти человек.

Имена существительные, стоящие в родительном падеже, являются определением и согласуются с определяемым словом в лице и числе. Они имеют при себе соответствующий притяжательный аффикс: *Колхозимизнинг богида ҳар хил мевали дарахтлар усади*. — В саду нашего колхоза растет много фруктовых деревьев. *Бизнинг мактабимиз Пушкин кўчасида*. — Наша школа находится на улице Пушкина. *Менинг отам университетда ишлайди*. — Мой отец работает в университете.

Слова, стоящие в форме родительного падежа, могут быть оформленными и неоформленными. В оформленном родительном падеже слова употребляются в следующих случаях:

1) если имя собственное: *Каримнинг уйи* — дом Карима;

2) если слова употребляются в значении источника чего-то: *ўқитувчининг фикри* — мысли учителя, *студентнинг доклади* — доклад студента;

3) если имена имеют аффикс *-лар*, т.е. значение множественного числа, и при этом не обозначают признаки, т.е. являются субстантивированными: *меҳнаткашларнинг турмуши* — жизнь трудящихся, *илгорларнинг вазифаси* — обязанности передовиков;

4) если между словом, стоящим в родительном падеже, и словом, имеющим при себе притяжательный аффикс, стоит другое слово: *йилнинг совуқ пайти* — холодное время года: *Кеча студентларимиз Ўзбекистоннинг атоқли кишилари билан учрашишди* — Вчера наши студенты встретились со знатными людьми Узбекистана;

5) если части речи субстантивированные: *Илгорларнинг иши ҳаммани хурсанд қилади*. — Работа передовиков радует всех;

6) если слова, стоящие в родительном падеже, имеют при себе притяжательный аффикс: *сингелимнинг богчаси* — садик моей сестренки;

7) если перед словами, стоящими в родительном падеже, имеется определение: *Бу ҳовлининг эгаси — Алиев*. — Хозяин этого двора (дома) — Алиев.

Имена, стоящие в родительном падеже, в следующих случаях не оформляются:

1) если имена абстрактные: *дил орзуси* — желание

сердца, *ақл кучи* — сила ума, *виждон амри* — веление совести (чести);

2) если определяемые слова с притяжательными аффиксами употребляются с временным значением: *сахар чоғи* — на рассвете (рассвет);

3) если принадлежность носит общественный характер: *Ватан шиқи* — любовь к Родине, *колхоз боғи* — колхозный сад, *шаҳар кўчаси* — городская улица.

Если в предложении несколько слов стоят в родительном падеже, то аффикс родительного падежа прибавляется к последнему из них, остальные слова употребляются в неоформленном родительном падеже: *давлат университети рус филологияси факультети студенти Платоновнинг ёзма иши* — письменная работа студента факультета русской филологии государственного университета Платонова.

49- машк. Ўқинг. Белгилли ва белгисиз қараткич келишигидаги отларни аниқлаб, уларни белгилли ва белгисиз келиши сабабини айтинг.

1. Колхознинг донғи бутун районга кетди. 2. Колхоз клубида катта концерт бўлди. 3. Университетнинг кутубхонаси студентлар билан доим гавжум бўлиб туради. 4. Муборак, Тамара ва Дилбарнинг квартиралари Чилонзорда. 5. Илғорларнинг ишидан доим урпак оламиз. 6. Яхши доклад қилганларнинг ҳаммаси мукофотланди. 7. Бизнинг оталаримиз Улуғ Ватан уруши бошланганда кўнгилли бўлиб армияга кетган. 8. Мактаб боғини ўқувчиларнинг ўзлари яратишган.

ВОЛОДЯ УЛЬЯНОВ

У Володи Ульянова была небольшая комната. В комнате на стене висела карта. У окна была полка с книгами.

В этой комнате Володя учил уроки. Он любил читать книги. Володя часто ходил в библиотеку и там брал книги.

Учился Володя отлично. У Володи был товарищ — Коля. Володя часто помогал своему товарищу. Помогал Володя и другим товарищам. В классе Володю любили и уважали.

То п ш и р и қ. «Володя Ульянов» текстини ўзбек тилига таржима қилинг. Белгилли ва белгисиз қараткич келишигини олган отларни аниқланг.

50- машк. Қуйидаги қараткичли бирикмалар иштирокида гаплар тузинг.

Институт ҳовлиси, катталарнинг насиҳати, Пушкин кўчасининг кўриниши, Раҳимнинг доклади, меҳнатимизнинг патижаси.

СТУДЕНТЛАР ОШХОНАСИДА

Институтимизнинг ошхонаси бор. Бу ошхона институт ҳовлисидаги икки қаватли бинода. Пастки қаватда буфет бор. Ўқитувчи ва студентлар овқатланишади. Овқатланиш зали катта ва ёруғ. Залга замонавий ихчам, чиройли стол-стуллар қўйилган. Стол устида ҳамеша вазада гул, шунингдек, горчица, мурч, туз ҳамда қоғоз салфеткалар туради. Зина ёнидаги гуллар эса зал ҳуснига ҳусн қўшган. Залнинг деразалари катта, уларга шохли пардалар осилган. Девордаги расмлар хонанинг кўринишини яна ҳам кўркем қилиб турибди.

Ошхонада ҳар хил таомлар тайёрланади. Палов, маства, шўрва, манти, лағмон каби миллий таомлар билан бирга қарам шўрва, котлет, шчи, рагу каби турли европача овқатлар ҳам тайёрланади.

Ошхона ходимлари сезгир ва ҳушмуомаладир. Биз улардан миннатдормиз.

Т о п ш и р и қ л а р. 1. Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. 2. Ўқув юртингиз ошхонаси ҳақида гапириб бериш.

11-§

СУҲБАТ

- Сизнинг институтингизда кутубхона борми?
- Ҳа, институтимизда кутубхона бор.
- Кутубхонангиз нечанчи қаватда?
- Кутубхонамиз биринчи қаватда.
- Кутубхонангизда қандай ўқув заллари бор?
- Кутубхонамизда ўқитувчилар ва студентлар учун алоҳида-алоҳида ўқув заллари бор.
- Сиз кутубхонадан қандай фойдаланасиз?
- Мен кутубхонада семинар ва лекцияларга тайёрланаман.

ЖҰНАЛИШ КЕЛИШИГИ

(Дательный падеж)

Слова, стоящие в дательном падеже, обозначают объект действия, место, время и отвечают на вопросы *ким га?* — кому?, *ним а га?* — чему?, *почему?*, *ка е р га?* — куда? Они имеют аффикс *-га*: *шоирга* — поэту, *уқишга* — учебе, *далага* — в поле, *эртага* — завтра.

Если слова оканчиваются на *к* или *г*, то аффикс этого падежа произносится и пишется в форме *-ка*: *барг* — *баркка*, *Артек* — *Артекка*. Если основа слова оканчивается на *қ* или *г*, то аффикс дательного падежа пишется и произносится в форме *-қа*: *қишлоқ* — *қишлоққа*, *тоғ* — *тоққа*.

Слова, стоящие в дательном падеже, выполняют следующие синтаксические функции:

1) отвечая на вопросы *ким га?* — кому?, *ним а га?* — чему? выполняют функции косвенного дополнения: *Дарсларни бўш ўзлаштирувчи студентларга ёрдам бериш керак*. — Студентам, слабо усвоившим предмет, нужно помочь;

2) отвечая на вопрос *ка е р га?* — куда?, выполняют функции обстоятельства места: *Студентлар аудиторияга кирдилар*. — Студенты вошли в аудиторию;

3) отвечая на вопросы *ка чо н?* — когда?, *ка чо н га ч а?* — до каких пор?, выступают в функции обстоятельства времени: *Студентларнинг илмий конференцияси мартга қўчирилди*. — Научная конференция студентов перенесена на март (месяц).

51-машк. Пукталар урнига қараткич ва жўналиш келишик қўшимчаларидан мосини қўйиб, қўчиришг.

1. Ўртоғим... укаси Рус тили ва адабиёти педагогика институти... ўқиш... кирди. 2. Ўртоғим укаси... хат ёзди. 3. Биз Самарқанд... экскурсия... бордик. 4. Қишки сессиядан кейин биз... студентларимиз Ленинград... бормоқчилар. 5. Кеча акам Совет Армияси сафи... хизмат... кетди. 6. Иванов... онаси район касалхонасида врач бўлиб ишлайди. 7. Залдагилар докладчи... сузини диққат билан тингладилар. 8. Бугун коммунистик шанбалик... ҳамма келди. 9. Кеча университет... келган меҳмонлар хурсанд бўлиб кетдилар. 10. Олий ўқув юртини битириб, областлар... иш... кетамиз.

52- машк. Куйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Биз мисолларни аввал доскага, кейин дафтарга ёздик. 2. Улар дам олгани паркка борадилар. 3. Поездимиз Тошкентга етиб келди. 4. Биз семинарларга ўз вақтида тайёрланамиз. 5. Мен китобимни кеча Василийга бердим. 6. Фаргонага кетиш учун поездга билет олдим. 7. Ўғилларнинг жавобларига қонил қолдик.

53- машк. Куйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг, қилиш кушимчаларининг ишлатилишига эътибор беринг.

1. Мы с товарищами отправились на охоту. 2. Брат усиленно готовится к экзаменам. 3. Болезнь заставила писателя переселиться в Крым. 4. Андреев положил письмо в карман. 5. Каримов приближался к месту своего назначения. 6. Отец Наташи приехал в Ташкент еще совсем молодым. 7. Мой старший брат уехал учиться в Ленинград. 8. Наша группа после сессии собирается поехать в Москву на экскурсию.

БИЗНИНГ КУТУБХОНАМИЗ

Институт кутубхонаси бош корпусининг биринчи кавати-га жойлашган. Унда ҳамма фанларга оид китоб ва журналлар бор. Ўқитувчи учун алоҳида, студент ва аспирантлар учун алоҳида ўқув заллари бор. Китоб каталоглари тартиб билан қўйилган. Биз дарсдан кейин бир оз дам олиб, сўнг кутубхонага борамиз. Кутубхонадан кеча айтиб қўйилган китобларимизни оламиз. Кеч соат ун биргача утириб ўқиймиз ва конспект тузамиз.

Кутубхона заллари яхши безатилган. Залнинг деворларида ёзувчиларнинг расмлари осибди. Турли турибди. Стендларга янги китоблар ва журналлар қўйилган.

Кутубхонамизда махсус консультант ҳам бор. У кутубхонамизга оид турли саволларимизга жавоб беради.

Китобхонлар қўлигига карамай, кутубхоначилар уларнинг талабларини тез қондирадилар.

Бу ерда Совет Иттифоқида ва чет элларда нашр қилинган турли тиллардаги адабиётларни топиш мумкин.

Китоб — бизнинг дўстимиз. У билимимизни бойитади.

Т о п ш и р и к л а р. 1. «Бизнинг кутубхонамиз» тексти-ни мустақил ўқинг ва мазмунини ўзбек тилида сузлаб беринг.

2. Ўз кутубхонангиз туғрисида сузлаб беринг.

СУХБАТ

- Сизнинг дўстларингиз борми?
- Ҳа, дўстларим кўп.
- Улар кимлар?
- Улар, асосан, мен билан бирга институтда ўқиган кишилар.
- Улардан энг яқини ким?
- Улардан энг яқини Нина Ивановна.
- У киши нима иш қилади?
- У моҳир педагог.
- Сизлар учрашиб турасизларми?
- Ҳа, биз тез-тез учрашиб турамыз.
- Нималар ҳақида суҳбатлашасиз?
- Кўпинча халқаро аҳвол ҳақида суҳбатлашамиз?
- Фан ва маданият ҳақида ҳам суҳбатлар буладими?
- Албатта.

ТУШУМ КЕЛИШИГИ

(Винительный падеж)

Слова, стоящие в винительном падеже, отвечают на вопросы *кимни?* — кого?, *нимани?* — что? и всегда сочетаются с переходными глаголами: *Китобни ол.* — Возьми книгу. *Студентни чақир.* — Вызови студента.

В современном узбекском литературном языке винительный падеж имеет аффикс *-ни*.

Слова, стоящие в винительном падеже, обычно выполняют функцию прямого дополнения: *Колхоз ерларини тракторлар билан ҳайдаймиз.* — Колхозную землю вспашем тракторами.

Винительный падеж бывает оформленным и не-оформленным.

Винительный неоформленный падеж употребляется, если объект разговора носит общий характер, т.е. не конкретизируется, например: *Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади.* — Одни строят арыки, тысячи пьют из них. *Биз кўчат ўтқаздик.* — Мы посадили деревья.

Оформленный винительный падеж употребляется в следующих случаях:

1) при собственных именах существительных: *Каримни чақиринг.* — Вызовите Карима;

2) при личных, вопросительных или возвратном местоимении: *У мени ўз уйига таклиф қилди.*— Он пригласил меня к себе. *Сиз кимни сўраяпсиз?*— Вы кого спрашиваете? *Володя ўзини ҳеч кимга таништирмади.*— Володя никому не представился;

3) при субстантивированно употребленных именах: *Менга сариғини беринг.*— Дайте мне желтую. *У билганини сўзлаб берсин.*— Пусть он расскажет то, что знает. *Биринчисини олинг, мен иккинчисини оламан.*— Возьмите первое, я возьму второе;

4) при словах, имеющих грамматическое определение: *Муҳаббатнинг отасини кўрдим.*— Я видел отца Мухаббат. *Ўқитувчи бизга қизиқ ҳикоялар айтиб берди.*— Учитель рассказал нам интересные рассказы. *У ўз китобини олди.*— Он взял свою книгу. *У кутубхонадан олган китобларини топширди.*— Он сдал книги, которые взял в библиотеке;

5) при аффиксах принадлежности: *Мен сен келганингни бугун эшитдим.*— Я сегодня услышал о твоём приезде;

6) если слова выражены: а) причастием: *Унинг келганини кўрдим.*— Я видел его приезд; б) именами действия: *Акам ўқишни битирди.*— Мой брат окончил учебу.

54- машқ. Қуйидаги гапларни ўқинг, тушум келишигидаги отларнинг белгилари ёки белгисиз формада келиш сабабларини айтинг.

1. Мамлакатимизнинг ҳамма ерини экинзор, мевазор ва гулзорга айлантирамиз. 2. Биз қишда кийинладиган иссиқ кийимларни сандиққа солиб қўйдик. 3. У ўзининг севган ижодий ишини давом эттирди. 4. Яхши ўқувчи дарсларини ўз вақтида тайёрлаб, бадний китобларни ҳам ўқиб туради. 5. Студентлар ҳар доим ўтилган дарсларни такрорлаб турадилар. 6. Бугун ўқитувчимиз диктант ёздирди. 7. Кеча магазиндан ўзбекча китоб сотиб олдим. 8. Институтимизнинг ўқув залида студентлар дарс тайёрламоқдалар.

55- машқ. Нукталар ўрнига тегишли қўшимчаларни қўйиб, гапларни ўқинг ва қўчириб ёзинг.

1. Мен у... кутубхонада кўрдим. 2. Наядан олган «Ўзбек тили» китоби... менга бериб тур. 3. Акам дўстлари... ўзининг туғилган кунига таклиф қилди. 4. Икков... мен ўқув залида кўрдим. 5. Ўзбек тили... биз қунт билан ўрганмоқдамиз. 6. Бу йил ёзги каникул... қишлоғимда ўтказмоқчиман. 7. Институтга келган меҳмонлар...

яхиши кутиб олдик. 8. Чимёнга чиқиш... дам олиш кунига қолдирдик.

56- машк. Қуйидаги феълларни таржима қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Работать, сеять, убирать, собирать, сдавать, выполнять, получать, пригласить, встретить, проводить.

ЛЕНИН ВА ТОШКЕНТ

Ленин нури мамлакатимизнинг ҳамма ерида, шунингдек, ҳар бир тошкентликнинг хонадонида ҳам иорлаб турибди. Бу ҳам электр нури, ҳам билим нуридир. Тошкентда ГОЭЛРО плани асосида дастлабки гидро-станциялардан бири қурилди. Бундан 68 йил муқаддам шаҳримизда Ўрта Осиёда биринчи университет очилди. Бу эса Тошкентнинг маданий ривожланишида катта роль уйнади.

В. И. Ленин бутун халққа Октябрь ғалабасини ҳимоя қилишини, халқларимиз ўртасидаги дўстлиқни, ишчи ва деҳқон ҳамкорлигини куз қорачиғидай асрашини васият қилган эди.

Барча совет халқи қатори тошкентликлар ҳам Ильич васиятларини амалга оширмоқда. Тошкент халқлар дўстлигининг улкан қалъасига айланиб қолди. Бу дўстлик зилзиладан сўнг пойтахтни тиклаш ва қайта қуришда қатнашган иттифокдош республикалар вакилларининг меҳнати туфайли янада мустақкамланди.

То п ш и р и к. Қуйидаги саволлар асосида текст мазмунини сузлаб беринг:

1. Халқимиз «Ленин нури» деб нимани айтади?
2. Тошкентда Октябрь социалистик революциясидан кейин қандай ўзгаришлар руи берди?
3. В. И. Ленин бизга нималарни васият қилган эди?
4. В. И. Ленин васиятлари қандай амалга ошмоқда?
5. Нима учун Тошкентни дўстлик шаҳри деймиз?

13- §

СУХБАТ

- Ўзбекистонда боғлар қупми?
- Ҳа, Ўзбекистон — қукаламзор республика.
- Унда қандай дарахтлар ўсади?
- Унда мевали ва мевасиз дарахтлар ўсади.

- Қандай мевали дарахтларин биласиз?
- Олма, ўрик, шафтоли, нок, гилос, олча, олхўри, ёнгок каби мевали дарахтларин биламан.
- Мевасиз дарахтлардан-чи?
- Мевасиз дарахтлардан терак, тол, қайрағоч, арчаларин биламан.
- Ўзбекистонда узумзорлар, олмазорлар, анорзорлар ва анжирзорлар борми?
- Ўзбекистонда узумзорлар, мевазорлар ҳамма областда бор.

ЎРИН-ПАЙТ КЕЛИШИГИ

(Местный падеж)

Местный падеж указывает на место и время совершения действия, местонахождение лица и предмета.

Слова, стоящие в местном падеже, имеют аффикс *-да*: *Улар қишлоқда туради.* — Они живут в кишлаке. *Қитоб жавонида китоблар кўп.* — На столе много книг. *Биз соат ўнда уйга келамиз.* — Мы придем домой в десять часов. *Бу воқеа Тошкентда бўлди.* — Это случилось в Ташкенте.

Слова в местном падеже выступают в синтаксической функции:

1) косвенного дополнения. Отвечают на вопросы *ким да?* — у кого?, *ним да?* — на чем?: *Наташда ўзбек тилини ўрганишга ҳавас катта.* — У Наташи большое желание изучить узбекский язык. *Мен кирганда, у телефонда гаплашаётган эди.* — Когда я вошла, он говорил по телефону;

2) обстоятельства места. Отвечают на вопрос *ка ер да?* — где?: *Ҳамма механизаторлар ҳозир пахта даласида.* — Все механизаторы сейчас на хлопковых полях;

3) обстоятельства времени. Отвечают на вопрос *ка чо и?* — когда?: *Бизнинг лекциямиз соат тўққизда бошланади.* — Наша лекция начнется в девять часов;

4) сказуемого. Отвечают на вопросы *ка ер да д и р?* *не ч а д а?* *ким да?* или *ним да?*, выражая состояние, возраст, местонахождение предмета или место действия: *Студентлар аудиторияда.* — Студенты в аудитории. *Укам саккиз ёшда.* — Братнишке восемь лет. *Бизнинг мамлакатимизда кексалар доим иззатда.* — В нашей стране пожилые всегда в почете. *Ҳамма гап дарсни тайёрламаганликда.* — Вся причина в том, что урок не подготовлен.

РУС ТИЛИДАГИ ПРЕДЛОЖНИЙ КЕЛИШИГИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИФОДАЛАНИШИ

(Выражение русского предложного падежа
в узбекском языке)

Значения русского предложного падежа существительных передаются в узбекском языке различными способами:

1) существительные с предлогом *о* (*об, обо*) передаются сочетанием послелога *тўғрисида* или *ҳақида* с неопределённым родительным падежом. Например: Оратор говорил о мире и дружбе.— *Нотиқ тинчлик ва дўстлик ҳақида гапирди;*

2) существительные с предлогом *в, на* отвечают на вопрос *где?* и передаются при помощи местного и исходного падежей. Например: Мы учимся в институте.— *Биз институтда ўқиймиз.* Свое счастье ты найдешь в труде.— *Сен ўз бахтингни меҳнатда топасан;*

3) существительные с предлогом *при* передаются родительным падежом с послелогами *қошида*. Например: При клубе есть разные кружки.— *Клуб қошида турли тўғараклар бор.*

57- машк. Нукталар ўрнига мос келишник қўшимчаларини қўйиб, қучиришг.

1. Студентлар ёз... жуда яхши дам олдилар. 2. Пионерлар эрта... музей... борадилар. 3. Мен топириқ... ўз вақти... бажардим. 4. Бу текст... мазмунини... айтиб беринг. 5. Ўқитувчи студентлар... янги машк... тушунтириб берди. 6. Қиш... биз Чинмён... чиқамиз. 7. Меҳмонлар... соат ўн... кутиб оламиз. 8. Ҳозир ҳамма студентлар зал... .

Н а м у н а: *Студентлар ёзда жуда яхши дам оладилар.*

58- машк. Қуйидаги парчаларни ёздан айтиб беринг.

ЎЗБЕКИСТОН

(П а р ч а)

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар нпақ тўқийди.
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол.
Бунда қорнинг тағларида қиш
Баҳор учун сўйлайди олқиш.
Боғирлари канал қазийди,
Шоирлари газал ёзади.

Куйчилари ўқийди ялла,
Жувонлари айтади алла.
Пазандаси ёпади ширмон,
Қарилари кутади меҳмон.
Бу шундайини ажиб диёрдир. (Ҳ.О.)

59- машқ. Қуйидаги гапларини ўзбек тилига таржима қилинг.

Летом я ездил в колхоз. В колхозе есть средняя школа, клуб, больница, амбулатория, детский сад и чайхана. Мы ходили купаться на большой канал. Часто бывали в колхозном поле. На полях растут хлопок и другие растения. Вечером мы бывали в клубе. Там мы играли в шахматы, шашки и в бильярд. 15 августа я приехал домой. 31 августа ходил в институт. Занятия начались первого сентября.

60- машқ. Текст юзасидан саволлар тузинг, ўзаро суҳбатлашинг.

МАҒИ ҚУНЛАРИ

(«Нур борки, соя бор» романидан)

Ўткир Ҳошимов

Шерзод автобус деразасидан қараб бораркан, ҳозир тўсатдан шунини ҳис қилди: Май байрамига тайёргарлик ҳозирданоқ қизиб кетганди. Қутарма машиналарининг нарвонли майдончаси устига чиқиб олган, ҳалат кийган кишилар бинолар деворини оклайди. Ҳашарга чиққан ўқувчи болалар йўлаклар атрофини тозалайди, фаррош хотинлар кўча четидаги қатор-қатор чинорлар танасига оҳақ сурқайди. Байрамга ҳали ун кун бор-ку! — деб ўйлади Шерзод, ҳамон ташқаринини кузатиб бораркан. — Майли, бир жихатдан шуям яхши. Бахонада шаҳар чиройли бўлиб қолади. Автобус шаҳар марказига етиб келганда, Шерзод Тошкент қанчалик латофатли бўлиб кетганини яна бир бор чуқур ҳис қилди. Ленин музейининг мармар қасрида осилган шода-шода чироқлар маржонининг ҳуснини янаям очиб юборгандек эди. Ранго-ранг лампочкалар ҳали ёқилмаган, аммо кечаси улар ёнса, нақадар жозибали манзара кашф этишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Шундагина Шерзод Ленин майдонида олисдан кўриниб турган Ленин ҳайкали ҳам, йиғирма қаватли кўркем бино ҳам, унинг ёнидаги улкан фонтан ҳам — ҳамма-ҳаммаси ягона, яхлит бир гўзаллик намоён этишини ҳис қилди. Шу ондаёқ кўнглида қувонч аралаш ғурурга ўхшаш илик, осуда бир туйғу ўйғонди. У ўз хона-

сига кириб борганида руҳи баланд, кайфияти соз эди. Эшикни очини билан одатдагидек хонани тутатиб ўтирган Абдувоҳидга кузи тушди. У телефон трубкасини чангаллаганча аллаким билан гаплашарди. Шерзодга кузи тушди-ю, қувончдан қичкириб юборди.

14- §

СУХБАТ

- Тошкентда ҳайвонот боғи қасрда?
- Ҳайвонот боғи Ҳамид Олимжон кучасида.
- У ерга қандай бориш мумкин?
- У ерга, яхшиси, Иккилоб хиёбонидан туғри пиёда бориш маъкул.
- Ҳайвонот боғи каттами?
- Йук, унинг территорияси атиги турт гектаргина.
- Боғда нималар бор?
- Унда Ер шаригади ҳамма қитъалардан жониворлар бор.
- Масалан, нималар бор?
- Масалан, фил, маймуи, қоплон, шер, йулбарс ва айиқлар бор.
- Паррандалар ҳам борми?
- Ҳа, энг подир қушлар бор, масалан, товуслар, тустовуклар.
- Илонлар ҳам борми?
- Ҳа, қуплаб заҳарли илонлар ҳам бор.
- Ҳайвонот боғида дам олиш мумкинми?
- Ҳа, у ерда дам олиш мумкин.

ЧИҚИШ КЕЛИШИГИ

(Исходный падеж)

Слова, стоящие в исходном падеже, указывают на начало действия, происхождение и место действия. Образуются они при помощи аффикса -дан и отвечают на вопросы *ки м да н?* — от кого?, *ни ма да н?* — от чего?, *қа е р да н?* — откуда?, *қа чо н да н?* — с каких пор?

Слова в исходном падеже выступают в функции:

1) косвенного дополнения. Отвечают на вопросы *ки м да н?* *ни ма да н?*: *Дустларининг ёрдами туфайли укам ўқишдан орқада қолмади.* — Мой брат, благодаря помощи друзей, не отстал в учебе;

2) обстоятельства места. Отвечают на вопрос *ка е р д а н?*: *Илгор механизаторлар Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.* — Передовые механизаторы выехали из Ташкента в Москву. *Намойишчилар Қизил майдоқдан ўтиб бормоқдалар.* — Демонстранты проходят по Красной площади;

3) обстоятельства времени. Отвечают на вопрос *ка ч о н д а н?*: *Эрта саҳардан биз йўлга чиқдик.* — Рано утром (на рассвете) мы вышли в путь;

4) обстоятельства причины. Отвечают на вопросы *н и м а д а н?* *н и м а у ч у н?*: *Нина ҳамма топириқларни тўла бажарганидан суюниб кетди.* — Нина обрадовалась, потому что выполнила все задания;

5) сказуемого. Отвечают на вопросы *к и м д а н (д и р)?* *н и м а д а н (д и р)?*: *Унга бўлган ҳамма ҳурмат яхши одамлигидан.* — Его все уважают, потому что он хороший человек.

РУС ТИЛИДАГИ ТВОРИТЕЛЬНИЙ КЕЛИШИГИ- НИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИФОДАЛАНИШИ

(Выражение русского творительного падежа в узбекском языке)

Русский творительный падеж передается в узбекском языке следующим образом:

1) если слово, стоящее в форме творительного падежа, отвечает на вопрос *ч е м?* *с к е м?*, то оно переводится на узбекский язык именительным падежом, а после него ставится слово *билан*. Например: Я пишу карандашом (*ч е м?*). — *Мен қалам билан ёзаман.* Я пришел со старшим братом (*с к е м?*). — *Мен акам билан (бирга)келдим;*

2) если слово, стоящее в творительном падеже, отвечает на вопрос *к е м?*, то оно передается именительным падежом в сочетании со словом *бўлиб* или *қилиб*. Например: Его мама работает воспитателем (*к е м?*). — *Унинг онаси мураббия (тарбиячи) бўлиб ишлайди.* Его выбрали председателем колхоза (*к е м?*). — *Уни колхоз раиси қилиб сайладилар;*

3) если слово в русском языке стоит в творительном падеже и отвечает на вопрос *к е м?* в сочетании со словом *быть*, то в узбекском языке оно передается именительным падежом со словом *бўламоқ* или *эмоқ*. Например: Мы будем педагогами (*к е м?*). — *Биз педагог бўламиз.* Ганиджан

был хорошим инженером (кем?) — *Ганижон яхши инженер эди;*

4) если слово в творительном падеже обозначает действующее лицо и отвечает на вопрос кем?, то оно переводится на узбекский язык именительным падежом со словом *томонидан*. Например: *Клуб создан комсомольцами (кем?). — Клуб комсомоллар томонидан қурилган.*

61- машқ. Нукталар ўринга мос қўшимчаларни қўйиб қучириг.

1. Ўртоқ ўқитувчи, мен... ҳам сўранг. 2. Олег Кошевой болалигидан ҳеч нарса... қўркмас эди. 3. Бу топишиқни бажариш менинг қўлим... келмайдди. 4. У шошгани... сўз тополмай қолди. 5. Тоживой от... тушса ҳам, эгар... тушмайдди. 6. Жануб... келган шамол иссиқ бўлади. 7. Яхши... от қолади, ёмон... — дод. (*Мақол.*)

Н а м у н а: *Ўртоқ ўқитувчи, мендан ҳам сўранг.*

62- машқ. Ўқинг, асар сўзининг қайси келишқларда келганлигини, унинг синтактик функциясини айғиб бериш.

Бу асар серқўш Ўзбекистонимиз ҳақида. Бу асарни олимларимиз ёзган. Шунинг учун бу асарга ҳамма қизиқади. Асарнинг мазмуни жуда бой. Асарда купгина яхши расмлар ҳам бор. Мен бу асардан республикамиз ҳақида куп нарса билиб олдим.

63- машқ. Қўйдаги текстин ёзма таржима қилинг. Мазмунини айтиб бериш.

Мои родители раньше жили в Казахстане. Теперь мы переехали в Ташкент. Наш дом в десятом квартале Чиланзара. В этом доме живут несколько студентов из нашего института. Из дома мы выходим вместе и едем в институт. Обычно мы едем на метро, потому что от метро до института очень близко. После занятий мы часто ездим домой вместе.

ЛЕНИН БИЗ БИЛАН

(«Биринчи муаллим» кинесасидан)

Чингиз Айтматов

Мактабга етиб келганимизда, Дуйшен печкага олов ҳам ёкмади.

— Ўринишлардан туринишлар,— деб буюрди.

Ҳаммамиз ўринимиздан турдик.

— Телпагинишларни олинди,— деди.

Бизлар ҳаммамиз итоатгўйлик билан телпагимизни кўлимизга олдиқ, ўзи ҳам аскарликдан кийиб келган кулокчинини бошидан юлиб олди. Нима бўлаётганига ақлимиз етмай туравердик. Кейин муаллимимиз совуқдан бўғилган узук-узук овоз билан гап бошлади:

— Ленин отамиз оламдан ўтди, ҳозир бутун дунёда одамлар мотамда. Сизлар ҳам жой-жойингиздан қузгалмай, мана шу суратга қараб туринглар. Бу кун бир умр хотирангизда сақланиб қолсин.

Мақтабимизнинг ичи худди сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Эшик-тешикдан шамолининг увиллаши, шамол учириб келган қорнинг шатирлаб похол устига тушиши ҳам эшитилиб турарди.

Тиним билмаган шаҳарлар жимиб, еру кукни ларзага келтириб турган заводлар сукутга кетганда, гумбурлаб дала-даштни янгратиб турган турли поездлар етган жойида тўхтаб, бутун дунё мотам либосига бурканиб олганда — мана шу мотам соатида халқнинг бир булагининг бир зарраси бўлган биз, Дуйшеннинг шогирдлари, мактабимизда, ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким билмаган бу муздай саройда муаллимимиз билан ёнма-ён ғамгин киефада саф тортиб турардик. Ленин учун ҳаммадан кўпроқ қуйиб-пишган, яқин кишиларидай видолашдик.

Т о п ш и р и қ. «Ленин биз билан» текстини ўқинг ва текст юзасидан саволлар тузиб, суҳбат ўтказинг.

15-§

СУХБАТ

- Сиз эрталаб соат нечада турасиз?
- Мен эрталаб соат еттида тураман.
- Сиз гимнастика билан шуғулланасизми?
- Албатта. Хонамни шамолилатиб, сўнгра тоза ҳавода гимнастика қиламан.
- Эрталаб соат нечада нонушта қиласиз?
- Соат еттидан йигирма минут ўтганда нонушта қиламан.
- Биринчи сменада ўқийсизми ёки иккинчи сменадами?
- Биринчи сменада ўқийман.
- Дарс тайёрлаш учун неча соат ажратасиз?
- Дарс тайёрлаш учун уч соат ажратаман.
- Сиз кутубхонага ҳам борасизми?

— Албатта. Зарур бўлганда ҳамниша кутубхонада бўламан.

— Кечкурунлари нима киласиз?

— Дарс тайёрлайман, телевизор кураман.

ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

(Образование имен существительных)

Имена существительные образуются в основном морфологическим способом.

ОТЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК УСУЛ БИЛАН ЯСАЛИШИ

(Образование имен существительных морфологическим способом)

При морфологическом способе образования имен существительных к исходной основе присоединяются особые аффиксы.

Исходной основой для образования имен существительных могут быть имена существительные, прилагательные, числительные, местоимения, глагол и другие части речи, а также звукоподражательные слова.

Имена существительные, обозначающие названия лиц, образуются с помощью следующих аффиксов:

-чи: *ишчи* — рабочий, *колхозчи* — колхозник;

-дош: *ватандош* — соотечественник, *қариндош* — родственник;

-каш: *аравакаш* — возчик, *меҳнаткаш* — трудящийся;

-бон: *боғбон* — садовник, *дарвозабон* — вратарь;

-паз: *ошпаз* — повар, *кабобпаз* — шашлычник;

-дор: *чорвадор* — животновод, *айбдор* — виновник;

-шунос: *тилушунос* — языковед, *шарқшунос* — востоковед;

-хон: *китобхон* — читатель;

-соз: *соатсоз* — часовщик, *станоксоз* — станкостроитель;

-кор: *пахтакор* — хлопкороб, *ғаллакор* — хлебороб.

Имена существительные, обозначающие название места, образуются при помощи следующих аффиксов:

-зор: *пахтазор* — хлопковое поле, *олмазор* — яблоневый сад;

-истон: *Ўзбекистон* — Узбекистан, *Қозогистон* — Казахстан;

-хона: *кутубхона* — библиотека, *устахона* — мастерская.

Существительные, обозначающие названия отвлеченных понятий, образуются при помощи следующих аффиксов:

-лик: *яхшилик* — доброта, *дўстлик* — дружба;

-чилик: *пилачилик* — коконоводство, *ўрмончилик* — лесоводство.

64- машк. Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига огзаки таржима қилинг ва улар ниширокида гаплар тузинг.

Цыпленок, теленок, ягненок, козленок, жеребенок, верблюжонок, ишаченок, слоненок, волчонок, зайчонок. Курица, петух, корова, бык, лошадь, конь, верблюд, овца, баран, кошка, собака.

65- машк. Қуйидаги сўзларни рус тилига огзаки таржима қилинг ва улар ниширокида гаплар тузинг.

Курт, кумурска, илон, чаён, қурбака, тошбака, кискичбака, капалак, ари, чивин, пашша.

66- машк. Қуйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг ва шахс оти ясовчи қўшимчаларни аниқланг.

1. Новатор-ишчи Йўлдош қулилик нормасини ортиги билан бажаради. 2. Биз колхозчиларга ёрдам бердик. 3. Ўзбекистон пахтакорлари Тожикистон пахтакорларини мусобақага чақирдилар. 4. У дурадгор ва темирчи усталарнинг ишларини кузатди. 5. Ошпаз тушки овқатга занг урди. 6. Мактабимизда китобхонлар конференцияси бўлди. 7. Кеча Самарқандда тилшунос олимларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

67- машк. Қуйидаги сўзларга от ясовчи қўшимчалардан мосини қўшиб, отлар ясаг ва рус тилига таржима қилинг.

Ватан, сув, туркман, ош, ўр, от, тер, узум, тинч.

68- машк. Қуйидаги сўзларни русчага огзаки таржима қилинг ва улар ниширокида гаплар тузинг.

Курт, кумурска, илон, чаён, қурбака, тошбака, кичкичбака, капалак, ари, чивин, пашша.

МАҲМУД МИРЗАЕВ

Машиҳур соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат ота Мусамухамедовнинг шогирди, издоши, таниқ-

ли богбон-олим Махмуд Мирзаев 1921 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1943 йилда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини тугатгач, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозида бош агроном, сўнгра директор бўлиб ишлади. 1948 йилдан буён Р. Р. Шредер номли мевачилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директориدير.

Махмуд Мирзаев Ўзбекистонда богдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. У бог яратиб, улкамизни тўкишлик, маъмурчилик масканига айлантириш муаммоларига онд юздан ортиқ илмий асар ва мақолаларининг авторидир. Республикада мева ва узум етиштиришни кўнайитиришдаги актив ишлари учун унга 1972 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. М. Мирзаев — ВАСХНИЛ академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонлари соҳиби.

Махмуд Мирзаев деҳқонларга шундай маслаҳат беради: «Янги бог ва токзорлар яратиш — кийин ва мураккаб иш. Унга ҳозирдан тайёргарлик кўринг, ерларни юмшатиб, ўғитлаб кўйишни унутманг. Кўчатни, тупроқ-иклим шароити ва аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, тўғри танланг. Бирлашмаиизда юқори сифатли нав кўчатлари кўп. Кейин шошиб қолмаслик учун шу кўнларданок буюртма беринг, хизматингизга тайёрмиз. Маслаҳат сўранг, ёрдамимизни аямаймиз. Мақсадимиз битта: табиатимиз гўзал, об-ҳавомиз мусаффо, эл-юрт обод, дастурхон тўкин бўлсин!» («Сов. Ўзб.»)

Топширик. Текстни ўқинг, рус тилига таржима қилинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

16- §

СУҲБАТ

- Сиз Шоҳимардон ҳақида эшитганмисиз?
- Ҳа, эшитганман.
- У яна қандай аталади?
- У Ҳамзаобод ҳам дейиладн.
- Ҳамзаобод қайси областда?
- Ҳамзаобод Фаргона областида.
- Ҳамзаободда қандай ёдгорликлар бор?
- Ҳамзаободда Ҳамза Ҳакимзода Ниезий мақбараси ва музейи бор.

- Хамза Ҳакимзода ким бўлган?
- Хамза Ҳакимзода машҳур революционер шоир, композитор, драматург ва маърифатчи бўлган.
- У қандай ҳалок бўлган?
- Уни Совет ҳокимиятининг душманлари ўлдирган.
- Тошкентда Ҳамзанинг хайкали қаерда?
- Тошкентда Ҳамзанинг хайкали эски ТошМИ олдида.

ҚЎШМА ОТЛАР

(Сложные имена существительные)

Сложные имена существительные образуются следующими способами:

а) существительное + существительное: *қўлқоп* — перчатка, *тоибақа* — черепаха, *тоғолча* — алыча;

б) прилагательное + существительное: *оқсоқол* — староста, *оққуш* — лебедь, *кўкқарға* — сизоворонка (птица);

в) существительное + глагол: *ўринбосар* — заместитель, *бешиктерватар* — богомол;

г) числительное + существительное: *учбурчак* — треугольник, *қирққулоқ* — папоротник, *мингоёқ* — сороконожка.

Сложные имена существительные пишутся как слитно, так и раздельно.

Сложные имена существительные пишутся слитно, когда:

а) они состоят из двух нарицательных имен: *ошқозон* — желудок, *ўқилон* — стрела-змея, *гулкўрна* — вид сюзане;

б) образуются при помощи аффикса *-ар*: *отбоқар* — конох, *ўринбосар* — заместитель, *йўлтўсар* — разбойник;

в) образуются из нарицательных имен и обозначают географические названия: *Сирдарё*, *Оқдарё*, *Каттақўрғон*, *Янгийўл*, *Мирзачўл*, *Оқтепа*.

Сложные имена существительные пишутся раздельно, когда:

а) одна часть сложного слова обозначает цвет, форму и свойство: *анжир шафтоли* — сорт персика, *қизил гул* — красная роза, *нон жийда* — сорт джиды, *картошка қовоқ* — сорт тыквы;

б) образуются от имен прилагательных и собственного имени: *Кўҳна Урганч*, *Урта Чирчиқ*, *Урта Осиё*, *Фарбий Европа*, *Шимолий Кавказ*;

в) вторая часть слова начинается с *е, ё, ю* или *я*: *қўл ёзма* — рукопись, *ер ёнгоқ* — арахис, *этак еми* — крапивная лихорадка, *муз ёрар* — ледокол.

69- машк. Ўқинг. Қўшма отларни аниқлаш ва рус тилига таржима қилиш.

1. Қашқадарё областида пахта ва галладан ташқари, жуда кўп қорақўл тери тайёрланади. 2. Онам менга қўлқоп тукиб берди. 3. Бизнинг қолхозимизда асалари кўп. 4. Бу студент Амударё районида келган. 5. Қолхозчилар бедапояларни қунайтирмоқдалар. 6. Янгийўл Тошкентдан кўп узоқ эмас.

70- машк. Қўидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Тошқўмир, тош йўл, чилон жийда, мошхўрда, Тошпўлат, иш боши, оқсоқол, фотоальбом, Ленинобод, қишлоқ хўжалиги.

71- машк. Қўидаги сўз бирикмаларидан қўшма отлар ясанг ва тўғри ёзинг.

Беш қайрағоч, олти арик, беш ёғоч, етти сой, қўш қўприк, минг оёқ, катта қўрғон, қўқ султон, томорқа.

ЖУФТ ОТЛАР

(Парные имена существительные)

Эти имена существительные образуются путем сложения пары слов и в зависимости от лексического значения и формы компонентов приобретают значение собирательности, обобщения.

По лексическим особенностям т.е. по наличию или отсутствию самостоятельных значений у компонентов, парные слова делятся на следующие группы:

1) самостоятельным значением обладают оба компонента: *идиш-товоқ*;

2) самостоятельным значением обладает только первый компонент: *нон-пон*.

Отмечаются следующие семантические особенности компонентов парных слов:

1) оба компонента являются именами существительными или субстантивированными частями речи: *идиш-товоқ* — разная обеденная посуда, *асбоб-ускуна* — оборудование, *кеча-кундуз* — сутки, *ер-қўқ* — вселенная, *ака-ука* — братья, *гал-сўз* — толки, пересуды, *тоғ-тои* — гористое место;

2) второй компонент является повтором первого с некоторыми фонетическими изменениями, первым может быть имя существительное с любым значением: *ош-пош* — пища и др., *нон-пон* — хлеб и другие мучные изделия;

3) оба компонента не имеют самостоятельного значения, они представлены звукоподражательными словами: *икир-чикир* — мелочи, подробности, детали, *ажи-бужи* — каракули, плохо выполненная работа.

72- машк. Гаиларни рус тилига таржима қилинг ва жуфт отларнинг турини айтиб беринг.

1. Колхозимизнинг омбор-омбор гаиласи бор. (*Ҳабибий.*) 2. Қирқ кечаю қирқ кундуз ўйин-кулги бўлди. (*Эртақдан.*) 3. Ота-онанинг хурмат қил. 4. Ойи, пон-понингиз йўқми? 5. Мен Асқад Мухторнинг «Она-сингиллар» романини ўқиб чиқдим.

73- машк. Қуйидаги сўзлардан жуфт отлар ясаг ва уларнинг маъносини айтиб беринг.

Яқин ва узок, кичик ва катта, ер ва сув, мева ва чева, опа ва сингил, кулги ва ўйин.

74- машк. Қуйидаги сўзларнинг жуфтини топиб ёзинг.

Ош-... , нон-... , сўз-... , қалам-... , от-... , сув-... , пул-... , иш-... , ун-... .

ҚИСҚАРТМА ОТЛАР

(Сложносокращенные имена существительные —
аббревиатуры)

Сложносокращенные слова широко распространены в узбекском языке. Они используются:

1) в ономастике: *Мамажон* — Мухаммаджон, *Маюнус* — Мухаммадюнус;

2) в научной, общественно-политической лексике, в названиях обществ, организаций, предприятий и т.п.: *колхоз*, *совхоз*, *филфак*, *райком*.

Основные типы образования сложносокращенных слов:

1) слоговой — сложносокращенные слова образуются путем сложения начальных частей или слогов слов: *филфак* — филология факультети, *райжроком* — район ижроия комитети (районный исполнительный комитет);

2) смешанный — сложносокращенные слова состоят из части слова и полного слова: *Ўзкомпартия* — Ўзбекис-

тои Коммунистик партияси (Коммунистическая партия Узбекистана);

3) инициальный — сложносокращенное слово состоит: а) из начальных букв словосочетания: СССР — *Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи* (Союз Советских Социалистических Республик); б) из начального слова и начальных букв словосочетания: *ЎзССР* — *Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси* (Узбекская Советская Социалистическая Республика).

75- машк. Ўқинг, кискартма отларни аниқланг, уларнинг қандай тузилганлигини айтиб беринг.

1. Кўз олдимга Фарҳод қоялари, Сирдарё тўлкинлари, азамат ГЭС биноси келди. 2. Агропром колхозларни турли машиналар билан таъминлайди. 3. СССР граждaнлари меҳнат қилиш, илм олиш ва дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. 4. Умрининг опаси ТошДУда ншлайди. 5. Менинг отам СоюзНИХИда хизмат қилади. 6. Қораев — профкомнинг раиси.

76- машк. Қуйидаги кискартма отларни тўлиқ шаклда ёзинг.

БМТ, райком, СамДУ, ТошДУ, райсовет, ГДР, БАМ.

Н а м у н а: БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

БОБУР ВА ХОНДАМИР

(«Юлдузлитўнлар» романидан)

Пиримқул Қодиров

— Менингча ҳам эндиги юксалиш асри Ҳиндга кўчганга ўхшайди. Ватандан қувилган жуда кўп илму санъат аҳли сиздан паноҳ истаб Ҳиндга келишлари ўринлидир. Аҳвол ўзгарди. Ахир бир вақтлар Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳам ривожланаётган эмасмиди? Хоразмда Беруний, Бухорода Ибн Сино, Тусда Фирдавсий, Болсоғунда Юсуф Хос Ҳожиб иш кўрдилар. Булар асрдош эди. Чингизхоннинг ўрдалари босиб келиб, тараққиёт йўлини тўсиб қўйдилар. Улугбек даврида Самарқанд, Навоий даврида Ҳиротда жуда кўп маданий даҳолар яна уйғонди. Янги юксалишлар асри бошланди. Лекин тақдир буни ҳам бизга кўп кўрди. Кейин кўчманчи султонлар маданий тараққиётга зарба бердилар... Мен Ҳиротда тополмай юрган мададни шу ердан топдим.

Фақир Ҳазрат Мир Алишернинг кутубхоналарида кўп

йил ишладим. Хусайн Бойқаро кутубхоналаридан фойдаландим. Энди улар Хиротда колди.

Хондамир Бобурнинг ҳам эллик киши ишлайдиган улкан кутубхонаси борлигини билар, унда нодир китоблар мавжудлигига ишонар эди. Бирок подшоҳнинг хос кутубхонасига унча-мунча одам йўлай олмайди. Хондамир шуни ўйлаб, гапнинг давомини айтишга ийманди.

Т о п ш и р и к. Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, суҳбатлашинг.

17-§

СУХБАТ

— Сизнинг факультетингизда ўзбек тили ва адабиёти тўғараги борми?

— Ҳа, факультетимизда бундай тўғарак ташкил қилинган.

— Тўғаракка кимлар қатнашади?

— Тўғаракка ҳар ким ўз ихтиёри билан қатнашади.

— Кимлар раҳбарлик қилади?

— Унга профессор ва доцентлар раҳбарлик қиладилар.

— Тўғаракда қандай машғулотлар олиб борилади?

— Унда, асосан, студентлар доклад қиладилар.

— Масалан, қандай темаларда докладлар бўлади?

— Масалан, ўзбек тили ва адабиёти тарихи ҳамда ҳозирги давр масалалари таҳлил қилинади.

— Яхши доклад қилганлар мукофотланадими?

— Ҳа, актуал темаларга бағишланган доклад авторлари мукофотланади ва бу ишлар эълон қилинади.

СИФАТ

(Имя прилагательное)

Именами прилагательными называются самостоятельные слова, которые выражают признак предметов. Они отвечают на вопросы *ка н д а й?* *ка н а қ а?* — какой?, *ка й с и?* — который?

Прилагательные могут быть:

а) непронизводными (аслий): *қизил* — красный, *кўк* — синий, *яшил* — зелёный, *катта* — большой, *баланд* — высокий;

б) производными (нисбий), т. е. образованными от

других частей речи при помощи словообразовательных аффиксов имен прилагательных: *сув* — вода, *сувсиз* — безводный, *ёз* — лето, *ёзги* — летний.

В предложении прилагательное обычно является определением, но может выступать и в роли сказуемого, например: *катта колхоз* — большой колхоз и *колхоз катта* — колхоз большой, колхоз велик.

Прилагательное в узбекском языке может субстантивироваться, т.е. выступать в роли существительного. В этом случае оно отвечает на вопросы *ким?* — кто?, *ним а?* — что? и выполняет в предложении функции подлежащего, например: *Илгорлар катта муваффақиятларга эришдилар.* — Передовики добились больших успехов.

Прилагательное-определение всегда ставится перед определяемым словом и не согласуется с ним ни в лице, ни в числе, ни в падеже: *яхши китоб* — хорошая книга, *яхши китоблар* — хорошие книги, *яхши китобларга* — хорошим книгам.

Производные имена прилагательные образуются от других частей речи при помощи аффиксов.

К ним относятся:

1) слова, обозначающие временные качества или отношения: *ёзги* — летний, *бугунги* — сегодняшний;

2) слова, обозначающие местонахождение: *уйдаги китоб* — книги, находящиеся дома, *дарахтдаги мевалар* — плоды, находящиеся на дереве;

3) слова, обозначающие обладание тем, что обозначено исходной основой: *ақлли* — умный, *портфелли* — киши человек с портфелем;

4) слова, обозначающие отсутствие того, что обозначено исходной основой: *сувсиз* — безводный, *боласиз* — бездетный, *хавфсиз* — безопасный, *тўхтовсиз* — непрерывный, безостановочный;

5) слова, обозначающие подобие, сходство с тем, что обозначено исходной основой: *одамсимон* — человекообразный, *газсимон* — газообразный;

6) слова, которые обозначают качество, свойство, выраженное в предмете очень сильно. Это значение связано со значением исходной основы: *ишчан* — деловой, дельный, *ўйчан* — задумчивый, *эпчил* — ловкий;

7) слова, обозначающие различные качества, свойства, связанные со значением исходной глагольной основы; это советско-интернациональные, таджикско-персидские и арабские имена прилагательные, сложные имена прилагательные.

тельные: *ёзма* — письменный, *осма* — всякий, *ясама* — искусственный, *фонетик* — фонетический, *орфографик* — орфографический, *педагогик* — педагогический, *формал* — формальный, *илмий* — научный, *оилавий* — семейный, *оммавий* — массовый, *моддий* — материальный, *сийсий* — политический, *тўқ қизил* — тёмно-красный, *маданий-маиший* — культурно-бытовой, *ижтимоий-сийсий* — общественно-политический.

77- машк. Қуйидаги гапларни ўқинг, аслий ва ишбий сифатларни аниқланг.

1. Қурувчилар катта чиройли бино қураётирлар. 2. Студентлар ўқитувчига ҳар доим тўғри жавоб беришларни керак. 3. Шийпонда кизларнинг шўх куягиси эшитил-япти. 4. Езнинг иссиқ кунларида биз санаторийларда, дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарамиз. 5. Институтимиз ҳовлисида кизил, оқ, сарик гуллар очилиб турибди. 6. Университетимизда ўқийдиган студентларнинг кунлари республикаимизнинг турли жойларидан келганлар. 7. Кексаларга биз доим ёрдам берамиз. 8. Иккинчи группанинг раҳбари жуда чаққон. 9. Давлатимиз кўп болали оналарга катта ёрдам беради.

78- машк. Нукталар ўрнига берилган сифатлардан мосини қўйиб, кўчиринг.

1. Қизлар ... пахталарни завқ билан терар эдилар. 2. Богимизда ... олма пишиб ётибди. 3. Қишлоғимиз ёнида ... сой бор. 4. Узоқдан ... тоғ чўққиси кўриниб туради. 5. Мен кеча магазиндан ... китоблар сотиб олдим. 6. Баҳор келиши билан дарахтлар ... барг ёзади. 7. Баҳорнинг охирларида ... кунлар бошланади. 8. ... ёмғир дарахтларнинг тез ўсишига ёрдам беради.

С и ф а т л а р: *иссиқ, баҳорги, оплоқ, баланд, қизил, қизик, катта, яшил.*

79- машк. Текстни ўзбек тилига таржима қилинг. Аслий ва ишбий сифатларни аниқланг.

ЛЕТО

После весны наступает лето. Летом дни очень жаркие и длинные, а ночи короткие. Летом в садах поспевают сладкие вишни, ранние груши, желтые, красные яблоки и другие фрукты.

Люди купаются в жаркие дни в больших арыках, в холодных речках, голубых озерах и бассейнах. Иногда на

небе появляются черные тучи, гремит сильный гром и идет дождь. После дождя наступает прохлада. Июнь, июль, август считаются жаркими летними месяцами.

80-машк. Қўйидаги карама-қарши маъноли сифатлар иштирокида гаплар тузинг.

Катта-кичик, яхши-ёмон, ок-кора, баланд-паст, узун-қисқа, ёш-қари, аччиқ-чучуқ, иссиқ-совуқ, оғир-енгил.

ОЗОДЛИК ТАНТАНАСИ

(«Болалик» повестидан)

Ойбек

Гузардаги хунармандлардан Уста Фулом аканинг олдидаги пахта заводида ишлайдиган дўсти сузлай бошлади:

— Тўрт кун каттиқ жанг қилдик, жуда ҳам дахшатли бўлди. Лекин биз енгдик. Рус ишчилари — асил одамлар, каттиқ чидам билан курашдик, оқибатда енгиб чиқдик. Мусулмонлар ҳам бўш келмади, биргалашиб ёвни кулатдик.

— Городда катта байрам, халқ ҳаммаси кўчада, ишчилар, аскарлар кўн.

Бир тўда отликлар Янги шаҳардан Эски шаҳарга келмокда. Улар орасида Низомиддин Хўжаев ҳам бор.

Бир ишчи деди:

— Низомини ҳамма билади. У русчага уста. Низом жангда қатнашди. Жанг каттиқ бўлди. Оч ҳам колдик, ташна ҳам бўлдик. Тўқсон қахрамон ҳалок бўлди. Уларни дафн қилдик. «Сиз қурбон бўлдингиз» деган марсияни айтдик. Улар яхши йиғитлар эдилар. Уларнинг хотирасини абадий сақлаймиз.

Т о п ш и р и к. Ўқинг, саволлар тузиб, суҳбатлашинг.

18- §

СУҲБАТ

— Сиз дарсликдаги текстларни луғатсиз ўқий оласизми?

— Ҳа, луғатсиз ўқий оламан.

— Ўқиган текстларнингизнинг мазмунини тушунасизми?

— Деярли тушунаман.

— Ўзбекча газеталарини-чи? Уларни ҳам лугатсиз ўқий оласизми?

— Йўқ, газета ўқиганимда лугатдан фойдаланаман, шунда мазмунини тушунаман.

— Ўзбек ёзувчиларининг асарларини ҳам ўқиб тура-сизми?

— Ха, ўзбек ёзувчиларининг айрим асарларини лугат ёрдамида ўқиб тураман.

— Масалан, қандай асарлар ўқидингиз?

— Ойбекнинг «Болалик», Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асарларини ўқидим.

СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

(Степени сравнения имен прилагательных)

Сопоставление одинаковых качеств в предметах выражается степенями сравнения имен прилагательных.

Если качество одного предмета не сравнивается с качеством другого предмета, прилагательное стоит в положительной степени: *ёруғ* — светлый, *катта* — большой, *кучли* — сильный.

Прилагательные имеют три степени сравнения: 1) од-дий даража — положительная степень, 2) кийсий дара-жа — сравнительная степень, 3) орттирма даража — превосходная степень.

К и ё с и й д а р а ж а или о з а й т и р м а д а р а ж а — сравнительная степень означает меньшую или большую степень качества в предмете по сравнению с тем же качеством в других предметах. Сравнительная степень в узбекском языке в основном выражается морфологи-ческим способом. Аффикс *-роқ* уточняет состояние степени: больше или меньше. Н а п р и м е р: *катта* — большой, *каттароқ* — чуть больше; *кичик* — маленький, *кичикроқ* — чуть меньше; *У мендан катгароқ*. — Он чуть старше меня.

Иногда значение сравнения выражается синтаксиче-ским способом. В этих случаях существительное, предше-ствующее прилагательному, стоит в исходном падеже со словом *кўра* в дательном падеже или со словом *қараганда*: *Катта укам кичик укамга қараганда соғлом(роқ)*. — Старший брат здоровее, чем младший. *Ўзимизнинг қишлоғимиздан кўра гўзал(роқ) қишлоқни билмайман*. — Я не знаю кишлака, красивее нашего.

О р т т и р м а д а р а ж а — превосходная степень имен

прилагательных означает самую высокую степень качества в предмете по сравнению с тем же качеством в других предметах: *Дўстлик дунёда энг гўзал фазилатдир.* — Дружба — самое лучшее достоинство в мире.

81- машк. Куйидаги сифатларни ўзбек тилига таржима қилиб, қиёсий даража ҳосил қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Светлый, близкий, низкий, сладкий, глубокий, дружеский, новый, сильный, жидкий, верный, крепкий, рослый.

Превосходная степень в узбекском языке выражается синтаксическим способом и передается с помощью специальных слов: *Кеча шоирлар энг яхши шеърларини ўқиб бердилар.* — Вчера поэты прочитали самые лучшие стихотворения, из опубликованных в их сборниках.

82- машк. Куйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Дўстлик ўртоқчиликнинг энг олий даражасидир. (*М. Горький.*)
2. Одамнинг юзи офтобдан иссиқ. (*Мақол.*)
3. Саёҳатчилар тоғнинг энг баланд чўққисига чиқдилар.
4. Кўп ўйла, соз сўйла. (*Мақол.*)

83- машк. Куйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Ундаги сифат даражаларини аниқланг.

1. Самарканд — древнейший город Узбекистана. 2. Мы соревновались с сильнейшей командой. 3. Волга длиннейшая и широчайшая река в Европе. 4. Иванова — самая молодая студентка второго курса. 5. Он дал мне самое маленькое яблоко.

84- машк. Сифатларнинг оддий даражасига учта ва қиёсий даражасига учта мисол топинг. Мисолларни дафтарингизга ёзиб олинг.

85- машк. Нукталар ўрнига орттирма даражадаги сифатларни қўйиб қўчиринг.

— Ленин, Октябрь, Қуйбишев, Фрунзе, Киров, Акмал Икромов, Ҳамза, Собир Раҳимов, Чилонзор, Сергели районлари.

— Шаҳарнинг кучалари қандай?

— Шахарининг кўчалари катта ва обод. Масалан, Ленин проспекти, Навоий, Шота Руставели, Пушкин, Горький, Фафур Ғулом, Ўзбекистон 50 йиллиги, Беруний, Халқлар дўстлиги кўчалари.

— «Пахтакор» стадиони қасрда?

— «Пахтакор» стадиони Санъат саройи ёнида.

— Ҳамза театри-чи?

— Ҳамза театри Навоий кўчасида.

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ

(Залоги)

Категория залога выражает различные отношения между субъектом (производителем действия) и объектом.

Залогов в узбекском языке пять: аниқ нисбат — действительный залог, ўзлик нисбат — возвратный залог, биргалик нисбат — взаимосовместный, мажҳул нисбат — страдательный, орттирма нисбат — понудительный.

АНИҚ НИСБАТ

(Действительный залог)

Действительный (основной) залог имеет нулевой показатель. Субъект действия, обозначенного глаголом действительного залога, выражается подлежащим, а объект — дополнением в винительном падеже. Предложение, образованное по такой конструкции, называется активной конструкцией: *Кумри хат ёзди.* — Кумри написала письмо.

ЎЗЛИК НИСБАТ

(Возвратный залог)

Возвратный залог выражает действие, исходящее от субъекта и возвращающееся на него; образуется прибавлением к основе глагола аффиксов *-н(-ин)*, *-л(-ил)*, *-дан*, *-ш (-иш)* и т. д.: *таранмоқ* — причесываться, *ювинмоқ* — мыться, умываться, *кийинмоқ* — одеваться, *отланмоқ* — собираться, *керишмоқ* — потягиваться. Порядок присоединения аффиксов тот же, что для страдательного залога.

127- машқ. Куйндаги сузлардан ўзлик нисбатдаги феъллар ясанг.

Киймоқ, кўрмоқ, суркамоқ, ювмоқ, ясамоқ, ўрамоқ.

128- машк. Аниқ нисбатдаги феълларни ўзлик нисбатга, ўзлик нисбатдаги феълларни эса аниқ нисбатга айлантириб, гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Аҳмад Хусайн (ювмоқ), кечаги қолган овқатдан бир оз (смоқ). 2. Синглим Шарофат бугун яхши (киймоқ), меҳмонга (кетмоқ). 3. Укам ҳар кун эрталаб ҳўл сочик билан (артмоқ). 4. У (ювинмоқ), (тараймоқ), чиройли (кийинмоқ), чунки бугун уни пионерга (кабул қилмоқ). 5. Дўстимнинг муваффақиятидан мен жуда (кувонмоқ). 6. Тоққа экскурсияга чиққанимизда, ҳаммамиз қални (кийинмоқ).

129- машк. Ўзбек тилига оғзаки таржима қилинг, феълларнинг қайси нисбатда эканини айтинг.

1. Утром Надя аккуратно причесывается. 2. В детском саду дети умываются сами. 3. Летом в Ташкенте очень жарко, поэтому мы укрываемся легкими одеялами.

28- §

СУҲБАТ

- Йилнинг куз фасли қандай фасл?
- Йилнинг куз фасли — энг тўкин-сочин фасл.
- Кузда боғ ва полизларда қандай ўзгаришлар бўлади?
- Дала ва боғларда мевалар, қовун-тарвузлар пишди. Қолхозчилар ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёрландилар.
- Ҳавода қандай ўзгаришлар юз беради?
- Ҳаво совий бошлайди, дарахтларнинг барглари сарғаяди.
- Шаҳарликлар нима қиладилар?
- Шаҳарликлар қиш гамини сая бошлайдилар.

МАЖҲУЛ НИСБАТ

(Страдательный залог)

Страдательный залог глагола указывает, что предмет, названный подлежащим, подвергается действию другого предмета, обозначенного косвенным дополнением. Страдательный залог образуется прибавлением к основе глагола аффикса -л (после гласного), -ил (после

согласного). Если в основе глагола уже имеется звук *л*, то страдательный залог образуется при помощи аффикса *-н* (после гласного), *-ин* (после согласного): *Бино қурилди.* — Здание построено. *Китоб ўқилди.* — Книга прочитана.

130- машқ. Қуйидаги феъллар иштирокида гаплар тузинг ва рус тилига таржима қилинг.

Қурилмоқ, тўқилмоқ, ўқилмоқ, ўргатилмоқ, тузилмоқ, айтилмоқ, бажарилмоқ, уланмоқ.

Намуна: *Шаҳарда катта стадион қурилди.*

131- машқ. Қуйидаги феъллардан мажхул нисбат ҳосил қилиб, гаплар тузинг.

Айтмоқ, бажармоқ, қурмоқ, тузмақ, тўқимоқ, ўқимоқ.

Намуна: *Давлат плани ўз виқтида бажарилди.*

132- машқ. Нукталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

1. Аълочи студентлар мукофот...ди. 2. Мактаб биниси жуда чиройли кур...ди. 3. Илғор ишчилар рағбатлантир...ди. 4. Хотини-қизлар йиғилиши ўтказ...ди. 5. Мухтожларга моддий ёрдам бер...ди. 6. Бугун адабиёт дарсида янги тема ўт...ди.

Намуна: *Аълочи студентлар мукофотланди.*

133- машқ. Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. В нашем районе построен новый кинотеатр. 2. Пострадавшим оказана первая медицинская помощь. 3. Нами успешно сданы все экзамены. 4. Это письмо написано от имени сторонников мира.

БИРГАЛИК НИСБАТИ

(Взаимно-совместный залог)

Взаимно-совместный залог (биргалик нисбати) указывает на выполнение действия многими лицами совместно. Он образуется прибавлением к основе глагола *-иш* (после гласного), *-иши* (после согласного): *Улар қайта қуришни бошлашди.* — Они начали перестройку (повсеместно, совместно). *Ўртоғим менга ремонтга қарашди.* — Мой товарищ помогал мне в ремонте.

134- машк. Биргалик инсбатининг ҳосил бўлишини изоҳланг

1. Болалар қорбобо ясашди.
2. Биринчи ва иккинчи бригада бир-бирини мусобақага чақиришди.
3. Улар бизни меҳмонга чақиришди.
4. Биз танаффус вақтида суҳбатлашдик.
5. Биз Володя билан кутубхонада танишдик.
6. Тўғарак қатнашчилари ҳар хил ўйинлар ижро этишди.
7. Душанбедан келган меҳмонлар қайтиб кетишди.
8. Дадам жангчи дўстлари билан ҳали ҳам ёзишиб туради.
9. Саодат уй ишларида онасига доим қарашади.

135- машк. Қуйидаги феъллардан биргалик инсбати ясаб кўринг.

Бажармок, ёзмок, қарамок, ўқимок, қурмок, кетмок, кўриб чиқмок, жавоб бермок, ўйнаб келмок.

136- машк. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Мы с Нигорой договорились встретиться в клубе.
2. Студенты нашей группы на экзамене отвечали очень хорошо.
3. Мы с Онахон все еще переписываемся.
4. Мои родители уехали отдыхать.
5. Они сегодня придут.
6. Наши ребята живут очень дружно.

137- машк. Шеърни ёд олинг.

ОНА

Абдулла Орипов

Кўкда юлдуз учса ногаҳон,
Битди, дерлар қайси бир тақдир.
Бундай ғамни кўтармок осон,
Бу, эҳтимол, бизлар ҳақдадир.
Баъзи тунлар кўкка тикиб кўз,
Эслаб дейман онамни шу он:
Она кетса, юлдуз-ку юлдуз,
Кулаб тушса арзийди осмон.

29- §

СУҲБАТ

- Сизнинг укангиз борми?
- Ҳа, укам бор.
- У ҳарбий хизматни қаерда ўтади?
- У ҳарбий хизматни Литвада ўтади.
- Қандай ҳарбий қисмда хизмат қилди?
- Десант қўшинлар сафида хизмат қилди.

- У парашютчими?
- Ҳа, у парашютчи.
- У армиядан қачон қайтди?
- У армиядан байрам арафасида қайтди.

ОРТТИРМА НИСБАТ

(Понудительный залог)

Понудительный залог выражает действие, производимое субъектом через другое лицо. Образуется прибавлением к корню или основе глагола следующих аффиксов: *-ар, -дир (-тир), -газ (-каз, -қаз), -гиз (-киз, -қиз), -р, -т (-ит)* и т. д.: *тонтирмоқ* — заставить найти, *қайтармоқ* — возвращать, *ўтказмоқ* — пропустить, *ичирмоқ* — заставить выпить.

Понудительный залог в русском языке отсутствует. При переводе этой глагольной формы на русский язык обычно употребляются следующие глаголы: *заставить, приказать, принудить, велеть, позволить, допустить*. Например: *сунурмоқ* — подметать, *сунуртирмоқ* — заставить (приказывать, велеть, позволить) подметать.

При отсутствии этих слов имеется в виду, что действие выполняется подразумеваемым, а не названным субъектом: *Мен этик тиктирдим.* — Я сшил себе сапоги (не я сам шил, а мне сшили по моей просьбе).

138- машк. Қуйидаги феъллар иштирокида гаплар тузинг.

Едирмоқ, ёздирмоқ, кулдирмоқ, севиптирмоқ, синдирмоқ, уялтирмоқ, ўқитмоқ.

139- машк. Қуйидаги феъллардан ортирма нисбат ҳосил қилинг.

Билмоқ, емоқ, ёзмоқ, ишламоқ, ичмоқ, йиғламоқ, кетмоқ, олмоқ, пишмоқ, тушмоқ, чиқмоқ, ўқимоқ, қайтмоқ, қурмоқ, юрмоқ.

140- машк. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини ўзбек тилига таржима қилиб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Приводить в движение, заставить надеть, приводить, заставить лечь, усиливать.

СЕРГЕЙ ТАБИБ

Сергей табиб кириши билан уйдагиларнинг кўнгли кўтарилди, ҳаёлларида оталари гўё ўрнидан туриб ютгандек бўлди. Ҳамма хурсанд эди. Хафачилик йўқолди.

Кўзларида қувонч пайдо бўлди. Чунки бу озгингина чолнинг донғи узоқларга кетган. Чечак, безгак касалликларига дучор бўлган беморлар ундан шифо топишди. Айниқса Сергей табиб яра-чақани яхши даволайди. Аввалига халқ ундан ётсиради, ундан чўчиди. Раҳим деган киши уч ўғлини даволатгандан кейингина докторга ишонч туғилди. У мусулмон бўлибди, намоз ўқирмиш, деган овоза тарқалди.

Сергей табиб ўзбекчани яхши билар эди. «Худо хоҳласа, тузатамиз»,— деди. «Қани, бемор, кўзингни оччи! — деб, беморга далда берди.

Т о п ш и р и к. Текстни ўқинг, саволлар тузинг ва ўзаро суҳбатлашинг.

30- §

СУҲБАТ

- Бу қандай кўргазма?
- Бу Ўзбекистон кишлок хўжалик ютуқлари кўргазмаси.
- Бу ерда нималар бор?
- Бунда бир пача павильон қурилган.
- Павильонларда нималар намойиш қилинади?
- Уларда республика халқ хўжалигидаги ютуқлар намойиш қилинади.
- Қандай павильонлар бор?
- Пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик каби павильонлар бор.
- Кўргазма экспонатлари қизиқарлими?
- Ҳа, улар анча қизиқарли, масалан, пахтанинг янги навлари.
- Кўргазмада ҳордик чиқариш мумкинми?
- Албатта. Унинг ҳовлисида ошхона, чойхона, кўлида қайиқлар хизматга тайёр.

СИФАТДОШ

(Причастие)

Причастие в узбекском языке является формой глагола, которая по своему морфологическому строению совпадает с формой глагола III лица единственного числа. В предложении выступает в качестве подлежащего, сказуемого,

определения, дополнения и обстоятельства, т. е. функционально совпадает с именем существительным. Таким образом, эта глагольная форма «причастна» как глаголу (обладает категорией залога, времени), так и к имени существительному (сочетается с аффиксами принадлежности, склоняется, имеет форму множественного числа).

ЎТГАН ЗАМОН СИФАТДОШИ

(Причастие прошедшего времени)

Причастие прошедшего времени образуется прибавлением к положительной или отрицательной основе глагола аффиксов *-ган* (*-кан*, *-қан*): *ўқиган* — читавший, тот, который читал; *ёзган* — писавший, тот, который писал; *чиққан* — вышедший, *эккан* — посеявший.

Причастие прошедшего времени в предложении выполняет функции определения, если оно субстантивированно — подлежащего и дополнения: *Биз университетга келган космонавт билан учрашдик.* — Мы встретились с космонавтом, прибывшим (который прибыл) в наш университет. *Ўзбек тилини билган студент шу тилда доклад қилади.* — Студент, знающий (который знает) узбекский язык, сделает доклад на этом языке. *Топшириқни бажарганлар дам оляптилар.* — Выполнившие задание отдыхают.

141- машқ. Куйидаги сўзлардан сифатдошнинг ўтган замон формасини ясаиш ва улар иштирокида гаплар тузиниш.

Тамомламок, бокмок, тегмок, йиғламок, ўрганмок, олмок.

142- машқ. Куйидаги гапларни ўқиб, рус тилига огзаки таржима қилинг.

1. Деворий газетада ёзилган хикояни ўқидингми?
2. Мусобақада катнашган ишчиларга мукофотлар берилди.
3. Совхоз эккан экинлар августда етилди.
4. Очилган пахталарни битта қўймай териб олди.
5. Ишга эрта чиққанлар планларини ошириб бажардилар.

143- машқ. Ўқинг. Ўтган замон сифатдошнинг гапдаги вазифасини айтиб беринг. Мақолларни ёд олинг

Билмаганини сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

Эрта эккан эрта ўради.

Кўп юргандан сўрама, кўп билгандан сўра.

Ишламаган тишламайди.

Қўрққан олдин мушт кўтарар.

144- машқ. Ўзбек тилига ёзма таржима қилинг.

1. Я встретил сегодня актера, игравшего в «Лесе». 2. Я внимательно смотрел на актера, игравшего главного героя. 3. Небо покрыто тучами. 4. Вперед поехала пушка, окруженная пехотными солдатами. 5. Окна завешены шелковой занавеской.

БИРИНЧИ АРХЕОЛОГ

Яхё Фуломов 1908 йилда Тошкентда туғилди. У аввал «Намуна» интернатида тарбия олди. Сўнгра шаҳардаги эрлар билим юртига ўқишга кирди. Ундан кейин Самарканд Давлат Педагогика академиясида ўқиди. Уни битириб, 1931—1932 йилларда Тошкентдаги В. И. Ленин номи Педагогика техникумида дарс берди. Кейинчалик Ўзбекистон Қадимги давр ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитетининг илмий ходими ҳамда илмий котиби, СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институтининг бўлим мудир, кейин ЎзФА Тарих ва археология институти раҳбари вазифаларида ишлади.

1937—1949 йиллар давомида Яхё Фуломов машхур археолог С. П. Толстов билан Хоразм археология-этнография экспедициясида тадқиқотлар олиб борди. Бунинг натижасида С. П. Толстов «Қадимги Хоразм» монографиясини, Яхё Фуломов «Хоразмнинг суғорилиши тарихи» асарини ёзди.

Яхё Фуломов икки томлик Ўзбекистон тарихини яратишда актив қатнашди.

Академик қирқ йиллик илмий фаолияти давомида кўплаб илмий экспедициялар ташкил қилди, уларда фаол қатнашди ва кўпчилигига раҳбарлик қилди.

Олим кўплаб илмий кадрларни тарбиялади.

У тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби каби илмий даража ва унвонларга сазовор бўлди.

Яхё Фуломов 1977 йили вафот қилди.

Т о п ш и р қ . Текстни ўқинг, саволлар тузинг ва ўзаро суҳбатлашинг.

ЕР ШАРИ ҲАҚИДА
(«Канада дафтари»дан)

Эркин Воҳидов

«Замин» отли бир Сайёрани
Икки бўлак қилиб сўйдилар.
Ғарб дедилар битта порани,
Бир порани Шарқ деб қўйдилар.

Такдир яна минг парча этди.
Эл-элатлар ва динлараро —
Дона-дона сочилиб кетди,
Анор каби кесилган дунё.

То пширик. Шеърини ёд олинг.

31- §

СУХБАТ

— Бир йил неча кундан иборат?
— Бир йил 365 кундан иборат. Ҳар тўрт йилда қабиса
(высокосный) йили бўлади. Қабиса йили — 366 кун.

— Бир йил неча ой?
— Бир йил ўн икки ой.
— Бир ой неча ҳафта?
— Бир ой тўрт ҳафта.
— Бир ҳафта неча кун?
— Бир ҳафта етти кун. Душанба — ҳафтанинг би-
ринчи куни. Ҳафтанинг иккинчи куни — сешанба, учинчи
куни — чоршанба, тўртинчи куни — пайшанба, бешинчи
куни — жума, олтинчи куни — шанба, еттинчи куни —
якшанба.

— Бугун қайси кун?
— Бугун пайшанба.
— Эртага қайси кун?
— Эртага жума.
— Индинга қайси кун?
— Индинга шанба.
— Дам олиш куни қандай аталади?
— Дам олиш куни якшанба дейилади.
— Ўзбек тилидан машғулот қайси кунлари бўлади?
— Ўзбек тили ҳафтада икки марта: сешанба ва
жума кунлари бўлади.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИФАТДОШИ

(Причастие настоящего времени)

Причастие настоящего времени образуется присоединением к положительной или отрицательной форме деепричастия на *-а*, *-й*, аффикса *-ётган*. Если деепричастие оканчивается на *-й*, то вместо *й+ё* пишется только одно «ё»: *ишла+ётган — ишлаётган, ишлама+ётган — ишламаётган, сакра+ётган — сакраётган, сакрама+ётган — сакрамаётган*. Эта форма переводится на русский язык причастием настоящего времени. Например: *Кеча биз Москвага кетаётган ўртоқларимизни кузатиб қўйдик*. — Вчера мы проводили товарищей, уезжающих в Москву.

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН СИФАТДОШИ

(Причастие настояще-будущего времени)

Причастие настояще-будущего времени образуется присоединением к положительной или отрицательной основе глагола аффиксов *-а* или *-й* деепричастия настоящего времени и аффикса *-диган*: *ишлайдиган одам* — работающий человек, *ишламайдиган одам* — неработающий человек, *биладиган студент* — знающий студент, *билмайдиган студент* — незнающий студент.

Эта форма переводится на русский язык двояко: или причастием настоящего времени или придаточным предложением со словом «который» и глаголом будущего времени, например: *Практикага кетадиган студентлар эртага соат еттига йиғилишсин*. — Студенты, уезжающие (или которые уедут) на практику, пусть завтра соберутся в семь часов.

КЕЛАСИ ЗАМОН СИФАТДОШИ

(Причастие будущего времени)

Причастие будущего времени образуется путем присоединения к основе глагола аффикса *-р* (после конечного гласного): *ишла+р, ўқи+р*, или *-ар* (после конечного согласного): *кел+ар, топшир+ар*.

Отрицательная форма образуется присоединением к основе глагола аффикса *-мас*: *бор+мас, ишла+мас*. Отрицательная форма в современном узбекском языке употребляется очень редко.

145- машк. Куйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг.
Сифатдошларнинг қайси замонда эканлигини айтинг.

1. Мукофот оладиган ишчиларнинг рўйхати тузилди.
2. Ўзбек тилидан имтиҳон топшираётган студентлар аудиторияда.
3. Оқар сув доим тоза ва совук бўлади.
4. Болалар боққан балиқлар аквариумларда сузиб юрибди. (Э. Р.)
5. Экинни эрта эккан, ҳосилни эрта ўрар. (Мақол.)
6. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. (Мақол.)

146- машк. Куйидаги сифатдошлар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.

Олаётган, берадиган, бермас, бажарар, топширадиган, келмаётган, топширмайдиган.

147- машк. Нукталар ўрнига сифатдош ясовчи қўшимчалардан мосини қўйиб, шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Ок... сув, ишла... киши, гул эк... одам, чопа... от, уч... гилам, ёға... қор, ёзил... хат.

148- машк. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Я видел студентов, уезжающих на сбор хлопка.
2. Студентка, которая будет делать научный доклад, занимается в читальном зале.
3. Здесь собрались механики, ремонтирующие хлопкоуборочные машины.
4. Пришел казначей, принимающий членские взносы.
5. Товарищ, хорошо знающий узбекский язык, помог мне перевести эту статью.

Е. Д. ПОЛИВАНОВ

XX аср тилшунослигининг машхур намояндаларидан бири, 23 ёшида доцент, 28 ёшида профессор бўлган Евгений Дмитриевич Поливанов Москвадан Тошкентга келди.

Е. Д. Поливанов Ўзбекистонга ўзбек тили, ўзбек шевалари бўйича махсус тайёргарлик кўрган профессор-турколог сифатида келгани йўқ эди, албатта. У Петроград университети тарих-филология факультетининг славян-рус, айни вақтда Шарқ тиллари амалий академиясининг япон тили бўлимини тугатган. Поливанов грек, лотин, француз, немис, инглиз, испан, серб, поляк, эстон, мордва, абхаз, грузин, араб, хитой, дунган, корейс тилларини, умуман дунёнинг 46 тилини эгаллаб олган; шарқ тиллари бўйича 20 илмий иш нашр қилдирган тилшунос олим сифатида танилган эди.

Ўзбекистонда ўзбек тили ва шеваларини, шунингдек,

корақалпок тилининг Қўнгирот, тожик тилининг Самарқанд ва Хўжанд шеваларини, Бухоро яҳудийлари тилини ўрганиб таҳлил этган Е. Д. Поливанов, айтишларича, бир ойда бирор тилни, уч кунда эса ўша тилнинг бирор шевасини ўрганиб, бу ҳақда жиддий мақола ёзишга қодир бўлган.

«Ўзбек тилининг қискача грамматикаси» (уч китоб) нашр этилгунига қадар (1926 йилгача) ўзбек тилининг фонетикаси, морфологияси, сўз ясалиши ҳақида Иттифоқимизда ҳам, Фарбий Европада ҳам Е. Д. Поливанов ёзган асарларга тенглашадиган бошқа биронта илмий асар йўқ эди.

Чорак асрлик илмий фаолиятида Е. Д. Поливанов 28 китоб ва рисола, шу жумладан, дарслик ва қўлланмалар, умуман 150 га яқин илмий иш нашр қилдирди. У фақат тилшуносликка оид асарлар эмас, балки этнография, фольклор, адабиётшунослик, педагогика, тарих, топонимияга оид асарлар ёзди.

Олим 1934 йил охириларида Қирғизистонга кетди ва бу ерда у Қирғиз маданий қурилиши (кейинчалик Қирғиз тили ва ёзуви) институтида ишлади, пединститутда лекциялар ўқиди, қирғиз, дунгай тилларига оид асарлар ёзди, адабиёт, фольклор, қисман матншунослик билан шуғулланди, экспедицияларда қатнашди.

Е. Д. Поливановнинг тақдири фожиали бўлди. У 1937 йил март ойида қамалди ва, кўп ўтмай, 1938 йил 25 январда, 47 ёшида қамоқхонада ҳалок бўлди. 1957 йилгача «халқ душмани» деб қораланган Е. Д. Поливановни 1963 йил март ойида СССР Олий суди оқлади.

20-йилларнинг синфий кураши давом этаётган пайтларда дўппи, чопон кийиб, «Мен ўзбекман, фамилиям Полвонов», деб ўзбеклар орасида ўзбек бўлиб, ўзбек тили ва шевалари бўйича материаллар тўплаган, «чиғатой», «сарт» деб юритилган халқ тилини ўзбек тили сифатида жаҳонга танитган, ўзбек халқини саводхон қилиш учун жон-дилидан курашган Е. Д. Поливановнинг ёрқин хотираси халқимиз ёдида абадий сақланади.

Топширик. Ўқинг, рус тилига таржима қилинг. Текст юзасидан ўзбек тилида саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

СУХБАТ

- Каерга кетяпсан?
- Почтага. Дугонамга хат жунатишим керак. Сен каерга кетяпсан?
- Мен ҳам почтага кетяпман.
- Айтинг-чи, бу дарчага ким охири?
- Мен.
- Илтимос, пул жунатиш ва кимматли посилка бланкаларидан беринг.
- Мана бланкалар. Керагини олинг.
- Мен посилкага хабарнома олдим. Мана у.
- Бланканинг орка томонига паспорт хакидаги маълумотни тўлдилинг.
- Илтимос, менга иккита авиаконверт ва иккита открытка беринг. Қанча тўлашим керак?
- Йигирма тийин.
- Марҳамат, ола қолинг.

РАВИШДОШ

(Деепричастие)

Деепричастие — это глагольная форма, которая имеет и свойства глагола, и свойства наречий.

Деепричастия имеют несколько форм. Они образуются от основы глагола с помощью аффиксов.

Деепричастия, образованные с помощью аффиксов **-б** (-иб), выполняют следующие функции:

а) **обстоятельства**: *Студент саволга ўйлаб, тўғри жавоб берди.* — Подумав, студент правильно ответил на вопрос;

б) **основного глагола в составе сложного глагола**: *Мен унинг адресини дафтаримга ёзиб олдим.* — Я записал его адрес в свою тетрадь;

в) **сказуемого придаточного предложения**: *Шу пайт эшик очилиб, ҳовлига ҳарбийча кийинган бир йигит кириб келди.* — В это время открылась дверь и во двор вошел молодой человек, одетый в военную форму.

Деепричастия, образованные с помощью аффиксов **-а**, **-й**, часто употребляются в удвоенном виде для обозначения повторяемости или длительности действия основного глагола: *Назрулла югура-югура чарчади.* (С.) — Назрулла, бегая-бегая, устал.

Отрицательная форма деепричастий образуется присоединением к основе глагола аффикса **-май** или **-масдан**: *ўқи+май, ўқи+масдан* — не читая.

Деепричастия, образованные при помощи аффиксов **-а, -й**, в предложении выполняют следующие функции:

а) **обстоятельства**: *У ўйлай-ўйлай уйдан чиқиб кетди.* — Раздумывая, он вышел из комнаты. *Азиза «Отасининг қизи» спектаклининг мазмунини кула-кула гапириб берди.* — Азиза, смеясь, рассказала содержание спектакля «Дочь отца»;

б) **служат для связи основного глагола со вспомогательным**: *Наташа ўзбек тилида хат ёза олади.* — Наташа может написать письмо на узбекском языке;

в) **изменяясь по лицам и числам, служат для образования настоящего-будущего времени**: *Мен Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ўқийман.* — Я учусь в Ташкентском государственном педагогическом институте имени Низами.

149- машк. Ўқинг, равишдошларни аниқлаб, айтинг.

Ўйга яқин жойда тўпланиб турган бир неча болани кўрдик. Бошқа болалар ҳам шошмасдан уларга яқинлашар эдилар: Қосим болаларни тўплаб, уларни нима учун чакирганлигини айтди.

— Катталар, — деди Қосим, — укаларимиз учун ўйин майдончаси қуришмоқчи. Мен ўйлаб туриб, шу майдончани биз ўзимиз ҳам қуришимиз мумкин-ку деган қарорга келдим.

— Жуда яхши фикр, — деди болалар қувонишиб.

Якшанба куни Қосим тўплаган болалар комендантга мурожаат қилиб, кетмон, белкурак, яна бошқа керак нарсалар олиб, ишга туша бошладилар. Ерларни тозалаб, текислаб, футбол, волейбол ва теннис ўйинлари учун жойлар ажратишди.

150- машк. Кўчиринг. Равишдошларни топиб, равишдош ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Илк қор ўйнаб-ўйнаб ёғар эди. (О.) 2. Бобомни кута-кута ухлаб қолибман. 3. Қиз бир қучоқ тут барги кўтариб олганича қотиб-қотиб қуларди. (С.) 4. Феруза инқиллай-инқиллай ўрнидан турди. («Ш. ю.») 5. Саёхатчилар юра-юра анча жойни босиб қўйдилар. 6. Султонмурод келибок ўқишга киришди. (О.) 7. Мустакил мутолаа қилмай, яхши ўқувчи бўлиш мумкин эмас.

151- машк. Нукталар ўрнига мос қўшимчаларни қўйинг. Улар гагда кандай маъно ифодалаганини айтиб беринг.

1. Вазираҳон гул ол... келди. 2. Касалхонадаги ўртоғимни кўр... олмаяпман. 3. Укам эрта билан тур..., ювин..., нонушта кил..., мактабга кетди. 4. Ўқитувчи ўтилган грамматик коидани биздан сўра..., сўнг янгисини тушунтирди. 5. Аҳмад, ўз одатича, теваракни сайр эт...-эт... аста юриб кетди. 6. Ҳаммамиз аудиторияга кир..., ўз жойларимизга ўтирдик.

152- машк. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Окончив университет, я буду работать в Намангане. 2. Валя, волнуясь, читала письмо, которое получила от подруги. 3. Прочитав книгу, он отнес ее в библиотеку. 4. Написав письмо, я опустил его в почтовый ящик. 5. Вали, не слушая моих слов, продолжал свою работу. 6. Мы расстались, пожелав друг другу счастливого пути.

153- машк. Ўқинг. Равишларни аниқлаб айтинг.

1. Бўтабой гапга тушуна олмай, Низомиддиновга каради. (С. Аҳм.) 2. Назирқул титраб-қақшаб ўрнидан турди. (С. Аҳм.) 3. Синфларни кўриб юрган Холмат ака Эркинни кўтариб доска олдиға борди. 4. Ғуломжон шоша-шоша эшикни ёпди. («Ш. ю.») 5. Тозагул самоварни қайта-қайта пуфлар эди. (О.) 6. Сабуров ҳассага таяниб, кийинлик билан оксаб-оксаб йўл босарди. (К. С.)

154- машк. Равишдош ясалган феълларнинг инфинитив формаларини айтиб беринг.

На м у н а : ўйнаб — ўйнамок.

Ўйнаб, сўзлай, тўлдириб, ола, кўрсатиб, кўра, ишлаб, қила, гапириб, ишлай, санаб, бажара, кураша, ўкиб, бошлай, айтиб.

155- машк. Нукталар ўрнига мос қўшимчаларни қўйиб, ўқинг. Гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Куёш чаракла... чикди. (Ҳ. Н.) 2. Назира югур... чик... кетди. (С.) 3. Володя индама... бош чайқади. 4. Ҳакимжон сўқмоқларда юр... бер..., оёғида оёқ қолмади. (М. Муҳамедов.) 5. Меҳмон кул...-кул... бўлган воқеани гапир... берди. 6. Ўқтам дадасини қидир...-қидир... чорвоқдан топди. (Ҳ. Н.)

156- машк. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Взяв книгу, Вадим вышел из библиотеки. 2. Студенты, войдя в аудиторию, сели за стол. 3. Дежурный

ученик подмел пол, вытер доску и принес мел. 4. Надев пальто, отец вышел из дома. 5. Сегодня я рано встал, оделся, умылся, позавтракал и пошел в библиотеку. 6. Он шел, не оглядываясь назад.

ЎРОЛ ТАНСИҚБОВ

Ўрол Тансиқбоев СССР Бадий академиясининг хакикий аъзоси, СССР Халқ рассоми, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати эди. Унинг ижоди билан кўплар таниш.

Бўлажак рассом 1904 йили ишчи оиласида туғилди. У аввал (1924—28) Тошкент Санъат музейи қошидаги рассом Н. Розанов студиясида, кейинроқ Пенза Бадий педагогика техникумида (1929) рус реалистик санъатининг мохир усталаридан бири И. Горюшкин-Сорокопудов кўлида таълим олди.

Ўрол Тансиқбоев, асосан, 30-йилларда рассом сифатида шаклланди, ўз асарларининг халққа яқин ва тушунарли бўлиши учун тинмай меҳнат қилди.

1940 йили яратилган «Алишер Навоий» портрети рассом ижодида алоҳида ўрин тутди.

Улуғ Ватан уруши даврида рассом «Ваҳшийнинг йўли», «Озод қилинган ерларда», «Партизан аёл» сингари асарларини яратди.

50—60-йиллар мобайнида рассом ижод қилган асарларнинг аксарияти совет тасвирий санъатининг янги ютуғи сифатида кутиб олинди. «Тахнатош», «Қайроққум денгизи», «Янги ерда», «Ўзбекистонда март», «Қаттақўрғон сув омбори», «Сирдарё», «Бўстонлиқда баҳор» каби асарлар ана шулар жумласидандир.

Ўрол Тансиқбоев, асосан, лиро-эпик рассом эди. Унинг ҳар бир асарида жонажон ўлкага нисбатан чексиз муҳаббат бор. Ана шу муҳаббат билан Ўзбекистон манзарасининг улуғвор тасвирини чизди ва томошабинларда ватанпарварлик туйғусини бойитди. У яратган пейзаж-картиналар чуқур маъно ва поэзияга бой бўлиб, Ўзбекистоннинг колхоз далалари, гуллаган боғлари; дарё ва кўл қирғоқлари эпик тарзда тасвирланган.

СССР Халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев 1974 йил 18 мартда вафот этди. Лекин у бой ва ранг-баранг мерос қолдирди. Улар мамлакатнинг йирик музейлари — Давлат Третьяков галереяси, Шарқ маданияти Давлат музейи, Олмаота, Кишинев, Самарканд, Нукус ва бошқа ша-

харлардаги расмлар галереялари ҳамда музейлардан
фахрли ўрин эгаллаган.

Топширик. «Ўрол Тансиқбоев» текстини ўқинг ва
рус тилига таржима қилинг.

АЛИШЕР НАВОИ

Алишер Навои — великий узбекский поэт. Он написал поэмы «Фархад и Ширин», «Лейли и Меджнун» и другие. Кроме того, он написал много стихотворений. Его творчество очень многогранно. Богат язык его произведений.

Навои — основоположник узбекского литературного языка. Произведения его переводятся на многие языки. Творчество его близко и дорого всем народом Советского Союза.

Топширик. Текстни ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг.

Яхшилик килолмасанг, ёмонлик ҳам қилма,

Билмагани сўраб ўрганган — олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур,

Тилинг билан кўнглингни бир тут.

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

Топширик. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунти-
ринг. Рус тилидаги мақоллардан ўқашини топиб айтинг.

БАҲОР

Осмон тиниқ, кўк шохи,
Ок булут кезар гоҳи,
Гулларга кўмилади
Қантак ўрикнинг шохи.

Боғбон чикар боғига,
Чўпон кетар тоғига,
Боларилар гувиллаб
Қўнар гул япроғига.

Кушлар учиб келади,
Шамол ғир-ғир елади.
Куёш гуллар юзини
Шуълаларга беллади.

Сувлар шилдираб оқар,
Кушиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдинг,
Салом сенга, гул баҳор!

Уйғун

Топширик. «Баҳор» шеърини ифодали ўқинг, ёд
элинг.

33-§

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бизнинг мамлакатимиз қандай аталади?
2. СССР қандай давлат билан чегарадош?
3. Иттифокдош республикалар номини ва уларнинг
пойтахтларини айтиб беринг.
4. Сиз Москва тўғрисида нималар биласиз?
5. Мамлакатимиздаги қаҳрамон шаҳарларнинг номла-
рини айтиб беринг.

Деепричастия, образованные при помощи аффиксов с временным значением **-гач, -кач, -қач** в предложениях выполняют следующие функции:

а) **сказуемого придаточного предложения времени:**
Эргаш келгач, биз дарс тайёрлашга ўтирдик. — Как только пришел Эргаш, мы сели готовить уроки;

б) **сказуемого придаточного предложения причины:**
Ёмғир ёққач, ҳовлидан уйга кирдик. — Так как пошел дождь, мы вошли в дом.

Отрицательная форма деепричастия образуется путем присоединения тех же аффиксов **-гач, -кач, -қач** к отрицательной форме глагола: *Укам ўқишдан келавермагач, хавотир олдик.* — Ввиду того что (так как) братишка не возвращался с занятий, мы волновались.

Деепричастия, образованные с помощью аффиксов **-гунча, -кунча, -қунча**, в предложениях выполняют следующие функции:

а) **обстоятельства:** *Яхшиликларингни ўлгунча унут-майман.* — Доброту твою до самой смерти не забуду;

б) **обособленного второстепенного члена (обособлен-**

ного обстоятельства): Душманни энгмагунча, уйимизга қайтмаймиз.— Пока не победим врага, домой не вернемся;

в) сказуемого придаточного предложения времени: Ҳамма йигилгунча, шу ерда кутиб тураимиз.— Пока все не соберутся, подождем здесь.

157- машк. Ўқинг, равишдошин аниқлаб айтинг.

1. Емгир тингач, ҳаво очилиб кетди. 2. Вали мажлисдан чиққунча кутдик. 3. Лариса ёнидаги ўртоғига ниманидир кула-кула гапирар эди. 4. Катя капалак орқасидан чопачопа чарчади. 5. Автобус бўлмагач, ҳаммамиз пиёда кетдик.

158- машк. Кўчиринг. Равишдошларни топиб, равишдош ясовчи кўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Людмила келгач, Лазокат холанинг хонадонига файз кириб кетгандек бўлди. (М. Қориев.) 2. Ўқитувчи келгач, дарс бошланди. 3. Ўйнаб-ўйнаб юраман, эрким ўзимда. (Қўшиқдан.) 4. Жўрабоев чолга яқинлашгач, унга кўл узатди. 5. Душманин энгмагунча, юртимга қайтмайман. (А. К.)

159- машк. Кўчиринг. Нукталар ўрнига мос кўшимчаларни қўйинг. Улар қандай маъно ифодалаганлигини айтиб беринг.

1. Ботиржон, ҳамма имтиҳонларини топшир... бўл..., уйига кетди. 2. Муроджон чоп...-чоп... ўртоғига етиб олди. 3. Эркин ўтин ёк..., мен сабзи-пиёзни тўғраб бўлдим. 4. Мажлис туга..., мен рансин кути... ўтирдим. 5. Отам Москвага кет..., мен командировкага бора олмайман. 6. Кутубхоначи кел... кутаман.

160- машк. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Дильбар закончила школу и поступила в институт. 2. Хаким, вернувшись домой, лег спать. 3. Как только прочту эту книгу, дам вам ее прочитать. 4. До прихода поезда, мы посидели в кафе. 5. Пока не выполним план заготовки хлопка, мы не успокоимся. 6. Пока Павел не вышел из аудитории, я не сказал ему ни слова.

МОСКВАГА САЁХАТ

Тошкент аэропортидан эрталаб самолётга ўтириб, уч ярим соатдан сўнг улуғ Ватанимиз пойтахти Москвага етиб келдик. Домодедово аэропортидан таксига ўтириб, шаҳар марказидаги «Россия» меҳмонхонасига бордик. Биз Москвада ўн кун давомида жуда кўп жойларни кўрдик.

Москва бўйлаб саёхат Қизил Майдондан бошланди. Бу ерда улуг дохиймиз В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилдик. Номаълум солдат кабрига гулдасталар қўйдик. Кремлдаги қадимий ёдгорликлар билан танишдик. Революция майдонидаги Большой ва Малый театрларни, Союзлар уйини томоша қилдик. Ундан Максим Горький кўчасига йўл олдик. Горький кўчасида магазинлар, ошхоналар ва кафелар кўп.

Иккинчи кун М. И. Калинин номидаги проспектга чикдик. Унда В. И. Ленин номидаги кутубхона, янги қурилган катта бинолар бор экан. Китоблар уйи, Октябрь кинотеатри ҳам шу кўчага жойлашган.

Биз кўпроқ метрода юрдик. Ундаги ҳар бир станция улугвор саройини эсалатади. Поездлар тез-тез келиб туради. Ленин тепалигидаги М. В. Ломоносов номи Москва Давлат университетини бориб кўрдик. Унинг бинолари жуда баланд ва чиройли. Университетда Ватанимизнинг ҳамма бурчакларидан ҳамда чет элдан келган ёшлар ўқимокда.

Москвада Ўзбекистондан борган кўплаб ёшлар университети, институтлар ва бошқа илм муассасаларида таълим олмокда. Москвада дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳларни ҳам кўрдик.

Москва — меҳмондўст шаҳар.

Топширик. Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини айтиб беринг.

ЦЕННАЯ НАХОДКА

Ранней весной колхозники начали готовить поля к пахоте. На одном поле был большой бугор. Он давно мешал движению тракторов. Колхозники решили снести его. Работа закипела. Вдруг Ахмед вместе с землей выбросил кусок какого-то глиняного сосуда. Он начал осторожно разгребать землю и вытащил кувшин. Но кувшин разломился на куски в руках Ахмеда. Колхозники позвали учителя истории Алимова. Когда Алимов увидел находку, он сказал:

— Здесь, по-видимому, остатки древнего поселения.

Учитель отправил телеграмму профессору.

Вскоре приехала группа археологов с руководителем. Появились и помощники — ученики школы.

Топширик. Ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг.

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. СССР Бадий академиясининг хакикий аъзоси, СССР Халк рассоми, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати Ўрол Тансиқбоев қачон ва қаерда тугилган?

2. У қаерларда ва қайси йиллари ўқиди?

3. У қимлар қўлида таълим олди?

4. Рассом ижодида алоҳида ўрни тутган «Алишер Навоий» портрети қачон яратилган?

5. Улуғ Ватан уруши даврида рассом қандай асарларни яратди?

6. Қайси асарлари рассомнинг 50—60- йиллар мобайнида ижод қилган совет тасвирий санъатининг янги ютуғи сифатида кутиб олинди?

7. Ўрол Тансиқбоев қайси жанрларда ижод қилган?

8. СССР Халк рассоми Ўрол Тансиқбоев қачон вафот этди?

9. Унинг бой ва ранг-баранг мероси мамлакатимизнинг қайси музейларида сақланади?

10. Ўрол Тансиқбоев асарлари чет элларда ташкил этилган Совет санъати кўргазмаларида ҳам намоён этилганми?

ҲАРАКАТ НОМИ

(Отглагольные имена)

Отглагольное имя действия — это форма глагола, которая называет действие или состояние. Эта форма образуется путем прибавления к основе глагола аффиксов -ш(-иш), -в(-ув), -мок: *ўқиш* — чтение, *тик-ув* — шитьё, *ёз-мок* — писать.

В сочетании со словами *керак* (нужно), *мумкин* (можно), с послелогом *учун* (для, чтобы) или дательным падежом отглагольное имя переводится на русский язык неопределённой формой глагола: *олиш керак* — нужно взять, *ўқиш керак* — нужно учиться, *ёзиш мумкин* — можно писать, *билиш учун* — чтобы знать.

Отглагольное имя действия в сочетании с притяжательными аффиксами обозначает лицо, совершающее действие: *Ўқишим керак*. — Я должна учиться, *Ёзишим мумкин* — Я могу написать. *Ёзишинг мумкин*. — Ты можешь напи-

сать (Тебе разрешается написать). У мажлисга келиши керак. — Он должен прийти на собрание.

Отрицательная форма отглагольного имени передается при помощи слова *эмас*: *Эшикни очини мумкин эмас*. — Нельзя открывать дверь.

Топширик. Куйидаги текстни ўқинг, сифатдош, равишдош ва ҳаракат номини айтинг.

В. И. Ленин спортни жуда севарди ва спорт билан кўп шугулланар эди. Н. К. Крупская ўз эсдаликларида Ленин жисмоний машқларини бажариш ва спорт билан шугулланиш учун доим вақт топганини эслайди.

Ильич отиш, сувда сузишни, велосипедда юришни, шахмат ўйнашни жуда яхши кўрарди.

Ленин ҳатто турмада ётган вақтларида ҳам жисмоний машқларни бажариб турган. У бу ҳақда шундай дейди: «Гимнастика — жуда зарур нарсa. Ўз тажрибамдан олиб айтаманки, мен ҳар куни ухладан олдин гимнастика қилиб, сўнгра ухлагга ётаман. Баъзан жуда совуқ камерада ҳам гимнастика қилиб, исиниб, сўнгра ухлагга ётар эдим. Шунда мен жуда яхши ухлар эдим.»

161- машқ. Куйидаги гапларни ўқинг, ҳаракат номларини аниқлаб. Уларнинг қайси шахс-сонда келганини айтинг.

1. Ўртоғим Самарқанддан Республика Рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кириш учун келди. 2. Туристлар бугун Бухорога жўнашга тайёрланыпти. 3. Қишки сессияда биз уч фандан имтиҳон топширишимиз керак. 4. Машғулотларга кечикиб келиш мумкин эмас. 5. Улар ҳам ўзбек тили китобини кутубхонадан олишлари мумкин. 6. Кутубхонадан олинган китобларни ўз вақтида топшириш шарт.

162- машқ. Куйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Вам необходимо просмотреть эту статью. 2. Сегодня вы можете отдохнуть. 3. Нам необходимо научиться правильно говорить и писать по-узбекски. 4. Советская молодежь должна стремиться к знаниям. 5. Я сегодня не должен идти на практику. 6. Ты сейчас можешь зайти к декану. 7. Он должен написать заметку в стенгазету.

163- машқ. Гапларни ўқинг, ҳаракат номларини айтинг, гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Врачга касалнинг белгиларини аниқ айтиш керак. 2. Даволаниш учун врач маслаҳатига кулоқ солиш керак. 3. Кутубхонадан истаган китобнигизни олишингиз мумкин.

4. Машғулотларга кеч қолиш мумкин эмас. 5. Дмитрий Иванович Менделеев китоб муковалашни ва чемодан ясашни яхши кўрар эди. (Ю. Альперович.) 6. Хиротга жўнашимиз учун катта монелик бўлмаса керак. (О.)

164- машк. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Айтиш учун, чора топиш керак, гапириш мумкин, тушунтириш учун, маслаҳатлашниш учун, бажариш лозим, кечга қолиш мумкин эмас, беш баҳога ўқиш учун.

165- машк. Қуйидаги феъл негизларидан ҳаракат номлари ясанг ва ўқинг.

Ол, сўзла, тингла, қувон, бажар, ишла, бошла.

166- машк. Қуйидаги ҳаракат номлари иштирокида гаплар тузиб ўзинг.

Ўқиш мумкин, келишим зарур, олишнинг мумкин эмас, ёзиш керак, кечга қолмаслик учун, кириш керак, кириш керак эмас.

ХУЖУМ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Туркистон ўлкасининг аёлларига ҳам тенг ҳуқуқ ва эркинлик берди. Аммо ўзбек аёли паранжи ва чимматга ўралганча яшар экан, унинг чинакамига бахтли бўлиши мумкин эмас эди.

1926—1927 йилларда паранжига қарши ҳужум бошланди. Ҳуқуқсиз аёлларнинг ташаббусини уйғотган бу ҳаракат юз минглаб ўзбек аёлларининг паранжи асоратидан қутулишига сабаб бўлди.

Республикамизда 1927 йил 8 март куни байрам деб эълон қилинди. Йирик шаҳарларда оммавий митинглар ўтказилди. Шу куннинг ўзидаёқ 7 мингдан ортиқ аёл паранжи ташлади.

«Ҳужум» ютуқларини мустаҳкамлаш, аёлларни иш билан таъминлаш, уларни саводли қилиш учун шароит яратиш керак эди. Ҳамма ёқда хотин-қизлар клублари, саводсизликни тугатиш курслари очила бошладилар, уйга иш бериш авж олди.

«Ҳужум» ҳаракати ўзбек аёлларини руҳлантириб юборди. Жаҳон Обидова, Тожихон Шодиева каби жуда кўп хотин-қизлар ўша қизғин даврларда фаоллик кўрсатдилар.

Ўша жасур аёлларнинг олижаноб ишларини ҳозирги кунда ҳўжалик ва маданий қурилишларда хизмат қила-

ётган аёлларимиз давом эттирмакдалар. Масалан, халк таълими, медицина сингари муҳим соҳаларда аёллар кўпчиликини ташкил этади.

Ўзбекистон аёллари ўз меҳнатлари билан иззат-хурматга сазовор бўлмоқда. Минглаб хотин-қизларимиз фидокорона меҳнати учун орден ва медаллар билан тақдирланмоқда.

Юртимизда айниқса кўп болали оналар иззат-хурматда. Уларга турли имтиёзлар, енгилликлар ва моддий ёрдам бериб турилади.

Топширик. Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

35- §

СУҲБАТ

— Тошкентдаги В. И. Ленин майдонида тез-тез бўлиб турасизми?

— Ҳа, мен у ерда тез-тез бўлиб тураман.

— У майдонда нималар бор?

— В. И. Ленин ҳайкали, номаълум солдат қабри, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республика Министрлар Советининг маъмурий бинолари ҳамда Алишер Навоий номли Давлат кутубхонаси бор.

— Майдонда яна нималар бор?

— Бу ерда фонтанлар, гулзорлар ва дарахтзорлар бор.

— Байрам намойишлари ва парадлар қаерда бўлади?

— Байрам намойишлари ва парадлар шу майдонда бўлади.

— Ленин майдонига метрода бориш мумкинми?

— Ҳа, албатта. Бунинг учун метронинг «Ленин номли майдон» станциясида тушиш керак.

— Сиз байрам кунлари В. И. Ленин майдонида бўлганмисиз?

— Ҳа, биз ҳар байрамда шу майдонда бўладиган оммавий сайлларда қатнашамиз.

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ

(Наклонение)

Наклонение — это категория глагола, которая выражает отношение действия или состояния к действительности: *Наташа бу текстни ўқисин.* — Пусть Наташа читает этот

текст. *Малика, сен мана бу машқни кўчириб ёз.* — Малика, ты перепиши вот это упражнение. *Китоб ўқисанг, кўп нарсани биласан.* — Если будешь читать книги, будешь много знать.

В узбекском языке, как и в русском, три наклонения: *аниқлик майли* — изъявительное наклонение, *буйруқистак майли* — повелительно-желательное наклонение, *шарт майли* — условное наклонение.

Изъявительное наклонение показывает, что говорящий считает действие фактом, относя его к прошедшему, настоящему или будущему времени.

Формы времени являются и формами изъявительного наклонения: *Мен Москвада дам оламан.* — Я буду отдыхать в Москве. *Мен Москвада дам оляпман.* — Я сейчас отдыхаю в Москве. *Мен Москвада дам олдим.* — Я отдыхал в Москве.

Повелительно-желательное наклонение обозначает просьбу, требование или приказание. Оно выражает желание самого говорящего (т. е. 1-го лица), обращение ко 2-му или желание относящееся к 3-му лицу. Например:

Б и р л и к

Мен бор-ай — Я пойду (-ка) (желание)

Сен бор — Ты иди (приказание)

У бор-син — Пусть она пойдет (пожелание)

К у п л и к

Биз ол-ай-лик — Мы возьмем (желание)

Сиз ол-ингиз — Вы возьмите (приказание)

Улар ол-син(лар) — Пусть они возьмут (пожелание)

Вежливая форма 2-го лица единственного числа повелительно-желательного наклонения образуется присоединением к основе глагола аффикса **-нг** (после конечного гласного) или **-инг** (после конечного согласного). Например: *кел-инг* — приходите, подойдите, *ол-инг* — берите, *ёз-инг* — пишите (при обращении к одному лицу).

Форма 2-го лица множественного числа повелительно-желательного наклонения образуется присоединением к основе глагола аффикса **-нгиз** (после конечного гласного) или **-ингиз** (после конечного согласного). Например: *ўқи-нгиз* — читайте, *ёз-ингиз* — пишите.

Повелительно-желательное наклонение 3-го лица единственного числа образуется присоединением к основе глагола аффикса **-син**. Во множественном числе к аффиксу

-син присоединяется аффикс множественного числа -лар. На русский язык эта форма переводится глаголом 3-го лица в сочетании с частицей *пусть*. Например: *Ғайрат бугун бизникига келсин*.— Пусть Гайрат сегодня придет к нам.

Отрицательная форма повелительно-желательного наклонения образуется при помощи отрицательного аффикса -ма, который непосредственно прибавляется к основе глагола. Например: *Карим бугун мени кутмасин*.— Пусть сегодня Карим меня не ждет.

167- машк. Кўчириб ёзинг. Буйруқ-истак майлидаги феълларни топинг ва кайси шахсда эканлигини айтинг.

1. Совет мамлакатининг пионер ва комсомолни, халқ учун ишла, ўқи ва яша! 2. Аввал комсоргининг олдига борайлик. 3. Гулнора менга телефон қилсин. 4. Теримчилар кечкурун шийпонга тўплансинлар. 5. Карим Қосимович, бизга янги қондан яна бир марта тушунтириб беринг. 6. Эртага ҳамма консультацияга келсин. 7. Вадимга айтинг, бугун кутубхонага келмасин.

168- машк. Қуйидаги феъллардан буйруқ-истак майлидаги феъллар ясанг.

Бошламок, бажармок, топширмак, жавоб бермок, сўзламок, турмок, кўрмак, баҳоламок.

169- машк. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Пусть живет в веках имя и дело Ленина! 2. Укрепляя своё здоровье в молодости. 3. Напишу-ка письмо другу. 4. Карим, пожалуйста, помоги Айнисе и Тимуру выпустить стенгазету. 5. В субботу пусть он не уезжает домой. 6. Не курите, не сорите, не шумите.

МУҚИМИЙ

Муҳаммад Амин Мирзахўжа ўгли Муқимий 1850 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. Шоирнинг отаси Мирзахўжа новвой эди.

Муқимий аввал Қўқонда, сўнгра Бухоро ва Тошкентда ўқиди.

Муқимий гуманист шоир сифатида ўз ғазалларида халқнинг оғир ҳаётини акс эттирди, зулмга қарши норозилик, билдирди. Шу сабабли у таъкиб остига олинди.

Шоир бундай ҳақсизликка қарши аччиқ сатирик шеърлар ёзиб, бойлар, руҳонийларнинг кирдикорларини фош қилди, уларнинг устидан кулди

Муқимий кўп ғазаллар билан бирга, «Танобчилар», «Тўй», «Саёҳатнома» каби йирик асарлар ҳам ёзди. Уларда ўша давр ҳаётидаги камчиликларни очиб ташлайди.

Муҳаммад Амин Мирзахўжа ўғли Муқимий 1903 йилда, 53 ёшида, Қўқонда вафот этди.

Топширик. Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

170- машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларини ўқинг, рус тилига таржима қилинг. Текстда шу бирикмалар учраган гапларни топиб, рус тилига таржима қилинг.

Акс эттирмоқ, зулмга қарши, норозилик билдирмоқ, кун бермаслик, уларнинг устидан кулмоқ, халқ ижоди, шу туфайли, қўшиқ бўлиб қуйланмоқ.

Топширик. Текстни ифодали ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

ДОДХОҲИМ

Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос,
Порасиз ўтмас сенга юз илтимос.
Учраса илдам, мовут тўнлик киши,
Ўйлашиб, сўнг учрашар йиртиқ либос.
Бунча гердайдинг, Худоёрхонмусан?
Шунчаки мингбошисан, ўпкангни бос.
Додхоҳ, шопу камар камлик қилур,
Халқ тавқи лаънатин бўйнингга ос.
Хўмрайиб, ер остидан қўлга қарар,
Сен қолиб, муздан совук мирзанг — Ғиёс,
Мен Муқимийга ажал келмай туриб,
Эй худо, мингбошидан қилғил халос!

Топширик. Муқимийнинг «Додхоҳим» шеърини ифодали ўқинг, луғат ёрдамида мазмунини тушунишга ҳаракат қилинг. Шеърни ёд олинг.

36- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Институтингизда студентларнинг илмий конференцияси ҳар йили ўтказиладими?
2. Сиз ўқиётган факультетда-чи?
3. Бу йил ўтказиладиган конференцияда сизнинг гуруҳангиздан қимлар доклад қилмоқчи?

4. Сиз кандай темада доклад тайёрлаяпсиз?
5. Доклад ёзишда сиз кандай китоблардан фойдаланасиз?

ШАРТ МАЙЛИ

(Условное наклонение)

Условное наклонение обозначает действие, состояние, осуществление которого желательно или возможно при каких-то условиях.

Условное наклонение образуется при помощи аффикса **-са**, который прибавляется к положительной или отрицательной основе глагола, и личных аффиксов спряжения соответствующего лица и числа:

Бирлик

- кел-са-м* — если я приду
кел-са-нг — если ты придешь
кел-са — если он (она) придет
кел-ма-са-м — если я не приду
кел-ма-са-нг — если ты не придешь
кел-ма-са — если он (она) не придет

Кўплик

- кел-са-к* — если мы придем
кел-са-нгиз — если вы придете
кел-са-лар — если они придут
кел-ма-са-к — если мы не придем
кел-ма-са-нгиз — если вы не придете
кел-ма-са-лар — если они не придут

171- машк. Ўқинг. Шарт майлидаги феълларни аниқланг ва рус тилига таржима қилинг.

1. Агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайди-лар. 2. Дам олиш куни бизникига келсанг, далага чиқар эдик. 3. Қўлингдан келса, қидар ишингни бир нафас ҳам кечиктирма. 4. Футбол ўйнамасам ҳам ўйин қондасини биламан. 5. Бугун ҳаво очик, ёмғир ёғмаса керак. 6. Бу бола мени танимаса ҳам, мен билан саломлашди. 7. Нима эксанг, шуни ўрасан. (Мақол.)

172- машк. Шарт майлидаги феълларнинг қайси шахс-сонда эканини аниқлаб, айтинг ва рус тилига таржима қилинг.

1. Агар душман бостириб келса, улар ўз ерларини мудофаа қила оладилар. (Л. Б.) 2. Камтар бўлсанг,

обрў ортар. (Мақол.) 3. Ерга яхши ишлов берилса, ҳосил мўл бўлади. 4. Қанчалик барвақт ҳаракат қилсанг, шунчалик тўғри иш қилган бўласан. 5. Бугун дарсдан кейин кутубхонага борсанг, менга ҳам айт.

173- машқ. Ўқинг, кўчириб ёзинг. Шарт майлидаги феълларни аниқлаб, айтинг.

1. Олим бўлсанг, олам сеники. (Мақол.) 2. Халқ сени ҳимоя қилмаса, бунинг учун сен халқдан ўпқалама. 3. Агар мен Дилдорани кўрсам, саломингни айтаман. 4. Ўзбек тилидаги баъзи сўзларни билмасанг, мен сенга ёрдам бераман. 5. Институтни имтиёзли диплом билан битирсам, мени аспирантурага олиб қолишади. 6. Уларнинг бири ҳовузчадан хабардор бўлиб турса, иккинчиси товуқларга бир мўлжалда дон сепиб туради. («Л. у.»)

174-машқ. Нукталар ўрнига мос қўшимчаларни қўйинг ва кўчиринг

1. Дам олиш куни бизникига кел..., далага чиқамиз. 2. Қимки меҳнатга чидамли бўл..., у муваффақиятга эришади. 3. Қани энди бошқалар ҳам шундай ғалабаларга эриш... (А. Қ.) 4. Бугун дарсдан кейин ҳаммангиз кинога бор..., менга ҳам айтинг. 5. Китоб магазинига бор..., сизга ҳам ўзбек тили дарслиги сотиб оламан. 6. Дам олиш куни бувим уйда бўл..., кўргани бормоқчиман.

175- машқ. Ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Если будет время, мы с тобой ходим в театр. 2. Без воды цветы погибли. 3. Если меня примут в команду, то я стану футболистом. 4. Если бы не я, ты не добрался бы до города. 5. Если мы к тебе поедem, то я тебе позволю. 6. Без твоей помощи я бы не перевела этот текст.

РЕВОЛЮЦИОН ҚЎШИҚЛАР

Ҳар куни тинглайдиган ва куйлайдиган қўшиқларимизнинг тури кўп. Меҳнат ва муҳаббат ҳақидаги, лирик, маросим, инқилобий, ҳажвий ва болалар қўшиқлари ана шулар жумласидандир.

Революцион қўшиқлар тарихи инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Қўпинча мистик руҳда бўлган ибтидоий қўшиқлар кишилик жамияти ривожлана борган сари такомиллашиб, инқилобий руҳ билан бойиб борди. Милоддан аввалги IV асрда Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёга бостириб кириб, Сўғдиёнани вайрон этганда ўлимга маҳкум қилинган 30 нафар сўғд ҳарбий асирининг

дор томон озодлик кўшигини куйлаб боргани фикри-мизнинг ёркин далилидир. Тарихда машхур бўлган Спартак, Спитамен, Степан Разин, Емельян Пугачёв бошчилигида халк кўзғолончиларининг ўз революцион кўшиклари бўлган. Аммо эксплуататорлар синфини таг-томири билан суғуриб ташлаб, унинг ўрнига халк ҳокимиятини ўрнатишга чорлаган илк революцион кўшик «Интернационал»дир.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ва тақдири ҳам озодлик кўшиқларида бир қадар акс этган. Туркистонда Улуғ Октябрь революцияси арафасида халқимизнинг чор ҳукумати ва маҳаллий эксплуататорларга қарши стихияли кураши тобора инқилобий тус ола борган бир қатор кўшиқларида яққол кўринади. «Гиря», «Мискин», «Адашганман», «Отманг мени тошлар билан», «Зулм айламанглар», «Фигонким», «Додимга ет», «Хон зулми», «Поездингни жилдирган» ва бошқа кўшиқларда ижтимоий дард ёркин ифодаланган.

Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан кейин дастлабки йилларда атоқли совет шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий рус музыкаси, инқилобий кўшиқларининг ғоявий-бадий аъналарини ўзбек халқининг кўшиқ жанрига муваффақият билан татбиқ этиб, замон руҳига мос, сара ўзбек революцион кўшиқларини яратди. Унинг «Ҳой ишчилар!», «Яша, Шўро», «Ишчилар, уйгон!», «Биз ишчимиз», «Ҳой ҳой, отамиз», «Ишчи бобо» каби революцион кўшиқлари шулар жумласидандир.

Революцион кўшиқлар ҳар қайси даврда эрққа ташна халқларнинг мустақилликка ва ўз ҳокимиятларини тиклашга эришиш йўлидаги курашида абадий ҳамроҳдир.

(«Фан ва турмуш» *журнали*, 5- с. 1989 й.)

Топшириқлар. 1. Текстни ўқинг. Текст юзасидан саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

2. Ўзбек кўшиқларидан бирини айтинг.

37- §

СУҲБАТ

- Салом, Михаил.
- Салом, Олимжон.
- Йўл бўлсин?
- Қитоб дўконига кетяпман. Вақтинг бўлса юр, бир-га борамиз.

— Жуда яхши бўлади. Мен ҳам «Ўзбекча-русча лугат» олмоқчиман. Янги наشري чиққан экан.

— Янги наشري чиққанидан хабарим йўқ. Ундай бўлса мен ҳам оламан.

ФЕЪЛЛАРНИНГ ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ

(Категория времени глагола)

Категория времени выражает отношение действия к моменту речи.

Глагол в узбекском языке имеет три времени: *ҳозирги замон феъли* (настоящее время глагола), *келаси замон феъли* (будущее время глагола), *ўтган замон феъли* (прошедшее время глагола).

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Настоящее время глагола)

Настоящее время глагола выражает действие, которое происходит в момент речи. Настоящее время по своим модальным значениям бывает двух видов: *ҳозирги-келаси замон феъли* — настоящее-будущее время и *ҳозирги замон давом феъли* — настоящее-длительное время.

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Настояще-будущее время глагола)

Настояще-будущее время глагола в узбекском языке употребляется в двух значениях: 1) Когда действие, не ограниченное пределами времени, происходит регулярно, или постоянно, или естественно по своей природе: *Ер Қуёш атрофида айланади.* — Земля вращается вокруг Солнца. *Биз Ўзбекистонда яшаймиз.* — Мы живем в Узбекистане.

2) Когда действие непременно происходит в будущем (преимущественно в ближайшем будущем): *Комсомол мажлиси соат 12 да бошланади.* — Комсомольское собрание начнётся в 12 часов дня. *Эртага музейга борасизми?* — Завтра вы идете в музей?

Настояще-будущее время образуется путем прибавления к основе глагола аффикса -й (если основа глагола оканчивается на гласную) и аффикса -а (если основа глагола оканчивается на согласную), затем следуют показатели времени и лица.

Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
<i>кел-а-ман</i>	<i>кел-а-миз</i>	<i>ишла-й-ман</i>	<i>ишла-й-миз</i>
<i>кел-а-сан</i>	<i>кел-а-сиз</i>	<i>ишла-й-сан</i>	<i>ишла-й-сиз</i>
<i>кел-а-ди</i>	<i>кел-а-дилар</i>	<i>ишла-й-ди</i>	<i>ишла-й-дилар</i>

Отрицательная форма настоящего-будущего времени образуется путем присоединения к основе глагола аффикса -ма, затем следуют показатели времени и лица:

Бирлик	Кўплик
<i>кел-ма-й-миз</i>	<i>кел-ма-й-ман</i>
<i>кел-ма-й-сиз</i>	<i>кел-ма-й-сан</i>
<i>кел-ма-й-дилар</i>	<i>кел-ма-й-ди</i>

Бирлик	Кўплик
<i>ишла-ма-й-ман</i>	<i>ишла-ма-й-миз</i>
<i>ишла-ма-й-сан</i>	<i>ишла-ма-й-сиз</i>
<i>ишла-ма-й-ди</i>	<i>ишла-ма-й-дилар</i>

Вопросительная форма настоящего-будущего времени образуется с помощью аффикса -ми, который ставится после показателя лица:

Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
<i>келаманми?</i>	<i>келамизми?</i>	<i>ишлайманми?</i>	<i>ишлаймизми?</i>
<i>келасанми?</i>	<i>келасизми?</i>	<i>ишлайсанми?</i>	<i>ишлайсизми?</i>
<i>келадими?</i>	<i>келадиларми?</i>	<i>ишлайдими?</i>	<i>ишлайдиларми?</i>

176- машк. Нукталар ўрнига ҳозирги-келаси замон феъли формасини ясовчи кўшимчаларни қўйиб гапларни ўқинг.

1. У бугун Ленин музейига бор...ди. 2. Бу студентлар бизнинг факультетимизда ўқи...дилар. 3. Сен ўзбек тилини анча яхши бил...сан, аммо Сергей яхши билма...ди. 4. Шарқий ҳамда жануби-шарқий Осиё мамлакатларига борадиган хаво йўллари Тошкентдан ўт...ди. 5. Эртага соат нечагача лекцияда бўл...сан? 6. Сиз кутубхонага бугун бор...сизми?

177- машк. Қуйидаги феъллардан ҳозирги-келаси замон феъл формасини ясанг, улар иштирокида гаплар тузинг.

Ўзлаштирмак, ўрганмак, бошламак, сўзламак, бормак, ишламак, жавоб бермак.

178- машк. Қавс ичидаги феълларни ҳозирги-келаси замон феълнинг аввал бўлишли, кейин бўлишсиз формасида қўллаб, гапларни ўқинг

1. Бугун ҳаваскорларимиз телевизорда (чиқмоқ). 2. Бу йўлнинг охири (кўринмоқ). 3. Биз бугун экскурсияга (бормоқ). 4. Қўнлар бир-бирига ўхшаб (ўтмоқ) (Л. Б.). 5. Биз бугун коллектив бўлиб кинога (бормоқ). 6. Бу йил ёзда биз Тошкентда (бўлмоқ).

176- машқ. Гапларни ўқинг, ҳозирги-келаси замон феълларининг бўлишсизлик ва сўроқ формаларининг ясалишини айтинг.

1. Биз урушни истамаймиз. 2. Сен дам олиш куни бизникига келасанми? 3. Сешанба куни мен кутубхонага бормайман. 4. Эртага ўзбек тилидан қўшимча дарс бўладими? 5. Биз жума куни институтга келмаймиз, мактабга практикага борамиз. 6. Дилбар, сен иккинчи курсда ўқийсанми?

180- машқ. Ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг.

1. После зимней сессии вы поедете отдыхать в Чимган? 2. В феврале у нас начинается зимняя сессия. 3. Студенты IV курса не поедут в воскресенье на экскурсию. 4. Мой отец работает хирургом в городской больнице. 5. Где ты будешь работать, когда окончишь институт? 6. Мы любим свою Родину.

УСМОН НОСИР

Усмон Носир!.. Йигирманчи йилларда номи тилга тушди, ўттизинчи йилларда асарларини китобхонлар интиқлик билан кутадиган шоирга айланди.

Усмон Носирнинг ижод даври саккиз-тўққиз йилгина давом этди, холос. Унинг бизга маълум барча асарлари мана шу йиллар ичида, яъни унинг 16 ёшдан то 25 ёшгача бўлган даврда яратилди. Шу йиллар ичида у бир неча шеърлар тўплами («Қуёш билан суҳбат», «Сафарбар сатрлар», «Юрак», «Меҳрим») ва икки дoston («Норбўта», «Нахшон») ҳамда тўрт драма («Атлас», «Зафар», «Сўнгги кун», «Душман») асарларини яратди. Бадий таржима соҳасида ҳам шоир ўзига хос таржимонлик маҳоратини ва нозик поэтик дидини намоиш қилади. Н. Д. Добролюбовнинг «Ҳақиқий кун қачон келади!» деган машҳур асарини, В. И. Кришоннинг «Улуғ кун» драмасини, А. С. Пушкиннинг «Бокчасарой фонтани», М. Ю. Лермонтовнинг «Иблис» каби поэмаларини ва бир канча шеърларини, Гейне, Гёте, Байрон ижодидан кўнгина намуналарни ўзбек китобхонлари Усмон Носир таржимасида ўқидилар. Бу поэтик таржималар ўзбек адабиётининг

таржима асарлари саҳифасида шох намуналар бўлиб қолди.

Усмон Носир ижодида Ватан, халқ, доҳий Ленин ва партия мавзулари ҳамиша етакчилик қилди. Шоир доҳий В. И. Лениннинг ўлими ҳақида ёзган «Дилимдадир мангуга ҳамон» шеъри ўзбек шеъриятида яратилган ленинномалар орасида алоҳида ўрин олди. «Усмон шеъриятга шамолдай келиб кетди. Балки бўрондай! У шундай тўполон ва тўлқин билан келдики, унча-мунча шеърий услуб ва ижодии тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда ўзбек Лермонтовни, Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлди», деб ёзишди»,— дейди шоир Туроб Тўла.

Усмон Носир 1944 йил 24 мартда Кемерово областида вафот этган ва шу райондаги Первомайск кишлоғи яқинига дафн этилган.

1987 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Кемерово область ижодкорлари билан биргаликда шоир дафн этилган тепаликка хотира ёдгорлиги ўрнатди. Ёдгорликка «Усмон Носир, таникли шоир, 1912—1944» деган сўзлар битилган. Бу ҳассос шоирга қўйилган биринчи ёдгорликдир.

Ҳа, шоирнинг ўзи айтганидек, уни Ватан, халқ унутмайди:

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишимни ҳурмат қилар,
Гуллардан хайкал қулар.
Шеърларим янграб қолар,
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим.

Топшириқ. Текстни ўқинг, текст юзасидан саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

В ДОМЕ ОТДЫХА

Недавно я отдыхал в доме отдыха. Дом отдыха находится недалеко от города. Он красив и снаружи, и внутри. Моя комната находилась на втором этаже. Внизу был большой зал и библиотека. Направо и налево от дома был большой парк. Перед домом отдыха огромный цветник. За деревьями спортивные площадки для футбола, тенниса, площадка для игр и танцев. Везде пела, играла и танцевала молодежь.

Я любил уходить далеко в горы. Ежедневно я поднимался вверх по тропинке на гору. Сверху открывался прекрасный вид. Я долго смотрел вниз. Оттуда было видно всё.

Топширик. «В доме отдыха» текстини ўкинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

38-§

СУХБАТ

— Сизнинг энг севган машғулотиңиз нима?

— Китоб ўқиш. Китоб миңг йиллар давомида турлитуман билимларни ўзида тўплаб келадиган улкан хазинадир.

— Сизни Ватан тарихи қизиқтирадими?

— Ҳа, албатта.

— Қуёшнинг нима учун эрталаб чиқиб, кечкурун ботиши-чи?

— Бу ҳам мени жуда қизиқтиради.

— Ер ости ёки космик фазо ҳам қизиқтирадими?

— Албатта, қизиқтиради.

— Бу каби саволларнинг ҳаммасига қаердан жавоб топиш мумкин?

— Биламан. Бу каби саволларнинг ҳаммасига китобдан жавоб топиш мумкин.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДАВОМ ФЕЪЛИ

(Настояще-длительное время глагола)

Настояще-длительное время глагола выражает действие, которое происходит в момент речи. Действие может быть начато и до момента речи и продолжаться в момент речи: *Мен чет тилини ўргаяпман.* — Я изучаю иностранный язык.

Настояще-длительное время образуется несколькими способами:

Первый способ заключается в прибавлении аффикса -яп к основе глагола:

Бирлик

Кўплик

ўқи-яп-ман

ўқи-яп-миз

ўқи-яп-сан

ўқи-яп-сиз

ўқи-яп-ти

ўқи-яп-ти(лар)

В 3-м лице единственного числа происходит чередование звуков. После глухого согласного **п** аффикс **-ди** произносится и пишется как **-ти**.

Второй способ осуществляется прибавлением к основе глагола аффикса **-моқда**:

Бирлик

ол-моқда-ман
ол-моқда-сан
ол-моқда

Кўплик

ол-моқда-миз
ол-моқда-сиз
ол-моқда(лар)

Настояще-длительное время глагола может передаваться и при помощи четырех глаголов состояния: *турмоқ* (стоять), *ўтирмоқ* (сидеть), *юрмоқ* (ходить), *ётмоқ* (лежать). При этом основной глагол, так же как и вспомогательный, ставится в форме деспричастия прошедшего времени. Аффиксы лица и времени присоединяются к вспомогательному глаголу. Вспомогательные глаголы на русский язык не переводятся: *Кутиб ўтирибман*. — Жду. *У ўйлаб турибди*. — Он думает. *Биз сайр қилиб юрибмиз*. — Мы гуляем.

181- машқ. Кавс ичидаги феълларни ҳозирги замон давом феълига айлантириб ўқинг ва ёзинг.

1. Студентлар ўқишдан кейин ижтимоий-фойдали меҳнат билан (шуғулланмоқ). 2. Биз ўз аудиториямизни озода (сакламоқ). 3. У ҳали ҳам спорт билан шуғулланиб (юрмоқ). 4. Уларнинг суҳбатидан ҳеч нарса тушуниб (бўлмоқ). 5. Ота-онам Қавказда дам (олмоқ). 6. Мана бу қиз сени бир соатдан бери (кутмоқ).

182- машқ. Қуйидаги феълларни ҳозирги замон давом феъллининг барча формасида қўллаб, I, II, III шахс бирлик ва кўпликда туслаб ўқинг.

Ўйнамоқ, яйрамоқ, топширмоқ, бажармоқ, яшамоқ, сўзламоқ.

183- машқ. Кавс ичидаги феълларни ҳозирги замон давом феълли формаларида қўллаб ўқинг ва ёзинг.

1. Мен врачни кутиб (ўтирмоқ). 2. Бу икки ўртоқ доим бир-бирларига ёрдам бериб (турмоқ). 3. Акам ҳали ҳам шахмат тўғарагига қатнашиб (юрмоқ). 4. Малика боғда дарс тайёрлаб (ўтирмоқ). 5. «Баҳор» ансамблининг қизлари ҳисобот концертига тайёр бўлиб (турмоқ).

184- машқ. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг, ҳозирги замон давом феъллининг исалиши ва қўлланишини айтинг

1. Я изучаю в институте узбекский и английский языки. 2. Чью контрольную работу вы проверяете? 3. Где учится сейчас твой старший брат? 4. Я повторяю грамматику и читаю текст по узбекскому языку. 5. Я систематически занимаюсь спортом. 6. Я нечасто бываю на экскурсиях.

ФУРКАТ

(1858—1909)

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар адабиётда ҳам акс этди. Муқимий, Фуркат каби прогрессив шоирларнинг асарларида ватанга, халққа мухаббат, дўстлик ва садоқат ҳислари куйланди, ҳаёт лавҳалари реалистик тасвирларда муҳассамланди.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркат 1858 йилда Қўқон шаҳрида майда савдогар-хунарманд оиласида дунёга келди.

Оиланинг моддий аҳволи 17 ёшли Зокиржонни мадрасадаги ўқишини тўхтатиб, ишлашга мажбур этди. У ишлаш давомида ўз билимини ошириш билан бирга, ижодий иш билан шуғулланади. У лирик шеърларида ўз замонасидан нолиб, меҳнаткаш халқни эркин, ёруғ ҳаётга ундайди.

Фуркат 1889 йилнинг май ойида Тошкентга келиб, Қўқалдош мадрасасидаги бир ҳужрада истикомат қилади. Тошкентда яшаб, ижтимоий ҳаётда юз бераётган янгиликларни кузатиб бориши унинг ғоявий ўсишида муҳим роль ўйнади.

У ўзбек шоирлари орасида биринчи публицист сифатида рус халқи билан дўстлашиш, унинг маданиятини, фан-техникасини ўрганиш учун рус тилини чуқур билишни тарғиб қилди.

Шоир «Илм хосияти» шеърида фан-техникани, ижодкор инсоннинг ақл-идрокини улуғлайди ва рус илғор кишиларининг ижобий образларини қизиқ беришга интилади.

Фуркат 1891 йилнинг 14 майида Тошкентдан Самарқандга борди. Сўнгра у саёҳат қилиш, қўп мамлакатларни кўриш орзусида чет элларга сафар қилади. Шоир Туркия, Юнонистон, Булғория, Миср мамлакатларида бўлди.

Фуркат 1892 йилнинг баҳорида Арабистонга ўтиб, Макка, Жадда шаҳарларида бўлади. Шоир 1892 йилнинг

кузида Бомбай шахрига борди. У Бомбайдан Хиндистоннинг бошқа шаҳар-кишлокларига саёхат қилди. У яна Бомбайга қайтиб, 1893 йилининг март ойида Қашмирга, сўнгра Қашқарга ўтиб, аввал Хўтан шаҳрида яшади, кейин Ёркент шаҳрига келиб, турғун бўлиб қолди. Шоир Англия империалистлари, Хитой, Қашқар феодаллари зулми остида эзилган хинд, афғон, қашқар халқларининг ҳуқуқсизлигини кўрди.

Фуркат ватан муҳаббатини ва халқ кудратини мадҳ этувчи шеърлар ёзди. Ватанини эҳтирос билан севган буюк шоир ўзи тугилиб ўсган она юртини соғинади, ғам-изтиробда яшайди.

Ватанининг иштиёқини тортарам ғурбат ғами бирла,

Турубдурман кутулмай ғуссан ранжу инолардин...
каби парчаларда чет элларда ғариб бўлиб юрган шоирнинг ватанга бўлган сўнмас, ёрқин муҳаббати ифодаланади.

Фуркат чет элларда юрса ҳам, халқни, Ватанини унутмади, ўз ижоди билан халққа хизмат қилишни давом эттирди.

Халқпарвар шоир Фуркат 1909 йилда Ёркентда вафот этди. Унинг асарлари совет давридагина ўз кадр-кимматини топди.

Т о п ш и р и қ. Текстни ифодали ўқинг, саволлар тузиб, суҳбатлашинг.

ХОРОШИЙ ОТВЕТ

Однажды Альберт Эйнштейн, глубоко задумавшись, шел по улице. Он встретил своего друга и приветливо сказал ему: — Приходите завтра вечером ко мне. У меня будет профессор Стивенсон.

Друг удивленно воскликнул:

— Но ведь я Стивенсон!

— Это не имеет значения, — сказал Эйнштейн, — все равно приходите.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг.

39-§

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

— Алишер Навоий қайси асрда яшаган?

— У қачон ва қаерда туғилган?

— Унинг отаси ким эди? Онаси-чи?

- Алишерни кимлар тарбиялади?
- У неча ёшида ўқишга борди?
- Алишер болалик чоғидаёк, унда адабиётган хавас туғдирган нарса нима эди?
- Алишер неча ёшида илк шеълари билан шоир ва олимларнинг эътиборини қозонди?
- Отадан ёш қолган Алишер кимнинг қарамоғида тарбияланди?
- Алишер неча ёшида, ким билан ва қаерда хизмат қила бошлади?
- Нима учун Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро Машҳадга бориб, ўқишни ўша ерда давом эттирдилар?
- Алишер қандай фанлар билан шуғулланди ва кимларнинг асарларини кунт билан ўрганди?
- Нима учун уни Жомий ҳам фарзандим, ҳам шогирдим деб атади?

ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Прошедшее время глагола)

Прошедшее время глагола указывает, что действие совершилось до момента речи.

В узбекском языке имеется пять форм прошедшего времени: 1) аниқ ўтган замон феъли — очевидное прошедшее время глагола; 2) яқин ўтган замон феъли — частное прошедшее время глагола; 3) узоқ ўтган замон феъли — давнопрошедшее время глагола; 4) ўтган замон давом феъли — прошедшее многократно-длительное время глагола; 5) ўтган замон мақсад феъли — форма намерения прошедшего времени.

АНИҚ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Очевидное прошедшее время глагола)

Очевидное прошедшее время глагола выражает действие, которое совершилось до момента речи, при этом говорящий был очевидцем этого действия или его участником: *Бу йил ҳам бизнинг бригадамиз пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди.* — Наша бригада и в этом году вовремя выполнила план заготовки хлопка. *Бу китобни мен кутубхонадан эмас, китоб магазинидан сотиб олдим.* — Я эту книгу брал не в библиотеке, а купил в магазине.

Очевидное прошедшее время образуется путем прибав-

ления к основе глагола аффикса -ди и личных аффиксов спряжения:

Б и р л и к

кел-ди-м

кел-ди-нг

кел-ди

К у п л и к

кел-ди-к

кел-ди-нгиз

кел-ди-лар

Отрицательная форма очевидного прошедшего времени образуется прибавлением к основе глагола отрицательного аффикса -ма, за которым следуют аффикс -ди и затем личные аффиксы спряжения: *Улар ҳали экскурсиядан келмадилар*. — Они еще не вернулись с экскурсии.

Б и р л и к

айт-ма-ди-м

айт-ма-ди-нг

айт-ма-ди

К у п л и к

айт-ма-ди-к

айт-ма-ди-нгиз

айт-ма-ди-(лар)

185- машқ. Қуйдаги гапларни рус тилига таржима қилинг
Феълларнинг шахс ва замонини аниқлаиғ

1. Ўсган қишлоғимга қайтиб келдим. 2. Менинг бобом тут кўчатлари экди. 3. Кеча мухбирлар йиғилиши бўлмади. 4. Биз қишки сессияга нухта тайёрландик. 5. Курсимизда ўзлаштирмовчи студентлар қолмади.

186- машқ. Нукталар ўрнига қуйида берилган феъллардан мосини аниқ ўтган замон формасида қўйиб, гапларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

1. Бизнинг саёҳатимиз етти кун ... 2. Мусобақада Саша билан Эркин алоҳида чакқонлик ... 3. Кечгача биз суҳбатлашиб ... 4. Шахмат мусобақасида биринчи курс студенти Ақида ... 5. Боғимизда ёш олма дарахтлари яхши ... 6. Шанба кун факультетимизда ўзбек совет ёзувчи ва шоирлари Уйғун, Зулфия, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар билан учрашув ...

Қўйиш учун сўзлар: *кўрсатмоқ, кўкармоқ, бўлмоқ, давом этмоқ, ўтирмоқ, ғолиб чиқмоқ.*

187- машқ. Қуйдаги сўз ва сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг ва ўқинг.

1. Билан, иснб, кетди, кун, куёш, бирдан, чиқиши. 2. Боиланди, ишлари, пахта териш, далаларда. 3. Териш учун, мусобақа, тоза, студентларимиз, ўйнайдилар, пахта. 4. Кун бўйи, чарчашни билмади, ҳеч. 5. Қайтдик, биз, ишдан, кеча кечкурун.

188- машк. Қавс ичидаги сўзлардан аниқ ўтган замон феъли ясаиғ, сўнгра гапларини кўчириб ёзинг. Уларини рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Мен Ленин районидаги Ломоносов номли ўрта мактабини (битирмоқ). 2. Районимиз марказидаги кинотеатрини куришда бир группа студентлар (ёрдам бермоқ). 3. Клубимизда шанба кунин «Дўстлик кечаси» (ўтказмоқ). 4. Биз кеча, дам олиш кунин, кунин билан кутубхонада (бўлмоқ). 5. Кечаги лекциянин ҳамма қизиқини билан (тингламоқ). 6. Сен кеча кутубхонага (бормоқ)?

189- машк. Гапларини ўзбек тилига таржима қилиб ёзинг. Феълининг замон формасини кўшимчасинини айтиб беринг.

1. Летом мы работали в Мангышлаке. 2. В университет поступили учиться девушки из Кубы. 3. В Ташкенте построили большое красивое здание цирка. 4. Ташкент стал городом дружбы и братства. 5. Я повторил слова, прочитал текст и выучил правила. 6. В колхозном саду мы собирали яблоки, груши и персики.

ОНА ТИЛИМ УЛМАЙДИ

Эркин Воҳидов

Нотик деди:
Такдир шул,
Бу жаҳоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда.

«Эй вонз, пастга туш,
Бу гап чикди қаердан?
Навойи билан Пушкин
Туриб келди кабридан.

Қим даргазаб,
Қим ҳайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте

Шиллер

ва Байрон,

Фирдавсий,

Балзак,

Тагор.

Ваъзингини қўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди.
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».

— Хеч, бу кандай ақида!—

Қўлида табаррук жом,

Форсей тили ҳақида

Рубоний айтди Хайём.

Эхтиросли, оташ дил

Беранже сўрди нолон:

— Наҳотки фаранги тил

Йўқолгуси бир замон!

Неруда, Лорка турди

Сервантеснинг ёнига:

— Ким қасд этиб тиг урди

Она тилим жонига!

Фузулий ёнда:

Озар

Тили гулдек сўлмайди,—

Барча деди баробар:

«Она тилим ўлмайди».

Камалакдек ранго-ранг

Бўлсин деб санъат, тиллар.

Асрларга қилди жанг,

Армон қилди минг йиллар.

Бекадр бўлса наҳот

Тиллардаги тароват!

Йўқолди бу кун, хайҳот,

Қабрларда ҳаловат!

«Фауст» ёнди гуриллаб,

«Хамса» ўтга туташди.

Бир садо жаҳон бўйлаб

Таралди, тоғлар ошди.

Бу садо янграр ҳамон,

Сира адо бўлмайди.

Олам айтар:

Хеч қачон

Она тилим ўлмайди.

То п ш и р и қ. «Она тилим ўлмайди» шеърини ифодали ўқинг, ролларга бўлиб, ёд олинг.

40- §

СУҲБАТ

— Илтимос, Азизахон, ҳозир соат неча эканини айтиб юборинг.

— Марҳамат, ҳозир саккиздан йигирма минут ўтди.

— Биринчи сменада машғулот соат нечада бошланади?

— Бизда машғулот соат тўққизда бошланади. Сиздачи?

— Биз иккинчи сменада ўқиймиз, шунинг учун машғулотларимиз соат иккидан бошланади.

— Бугун неча соат ўқийсиз?

— Биз ҳар куни олти соат ўқиймиз. Сиз-чи?

— Бизда ҳам уч, баъзан тўрт пара дарс бўлади.

— Учинчи пара дарсингиз соат нечада тугайди?

— Учинчи пара дарс соат ўн беш минута кам иккида тугайди.

— Соат иккидан бошқа факультетнинг машғулотлари бошланади.

— Сизда танаффусларнинг тартиби қандай?

— Бизда ҳар қирқ беш минутда танаффус қилинади. Танаффус беш минутдан. Узок танаффус эса ўн беш минут. Сизларда-чи?

— Бизда ҳам худди шундай.

ЯҚИН ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Причастное прошедшее время глагола)

Причастное прошедшее время образуется от причастия прошедшего времени путем прибавления личных аффиксов спряжения: в единственном числе в 1-м лице **-ман**, во 2-м лице **-сан**; во множественном числе в 1-м лице **-миз**, во 2-м лице **-сиз**.

3-е лицо единственного числа аффиксов не имеет. 3-е лицо множественного числа может иметь аффикс множественного числа **-лар**.

ёзган-ман	эккан-ман	чиққан-ман
ёзган-сан	эккан-сан	чиққан-сан
ёзган- —	эккан- —	чиққан- —
ёзган-миз	эккан-миз	чиққан-миз
ёзган-сиз	эккан-сиз	чиққан-сиз
ёзган-(лар)	эккан-(лар)	чиққан-(лар)

Причастие прошедшего времени глагола имеет три отрицательные формы:

Первая образуется с помощью аффикса **-ман**, который прибавляется к основе глагола, и аффиксов **-ган**, **-кан**, **-қан** и личных аффиксов спряжения:

ёз-ма-ган-ман	эк-ма-ган-ман	чиқ-ма-ган-ман
ёз-ма-ган-сан	эк-ма-ган-сан	чиқ-ма-ган-сан
ёз-ма-ган	эк-ма-ган	чиқ-ма-ган
ёз-ма-ган-миз	эк-ма-ган-миз	чиқ-ма-ган-миз
ёз-ма-ган-сиз	эк-ма-ган-сиз	чиқ-ма-ган-сиз
ёз-ма-ган-(лар)	эк-ма-ган-(лар)	чиқ-ма-ган-(лар)

Значение второй отрицательной формы передается при помощи отрицательного слова *эмас*, которое ставится после причастия прошедшего времени, в сочетании с личными аффиксами.

ёзган эмас-ман	эккан эмас-ман	чиққан эмас-ман
ёзган эмас-сан	эккан эмас-сан	чиққан эмас-сан
ёзган эмас —	эккан эмас —	чиққан эмас —
ёзган эмас-миз	эккан эмас-миз	чиққан эмас-миз
ёзган эмас-сиз	эккан эмас-сиз	чиққан эмас-сиз
ёзган эмас-(лар)	эккан эмас-(лар)	чиққан эмас-(лар)

Значение третьей отрицательной формы передается с помощью слова *йўқ*, которое ставится после причастия прошедшего времени. В этой форме категория лица выражается притяжательными аффиксами, которые прибавляются к причастию прошедшего времени.

ёзган-им йўқ	эккан-им йўқ	чиққан-им йўқ
ёзган-инг йўқ	эккан-инг йўқ	чиққан-инг йўқ
ёзган-и йўқ	эккан-и йўқ	чиққан-и йўқ
ёзган-имиз йўқ	эккан-имиз йўқ	чиққан-имиз йўқ
ёзган-ингиз йўқ	эккан-ингиз йўқ	чиққан-ингиз йўқ
ёзган-(лар)и йўқ	эккан-(лар)и йўқ	чиққан-(лар)и йўқ

190- машк. Якин ўтган замон феъли формаларини аниқланг, рус тилига таржима қилинг. Шахс-сонини кўрсатинг.

1. Халққа айтинг: мен асло ўлганим йўқ,
ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.

Ҳ. Олимжон.

2. Бизнинг дарсимизга ҳали комиссия келган эмас.
3. Мен инсоннинг яхшилигини ҳеч қачон унутган эмасман.
4. Опам ҳали Москвани кўрган эмас.

191- машк. Феълларни уч шахсда бўлишсиз формага айлантириб уларнинг иштирокида гаплар тузинг

Бажармоқ, ўйнамоқ, топширик, кўришмоқ, суҳбатлашмоқ.

192- машқ. Гапларни рус тилига оғзаки таржима қилинг, феълларнинг қайси замонда эканини аниқланг.

1. Кўчада ҳар замонда ўтиб турадиган машиналарнинг ҳам овози тинган. 2. Биз Навойнинг айрим асарлар билан ўрта мактабда танишганмиз. 3. Мен Алишер Навойнинг бир канча афоризмларини ёдлаб олганман. 4. Улуғ Ватан уруши ҳақидаги йигирма серияли фильмни кўрганмисиз? 5. Одамлар ва отлар ташналикдан жуда толиққан. (Л. Б.)

193- машқ. Қавс ичида берилган феъллардан яқин ўтган замон феъллини ясанг, гапларни кўчириб ёзинг ва рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Билимсизлик хали ҳеч кимга ҳеч қачон (ёрдам бермоқ) эмас. (К. Маркс.) 2. Абдулла Қаҳҳор Қўқонда очилган интернатлардан бирида (ўқимоқ). 3. Илгари қишлоқларимизнинг кўчаларида ҳам, уйларида ҳам йилт этган чирок (кўринмоқ). 4. Улуғбек ўз ҳукмронлик йилларида кўпгина машҳур олимларни Самарқандга (тўпламоқ). 5. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг кўпгина шеърларини мен ўрта мактабда (ёд олмоқ).

194- машқ. Феълларни биринчи бўлишсиз формада қўйиб, улар иштирокида гап тузинг.

Бўлмоқ, кўрмоқ, яшамоқ, термоқ, чиқмоқ, эсмоқ, эшитмоқ.

195- машқ. Ўқинг. Рус тилига таржима қилинг.

1. Биз илгари Қўқон шаҳрида турганмиз. 2. Отам Қўқондаги ёғ заводида ишлаган, Вованинг отаси у заводда ишлаган эмас. 3. «Ёш ленинчи» газетасига группамизда ҳамма ёзилган, фақат мен ёзилганим йўқ. Мен «Тошкент окшоми»га обуна бўлдим. 4. Бугунги ишни эртага қўйма. (Мақол.) 5. Улар дам олиш куни тоққа чиқишган. 6. Колхозимиз бу йил жуда кўп кўчат эккан.

196- машқ. Гапларни ўзбек тилига таржима қилиб, кўчиринг. Феълларнинг замон формасини айтиб бериш.

1. Мой брат прислал мне не письмо, а телеграмму. 2. Труды Маркса переведены на многие языки мира. 3. Ваш отчет о практике отдала декану факультета. 4. Твою книгу принесу завтра, я ее еще не прочитала. 5. Наша школа обеспечена техническими средствами обучения и наглядными пособиями.

БИЛАСИЗМИ? АЛЛОМАЛАР

Афсус...

Радио тўлкинларини кашф қилган Генрих Герц мактабда ўқиб юрганида токарлик ишига айникса кизикар экан. Бир неча йил ўтгач, муаллим унинг тақдири ҳақида сўраганда, дўстлари:

— Э, у машхур физик бўлиб кетган,— дейишибди.

— Афсус, ажойиб токарь бўлиши мумкин эди,— деган экан муаллим.

Хотира кучи

Альберт Эйнштейндан бир таниш аёл кечкурун кўнғирок қилишини сўрабди:

— Номерим 24361, буни ёдда сақлаш қийин, ёзиб олсангиз бўлармиди?!

— О, йўқ,— эътироз билдирибди физик,— ўн иккиннинг иккига кўпайтмаси, ўн тўққизнинг квадрати — аксинча, жуда ҳам осон.

Суворов жароҳатлари

Бир куни Суворовдан жангларда неча марта ярадор бўлганини сўрашди.

— Ўттиз икки марта,— жавоб берди қўмондон,— икки марта урушда ўқ теккан, ўн марта уйда пайраха ва михлардан озор чекканман, йигирма марта Петербург саройида сўз билан жароҳатланганман.

Кашфиётчи адиб

Инглиз ёзувчиси Энтони Троллоп бутун ҳаёти давомида қирк еттита роман ёзган экан. Ундан:

— Энг яхши асарингиз қайси? — деб сўрашганларида, Троллоп:

— Почта кутиси,— деб жавоб берибди.

Чунки бу ёзувчи Англия почтасининг бош директори ўринбосарилиги вақтида почта кутисини ўйлаб топган.

Куёшдан ундирди

Физик Қирхгоф бир куни спектрлар таҳлили пайтида қилган кашфиёти ҳақида гапириб:

— Куёш спектри,— деди у,— Куёшда олтин борлигидан далолатдир.

— Бу кашфиётдан нима фойда, ахир Куёшдан олтинни олиб бўлмайди-ку! — эътироз билдирибди тингловчилардан бири.

Тез орада Қирхгофга кашфиёти учун олтин нишон топширишибди.

— Мана,— дебди олим ҳазиллашиб,— мен Қуёшдан олтин олдим.

Полиция ва рентген

Рентген биринчи марта «икс» нурларини кашф қилганида нурларнинг қудрати ҳақидаги овоза бутун мамлакатни босиб кетган экан. Миш-мишлар қўпаявергач, олим Вена полицияси маҳкамасидан қўйидагича мактуб олибди: «Махсус фармойиш бўлмагунча, нур билан ишлашни бас қилинг».

Ҳам машшоқ, ҳам мунажжим

Уран сайёрасини топган машҳур инглиз астрономи Гершель яхшигина оптик ҳамда зўр математик эди. У 1802 йили Францияга ташриф буюрганида Наполеоннинг қабулида бўлади.

— Эртага нима иш билан шуғулланмоқчисиз? — сўрабди император.

— Орган концерти бераман,— дебди астроном. Чунки Гершель жуда ажойиб музикачи ҳам эди.

Топшириқ. Алломалар ҳақидаги ўзингизга маъқул бўлган текстларни ўқинг, ўзаро суҳбатлашинг.

41-§

ВОКЗАЛДА

— Кечирасиз, Санъат саройи қаерда, билмайсизми?

— Санъат саройи Навоий кўчасида.

— У ерга қандай бориш мумкин?

— Сиз у ерга метрода, 8- трамвайда ёки 1- троллейбусда боришингиз мумкин.

— Раҳмат.

ТРОЛЛЕЙБУСДА

— Кечирасиз, Санъат саройига бориш учун қайси бекатда тушишим керак?

— «Санъат саройи» бекатида тушасиз.

— Раҳмат.

ҚЎЧАДА

— Кечирасиз, Санъат саройи қаерда?

— Чап томонга қаранг, Санъат саройи биноси кўриниб турибди.

— Раҳмат.

САРОЙДА

- Кечирасиз, бу Санъат саройими?
- Ҳа.
- Касса қаерда?
- Эшикдан кирсангиз, чап томонда.
- Раҳмат.

УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ (Давнопрошедшее время глагола)

Давнопрошедшее время глагола обозначает действие, совершившееся раньше другого действия.

Давнопрошедшее время глагола образуется путем прибавления к основе глагола аффиксов **-ган, -кан, -кан** (аффиксов причастия прошедшего времени) и недостаточно-го глагола **эмоқ** в очевидном прошедшем времени.

Бирлик

ўқи-ган эди-м
ўқи-ган эди-нг
ўқи-ган эди

Кўplik

ўқи-ган эди-к
ўқи-ган эди-нгиз
ўқи-ган эди(лар)

Недостаточный глагол **эмоқ** в форме **эди** подчеркивает, что действие действительно происходило в прошлом: *Бу китобни бир йил илгари ўқиган эдим.* — Я читал эту книгу год тому назад.

Недостаточный глагол **эмоқ** может выступать в форме **экан** или **эмиш**, указывая на неуверенность или сомнение в достоверности сообщаемого. Глагол **экан** переводится на русский язык словами **оказывается, кажется**: *Кеча уйингизга меҳмонлар келишган экан.* — Оказывается (кажется), вчера у вас были гости.

Форма **эмиш** указывает, что источником сообщаемого являются другие лица. При переводе на русский язык обычно употребляются глаголы **говорят, рассказывают**: *Кеча уйингизга меҳмонлар келган эмиш.* — Говорят, вчера у вас были гости.

197- машк. Қуйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг, узок ўтган замон феълининг қандай ҳосил бўлганини айтиб беринг.

1. Туш чоғи бутун дала одам билан тўлган эди. (Ҳ. О.) 2. Биз Қори ака билан Улугбекнинг фаи соҳасидаги ажойиб ишлари ҳақида узок суҳбатлашган эдик. (М. Қ.)

3. Сизнинг тўғрингизда кўп яхши гаплар эшитган эдим.
4. Сиздан бир нарса илтимос қилган эдик, эсингиздами?
5. Шундай қилиб, йигит ва қиз муроду мақсадига етган экан. (*Эртақдан.*)
6. Айтишларича, сиз бригададан кетмоқчи эмишсиз.

198- машқ. Қуйидаги ноаниқ формадаги феъллардан узок ўтган замон формасини ясанг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Бажармоқ, бошламоқ, ўқимоқ, ишламоқ, келмоқ, олмоқ, бермоқ, кўрмоқ, емоқ, ташламоқ.

199- машқ. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Рози бўлган эмас эди, кўл қўймаган экан, келган эмиш, топширмаган эмишсиз, терган эдик, жавоб берган эдингиз, ҳайрон қолган эдилар, айтганмиз, кўрган эмишсиз.

200- машқ. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг, феълларнинг замон формасини айтиб беринг.

1. Твоего брата вчера избрали секретарем комитета комсомола.
2. Советский Союз достиг больших успехов в области науки.
3. Их ошибки были исправлены своевременно.
4. Оказывается, сегодня студенты нашей группы смотрели в кинотеатре научно-популярный фильм.
5. Говорят, брат Азима в этом году поступил в институт.

СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси СССР-нинг жанубий қисмида. Ўрта Осиёдаги Сирдарё ва Амударёнинг оралигида жойлашган. Унинг кенглиги шимолдан жанубга кадар 925 км, узунлиги ғарбдан шарққа томон 1440 км чўзилган. Ўзбекистон шимол, ғарб, шарқда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари билан, жанубда эса Афғонистон Демократик Республикаси билан чегарадошир.

Ўзбекистоннинг майдони 447,4 минг квадрат километрни ташкил этади. Унинг таркибида Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ва ўнта область бор. Булар Андижон, Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм областларидир.

Ўзбекистонда жами юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Бу ерда қаттиқ совуқ ҳам, жазирама ғармлар ҳам бўлади.

Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта базасидир. Мамлакатимизда етиштириладиган пахтанинг асосий қисмини Ўзбекистон республикаси беради.

Республиканинг ер ости бойликлари мўл. Ундан: рангли металллар, кўмир, нефть, газ ва бошқа хом ашёлар, тоғларидан мраммар казиб олинади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатига чиқарилади. Республикамиз йирик халқаро фестиваллар, анжуманлар ўтказиладиган манзилга айланди. Ўзбекистоннинг Самарканд, Бухоро, Хива, Қўқон ва бошқа шаҳарлари халқаро туризмнинг марказлари бўлиб қолди.

То п ш и р и к . Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини сўзлаб беринг.

Отрицательная форма давнопрошедшего времени глагола образуется тремя способами:

1. Значение первой отрицательной формы передается прибавлением к отрицательной основе глагола аффикса причастия **-ган** и недостаточного глагола **эмоқ** в очевидном прошедшем времени.

Мен	эдим	Биз	эдик
Сен → кўр-ма-ган	эдинг	Сиз → кўр-ма-ган	эдингиз
У	эди	Улар	эди(лар)

2. Значение второй отрицательной формы передается с помощью отрицательного слова **эмас**, которое ставится после причастия прошедшего времени, и глагола **эмоқ** в форме очевидного прошедшего времени.

Мен	эдим	Биз	эдик
Сен → кўрган эмас	эдинг	Сиз → кўрган эмас	эдингиз
У	эди	Улар	эди(лар)

3. Значение третьей отрицательной формы передается с помощью личных аффиксов, которые присоединяются к причастию прошедшего времени в сочетании с отрицательным словосочетанием **йўқ эди**.

Мен	им йўқ эди	Биз	имиз йўқ эди
Сен → кўрган	инг йўқ эди	Сиз → кўрган	ингиз йўқ эди
У	и йўқ эди	Улар	(лар)и йўқ эди

201- машқ. Ўзоқ ўтган замон феъли формаларини топинг ва шу гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Биз шанба кунн стадионга борган эмас эдик. 2. Дам олиш кунн Малика ҳеч қаерга боргани йўқ эди. 3. Мен Самарқандни кўрган эмасман. 4. Улар ҳали ўзбек тилидан имтиҳон топширганлари йўқ эди, эртага топширадилар. 5. Сен бу китобни ўқимаган эдинг, ма, ўқи, жуда қизиқ китоб. 6. У илгари ўзбек тилини мутлақо билмас эди, ҳозир анча ўрганиб олди. 7. Тамара ҳали бизникига келгани йўқ.

ФРИДРИХ ЭНГЕЛЬС

(1820—1895)

Друг Карла Маркса Фридрих Энгельс родился 28 ноября 1820 года в прусском городе Бармене в семье коммерсанта и фабриканта. Отец его был человеком деспотичным, консервативным и стремился воспитать детей в буржуазном и религиозном духе. Он не дал сыну закончить гимназию и отправил его в Бремен для изучения коммерческого дела. Работая в торговой конторе, Энгельс в свободное время занимался самообразованием: изучал историю, философию, литературу, лингвистику, иностранные языки.

Дальнейшая судьба Энгельса, как революционера, сложилась под влиянием встречи с Карлом Марксом. Они увиделись впервые в 1844 году, хотя по письмам знали друг друга давно.

То пишриқ. «Фридрих Энгельс» текстини ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

БИЛАСИЗМИ?

Олимлар томонидан яқинда Укайя дарёси хавзасидан топилган ҳинд қабиласи ҳали ҳам матриархат қонунига кўра яшар экан. Хотин-қизлар кенгаши барча масалаларни ҳал этади, аёллар овға боришади, томорқага қарашади, эркақлар эса уй хўжалигини бошқариб, бола боқишади.

42- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Республикамизнинг номи нима?
2. У қаерга жойлашган?
3. У қандай мамлакат ва иттифокдош республикалар билан чегарадош?

4. Ўзбекистоннинг майдони неча квадрат километрини ташкил этади?
5. Республикамизнинг пойтахти қайси шаҳар?
6. Тошкент ҳақида нималарни биласиз?
7. Ўзбекистон таркибида қайси автоном республика бор?
8. Республикада неча область бор? Улар қайсилар?
9. Республикамиздаги йирик шаҳарларни айтинг.
10. Ўзбекистонда қандай халқ ва миллат вакиллари яшайди?
11. Ўзбекистоннинг иқлими қандай?

ЎТГАН ЗАМОН ДАВОМ ФЕЪЛИ

(Множественно-длительное прошедшее время глагола)

Множественно-длительное прошедшее время глагола передает действие, которое совершалось множественно или регулярно повторялось в прошлом: *Йўлчи чиндан ҳам най чалишни билар эди ва яхши чалар эди (О.)* — Юлчи на самом деле умел играть на свирели и играл хорошо.

Множественно-длительное прошедшее время глагола образуется прибавлением к основе глагола аффикса **-р** (**-ар**) и глагола *эмоқ* в очевидном прошедшем времени (*эдим, эдинг, эди, эдик, эдингиз, эдилар*).

Бирлик

ўқи-р эдим
ўқи-р эдинг
ўқи-р эди

ёз-ар эдим
ёз-ар эдинг
ёз-ар эди

Қўплик

ўқи-р эдик
ўқи-р эдингиз
ўқи-р эди(лар)

ёз-ар эдик
ёз-ар эдингиз
ёз-ар эди(лар)

Отрицательная форма множественно-длительного прошедшего времени образуется присоединением к основе глагола аффикса **-мас**, затем недостаточного глагола *эмоқ* в очевидном прошедшем времени.

Бирлик

бор-мас эдим
бор-мас эдинг
бор-мас эди

Қўплик

бор-мас эдик
бор-мас эдингиз
бор-мас эди(лар)

202- машк. Нукталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб, гапларни ўқинг ва ўтган замон давом феълининг бўлишсиз формасида огзаки жавоб беринг.

1. Менинг укам ҳам болалар богчасига бор... эди.
2. Унинг ўзи ҳам илгари спорт билан шуғуллан... эди.
3. Илгари қишки каникул пайтларида экскурсияларга бор... эдик.
4. Акмалнинг акаси «Пахтакор» футбол командасида ўйна... эди.
5. У илгари ҳам ўзбек тилини яхши бил... эди.

203- машк. Қўйдаги сўزلардан ўтган замон давом феълни ясанг ва шу феъллар иштирокида гаплар тузинг.

На м у н а : Мактабда ўқиб юрган вақтларимда шахмат тўғарагига қатнар эдим.

Кувонмоқ, ўрганмоқ, бажармоқ, яшамок, ўзлаштирмоқ, улгурмоқ.

204- машк. Қавс ичидаги сўزلардан ўтган замон давом феълни ясанг, сўнгга гапларни қўчириб ёзинг.

1. Уларнинг оиласи илгари шаҳарда (яшамок).
2. Болалигимизда тез-тез тоққа (чиқмоқ).
3. Ҳамза Ҳакимзода зулмдан қутулиш учун халқни билимли қилиш керак деб (ўйламоқ).
4. У шу ерда яшаб, савод чиқариш курсларида ўқитар эди. (3.)
5. Ҳамид Олимжон халқ огзаки ижодини жуда (севмоқ).
6. Мен болалигимда музика мактабида (ўқимоқ).

205- машк. Қўйдаги гапларни ўзбек тилига огзаки таржима қилинг.

До революции трудящиеся нашей страны жили в тяжелых условиях. Ҳамза Ҳаким-заде боролся за свободу и счастье народа. Он мечтал о всеобщем обучении. Ҳамза Ҳаким-заде Ниязи сам организовал драматическую труппу и сам писал для неё пьесы. Его труппа ставила спектакли и концерты для бойцов Красной Армии и местного населения. Ҳамза всегда был в первых рядах борцов за Советскую власть.

БУХОРО

Бухоро Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Олимларнинг ҳисобига қараганда, бу шаҳар 2 минг йиллик тарихга эга.

Бухоро Зарафшон водийсидаги йирик саноат ва маданият марказларидан ҳисобланади. Бухоронинг маъмурий ва иқтисодий аҳамияти катта. Шаҳарда йирик саноат корхоналари, ўқув юртлари, музей ва театрлар

мавжуд. Бу ерда тарихнинг жуда кўп архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган. Улар орасида жаҳон маданияти ва инсоният тарихининг чинакам дурдоналари бўлган ёдгорликлар бор. Бухорога борган киши тарихий ёдгорликлар билан замонавий бинолар уйғунлашиб кетганлигининг гувоҳи бўлади. Совет ҳокимияти даврида Бухоро иқтисодий ва маданий ҳаёти тубдан ўзгарди. Бухоро областига саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган катта муваффақиятлари учун Ленин ордени берилди. Бухорода революциягача фақат мискарлик, заргарлик, кулолчилик, ўймакорлик ҳамда майда қурилиш ва темирчилик корхоналаригина бор эди. Совет ҳокимияти йилларида бу шаҳар енгил саноат, озиқ-овқат, металл ишлаш корхоналари бўлган йирик индустриал марказга айланди. Кейинги беш йилликлар мобайнида Бухорода тўқимачилик, нефть, газ, энергетика ва қурилиш индустрияси саноати ўсди. Ҳозирги кунда Бухорода педагогика, енгил ва озиқ-овқат саноати институтлари ва Тошкент политехника институтининг филиалида йигит-қизлар фан сирларини ўрганмоқдалар.

ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАР

Билим мақсад эмас, қуролдир.

Л. Н. Толстой

Қанчалик кўп билсанг, шунчалик кучли бўласан.

А. М. Горький

Қўриш ва тушуниш қувончи табиат ато этган энг ажойиб тухфадир.

А. Эйнштейн

Инсоннинг ҳақиқий қиммати у ўзининг «мен»идан қай даражада ва қай маънода халос бўла олганида.

А. Эйнштейн

43- §

СУҲБАТ

- Сизнинг ётоқхонангиз қаерда?
- Менинг ётоқхонам Чилонзорда.
- Сиз нечанчи қаватда турасиз?

- Мен иккинчи каватда, бешинчи хонада тураман.
- Сизнинг хонангиз каттами?
- Йўқ, катта эмас. Биз икки киши яшаймиз.
- Хонангиз яшаш учун қулайми?
- Ҳа, бизнинг хонамиз жуда яхши. Ёруғ, қишда иссиқ, ёзда эса салқин.
- Хонангизда нималар бор?
- Хонамизда стол, иккита стул, иккита каравот, битта кийим шкафи бор.
- Хонангизда яна нималар бор?
- Каравот ёнида биттадан тумбочка, тумбочка устида ойна, радиоприёмник бор. Деворга чиройли расм осилган.
- Китобларингиз қаерда туради?
- Китобларимиз тумбочка ичида, бир қисми столда туради.
- Қийим-бошларингиз қаерда туради?
- Қийим-бошларимиз кийим шкафида туради.
- Сиз кечқурунлари нима қиласиз?
- Кечқурунлари китоб ўқиймиз, дарсларимизни тайёрлаймиз, газета-журналлар билан танишамиз, телевизор кўрамиз.
- Радио эшиттиришларини ҳам тинглайсизми?
- Ҳа, эрта билан ва кечқурун сўнгги ахборот тинглаймиз.

КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

(Будущее время глагола)

Будущее время глагола выражает действие, которое будет происходить после момента речи. Будущее время глагола в узбекском языке имеет формы: *келаси замон гумон феъли* — будущее предположительное время глагола и *келаси замон мақсад феъли* — будущее время намерения.

Будущее предположительное время глагола обозначает действие или состояние, которое в будущем, возможно, осуществится. Эта форма глагола образуется присоединением к причастию будущего времени личных аффиксов спряжения *-ман, -сан, -миз, -сиз* (лар).

Отрицательная форма образуется присоединением к основе глагола аффикса *-мас* и личных аффиксов спряжения:

кел-ар-ман
кел-ар-сан
кел-ар —

кел-ар-миз
кел-ар-сиз
кел-ар(лар)

кел-мас-ман
кел-мас-сан
кел-мас

кел-мас-миз
кел-мас-сиз
кел-мас(лар)

В русском языке значение этой формы глагола передается при помощи слов или словосочетаний **возможно, вероятно, может быть, по всей вероятности, наверное**. Например: *Эртага биз қишлоққа кетармиз*. — Возможно, завтра мы уедем в кишлак. *Бугун Азиза келмас*. — Вероятно, сегодня Азиза не придет.

206- машқ. Ўқинг. Гапларни рус тилига оғзаки таржима қилинг. Кўчириб ёзинг, келаси замон гумон феълларини ясагини айтиб беринг.

1. Нодирахон, кечаги китобни бугун ўқиб бўлмасмиз?
2. Муҳаббатни кўргани шанба кунни борармиз. 3. Группамиз студентлари практикадан икки-уч кунда келар (лар).
4. Кечаги воқеани сенга Азимнинг ўзи айтиб берар. 5. Сиз ҳам дам олиш кунни биз билан театрға борарсиз?

207- машқ. Қуйидаги феълларни келаси замон гумон феъл формасида қўллаб гаплар тузинг.

Намун а: *Одина, мен эртага дарсдан кейин сизникига борарман*.

Бормок, кирмок, тозаламок, сайламок, ёзиб олмок, мукофотламок, ўрганмок.

208- машқ. Қавс ичидаги сузлардан келаси замон гумон феълларни ясанг, сўнгра гапларни кўчириб ёзинг.

1. Мажлисда биз соат 17 гача (бўлмок). 2. Бу китобингнинг эртага (қайтариб бермок). 3. Газета ва журналларга у эртага (ёзилмок). 4. Далаҳовлига сен ҳам дам олиш кунни (чиқмок). 5. Сиз институтни битиргандан кейин ўз областингизга (кетмок). 6. Эртага Азиза билан сизникига (бормок).

209- машқ. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Возможно, я завтра поеду за город. 2. Ты эту книгу, возможно, прочитаешь. 3. Очевидно, она об этом не знала. 4. Вероятно, завтра мы будем собираться в клубе. 5. Наверное, Ирина сегодня не придет. 6. По всей вероятности, мы завтра пойдем в больницу навестить Акрама.

ОЛАМНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Оламнинг етти мўъжизасидан олтинчиси Искандар Зулкарнайн номи билан боғлиқ Искандария минорасидир.

Искандария шаҳри Нил дарёсининг қуйилиш жойида, мисрликларнинг Ракотис шаҳарчаси ўрнида бунёд этилган. Бу — эллинизм даврининг ягона лойиҳаси асосида қурилган энг дастлабки шаҳарларидан бири эди. Искандарияда Буюк Искандарнинг тобути сакланар, санъат ва фан маркази ҳам бўлган. Мусейон саройи шу ерда муҳассамлашган эди. Ҳозирги «музей» сўзи ҳам шу сарой номидан келиб чиққан. Мусейон айни вақтда фанлар академияси, олимлар учун ётоқхона, техника маркази, мактаб, қолаверса, хазинасида ярим миллион китоби бўлган жаҳондаги энг йирик кутубхона ҳам эди. Хатто ҳозирда, информация ниҳоятда қўпайиб кетган бизнинг мамлакатимизда ҳам бу қадар бой кутубхоналар бармоқ билан санарлидир. XVIII асрда эса бундай кутубхона биронта мамлакатда бўлмаган.

Топширик. Текстни ўқинг. Текст юзасидан саволлар тузиб, суҳбатлашинг.

БИЛАСИЗМИ?

Энг қадимий география харитаси эрамиздан илгариги 2500 йилда ишланган. Лойдан ясалган бу харита Истамбул музейида сакланмокда.

44- §

СУҲБАТ

— Сиз ўзбек тилида чиқадиган қандай газеталарни биласиз?

— «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи», «Қишлоқ ҳақиқати», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент окшоми» газеталарини биламан.

— Қандай журналларни биласиз?

— «Гулистон», «Муштум», «Шарк юлдузи», «Саодат», «Фан ва турмуш», «Совет Ўзбекистони» журналларини биламан.

— Сиз қайси газета ва журналларга обуна бўлгансиз?

— Мен «Ёш ленинчи», «Комсомолец Ўзбекистана», «Ўқитувчилар газетаси»га ҳамда «Звезда Востока», «Фан ва турмуш» журналларига обуна бўлганман.

— Ўзингиз ҳам газеталарга мақолалар ёзиб тура-
сизми?

— Мен «Комсомолец Узбекистана» газетасига мақола-
лар ёзиб тураман.

КЕЛАСИ ЗАМОН МАҚСАД ФЕЪЛИ

(Форма намерения будущего времени)

Форма намерения будущего времени обозначает реаль-
ное намерение или предположение совершить то или иное
действие.

Форма намерения будущего времени образуется присо-
единением к основе глагола аффикса **-моқчи** и личных
аффиксов спряжения **-ман, -сан, -миз, -сиз** (лар).

мен	→ олмоқчи +	ман	я хочу взять
сен		сан	ты хочешь взять
у		—	он (она) хочет взять
биз	→ олмоқчи +	миз	мы хотим взять
сиз		сиз	вы хотите взять
улар		лар	они хотят взять

Отрицательная форма образуется сочетанием формы
на **-моқчи** со словом **эмас**, к которому присоединяются
личные аффиксы.

мен	→ олмоқчи эмас +	ман	я не хочу брать
сен		сан	ты не хочешь брать
у		—	он (она) не хочет брать
биз	→ олмоқчи эмас +	миз	мы не хотим брать
сиз		сиз	вы не хотите брать
у		—	они не хотят брать

210- машқ. Ўқинг, гапларни кўчириб ёзинг. Рус тилига оғзаки
таржима қилинг.

1. Мен шу китобни ўқимоқчиман. 2. Сиз бу ишни қачон
қилмоқчисиз? 3. Қарим бу ерда қолмоқчи эмас. 4. Мен
сенга бу тўғрида гапирмоқчи эмасман. 5. Биз оиламиз
билан Хумсонда дам олмоқчимиз. 6. Дўстим Қарим ёз-
ги каникулни бизнинг қишлоғимизда ўтказмоқчи. 7. Мен
чет тили ва ўзбек тилини яхши ўрганмоқчиман.

211- машқ. Қўйидаги сўзларни келаси замон мақсад феъли ва
формасида қўллаб, шу феъллар иштирокида 7 та гап тузинг.

Бажармок, тўкимок, қайтмок, ўрганмок, мукофотламок, кўрмок, юбормок.

212- машқ. Қавс ичидаги сўзлардан келаси замон мақсад феъли ясанг, гапларни кўчириб ёзинг ва рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Улар ўзбек совет ёзувчиларининг янги асарларидан парчалар (ўкимок). 2. Богимизда ўзимиз ҳар хил мевали дарахтлар (етиштирмак). 3. Опам университетнинг математика факультетига (қирмок). 4. Укам шахмат тўғарагига (ёзилмок). 5. Бугун йиғилишимиз (бўлмок).

213- машқ. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Ҳозирги замон мақсад феълининг ясалишини айтиб беринг.

1. Ранней весной колхозники хотят подготовить поля к пахоте. 2. Наш колхоз хочет досрочно выполнить план сдачи государству хлопка-сырца. 3. Его старший брат хочет поработать в библиотеке. 4. Комсомольцы их группы хотят помочь колхозу в сборе хлопка. 5. Я и мой брат Акмал собираемся сдать летнюю сессию только на хорошо и отлично.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

Ўзбек халқининг атоқли фарзандларидан бири, шоир, драматург ва композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди.

У 1901—1905 йилларда эски мактабда, сўнг мадрасада ўқиди. Лекин мадраса дарслари уни қониқтирмайди. Натижада ўқишни ташлайди. Ҳамза кўпроқ мустақил равишда ўзбек адабиёти классикларининг асарларини ўқийди, халқ эртаклари, дostonлари ва ашулаларини ўрганади.

Ҳамзанинг ижоди 1905 йилдан бошланди. У Муқимий, Фурқатлардан сўнг, демократик прогрессив тенденцияни давом эттирди.

Ҳамзанинг 1915—1917 йилларда «Ниҳон» таҳаллуси билан босилиб чиққан «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Яшил гул», «Сафсар гул» каби ашулалар тўпламларига киритилган шеърлари халқ куйларига мослаб ёзилди.

Ҳамза 1911 йилда Қўқон шаҳрида Ҳожибек гузаридан янги усулдаги мактаб очади ва унда ўзи ўқитувчилик қила бошлайди. Ҳамза катталарнинг ҳам саводли бўлишига ҳаракат қилади. У мактаб қошида катталар учун кечки курс ташкил этади.

1919 йил сентябрь ойида Ҳамза Ҳакимзода ва унинг

бошчилигида «Агитпоезд № 2» труппаси билан Закаспий фронтига боради. У ерда инглиз интервентлари ва босмачиларга карши курашаётган Қизил Армия қисмларида хизмат қилади. Унинг революцион қўшиқлари («Яша, Шўро!», «Хой, хой, отамиз!», «Берма эркингни қўлдан!») ва драматик асарлари («Ишчилар ҳаётидан», «Бой или хизматчи») жангчиларимизни ва халқ оммасини душманга карши курашга ғайратлантиради.

1920 йилда Ҳамза большевиклар партияси сафига киради.

1921 йилда Хоразмда бўлиб, ўзбек ва туркман хаваскорлари иштирокида театр труппалари ташкил этади ва улар учун репертуарлар яратади.

1926 йилда Ҳамза Фарғона Ижроия Комитети аъзолигига сайланади. Шу йили Ўзбекистон Марказий ва Ижроия Комитети Ҳамзанинг бадий ижоди ва актив жамоат ишлари учун унга «Халқ шоири» унвонини беради.

Ҳамза 1929 йил февраль ойида чакирилган Фарғона область Советлари курултойида сўзга чиқиб, Шохимардонда уя қурган кузғунларни, меҳнаткашларни талаб кун кечирувчи муштумзўрларни фош этади. Бунга чидай олмаган халқ душманлари Ҳамзага суиқасд уюштирадilar. У 1929 йил 18 март куни Шохимардон кишлоғида фожиали ўлдирилади.

Топширик. Текстни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг. Текстга саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

ИШЧИЛАР, УЙҒОН!

Неча асрлар ухладинг ётиб,
Кумушдек танинг балчикка ботиб.
Бир парча куйган кора нон учун
Ёшлик чоғингдан ўз кучинг сотиб.
Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ишлашга етишди замон!

Золимлар сени қоплаган эди,
Куллик занжири боғлаган эди.
Лекин табиат бу ярқираган,
Янги турмушни чоғлаган эди.
Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ишлашга етишди замон!

Битди золимлар, колди ирода,
Эркин яшагин сен ҳам дунёда.

Ҳеч бўлмас энди қайғу ва кулфат,
Ҳеч синмас, энди бошингда хода.
Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ўқишга етишди замон!

Топширик. «Ишчилар, уйғон!» шеърини ифодали ўқинг ва ёд олинг.

НАША КВАРТИРА

Мы недавно получили квартиру. Наша квартира на втором этаже. Она светлая и красивая. В квартире одна комната большая и две маленькие. В большой комнате есть диван, шкаф. На стене висит ковер. Посередине этой комнаты большой стол. На столе белая скатерть. Вокруг стола стоят четыре стула. В этой комнате мы обедаем. В другой комнате стоят две кровати. Посередине комнаты на полу красивый ковер. В этой комнате мы спим. В третьей комнате диван, шкаф, тумбочка. В шкафу очень много книг. На тумбочке стоит телевизор.

Топширик. «Наша квартира» текстини ўқинг ва мазмунини ўзбек тилида сўзлаб беринг.

45- §

СУҲБАТ

- Сиз студентмисиз?
- Ҳа, мен студентман.
- Қаерда ўқийсиз?
- Мен Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ўқийман.
- Қайси факультетда?
- Бадиий графика факультетида.
- Кечирасиз, сиз ўзингиз-чи? Сиз тошкентликка ўхшамайсиз?
- Ҳа, мен москваликман, аммо биз Тошкентга ер қимирлаган йили кўчиб келганмиз. Менинг отам — ўқитувчи, онам эса врач.
- Сиз ўзбек тилини билсангиз керак?
- Мен ўзбек тилини аввал мактабда ўқиганман, ҳозир эса институтда ўқимокдаман. Ҳозир ўзбек тилида гаплаша оламан.

ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

(Образование глаголов)

В узбекском языке глагол образуется двумя способами: морфологическим (морфологик усул) и синтаксическим (синтаксик усул).

Морфологическим способом глаголы образуются от основ имен существительных, прилагательных, числительных, местоимений, наречий, междометий, а также от звукоподражательных слов с помощью специальных глаголообразующих аффиксов.

При помощи аффикса **-ла** глаголы образуются от имен существительных (*туз-ла-моқ* — солить), прилагательных (*оқ-ла-моқ* — белить), наречий (*секин-ла-моқ* — медлить), звукоподражательных слов (*шивир-ла-моқ* — шелестеть).

С помощью аффикса **-а** глаголы образуются от имен существительных (*ош-а-моқ* — кушать), прилагательных (*бўш-а-моқ* — освободиться), звукоподражательных слов (*гулдур-а-моқ* — греметь, грохотать).

Глаголы образуются также с помощью аффикса **-й (-ай)** от имен существительных (*куч-ай-моқ* — усиливаться), прилагательных (*қора-й-моқ* — чернеть), наречий (*кўп-ай-моқ* — множиться). При помощи аффикса **-р (-ар)** — от прилагательных (*эски-р-моқ* — изнашивать); (*оқ-ар-моқ* — белеть), аффикса **-ик (-ик)** — от имен существительных (*кеч-ик-моқ* — опаздывать); аффикса **-ир** — от имен существительных (*гап-ир-моқ* — говорить); аффикса **-сира** — от имен существительных (*сув-сира-моқ* — жаждать), прилагательных (*ёт-сира-моқ* — чуждаться), местоимений (*сен-сира-моқ* — обращаться на ты); аффикса **-и** — от имен существительных (*чанг-и-моқ* — пылиться), прилагательных (*тинч-и-моқ* — успокаиваться); аффикса **-са** — от имен существительных (*сув-са-моқ* — жаждать); аффиксов **-лен**, **-лаш** от имен существительных (*гап-лаш-моқ* — разговаривать), числительных (*икки-лан-моқ* — колебаться).

214-машқ. Қуйидаги феълларнинг ясалишини тушунтиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг:

Ишламоқ, санамоқ, музламоқ, тузламоқ, янгиламоқ, улуғламоқ, ёнбошламоқ, зарарланмоқ, дўстлашмоқ, сарғаймоқ, кексаймоқ, кўришмоқ, очикмоқ, иккиланмоқ, бирлашмоқ.

215- машқ. Қуйидаги сўзларга қўшимчалар қўшиб феъллар ясанг.

Жазо, уйқу, истак, ўт, шод, от, киз, сиз, варақ, ёд, ён.

216- машқ. Ўқинг, феълларнинг қайси сўз туркумидан ясалганлигини айтиб беринг.

1. Азиза тушида уйқусираб жуда кўп гапирди.
2. Зафарнинг оппоқ юзи кизариб кетди. (*Ё. Ш.*) 3. Хофизлар Навоий ғазалларидан ўқишарди. (*С.*) 4. Келинлар, ҳикоя айтишув вақтини қискартирайлик. (*Л. Б.*) 5. Ўқолсин манманлик! Жиддий иш, интизом ва ташкилот учун курашайлик. (*В. И. Ленин.*) 6. Майин қир шабадаси унинг тердан намланган сочларини елпий бошлади. (*П. Т.*)

217- машқ. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Феълларнинг ясалишини айтиб беринг.

1. Я завтракал в общежитии, а обедал в столовой.
2. Брат работал на заводе. 3. Сестра помогала матери собирать яблоки. 4. Ты читал книги на узбекском языке?
5. Друзья собирали марки. 6. Мы открываем на ночь форточку.

ФЕЪЛЛАРНИНГ СИНТАКТИК ВАЗИФАСИ

(Синтаксическая функция глаголов)

Основная роль глаголов в предложении — роль сказуемого; глагол обладает специальными формами сказуемости, т.е. а именно формами наклонения, времени и лица. На пример, в предложении *Темир акасига хат ёзган* сказуемое глагол *ёзган* (пишет) — в форме изъявительного наклонения (аниклик майли), настоящего времени, 3-го лица.

ЧОРТОҚ

Бу шаҳар Фарғона водийсининг шимоли-шаркида, тоғлар этагида, хушманзара адирлар орасида жойлашган.

Чортоқ — водийдаги энг навқирон шаҳарлардан. Шаҳар совет ҳокимияти йилларида кишлоқ ўрнида пайдо бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 25 апрелдаги Фармонида биноан, Чортоқнинг областга бўйсунувчи шаҳарлари қаторига ўтказилгани унинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароит яратиб берди.

Чортоқ шаҳридан 7 километр шимоли-шарқда, денгиз сатҳидан 623 метр баландликда, сой соҳилида Чортоқ курорти жойлашган. 1946 йили бу ерда минерал сув

манбалари очилди. Сув 1000—3000 метр чуқурликдан 43—47° хароратда отилиб чиқади.

Курорт киш мавсуми хар ойда 850, ёз мавсумида эса 1000 нафар беморни қабул қилади. Бундан ташқари, катнаб даволанувчилар учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Яна бу ерда хар йили 210 ўринли алоҳида болалар санаторияси ишлаб турибди. Бу ерда полиартрит, меъда-ичак (ошқозон, овқат ҳазм қилиш аъзолари), тери касалликлари, спондилёз, бод, хотин-қизлар хасталиклари даволанади. Курорт майдони 120 гектар бўлиб, шундан тенг ярми боғ ва гулзорлардир. Кишки клуб, ёзги кинотеатр, бир вақтнинг ўзида 1000 киши овқатланиши мумкин бўлган 2 та ошхона дам олувчилар хизматида.

Чорток, унинг ажойиб ҳавоси, шифобахш сувлари дардга даво излаб келган беморларга малҳам бўлмоқда.

46- §

СУҲБАТ

- Саид, бугун қаерга бормоқчисан?
- Мен бугун стадионга бормоқчиман. Стадионда «Пахтакор» командаси билан «Қайрат» командаси уртасида футбол мусобақаси бўлади.
- Группамиздан яна кимлар бормоқчи?
- Вадим, Коля, Искандар, Темур, Ғайрат, Кодир ва бошқалар.
- Сизлар қачон ва қаерда учрашмоқчи бўлдингиз?
- Биз соат ўн еттида Санъат саройи ёнида учрашамиз.
- Яхши, ундай бўлса мен ҳам ўша ерга бораман. Футбол ўйинини бирга кўрамиз.
- Жуда яхши. Кутамиз. Хайр.
- Хайр, кўришгунча.

ҚЎШМА ФЕЪЛ

(Сложные глаголы)

Сложные глаголы состоят из двух или более слов, выражающих действия предметов. Сложные глаголы могут состоять из имени и глагола, а также из нескольких глаголов.

Имя в составе сложного глагола является носителем исходного лексического значения: *тамом қилмоқ* — закон-

чить, *шод этмоқ (қилмоқ)* — радовать, *қўл қўймоқ* — подписать, *дам олмоқ* — отдыхать.

Другой тип сложного глагола образуется из двух или более глагольных основ. Первый глагол является основным, имеет форму деепричастия на **-а, -й** или **-б, -иб**. Второй глагол является вспомогательным и служит для передачи различных оттенков основного глагола: *кела оламан* — могу прийти, *ишлай бошлади* — начал работать, *айтиб бер* — расскажи, *айтиб бера қол* — расскажи же, ну расскажи.

Вспомогательными являются в основном следующие глаголы:

1) **олмоқ** — брать, взять, получать. При этом, сочетаясь с деепричастием на **-а, -й**, он выражает возможность совершения действия: *ёза оламан* — я могу писать, я смогу написать. Сочетаясь с деепричастием на **-б (-иб)**, обозначает, что действие совершается для субъекта, в интересах субъекта: *ёзиб олмоқ* — записать (себе, для себя). *Бу лаззатли таомни еб олдим. (F. F.)* — Я (сам) съел эту вкусную пищу;

2) **бермоқ** — давать. Сочетаясь с деепричастием на **-а, -й**, выражает спокойное течение действия: *ёза бер* — продолжай писать, *ёза бераман* — я буду продолжать писать, *сен ўқий берасан* — ты будешь продолжать учиться. Сочетаясь с деепричастием на **-б (-иб)**, выражает действие, относящееся не к говорящему, а к другому лицу: *ўқиб бермоқ* — прочитать (кому-либо). *Мен укамга қизиқ китоб ўқиб бердим.* — Я прочитал интересную книгу младшему брату; *сўзлаб бермоқ* — рассказать. *Онам менга эртак сўзлаб берди.* — Мама рассказала мне сказку;

3) **қолмоқ** — оставаться. Сочетаясь с деепричастием на **-а, -й**, выражает доброжелательное, покровительственное или иронически-небрежное отношение говорящего к предмету речи: *Бугун бизникида ёта қолинг!* — Заночуйте сегодня у нас! *Шу гапингизни гапирмай қўя қолинг!* — Оставьте этот разговор (бросьте об этом говорить)! В сочетании с деепричастием на **-б (-иб)** (главным образом от непереходных глаголов) выражает законченность, однократность или неожиданность действия: *тўхтаб қолмоқ* — остановиться (сразу, вдруг, неожиданно). *Араванинг филдираги синиб қолди.* — Колесо арбы (вдруг) сломалось; *кўриб қолдим* — встретил, увидел (неожиданно).

Глаголы, сочетающиеся с основным глаголом в форме деепричастия на **-б (-иб)**:

1) **бўлмоқ** — быть. Выражает полное завершение, окончание или результативность действия: *ўқиб бўлмоқ* — кончить читать. *Мен бу ҳикояни ўқиб бўлдим.* — Я кончил читать этот рассказ. *Мен ювиниб бўлдим.* — Я уже умылся;

2) **чикмоқ** — выходить. Выражает завершенность, законченность определенной стадии, фазы действия: *Мен бу ҳикояни ўқиб чиқдим.* — Я прочитал этот рассказ;

3) **юбормоқ** — посылать. Выражает быстро разворачивающееся действие или превышение обычного предела: *Ҳамма болалар бирдан қичқириб юбордилар.* — Все дети вдруг закричали. *Ҳаммалари кулиб юбордилар.* — Все (вдруг) засмеялись;

4) **қўймоқ** — ставить, класть (главным образом от переходных глаголов). Выражает законченность действия: *ёзиб қўймоқ* — написать. *Масалани ишлаб қўйдим.* — Я решил задачу;

5) **юрмоқ** — ходить. Выражает длительное действие, совершающееся во время движения или перемещения: *Самолётлар шаҳар устида учиб юрди.* — Самолёты летали над городом;

6) **ўтирмоқ** — садиться, сидеть. Придает основному глаголу оттенок длительности или указывает на отсутствие необходимости затягивания действия, замедления темпа действия: *Бу тўғрида кўп гапириб ўтирмайман.* — По этому поводу я не стану много распространяться. *Эртага мени кутиб ўтирманг.* — Завтра меня не ждите;

7) **турмоқ** — стоять. Выражает действие, совершающееся постоянно, регулярно или длительное время: *Биз газета ўқиб турамиз.* — Мы (постоянно) читаем газеты. *У бизникига келиб туради.* — Он бывает у нас;

8) **келмоқ** — приходить. Выражает: а) действие, которое приближается к говорящему: *олиб келмоқ* — приносить, *кириб келмоқ* — входить. *Уйга кириб келганимда...* — Когда я возвратился домой...; б) действие, непрерывно длящееся вплоть до какого-то момента: *Яшаб келмоқдамиз.* — Живем (постоянно).

218- машқ. Қўйидаги қўшма феъллар иштирокида гаплар тузиб ўқинг.

Қўл қўймоқ, жавоб бермоқ, ёзиб бўлмоқ, ўқиб чикмоқ, билиб олмоқ, ўқиб юрмоқ, кутиб ўтирмоқ.

219- машқ. Қўйидаги қўшма феъллар иштирокида гаплар тузиб ва қўчириб ёзинг.

Бажара оласан, ишлаб юрибман, сўзлаб бердик, олиб келдилар, учиб кетди, еб кўрдинг, бориб келамиз, ишлаб турибсиз, кўриб чиқамиз, ҳикоя қила бошлади.

220- машк. Қуйидаги гапларни рус тилига оғзаки таржима қилинг

1. Мақоланинг мазмунини сўзлаб беринг. 2. Дўстингдан илтимос қилиб кўр. 3. Ҳозирча мана шу китобдан фойдаланиб турамыз. 4. Николай ўзбекча газеталарни ўқий бошлади. 5. Мен ҳозир дам олиб юрибман. 6. Эртага кишлоққа бориб келаман. 7. У ҳар доим ота-онасига ёрдам бериб туради. 8. Биз ёзда ўз кишлоғимизда дам олиб келамиз. 9. Сиз меҳмонлар билан гаплашиб ўтира туринг, мен тез келаман. 10. Опам ўзбек тилидаги газеталарни ўқиб, таржима қила олади. 11. Энди сен бизнинг уйда яшай берасан.

221- машк. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилиб ўқинг.

1. Карим расказал нам содержание пьесы. 2. Ты можешь перевести эту статью на узбекский язык? 3. Он не может прийти завтра. 4. Студенты второго курса организовали выставку своих рисунков. 5. Мурад не обращал внимания на ветер. 5. Надо запомнить расписание занятий.

222-машк. Нукталар ўрнига мос ёрдамчи феълларни қўйиб қўчиринг.

1. Мен дўстимга хат ёзиб 2. Кечаги китобни ўқиб 3. Азизани кеча институт кутубхонасида учратиб 4. Мен ўзбек тилида хат ёза 5. Укамнинг ёзган иншодини кўриб 6. Биз имтиҳонларга пухта тайёрланиб 7. Сиз бугун театрда бора 8. Кутубхоначи мактаб кутубхонасига янги китоблар олиб 9. Кеча аризага факультет декани қўл 10. Улар сизни институт ховлисида кутиб

УЛУҒ ВАТАНИМИЗ

Совет Иттифоқи — дунёда энг буюк давлатдир. Ватанимиз ерлари бепоён — Болтиқ денгизидан то Курилл ороллариғача, Шимолий Қутбдан то Қушқа шаҳриғача — 22 миллион квадрат километрдан ортиқроқ майдон — ҳаммаси СССРга қарашли.

Шу улуғ Ватанимиз осмонидан қуёш ҳеч қачон кетмайди. Болтиқ бўйларида кун ботганда, Чукотка устида тоғ отади. Мамлакатимиз жуда ҳам кенг: у Америка Қўшма Штатларидан 3 марта, Туркиядан 30 марта, Англиядан 90 марта катта. СССР бир шаҳар бўлса, Белгия ёки Швейцария унинг олдида худди кичик бир ховлига

ўхшайди. Ватанимизнинг табияти ҳам ранг-баранг. Грузиянинг Қора денгиз бўйларида сира киш бўлмайди, дарахтлар ҳамиша ям-яшил. Узоқ Сибирда ер юзининг энг совуқ жойи — совуқлик қутби бор. Ўзбекистоннинг Термиз шаҳрида баъзи йиллари ҳаво 50 градусгача қизийди.

Камчатка ва Курилл оролларида вулкон отилиб туради. Помир ва Кавказ тоғларида баҳайбат музликлар мавжуд. Дунёнинг энг катта денгизи Каспий ва энг чуқур қўли — Байкал бизнинг мамлакатимиздадир.

Менделеев жадвалидаги элементларнинг деярли ҳаммаси Ватанимизда учрайди. Тарихий ёдгорликлар бизнинг фахримиздир.

Топшириқ. «Улуғ Ватанимиз» текстини ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини сузлаб беринг.

ЎЗБЕКИСТОНСАН

Миртемир

Мен бахт борасида сўйламоқчийдим,
Қувноқ бир қасида кўйламоқчийдим,
Эрта ва бугунини ўйламоқчийдим,
Эртаси каби бир тўй тўйламоқчийдим.
Қўзларим ўнгида сен намоёнсан,
Сен ахир ўшасан, асрий армонсан,
Ўзбекистонсан.

Меҳнат ўғлисан-да, юрагинг соғдир,
Қўнчилар йил сайини тажанинг ва доғдир.
Ҳар қадамнинг жаннат, боғчадир, боғдир,
Кечаларнинг доим лак-лак чироғдир.
Сен ёвга шаддоду дўстга дармонсан,
Сендан хатар йирок, дорилмонсан,
Ўзбекистонсан.

Не-не хазина ҳукми қўлингда,
Қўтлуғ йил қўшиғи боғу чўлингда.
Олтиннинг, ипагинг ўнгу сўлингда,
Не-не эллар шайдо сенинг йўлингда.
Меҳраси шаробсан, сувсан ва нонсан,
Меҳри қўшдарё, бағри уммонсан,
Ўзбекистонсан.

СУҲБАТ

- Мени кутубхонага аъзоликка қабул қилсангиз?
- Хужжатингиз борми?
- Ҳа, мана паспортим.
- Студентмисиз?
- Ҳа, студентман.
- Қайси факультетда, нечанчи курсда ўқийсиз?
- Мактабгача тарбия факультетида, III курсда ўқийман?
- Сиз кўпроқ қайси ёзувчиларнинг асарларини ўқишга қизиқаёсиз?
- Мен кўпроқ Алишер Навоий, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек асарларини ўқишга қизиқаман. Ҳозир менга Ойбекнинг «Қутлуг қон» романини берсангиз.
- Мана, марҳамат, аъзолик билетингизни ҳам олинг.
- Раҳмат
- Ҳозирча хайр.
- Хайр.

РАВИШ

(Наречие)

Наречие — часть речи, которая обозначает признаки действия, качества, реже предмета и выступает в предложении в роли обстоятельства.

Основным морфолого-синтаксическим признаком наречия является неизменяемость, а лексико-морфологическим — лексическая и словообразовательная соотносительность со всеми разрядами изменяемых слов.

Наречия в узбекском языке делятся на следующие группы: 1) ҳолат равиши — наречие образа действия, 2) пайт равиши — наречие времени, 3) ўрин равиши — наречие места, 4) даража-микдор равиши — наречие меры и степени.

ҲОЛАТ РАВИШИ

(Наречие образа действия)

Наречия образа действия указывают, каким образом или способом совершаются действия. Отвечают на вопросы қ а н д а й? — как?, қ а н д а й қ и л и б? — каким образом?

В предложении наречия образа действия обычно стоят перед сказуемым: *Валя текстнинг мазмунини ўзбек тилида тўғри гапириб берди.* — Валя правильно рассказала содержание текста на узбекском языке. *«Ёш гвардия» аъзолари Ватан учун қаҳрамонларча жанг қилганлар.* — Члены «Молодой гвардии» героически сражались за Родину.

223- машқ. Лугатдан фойдаланиб, қуйидаги равишлар иштирокида гаплар тузинг.

Янгича, ленинча, астойдил, секин, бирдан, дарров, яхши, кўп, тез, пидё, тўсатдан.

224- машқ. Нукталар ўринга керакли равишларни қўйиб, гапларни қўчириб ёзинг.

1. Тонгги шабада ... эсмокда. 2. Ўқитувчимиз темани ... тушунтирди. 3. Оля ўртоқлари билан ... гаплашди. 4. Володя уни кўргани ... келиб турди. 5. Икковлари суҳбатлашиб ... жўнаб кетдилар.

Қўйиш учун сўзлар: *майин, яхши, ўзбекча, тез-тез, шошмасдан.*

ПАЙТ РАВИШИ (Наречие времени)

Наречия времени стоят обычно в начале предложения и выступают в синтаксической функции обстоятельства времени. Они отвечают на вопросы *қачон?* — когда?, *қачонгача?* — до каких пор?, *қачондан бери?* — с каких пор? Например: *Эртага имтиҳон бўлади.* — Завтра будет экзамен. *Бугун Петрова ўзбек тилида доклад қилади.* — Сегодня Петрова сделает доклад на узбекском языке. *Илгари мен ўзбекча гаплаша олмас эдим.* — Раньше я не мог говорить по-узбекски.

225- машқ. Нукталар ўринга мос сўзларни қўйиб, гапларни ёзинг ва рус тилига огзак таржима қилинг.

1. ... мен ўзбек тилини билмас эдим. 2. ... ўзбек тилини ўргана бошладим. 3. ... сен янги текстнинг мазмунини яхши тушундингми? 4. ... қийин текстларнинг мазмунини айтиб бера олмайман. 5. ... университетимизда ўзбек тили тўғараги очилди. 6. ... тўғарак машғулоти яхшиланмокда.

Қўйиш учун сўзлар: *ҳозир, кундан-кунга, илгари, бугун, ҳозирча, яқинда, ўтган йили.*

226- машқ. Қуйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг ва рус тилига огзак таржима қилинг.

Эрта-индин, кишин-ёзин, хар кунн, кунн билан, хар качон, кундузи.

227- машқ. Куйидаги сўз ва сўз бирикмаларини ўзбек тилига таржима қилинг ва улар иштирокида оғзаки гаплар тузинг.

Сейчас, с какого времени, до каких пор, послезавтра, давно, временно, изо дня в день.

АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

1968 йилнинг кузида Тошкентда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи очилди. Бу музей халқимизнинг буюк Навоий ижодига бўлган муҳаббатига ёрқин мисолдир.

Музей саҳнидаги кўкаламзор, гулзор боғда Навоий ҳайкали ўрнатилган. У мрамор ҳовузга қараб турибди. Ҳовуз атрофида таниқли ижодкорларнинг бюстлари қўйилган.

Тўрт каватли кўркем бинога қириладиган икки катта эшик ҳаят гузал ишланган.

Музейнинг «Навоий Астрободда», «Навоий Ҳиротда», «Навоий Самарқандда», «Навоий лирикаси» деб номланган залларида Навоийнинг буюклиги ва асарларининг ўлмаслиги акс эттирилган. Умуман, Навоий ҳамда унга замондош шоир ва олимларнинг ижодий меросини ёритиш учун музейда ўн учта бўлим ажратилган.

Машҳур шоир, олим ва саркарда Бобурдан бошлаб ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзодагача бўлган тўрт асрлик адабиёт тарихига оид материаллар 22 бўлимда тўла намоиш қилинган.

Улуғ Октябрь революциясидан кейинги ўзбек ёзувчилари ва уларнинг асарлари ҳақидаги ноёб маълумотларни бинонинг тўртинчи каватидаги 13 бўлимда кўриш мумкин.

Музей ходимлари Совет Иттифоқи ва жаҳон кутубхоналарида сақланаётган ўзбек адабий меросини йиғиш, уларни халққа тақдим қилиш соҳасида яхши ишлар қилмоқдалар.

Топпирик. Текстни мустақил ўқинг, мазмуини ўзбек тилида сўзлаб беринг

СУҲБАТ

- Кеча дарсдан кейин сиз қаерда эдингиз?
- Мен универмага бордим. Ётоққа соат олтида келдим.
- Сиз қайси универмага бордингиз?
- Мен ГУМга, ЦУМга бордим, кейин Чилонзор Савдо марказида бўлдим.
- Сиз нима сотиб олмоқчи эдингиз?
- Мен ўзимга кузги пальто сотиб олдим.
- Қишки пальтолار ҳам бор эканми?
- Ҳа, аммо ЦУМда кичик размерли пальто йўқ эди. Шунинг учун мен Савдо марказидан сотиб олдим.
- У ерда яна нималар бор экан? Менга костюм керак эди.
- Костюм керак бўлса, ЦУМга борганингиз маъқул. У ерда ҳар хил рангдаги костюмларни кўрдим.
- Эртага ЦУМ ишлайдими?
- Йўқ, дам олиш куни ЦУМ ишламайди.
- Раҳмат. Ундай бўлса индинга, душанба куни бораман. Хўп, хайр. Сизга катта раҳмат.
- Марҳамат, хайр.

ЎРИН РАВИШИ

(Наречие места)

Наречия место отвечают на вопросы *ка е р д а ?* — где?, *ка е р г а ?* — куда?, *ка е р д а н ?* — откуда? В предложении они выступают в роли обстоятельства места: *Баҳорда ҳамма ерда гуллар очилади.* — Весной всюду цветут цветы.

228- машк. Қуйидаги равишлар иштирокида гаплар тузинг.

Ҳеч каерга, бу ерда, пастда, баландда, юкорида, ҳар ерда, узоқда, яқинда, ҳеч каердан.

229- машк. Қуйидаги сўзларни лугат ёрдамида ўзбек тилига таржима қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Откуда?, куда?, там, туда, где-то, вперед.

230- машк. Сўроқлар ёрдамида бириинчи устунга пайт равишларини, иккинчи устунга ўрин равишларини кўчиринг.

Эрта, олдинда, эртага, ичкари, ичкарида, ташқари, ҳозир, ҳозирдан, ҳали, юкорига, аввал, илгари, паст, ўртада, чапда, чапдан, эрталаб.

231- машк. Куйидаги гапларни рус тилига огзаки таржима қилинг

1. Ҳамзаободга мана шу йўлдан борасиз. 2. Бу мақоланинг автори шу ерда. 3. Интизомсиз киши ҳеч қаерда муваффақиятга эриша олмайди. 4. Сен туфайли бу ерга келдим. 5. Ҳар ерда ва ҳар қачон илм керак.

ДАРАЖА-МИҚДОР РАВИШИ

(Наречие меры и степени)

Наречия меры и степени указывают на меру и степень действия и признака. Отвечают на вопросы *ка к а ч а ?* — сколько?, *к а й д а р а ж а д а ?* — в какой степени?: *Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла. (Мақол.)* — Меньше говори, больше делай. *(Пословица.)*

232- машк. Сўроклар ёрдамида аниқлаб, ҳолат равишларини бириччи устунга, даража-миқдор равишларини иккинчи устунга ёзинг.

Кўп, тез, оз, кўплаб, аста, дарров, бир оз, мўл, бирдан, пиёда, тўла, қаттиқ, анча, тўсатдан, тездан, дўстона, ботирларча, эскича.

233- машк. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган равишлар маъно жиҳатидан равишнинг қайси турига мансублигини айтинг, рус тилига огзаки таржима қилинг.

1. Улар икковлари **тез-тез** юриб институт биносига кириб кетдилар. 2. У **бирпас** жим қолди. 3. Сихат тиласанг, **кўп** ема; иззат тиласанг, **кўп** дема. *(Мақол.)* 4. Отлар жуда қийналиб кетган жойларда аравадап тушиб, **яёв** юриб бордик. 5. Азмиддинов жанговар топириқни **қаҳрамонона** бажарди.

БОТИР РАЗВЕДКАЧИ

Абдулла Набиевни «Ҳақиқий ўт юрак комсомол, ботир разведкачи», дер эдилар.

Абдулла кечалари ва баъзан кундузлари ҳам разведкага бориб, босмачиларнинг турган жойларини аниқлаб, революцион комитетга хабар қилар эди. Абдулланинг бу ишларидан хабардор бўлган босмачилар, бойлар унинг пайига тушиб, Абдулладан ўч олмоқчи бўлдилар.

Абдулла Набиев ўзи турган маҳаллада комсомол ташкилоти тузди. Бу ташкилот атрофига тўпланган комсомол ёшлар бойлар ва босмачиларга қарши актив кураш олиб борди.

Абдулланинг бу ҳаракатларидан ғазабланган босмачи-

лар қандай қилиб бўлса ҳам уни ўлдириш пайига тушдилар.

— Мана бу воқеа ҳамон хотирамда,— деб ҳикоя қилади Абдулла Набиевнинг укаси Аҳмаджон. Акам билан бирга турардик. Тун, ярим кеча. Ҳамма ухлаган. Эшигимиз зарб билан тақиллади. Акам дик этиб ўрнидан турди ва «Ким у?» деб жавоб қилди. Ташқарида шовқин-сурон кўтарилди. Улар босмачилар эди. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди. Мен ўз ўрнимни йиғиштириб, сандик устига ташладим. Акамнинг ўрнига ётиб олдим, акам ҳовли юзасидаги кир ўрага бекиниб олди. Босмачилар мени ҳовлига олиб тушишди. Абдулла эмаслигимдан жаҳллари чиқди. Ҳамма ерни тинтиб, алғов-далғов қилишди, акамни топиша олмади. Мени қалтаклаб, тепиб-тепиб, жўнаб кетишди.

Абдулла Набиев кундуз кунлари, комсомол ташкилотлари ишлар, кечалари кўнгилли отряд жангчилари билан бирга бўларди.

Ўша вақтда комсомол ташкилотлари комсомоллардан босмачиларга қарши аскарӣй бўлинималар тузди. Бўлинималар таржибали рус командирларнинг раҳбарлигида ҳарбий таълим олар эди. Абдулла Набиев ҳар доим отряд жангчиларининг олдинги сафида борди. У ёш Совет давлатига тиш-тирноғи билан қарши бўлган бой ва босмачиларга қарши курашда ҳалок бўлди.

Ўт юрак, ботир разведкачи Абдулла Набиевнинг хотираси халқимиз қалбида абадий сақланади.

Топширик. Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини сўзлаб беринг.

ЧАПАЕВ

Д. Фурманов

Все видели, как здесь и там появлялась и быстро исчезала фигура Чапаева. Он на лету отдавал приказания, задавал вопросы, и командиры, так хорошо знавшие своего Чапая, кратко, быстро сообщали нужные сведения.

Все дальше и дальше двигались они. А неприятель молчит. До ближайших мельниц не так далеко. Но лишь только дали пробный ружейный залп, как ответила вдруг станция дружным, крепким огнем. Теперь уже они не шли больше шагом. Позади их шел Чапаев, кратко, быстро и властно отдавая приказания.

Топширик. Текстни луғат ёрдамида ўзбек тилига оғзаки таржима қилинг.

СУҲБАТ

- Сиз каерда ўқийсиз?
- Мен Фарғона Педагогика институтида ўқийман.
- Қайси факультетда ўқийсиз?
- Рус тили ва адабиёти факультетида ўқийман.
- Нечанчи курсда ўқийсиз?
- Учинчи курсда.
- Қайси мактабни битиргансиз?
- Фарғона шаҳридаги 10- ўрта мактабни битирганман.
- Уни қачон битирдингиз?
- Ўтган йили битирдим.
- Қандай баҳолар билан битирдингиз?
- «Аъло» ва «яхши» баҳолар билан битирдим.
- Сиз институтга киргунча каерда ишладингиз?
- Фарғонадаги консерва заводида ишладим, завод йўлланмаси билан институтга келдим.
- Ўрта мактабда ўзбек тилини ўргандингизми?
- Ҳа, мен мактабда ўзбек тилини қизиқиб ўргандим, шунинг учун ҳам ўзбек тилида дуруст гаплашаман. Институтда ўзбек тилини яна ҳам яхшироқ ўрганиб олмақчиман.

ЕРДАМЧИ СЎЗЛАР

(Служебные слова)

Служебные слова не являются членами предложения, а служат для выражения грамматических отношений между словами и предложениями, а также различных оттенков значений слов и предложений.

К служебным словам относятся: а) **қўмакчи** (послелог), б) **боғловчи** (союзы), в) **юклама** (частицы).

Некоторые слова в узбекском языке не относятся ни к самостоятельным словам, ни к служебным. Это: а) **ундов сўзлар** (междометия), б) **таклидий сўзлар** (звукоподражательные слова), в) **модал сўзлар** (модальные слова).

Междометие в известной степени соотносительно как с самостоятельными словами, так и со служебными.

Звукоподражательные слова стоят особняком в общей системе частей речи и не имеют связей ни с одной из них. Функционально они относятся к наречиям: *Сув шар-шар оқмоқда*. — Журча, течет вода.

КУМАКЧИ

(Послелог)

Послелог — особый разряд слов, служащих для выражения *целевых, причинных, временных, пространственных, направительных, уподобительных* и других отношений между именами или между субъектом и предикатом.

Послелог в узбекском языке ставится после слова, к которому относится. Лексическое значение послелогов, как правило, определяется только в сочетании с другими словами.

Послелог в современном узбекском языке делятся на следующие группы:

1. **Асл кўмакчилар** — собственно послелог: *билан, учун, каби* и др. Лексическое значение этих послелогов в современном узбекском языке определяется только в сочетании с именами или глаголами. Например: *Группамиз студентлари ёзувчи Асқад Мухтор билан учрашди.* — Студенты нашей группы встретились с писателем Аскадом Мухтаром.

2. **От кўмакчилар** — отыменные послелог, т. е. послелог образованные от различных имен, которые наряду с функциями послелогов сохраняют значение самостоятельных слов: *бурун* — раньше, *томон* — сторона, *илгари* — раньше, прежде, *кейин* — после и др.

3. **Феъл кўмакчилар** — отглагольные послелог, т. е. послелог, являющиеся по своему образованию деепричастными формами: *кўра* — как, наподобие, *яраша* — так, также, *қараб* — из-за, *бошлаб* — с, *тортиб* — с, *қараганда* — по отношению. Эта группа послелогов сохраняет присущее этим глагольным основам управление.

В зависимости от реального лексического значения, а также от соответствия значений послелогов функциям падежных форм послелог управляют дательно-направительным (*жўналиш келишиги*), местным (*ўрин-пайт келишиги*) и исходным (*чиқиш келишиги*) падежами.

234-машк. Куйидаги гапларни кўчириб ёзинг, кўмакчиларни таржима қилиб, маъносини айтиб беринг.

1. Дарёнинг у бетига кўприк орқали ўтдик. 2. Салима мен билан телефонда гаплашди. 3. Қолхозчилар ёппасига чўл сари отландилар. 4. Иш билан овора бўлиб куннинг ўтганини ҳам сезмай қоласан киши. 5. Жаҳонда донгимиз пахта орқали. (F. F.)

1. Ручка билан ёздим.— Ручкада ёздим. 2. Телефон орқали гаплашдим.— Телефонда гаплашдим. 3. Бу китобларни кутубхона учун олдим.— Бу китобларни кутубхонага олдим. 4. Концертни радио орқали эшитдик.— Концертни радиодан эшитдик. 5. Катта йўл билан юрдик.— Катта йўлдан юрдик. 6. Ҳаммадан олдин келди.— Ҳаммадан бурун келди.

236- машк. Қуйидаги саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи қайси қўчада жойлашган? 2. Музей олиндаги хийбонда кимларнинг бюстлари бор? 3. Алишер Навоийнинг ҳайкали қаярга ўрнатилган? 4. Музей ҳақида маълумотлар печаничи қаватдан олинди? 5. Иккинчи қаватда томошабинларнинг диққатини нима ўзига жалб этади? 6. Девордаги дунё харитасида нима тасвирланган? 7. Учинчи қаватда нималар бор? 8. Тўртинчи қаватда-чи?

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Абдулла Қодирий ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. У 1894 йили Тошкентда савдогар оиласида туғилди. Аввал эски усул мактабида, кейин рус-тузем мактабида таълим олди. У рус маданияти билан танишди. Октябрь революциясидан сўнг совет муассасаларида ишлади ва матбуотда фаол қатнашди.

Абдулла Қодирий «Муштум» сатирик журналига асос солган ёзувчилардан биридир. Унинг жуда кўп хикоя, фельетон, мақола ва хабарлари шу журналда босилган.

Абдулла Қодирийнинг бадий ижоди Буюк Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланди. Ёзувчи фақат совет давридагина янги жамият қуришга астойдил қиринган халқ ҳаётини қўнт билан ўрганиш натижасида санъаткор даражасига кўтарилди.

Абдулла Қодирийнинг биринчи йирик асари — «Ўтган кунлар» романи 1925 йилда нашрдан чиқди. Иккинчи асари — «Меҳробдан чаён» эса 1928 йилда ёзиб таъомланган, 1929 йилда босилиб чиқди.

«Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романи роман жанрининг ўзбек адабиётидаги ибратли намуналари ва, шу билан бирга, дастлабки тарихий асарлардандир. Ўзбек адабиётининг йиғирманчи йилларда эришган кўп ютуқлари каби, бу романлар ҳам адабиётимизда реализм

принципининг қарор топишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ёзувчи ўз асарларида адолат, виждон, инсоф ва номус идеалларини халқдан, халқ вакилларида ва ўз фикри билан халққа маълум даражада яқин турган кишилардан ахтарди ва топди.

«Ўтган кунлар» романида Абдулла Қодирий ўтмиш темасига мурожаат этиб, ўзбек халқининг XIX асрнинг биринчи ярмидаги ҳаётини тасвирлади. «Ўтган кунлар» романи феодализм давридаги ижтимоий тартибларнинг ҳаддан ташқари адолатсизлигини ва бемаънилигини фош этиш руҳи билан суғорилган. Романда тасвир этилган даврни автор «тарихимизнинг энг қир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари» деб тасвирлайди.

Абдулла Қодирийнинг ўз таъбирича, «Меҳробдан чаён» XIX асрда Туркистоннинг катта бир қисмини (асосан, Фарғона водийсини) идора этган Худоёрхон ва унинг амалдорлари ҳаётидан олинган тарихий романдир.

Абдулла Қодирий тарихий роман жанрида тўплаган тажрибасидан фойдаланиб, совет даври ҳаётидан ҳам йирик бадий асар ёзишга киришди. 1934 йили ёзилган «Обид кетмон» повести ёзувчининг гоёвий ва ижодий ўсишида олға қўйилган муҳим кадам эди. Бу повестда революциядан аввалги кишлоқ билан колхоз қурилиши давридаги кишлоқни бир-бирига солиштириб тасвирлаш билан ёзувчи социализм йўлидан боришнинг афзалликларини кўрсатишга бел боғлаган.

Бадий сўз устаси Абдулла Қодирийнинг асарлари ўзбек адабиётининг ютуғи тариқасида кўплаб авлодларга маънавий озик вазиғасини ўташи шубҳасиздир.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўқинг ва таржима қилинг. Текст юзасидан саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

НАШ ИНСТИТУТ

Наш институт находится на Ленинградском проспекте, недалеко от станции метро. Это большое пятиэтажное здание. В вестибюле института по утрам всегда много студентов. Многие собираются около доски объявлений, чтобы узнать последние институтские новости. После звонка студенты расходятся по длинному коридору по аудиториям. Начинаются занятия, которые ведут опытные преподаватели.

Т о п ш и р и қ. Текстни оғзаки таржима қилинг. Кўмакчиларнинг гапдаги ролини тушунилинг.

СУҲБАТ

- Алло, Малика, салом!
 - Салом, ким телефон қияпти?
 - Мен, Светаман.
 - Салом, Света. Нима гап, тинчликми?
 - Тинчлик. Малика, шанба куни кечкурун бўшмисан?
 - Ҳа, бўшман. Нима эди?
 - Шанба куни икковимиз театрга борсак, деган эдим.
 - Билетинг борми?
 - Ҳа, сешанба куни иккита билет олиб қўйган эдим.
- Сенга айтиш ёдимдан қўтарилибди.
- Қандай спектакль экан?
 - «Майсаранинг иши» операси.
 - Жуда яхши, мен кўпдан бери шу операни кўриш ниятида юрар эдим. Света, сен бу операни кўрганмисан?
 - Йўқ, мен ҳам бу операни кўрганам йўқ. Малика, бу опера кимнинг асари асосида сахналаштирилганини биласанми?
 - Албатта, биламан. Бу опера Ҳамза Ҳакимзода Ниёзин асари асосида.
 - Сен Ҳамзанинг яна қандай сахна асарларини биласан?
 - «Бой или хизматчи» драмасини биламан. Хатто бу драмани кўрганман ҳам. Ҳа, Света шанба куни соат нечада ва қаерда учрашамиз?
 - Соат олти яримда фонтан ёнида учрашамиз. Хозирча хайр.
 - Хайр, Света. Таклифнинг учун раҳмат.

ОТ ҚЎМАҚЧИ

(Послелогои-имена)

От қўмақчилар — это существительные типа: **олд** — перед, **орқа** — зад, **ён** — бок, **ўрта** — середина, **томон** — сторона, **уст** — верх, **паст** — низ, которые частично утратили значение предметности и перешли в разряд послелогов. В отличие от собственно послелогов и от глагольных послелогои-имена принимают притяжательные, а также падежные аффиксы. Например: *институт ён-и-да* — около института, *доска ол-ди-да* — у доски, *уйимизнинг ор-қа-си-да* — за нашим домом, *институт томон+га* — в сторону института, *театр ён-идан* — мимо театра.

237- машк. Нукталар ўринга керакли от кўмакчиларини кўйиб, гапларини кўчиринг.

1. Группамиз студентлари ... аълочилар кўп. 2. Сенинг ... ким туради? 3. Биз музей биноти ... тўхтадик. 4. Шаҳар ... самолёт учиб ўтди. 5. Институтимиз ... катта гулзор бор. 6. Уйимиз ... троллейбус, трамвай ва автобуслар катнаб туради.

238- машк. Ўқинг. От кўмакчиларини топиб, маълумларини аниқлаш ва рус тилига таржима қилинг.

1. Раиснинг машинаси бино олдида тўхтади. 2. Кўча ўртасида милиционер турибди. 3. Уйимизнинг ёнида катта «Хизмат беминнат» магазини бор. 4. Усин ҳам уларнинг орқасидан борди. (О) 5. Самолёт шаҳар устидан учиб ўтди. 6. Гулнор кизини уй ичига олиб кирди. (О.)

239- машк. Ўқинг ва таржима қилинг.

1. Перед нами море — большое озеро Иссык-Куль. 2. За стадионом «Пахтакор» находится большой парк. 3. Мы прошли мимо кинотеатра имени Гафура Гуляма. 4. Рахим встретится с тобой около института. 5. Возьмите из шкафа ваши книги. 6. Вокруг Ташкента много колхозов и совхозов.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

Ҳамид Олимжон 1809 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди.

У даставвал Жиззахда Наримонов номидаги бошланғич мактабда, сўнг Самарқанд Педагогика билим юртида, нҳоят, Ўзбекистон Педагогика академиясида ўқиди.

Ҳамид Олимжон болалик чоғлариданок адабиётга қизиқарди. Халқ оғзаки ижоди намуналари билан жуда барвақт таниша бошлади. Тўрт ёшида отадан етим қолган Ҳамид онаси Комила опа қўлида тарбияланди.

Бобосининг ўзбек классик адабиётини яхши билиши, Фозил Йўлдош ўғли каби бахшилар билан дўст бўлиши Ҳамид Олимжоннинг шеърингга бўлган ҳавасини янада орттирди.

Ҳамид Олимжон 1926 йилдан бошлаб ўз ижоди билан Самарқанд область газетаси — «Зарафшон» саҳифаларида кўринади.

1929 йилда эса унинг 30 шеърини ўз ичига олган биринчи шеърлар тўплами — «Кўклам» нашр қилинди.

1931 йилда Педагогика академиясини битиргач, Ҳамид Олимжон Тошкентга келди. Бу ерда «Еш ленинчи» газетаси ва «Қурилиш» журнали редакцияларида масъул котиблик вазифасини бажарди. Шу йиллари унинг «Олов сочлар», «Ўлим ёвга», «Пойга» номли шеърӣ тўпламлари босилиб чиқади.

Ҳамид Олимжон 1939 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби қилиб сайланди. Шонр бу вазифани умрининг охиригача бажариб келди.

Улуғ Ватан урушигача бўлган социалистик қурилиш йилларида совет кишилари онгида рӯй берган ўзгаришларни «Дарё кечаси», «Чирчиқ бўйларида», «Ўлка», «Бахт» номли шеърӣ тўпламларида, «Зайнаб ва Омон» каби поэмаларида аке эттирди.

Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан уруши йилларида бутун куч-қуввати, талантини Ватан, халқ ишига сарф этди. У 1942 йилда, Совет Армияси жангчилари Сталинград остоналарида қаҳрамонларча жанг қилаётган бир пайтда, Коммунистик партия аъзолигига қабул қилинди. У шу йиллари «Она ва ўғил», «Қўлингга қурол ол», «Ишонч» номли тўпламларини нашрдан чиқарди.

Ҳамид Олимжон ўзбек маданияти ва адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланган, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланган эди.

1944 йилнинг 3 июлида бу ажойиб шонрнинг юраги урушдан тўхтади.

То п ш и р и қ. «Ҳамид Олимжон» текстини ўқинг ва мазмунини айтиб беринг.

ЎРИҚ ГҲЛЛАГАНДА

Ҳамид Олимжон

Новдаларни безаб гунчалар
Тонгда айтди ҳаёт отини,
Ва шаббода қургур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам, у беор
Еллар мени алдаб кетади.

.....

Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сикқанича ол,
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам, у беор
Еллар мени алдаб кетади.

Тоширик. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

51-§

СУХБАТ

- Кечирасиз, мана бу стол бўшми?
- Ҳа, бўш. Марҳамат, ўтиринглар. Мана меню.
- Раҳмат. Бизга уч порция лағмон ва сабзавот салати берсангиз. Яна кабоб келтиринг. Уни узок кутиш керакми?
- Йигирма минутча.
- Котлетингизнинг гарнири нима?
- Нўхот, қоврилган қарам, картошка.
- Ундай бўлса менга бир порция палов бера қолинг.
- Ўртоқларимга кабоб, иложи бўлса чой ҳам келтирсангиз.
- Марҳамат.

БОҒЛОВЧИЛАР

(Союзы)

Союзы — это служебные слова, которые связывают однородные члены предложения или части сложного предложения: *Шодмон қалам, дафтар ва китоб сотиб олди.* — Шадман купил карандаш, тетрадь и книгу. *Комила уни ўтиришга таклиф этди ва ўзи колхозчилар билан суҳбат бошлади.* (О.) — Камила пригласила ее сесть и сама стала беседовать с колхозниками.

По синтаксическим функциям союзы делятся на сочинительные и подчинительные. Каждая из этих групп подразделяется на подгруппы в зависимости от значений, передаваемых союзами.

ТЕНГ БОҒЛОВЧИЛАР

(Сочинительные союзы)

Сочинительные союзы соединяют однородные члены предложений, а также части сложносочиненных предложений. Они выражают: 1) соединительные отношения: *ва, ҳам, ҳамда, билан, эса, бўлса, бўлмаса*; 2) противительные отношения: *аммо, лекин, бироқ, балки*; 3) разделительные отношения: *ё, ёки, ёхуд, баъзан, гоҳ, дам* и др.

1. **Бириктирув боғловчилари** (соединительные союзы).

Союз *ва* (и): *китоб ва дафтар* — книга и тетрадь.

Союз *ҳам* (и, также, тоже), в произношении после гласных звучит часто как *-ям*: *Саида ҳам, опам ҳам заводда ишлайди*.— И Саида, и старшая сестра работают на заводе.

Союз *ҳамда* (а также): *Динора, Саида ҳамда Малика бугун имтиҳонни аъло баҳога топширишди*.— Динора, Саида, а также Малика сегодня сдали экзамен на отлично.

Послелог *билан* наряду с основной своей функцией послелога употребляется также в значении соединительного союза, обозначая тесную, неразрывную связь: *Ота билан ўғил иккови ҳам колхозда механизатор бўлиб ишлайди*.— Отец и сын работают в колхозе механизаторами.

Союз *эса* употребляется в значении «же», «а что касается»: *Ўқитувчининг эса ҳеч нарсадан хабари йўқ эди*.— А что касается учителя, то он ничего не знал.

Союз *бўлса* употребляется в значении союзов *а, же* и нередко заменяет форму *эса*, при этом принимая показатели лица: *Мен машқни ёзиб бўлдим, у бўлса ёзиб бўлмади*.— Я написал упражнение, а он (он же) не написал еще.

Союз *бўлмаса* употребляется в значении слов *иначе, а то, в таком случае, тогда, в противном случае*: *Майли бўлмаса, эртага учрашамиз*.— Ладно, тогда встретимся завтра.

Частица *-да* (и, также, тоже) наряду с основной своей функцией употребляется также в значении соединительного союза, пишется через дефис. Служит для соединения глаголов, обозначающих действия, следующие друг за другом, *Равшан келди-да, кетди*.— Равшан пришел и ушел.

240- машк. Нуқталар ўринга керакли боғловчиларни қўйинг, гапларни оғзаки таржима қилинг.

1. Биз фан ... техника барк уриб ривожланаётган даврда яшамоқдамиз. 2. Ўўловчилар кечаси бир жойда тўпландилар, ... ҳамма эрталаб барвақт ўриндан турди. (Л. Б.). 3. Рустам анҳор ... ҳовуз ўртасидаги сунага жой қилдириб берди-да, ўзи қаёққадир кетди. (Х. Н.) 4. ... осмонни тутиб ашула янграр, ... аллақаердан гармон товуши эшитилиб колар эди. (С. Бабаевский.) 5. Боғ олдидаги баланд сўрида ... қизил байроқлар хиллирар, тагида ... бир неча киши турарди. (П. Т.) 6. Арава тинмай ёғжирларди, йўловчилар ... сўзсиз боришарди. (С. Зуннунова.)

241- машк. Қуйидаги бириктирув боғловчиларни иштирокида гаплар тузинг ва рус тилига оғзаки таржима қилинг.

Ҳам, ва, ҳамда, билан, эса, бўлса.

242- машк. Қуйидаги гапларни таржима қилиб, қўчириб ёзинг.

1. Ночь была темная и теплая. 2. Ладно, Азиза, тогда мы встретимся в библиотеке. 3. В нашей группе и Акмал вступает в партию. 4. Дилбар и ее брат Сабир тоже учатся в нашем институте. 5. Камила, Рахима, а также Салима вместе готовили уроки. 6. Все пришли, а Малика не пришла.

АЛИШЕР НАВОИЙ САМАРҚАНДДА

Ҳирот ҳукмдори Абусанд Алишер Навоийни ўзи учун хавфли деб, уни Ҳиротдан Самарқандга сургун қилди.

А. Навоий Самарқандда мадрасада ўқиди. Бир қанча олимлар, шоирлар билан танишди. Уларнинг асарларини ўрганди. Навоий Улуғбекнинг расадхонасини кўриб жуда хурсанд бўлди. Самарқанд Навоийнинг ҳаёти ва ижодида катта роль ўйнади. Чунки у вақтда Самарқандда адабиёт ва санъат анча ривожланган эди.

Алишер бу ерда ўз билимини оширди. 1469 йилда Ҳирот шоҳи Абусанд Гарбий Эронни эғаламоқчи бўлиб жанг қилди. Жангда унинг қўшини енгилди. Ўзи эса ўлдирилди. Бундан фойдаланган Хусайн Бойқаро Ҳиротни эғаллади ва тахтга ўтирди. Шу йили Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтиб келди.

Топшириқ. Текстни ўқиб, мазмунини ўзбек тилида сўзлаб беринг.

МАҚОЛЛАР

Яхшилик ерда қолмас.

Яхшилик нур келтирар, ёмонлик зулмат.

Тошхиррик. Мақолларни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

БИЛАСИЗМИ?

Одам танасидаги барча қон юрак орқали ўтади. Бу тахминан 5 литрни ташкил этади. Юрак (тинч ҳолатда) бу миқдорни томирларга салкам бир минут вақт ичида ҳайдайди. Ана шу йўсинда бир соатда 400 литрга яқин, бир суткада — ўн минг литрдан иборат бўлади.

Бир йил давомида юракнинг томирлари орқали ҳаракатлантирадиган қон 3,5 миллион литрга тўғри келади.

52- §

ЗИДЛОВ БОҒЛОВЧИЛАРИ

(Противительные союзы)

Это союзы аммо, лекин, бироқ (но, однако): *Лекцияга ҳамма келди, аммо Петрова келолмади.* — На лекцию пришли почти все, однако Петрова не смогла прийти. *У ўзбекча текстларни яхши ўқийди, лекин баъзи сўзларини тушунмайди.* — Он бегло читает тексты на узбекском языке, но некоторые слова не понимает. *Ленинград бизга жуда ёқяпти, бироқ биз Тошкентни соғиндик.* — Ленинград нам очень нравится, однако мы соскучились по Ташкенту.

АЙИРУВ БОҒЛОВЧИЛАРИ

(Разделительные союзы)

Союзы ё, ёхуд, ёки (или, или же) могут употребляться как одиночные и как повторяющиеся: *Ё мен борай, ё сен кел.* — Или я пойду, или же ты приходи. *Москвага етиб боришинг билан қўнғироқ қил ёки телеграмма юбор.* — Как придешь в Москву, позвони или дай телеграмму.

Союз баъзан ... баъзан... (то ... то ...): *Дўстим баъзан хат ёзади, баъзан телефон қилади.* — Мой друг то пишет письма, то звонит по телефону.

Союзы гоҳ ... гоҳ ... (то ... то, либо ... либо): Йўлчи эртадан кечганча дам у экинда, дам бу экинда ишлайди. (О.) — С утра до вечера Юлчи работает то на том поле, то на этом.

243- машк. Куйидаги гапларни ўқинг, тенг боғловчиларнинг турини айтиб беринг.

1. Москвамиз — ижод шаҳри ҳам бахт шаҳри. 2. Ҳамма гап меҳнатда ва тажрибада. 3. Бу ажойиб узумзор ва ёнғокзорлар ҳам ажиб манзара ҳосил қиларди. 4. На кўкнинг фонари ўчмасдан, на юлдуз сайр этиб кўчмасдан ... (У.) 5. У ҳам кўп ўтмай инженер ё ўқитувчи бўлиши мумкин. 6. Биз Ленинградга поездда ёхуд самолётда борамиз.

244- машк. Нукталар ўрнига керакли боғловчиларни қўйиб, гапларни рус тилига огзаки таржима қилинг.

1. Йиғилишимизга ҳамма келди, ... Нигора келмади. 2. Қузда анор, ... анжир, ... пишади. 3. Бу олма қизара бошлаган ..., ҳали яхши пишмаган. 4. У сенгагина ... менга ҳам ёрдам қилади. 5. Эрта баҳорда ... ёмғир ёғади, ... кунлар исиб кетади. 6. Уй кичкина, ... илиққина эди.

245- машк. Қуйидаги гапларни таржима қилинг.

1. Малика, мы поедем в воскресенье на дачу, а вы сходите в кино. 2. Я хотел прийти раньше, но меня задержали. 3. Ночь была темная и тихая. 4. Я очень люблю музыку, но мне нравится также и литература. 5. Он говорил мало, но содержательно. 6. Он много работает, но и отдыхать тоже умеет.

УСТОЗ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармониға мувофиқ Оқилхон Шарафиддиновға Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Республикамиз ўқитувчиларининг мураббийси, ҳурматли устози Оқилхон Шарафиддинов ўзининг болалиги ва ёшлик йилларини шундай тасвирлайди:

«Отам Шарафиддин деҳқон эдилар. Шаҳар четидаги Қорамурт кишлоғида деҳқончилик қилиб, эрта тонгдан тунга қадар ишлардилар. Аммо доим қорнимиз оч, юпун эдик. Бир бурда нон, бир луқма ош, бир оғиз ширин сўзнинг гадоси эдик. Тўққиз ёшга кирганимда отамиз ўғлим ўқисин деб, маҳалламиздаги эски мактабга бердилар. Зах ва қоронғи ҳужрада чўкка тушиб олиб ўқирдик.

Кейинчалик уйпмиз ёнидаги Хўжа Ахрор мадрасасида ўқий бошладим. Лекин бу ердаги тартиб-интизом ҳам, ўқини ҳам мени қаноатлантирмади. Кўпроқ уйда ўзим мутолаа қилиб, саводимни чиқара бошладим.

Шу орада инқилоб бўлиб қолди. Эски мактаб ва мадрасалардаги муллаваччалар тарқалиб кетди. Ҳамма ёшлар илм олиш учун янги мактаб, янги вазифаларга жалб этилди. Мен шу пайтда ўн тўққиз ёшда эдим. Маориф Халқ комиссарлиги кўрсатмасига биноан Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа, сўнг Дегонота кишлоқларида бошланғич мактаблар очдим.

Янги мактаблар ташкил этиш, халқ болаларини тўплаш ва турли унсурлар билан курашиш жуда оғир бўлган эди.

У вақтлар, Дегонота кишлоғида Холтурсун мингбошининг бир меҳмонхонасини олиб, тахтлари тагига гишт қўйиб, «янгича парталар» бунёд этганимиз, патинисни «доска» қилиб, кесакдан бўр ўрнида фойдаланганимиз. Булар сира эсимдан чиқмайди. Янги мактабга келган собиқ ўқувчиларимга биринчи дарсда шундай деганман:

— «Сизлар бугундан бошлаб Шўро ҳукумати мактабиди ўқийсизлар. Йўлбошчимиз Ленин сизларга янги мактаб биносини бунёд этади. Янги мактабда янги парталар, билим хазинаси бўлган китоблар, яхши дафтарлар берилади. Келажакда сизлар дорилфунунларда ўқиб, улуғ одам бўлиб етишасизлар».

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи О. Шарафиддинов бошланғич синфлар учун дарсликлар яратиш устида кўп ишлар қилди. Айниқса, улар ёзган «Алифбе» китоби ҳалигача қайта-қайта нашр қилинмоқда. Шунинг учун ҳам Оқилхон Шарафиддиновни Ўзбекистонда барча устоз деб атайди.

То п и ш и р и к . Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Мазмунини рус тилида гапириб беринг.

53- §

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

- Сиз магазиндан нималар сотиб оласиз?
- Бозордан нималар сотиб оласиз?
- Озиқ-овқатни қайси магазиндан сотиб оласиз?
- Сиз гўшт, балиқ, сабзавотларни қаердан сотиб оласиз?
- Магазинга тез-тез бориб турасизми?

- Бозорга-чи? Бозорга ҳам тез-тез бориб турасизми?
 — Сиз магазинга қайси пайтда борасиз — эрта биланми, кундузими ёки кечкурунми?
 — Бозорга-чи?

ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР

(Подчинительные союзы)

Подчинительные союзы служат как для связи членов предложения, так и для связи простых предложений в составе сложноподчиненного. Например: *Ҳамма халқлар тинчлик учун курашмоқда, шунинг учун тинчлик сақланади ва мустақамланади.* — Все народы борются за мир, поэтому мир будет сохранен и упрочен.

Подчинительные союзы передают различные отношения:

1. Союз **-ки (-ким)** ставится после сказуемого главного предложения и пишется с ним слитно. Союз **-ки** присоединяет члены придаточного предложения (подлежащее, сказуемое, дополнение, изъяснительное определение, обстоятельства меры и степени, следствия) к главному предложению: *Ҳамма биладики, бизнинг халқимиз дўст ва иноқ яшайди.* — Все знают, что наш народ живет дружно. *Шундай одамлар ҳам борки, улар ўзларидаги камчиликни сезмайдилар.* — Есть такие люди, которые не замечают своих недостатков.

2. Союзы *чунки* (так как, потому что), *шунинг учун* (поэтому), *шу сабабли, шу сабабдан* (по этой причине) указывают на причинные или следственные отношения: *Ўқувчилар экскурсияга бормадилар, чунки ёмғир ёғиб қолди.* — Школьники не пошли на экскурсию, потому что начался дождь. *У кўп ўқийди, шунинг учун у кўп нарсани билади.* — Он много читает, поэтому он много знает.

3. Союз *гўё (гўёки)* (как будто, будто) служит для связи сравнительно-сопоставительного придаточного с главным: *Ҳамма ёқ жимжит, гўё бу ерда ҳеч нарса бўлмагандек.* — Везде тишина, как будто здесь ничего не произошло.

4. Союз *агар (агарда)* (если) служит для усиления значения условия: *Қарим келса, шахмат ўйнаймиз.* — Если Карим придет, будем играть в шахматы. *Агар Қарим келса, шахмат ўйнаймиз.* — Если только Карим придет, будем играть в шахматы.

В обоих предложениях условие передается при помощи

аффикса -са, но во втором примере значение условия усиленно.

При переводе на русский язык этот оттенок не передается, оба предложения переводятся одинаково.

246- машк. Гапларни оғзакни таржима қилинг ва боғловчиларнинг вазифасини аниқланг.

1. Сиз шунн унутмангки, комсомол ёшларининг авангардидир. 2. Ўзбек тилини ўрганиш тўғараги очилди, чунки ҳаммамиз ўзбек тилини пухта ўрганишга қарор қилдик. 3. Фарзанд гулдир, она — бир бўстон, шунинг учун олам гулистон. (Ҳ. О.) 4. Яланглик устида кўп гулхайрилар очилиб ётардики, гўё осмондан оппоқ гул ёғилиб тушгандек эди. (Ҳ. Ҳ.) 5. Агар хоҳласангиз, мен бирга бораман. 6. Дейдиларки, Ойда ҳам доғ бор. (Ҳ.)

247- машк. Қуйидаги эргаштирувчи боғловчилар иштирокида гаплар тузинг.

-ки, чунки, шу сабабдан, шунинг учун, гўё.

248- машк. Нукталар ўринга мос боғловчиларни қўйиб, гапларни қучиринг.

1. Биз истаймиз..., дунёда ҳеч қачон уруш бўлмасин. 2. Бу ерда қовун текки. Ўзиб берайми ... ўзингиз узасизми? (С.) 3. Бугун пахта плани тўлди, ... ҳамма хурсанд. 4. Студентлар кўп ўқийдилар, ... улар кўп нарсани билишлари керак. 5. Унга мукофот берилди ... у яхши ишлаган эди. 6. Ҳаммага маълум... аълочи бўлиш осон эмас.

249- машк. Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Мы уверены, что наша команда победит. 2. Если не будет дождя, завтра мы поедем на экскурсию. 3. Мир победит войну, ибо все народы борются за мир. 4. Кто копает яму другому, тот сам в нее попадет. 5. Нет сомнения, что в соревнованиях по шахматам мы займем первое место. 6. Спортсмен бежал так быстро, что опередил всех соперников.

ФИТРАТ

Иззат Султон,
Салоҳиддин Мамажонов

XX аср инсоният тарихида, Ленин таъбири билан айтганда, империалистик урушлар ва пролетар революциялари даври бўлиб қолди.

Асримиз бошларида Осиёнинг уйғониши Туркистонда

илгор кишиларнинг маърифатга дадил юз ўгириши ва ҳаммани маърифатга даъват этишидан бошланди. Чор Россиясининг чекка ўлкаси ҳисобланган Туркистон учун бунинг аҳамияти жуда катта эди. Шу даврда яшаб ижод этган Фитратнинг илмий ва бадий ижод соҳасидаги дастлабки қадамлари ҳам маърифат излаш, маърифатни тарғиб этишдан бошланади. Унинг шуҳратига сабаб бўлган биринчи асар — «Мунозара» асримиз аввалларида Бухоро амирлигида ўқув ва ўқитув ишларининг аҳволини ёритар, бу соҳадаги асрий қолоқликни фош этиб, ўрта ва олий ўқув юртларининг ишини тубли равишда ислох этишга чакирар эди. Мадрасаларда ўқув муддатининг ҳаддан ташқари узунлиги (йигирма йилдан ортиқ) бошлаб ўқитув усулларининг эскирганлиги, мударрисларнинг подонлиги, программаларнинг ҳаётдан узоқлиги, савод чиқаришнинг осон усуллари Европа мактабларида намоён этилиб турган бир маҳалда ҳамон мусулмон мактабларида бесавод «мулла»лар етиштиришдек номаъқул ишнинг давом этаётганлиги танқид қилинади. Бугина эмас, мактабни ва ўқитиш усулларини тубдан ўзгартириш тадбирлари келтирилади. Болаларни ёдлашга эмас, ҳарфларни билишга ўргатишни айтади. Сўнгрок Фитратнинг драматург тарикасида майдонга чиқиши, унинг ижод соҳасидаги илк қадамида бўлажак ёзувчи ижодининг куртаклари зоҳир бўла бошлаганини тушуниш қийин эмас. Маърифатпарварлик, илмни халқининг «нажот йўли» деб тушуниш Фитратнинг бундан кейинги бутун ижоди учун ҳам характерли хусусият бўлиб қолади. Бу жиҳатдан олганда, Фитрат Айний, Авлоний, Ҳамза, Сўфизода, Бехбудий, Абдулла Кодирий, Мирмуҳсин ва бошқа маърифатпарварлар йўлидан боради.

Фитрат совет даврида драма жанрининг шаклланишига ҳисса қўшди. У шеърият бобида ўзбек шоирлари ичида биринчилардан бўлиб, фольклор шаклларида шеър ёзди. Бу минг йилча давр ичида аруздан бошқа шаклни билмаган ёзма шеъриятимиз соҳасида новаторлик эди. Фитратнинг драматургияси ва поэзияси ўзбек адабий тилининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Фитратнинг насрий асарлари, айниқса «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» адабиётимиздан атеистик-фалсафий асар яратишнинг тенгсиз намуналари бўлиб ўрин олади.

Фитрат олим сифатида ҳам маданиятимиз тарихида ўзига хос ўрин тутди. У Бухоро тарихидан, ўзбек классик

музикаси ва адабиёти тарихидан, адабиёт назариясидан фактик материалга бой бир неча асарлар муаллифидир. У ўзбек халқи тарихида биринчи бўлиб ўзбек тилининг грамматикасини яратди. Фитратнинг «Адабиёт кондалари», «Эски ўзбек адабиёти намуналари» ва «Аруз ҳақида» каби илмий китоблари ўзбек адабиётининг илмий ҳамда амалий масалаларини ишлашда ташланган илк дадил кадамлар эди. Фитратнинг Умар Хайём, Фирдавсий, Навоий, Бедил, Машраб, Муҳаммад Солнх, Турди, Фурқат, Муқимий каби сўз санъаткорлари тўғрисидаги тадқиқотлари форс-тожик ва ўзбек классик адабиётини ўрганишда, классиклар меросини янги жамият манфаатларига хизмат эттиришда катта ўрин тутди.

Топширик. Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

54- §

СУҲБАТ

- Сиз Олмалик шаҳри тўғрисида эшитганмисиз?
- Ҳа, Олмалик — Ўзбекистон шаҳарларидан бири.
- У ҳозир қандай шаҳарга айланди?
- У ҳозир республикамизнинг катта саноат шаҳрига айланди. У рангли металлари қайта ишловчи корхоналар шаҳри.
- Олмалик шаҳри яқинидаги тоғлардан қандай металллар қазиб олинади?
- Олмалик яқинидаги тоғлардан мис, рух, кўрғошин ва бошқа металллар қазиб олинади.
- Шаҳарда қандай саноат корхоналари бор?
- Шаҳарда бир қанча саноат корхоналари бор. Катта электр станцияси, оҳак, цемент заводлари, автомобилларни ремонт қиладиган завод, дурадгорлик фабрикалари ва бошқалар.
- Олмаликда қандай маданий муассасалар бор?
- Олмалик шаҳрида мактаблар, техникумлар, музика мактаби, кутубхона, кинотеатрлар бор.

ЮКЛАМА

(Частицы)

Частицы — это служебные слова, которые придают предложению или отдельным его членам дополнительные оттенки значения или эмоциональную окраску.

Частицы делятся на две группы:

1. Слова-частицы — сўз-юкламалар: *ҳатто* — даже, *наҳотки* — неужели, *ахир* — в конце концов.

2. Аффиксы-частицы — аффикс-юкламалар: *-гина* (*-кина, -қина*), *-ми, -чи, -да, -оқ, (-ёқ), -ку, -дир* и т. д.

Модальные частицы вносят различные смысловые оттенки в предложение, а также выражают чувства и отношение говорящего к тому, о чем говорится в предложении.

Модальные частицы выражают вопрос, восклицание, указание, сомнение, уточнение, усиление, смягчение, требование:

Модальные частицы можно разделить на следующие группы:

1. Вопросительные частицы — сўроқ юкламалари: *-ми, -чи, -а, -я*. Частица *-ми* пишется слитно, а остальные — через дефис: *Кеча дарс тайёрладиңми?* — Готовил ли ты вчера уроки? *Сен-чи?* — А ты?

Частицы *-а, -я*, кроме вопроса, выражают и удивление: *Келди-я?* — Пришел ведь?

2. Усилительные и утвердительные частицы — кучайтирув ва таъкид юкламалари: *ахир, ҳатто, -ку, -да, -у(-ю)* пишутся через дефис: *Ўқиш бошланди-ку!* — Ведь учеба началась! *Ахир ўқишиңг керак!* — В конце концов ты должен учиться!

3. Разделительные и разграничительные частицы — аййирув ва чегаралов юкламалари: *-гина, -кина, -қина, фақат, фақатгина*: *Ҳамма келди, фақатгина Қарим келмади.* — Все пришли, только Қарим не пришел.

4. Уточняющие частицы — аниқлов юкламалари: *худи, ахир. Ахир соат етти бўлди.* — Ведь уже семь часов. *Худди соат бешда келди.* — Ровно в пять часов он пришел.

250- машқ. Қуйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Айтдим-ку, бажарилдими?, Сен-а?, келди-я, Аҳмад-чи?, Азиза-я?. Сиз-а?

251- машқ. Қуйидаги юкламалар иштирокида гаплар тузинг.

Ҳатто, наҳотки, ахир, фақат; -ми, -чи, -ку, -, -да, -у, -а (-я).

252- машқ. Ўқинг. Рус тилига таржима қилинг.

1. Сафарни узок килиб юбориб, бизни жуда соғинтириб қуйдиңиз-ку, мулла ака. (С. Абд.) 2. Ахир бахтли турмуш

бундан ортик бўладими? 3. Мана бу хатни ўқинг-чи!
4. Ота-онангизга хабар бериб қўйиш керакдир-а?
(С.З.) 5. Кеча спорт машғулотиға фақат Содиққина
катнашмади. 6. Бу жуда ажойиб иш бўлар эди-да! (О.)

ТОШКЕНТ

Тошкент — Ўрта Осиёнинг энг катта саноат ва маданий маркази. 1917 йилда Ўрта Осиёда биринчи Ишчи депутатлари Совети тузилди. Шаҳар пролетариати революцион хизматлари учун 1924 йилда Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Бу ерда пахта етиштириш ва ҳосилни териб олиш учун керакли ҳамма машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг билан бирга саноатнинг пахтачилик билан боғлиқ бўлган тармоқлари ҳам ривожлантирилмоқда.

Шаҳардаги кўплаб завод ва фабрикалар бутун республика саноат маҳсулотининг кўп қисмини ишлаб чиқаради.

1966 йилдаги зилзиладан кейин янги Тошкент бунёд этилди. Кўплаб уй-жой, мактаб, болалар боғчалари, касалхона, поликлиника, маданий оқартув ва маиший муассасалар қурилди.

Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда метронинг янги станциялари ишга туширилди. Навбатдаги йўл кўпгина уй-жой массивларини шаҳар маркази билан боғлади.

1943 йилда тузилган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илм-фанни ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади. Ҳозир Академиянинг ўнлаб илмий муассасаларида минглаб фан докторлари ва кандидатлари меҳнат қилмоқда.

Тошкент тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб қолганлиги билан шаҳар меҳнаткашлари ҳақли равишда фахрландилар. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1958 йилдаги I конференциясида вужудга келган «Тошкент руҳи» тобора ривожланиб, шаҳарда ўтказилаётган Осиё ва Африка мамлакатларининг турли симпозиум, семинар, кенгаш ва кинофестивалларида янги куч касб этмоқда.

Топшириқ. Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини айтиб беринг.

ТОШКЕНТ

Темур Фаттоҳ

Москванинг укасидирсан,
Қаҳрамонлар улкасидирсан,
Азиз юртим, азиз Тошкентим,
Бир култур сув агар ичса ким,
Унутмайди умрбод сени,
Ҳурмат билан этар ёд сени.
Ҳа, сен шундай улкан шаҳарсан.
Юртимизда кўп муътабарсан.
Бўлмоқдасан кун сайини кўркам,
Бўлажаксан яна мухташам!

Топширик. «Тошкент» шеърини ифодали ўқинг ва ёд олинг.

55- §

СУҲБАТ

— Сиз дарсликдаги текстларни лугатсиз ўқий оласизми?

— Баъзиларини лугатсиз ўқий оламан.

— Ўқилган текстнинг мазмунини тўла тушунасизми?

— Баъзиларини тўла тушунаман, баъзиларини эса тушуна олмайман.

— Ўзбекча газеталарни ўқишга ҳаракат қиласизми?

— Ҳа, аммо газетани лугат ёрдамида таржима қилиб, сўнгра мазмунини тушунишга ҳаракат қиламан.

— Сиз ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқишга ҳаракат қилиб кўрганмисиз?

— Йўқ, мен ўзбек тилида ёзилган ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқиб кўрганам йўқ. Аммо рус тилига таржима қилинган ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқиб тураман.

— Яхши, мен сизга ўзбек тилини ўрганишда ёрдам бераман.

— Раҳмат, мен ҳам ўзбек тилини сизга ўхшаб билиб олишга ҳаракат қиламан.

МОДАЛ СЎЗЛАР

(Модальные слова)

Модальные слова — это слова, выражающие отношение говорящего к высказываемой мысли.

Модальные слова могут выражать различные смысловые оттенки:

1) ясность мысли: *албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат*;

2) сомнение: *эҳтимол, балки, ҳойнаҳой, афтидан, чамаси*;

3) цель, условие: *керак, лозим, зарур, даркор*;

4) утверждение: *бор, майли, ҳўп, тўғри, тузук*;

5) отрицание: *йўқ*;

6) итог: *демак, хуллас, модомики*;

7) напоминание: *дарвоқе, айтгандек, айтмоқчи*;

8) сожаление: *афсус, аттанг, эсиз*.

Например: *Демак, у дарсга ўз вақтида келади.* — Значит, он на занятия приходит вовремя. *Ҳолбуки, сен бу тўғрида гапирмаган эдинг.* — Между прочим, ты не говорил об этом. *Йўқ, мен бораман.* — Нет, я пойду. *Аттанг, сен концертга етиб келолмадинг.* — Жаль, что ты не успел на концерт. *Наҳотки, у келмади?* — Неужели он не пришел?

253- машқ. Қуйдаги модал сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Қани, ҳамиша, чунончи, наҳотки, ҳолбуки.

УНДОВ СЎЗЛАР

(Междометия)

Междометия — это неизменяемая и лишённая грамматических показателей часть речи, служащая для выражения различных чувств и волевых побуждений.

Междометия выражают удивление, радость, одобрение, печаль, приветствие, испуг, ненависть, гордость, переживание: *э, эҳ, эй, аҳа, оҳ, уҳ, ҳим, ҳе, ҳа, уф, ўҳў, ура*.

Особую группу образуют междометия, служащие для выражения призыва и отгона животных, воздействия на животных: *ту-ту-ту, беҳ-беҳ, ҳўўш, пиш-пиш, мош-мош, қурай-қурай, баҳ-баҳ, кишт, чу, ҳўўк!*

254- машқ. Қуйдаги ундов сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Чу, ох, ҳа, уф, э, эй, ух, ту-ту, беҳ-беҳ.

255- машқ. Аввал таркибида хис-ҳаяжон ундови бўлган гапларни, кейин таркибида ҳайдаш-чакириш ундови бўлган гапларни кўчириб ёзинг.

1. Бобом уф деб, ўринга ёнбошлади. 2. Залдан ура товуши эшитилди. 3. Эй Фарғона! Эй гўзал диёр! 4. Наташанинг дон сепмок учун беҳ-беҳ деб товуқларни

чакиргани эшитилди. 5. Комилжон отга чух деб камчи босди. 6. Вой бў-ў, шу ҳам қўшиқ айтиш бўлди-ю!

256- машқ. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг

1. Ах, как мне правится эта линия! 2. Ух, как захватывает дух, когда летишь на санках с горки! 3. До свидания, дорогие друзья, до свидания! 4. Ого, какая ты уже большая! 5. Ах, какой голос! 6. Вдалеке грянуло «ура»! 7. Эй, чего растянулись на дороге! (М. Г.)

ФАФУР ФУЛОМ

Ўзбек совет адабиётининг йирик вакили, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати Фафур Фулом ўзининг ўлмас асарлари билан кўп миллатли совет адабиёти минбаридан муносиб ўрин эгаллаган шоирдир.

Фафур Фулом 1903 йил майда Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. 1916 йилнинг кузида «8-ое Самсонское русско-туземское училище»га кириб ўқийди ва Л. Н. Толстойнинг «Первая книга»сидан рус алифбесини ўрганади. «Туркестанский курьер», «Туркестанские ведомости» газеталари орқали революцион кураш воқеалари билан таниша боради ва ўз дунёкарашини кенгайтиради.

Фафур Фулом 1919 йили комсомол сафига киради ва комсомол ишларида актив қатнашади, шу йилларда комсомол ва мактаб ҳаётига оид хабар ҳамда мақолалари билан вақтли матбуотда катнашиб туради.

Биринчи марта шоирнинг «Ўзаллик нимада?» номли шеъри 1923 йилда матбуотда босилиб чикди.

Фафур Фулом ижодда Ҳамза ва Маяковский традицияларини давом эттирди. 1926 йилдан бошлаб газета ва журнал редакцияларида адабий ходим бўлиб ишлади ва 1928—1930 йиллар орасида унинг 30 га яқин юмористик ва сатирик ҳикоялари босилиб чикди.

30-йилларда шоир ижоди янада ўсди. Унинг «Тўй», «Икки васиқа» каби поэмалари, «Нетай», «Тирилган мурда», «Шум бола», «Едгор» номли повестлари 30-йиллар совет адабиётининг катта муваффақияти саналади.

Фафур Фуломнинг ҳар бир шеъри халқимиз ҳаётининг бирор тарихий босқичи билан бевосита боғлиқдир. Туркистон — Сибирь темир йўли қурилиши муносабати билан «Турксиб йўлларида», урушга қарши курашга бағишланган «Тўқиниш» каби шеърлари шулар жумласидандир.

Ғафур Ғулом фаолиятида уруш йиллари ижоди айниқса катта ўрин тутадди. Бу йилларда ёзилган «Сен етим эмассан», «Қузатиш», «Қиш», «Вақт» каби шеърларида совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационалиزمи ғоялари тараннум этилган.

Ғафур Ғуломнинг урушдан кейинги ижоди ҳам сермахсул. Унинг «Янги шеърлар», «Оналар», «Комсомол», «Яшасин тинчлик», «Ленин ва Шарқ» каби тўпламлари шулар жумласидандир. Коммунист шоир Ғафур Ғулом Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ЎзССР Олий Советининг депутати қилиб сайланган. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо бўлди.

Унинг катта хизматлари муносиб тақдирланди: икки марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Хурмат белгиси» ордени ҳамда бир неча медаллар билан мукофотланди. «Мен Шарқдан келаётирман» шеърини тўплами учун 1949 йили СССР Давлат мукофоти лауреати бўлди. Вафотидан сўнг унга Ленин мукофоти берилди.

Ғафур Ғулом 1966 йил 10 июлда вафот этган.

Топширик. Текстни ўқинг, саволлар тузиб ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини айтиб беринг.

56- §

СУХБАТ

— Ўртоқ сотувчи, менга жундан тўкилган болалар костюминини кўрсатинг.

— Нечанчи размер?

— Ўттиз тўртинчи размер.

— Марҳамат. Мана кўринг-чи, бу костюмда тўртта нарса бор: кофточка, шим, шапкача ва шарф.

— Костюмлар ҳаммаси кўк рангдами?

— Йўқ. Қизил, яшил, оқ, пушти ранглари ҳам бор.

— Қизил рангини кўрсатинг.

— Марҳамат.

— Раҳмат. Мана шунинини ўраб беринг.

— Мана чек, пулини кассага тўланг.

— Костюмни контролёрдан оласиз.

— Хўп. Раҳмат, сизга.

ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР

(Звукоподражательные слова)

Звукоподражательные слова представляют собой словесное воспроизведение различных звуковых явлений, слышимых в окружающем мире. Они имеют самостоятельное лексическое значение и особое морфологическое строение: *тарс-турс, қарс-қурс, ялт-юлт, гумбур-гумбур, дўп-дўп* и т. д.

Звукоподражательные слова представляют собой имитацию звуков реальной действительности языковыми средствами: *дир-дир, лип-лип, гун-гун, дув-дув, шув-шув, қулт-қулт, фир-фир, ялт-ялт, мўлт-мўлт, миқ-миқ. Юрагим дир-дир титради.*— Сердце мое дрожало.

Звукоподражательные слова в предложении могут употребляться в роли:

а) подлежащего: *Спорт залида болаларнинг шов-шувлари эшитилиб турар эди.*— Из спортивного зала были слышны крики детей;

б) сказуемого: *Шамол эсар фир-фир, япроқлар шилдир-шилдир.*— Приятно дул ветерок, шелестя листьями;

в) определения: *Фир-фир шабада эсиб турибди.*— Дует приятный ветерок;

г) дополнения: *Товуқлар ту-туга ўрганиб қолган.*— Куры привыкли к ту-ту;

д) обстоятельства: *Юрагим дук-дук уриб кетди.*— Сердце взволнованно забилося.

Т о п ш и р и к. Қуйидаги сўз бирикмаларидан бештасини танлаб, гаплар тузинг.

Ялт-ялт, дир-дир титрамок, дук-дук урмок, шилдир-шилдир окмок, такир-такур этмок, лип-лип учмок, карс-курс синмок, гумбур-гумбур этмок, дув-дув тўкилмок.

257- машқ. Гапларни кўчиринг. Уядов ва таклидий сўзларни топиб, уларнинг турини айтинг.

1. Вой, бунча ажойиб жойлар экан бу ерлар! 2. Ха, балли! Энди яхши жавоб бердингиз. 3. Фир-фир шамол эсар эди. 4. Дўстим чойни култ-култ ютиб саёҳатда кўрганларини гапириб берди. 5. Тўсатдан ховлида шип-шип қадам товуши эшитилди, ... (О. Ё.) 6. Имтиҳонга кирганда юрагим дук-дук уриб кетди.

258- машқ. Гапларни ўқинг, рус тилига таржима қилинг. Юклама, модал сўз, ундов ҳамда таклидий сўзларни топиб, уларнинг гапдаги вазифасини айтинг.

1. Алло, Мухторхоновнинг уйига улап! (Ё. Ш.) 2. Пушт,— деб кичкирди капитан ..., йўл беринглар. (Э. Войнич.) 3. Доска ёнидаги ок пардага лип-лип этиб суратлар тушди. (Х. Н.) 4. Ярим кеча эди, олисдан тасир-тусур ўк овози эшитилиб қолди. (Л. Маҳмудов.) 5. Акрамнинг хаёлини мотоциклнинг «пат-пат»и бузиб юборди. (О. Ё.) 6. Ҳаво хушбўй хидларга, қушларнинг чуғур-чуғурига тўлиб, олам яшнаб кетди. (О. Ё.) 7. Ур-ра, биз енгдик! — деган кийкириклар эшитилиб туради. (Х. Гўхтабоев.)

259- машқ. Ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Ух, конечно — душе как будто легче. (П.) 2. Бац-бац раздались выстрелы. (Л. Т.) 3. Татьяна ах! А он реветь ... (П.) 4. Порою двухствольное ружье бухает раз за разом: бух-бух! (М. Г.)

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

Абдулла Қаҳҳор 1907 йилда Қўқон шаҳрида камбағал темирчи оиласида туғилди. Унинг болалик йиллари Қўқон атрофидаги қишлоқларда ўтди. Бу даврга оид воқеалар унинг «Ўтмишдан эртақлар» повестида тасвирланган.

Абдулла Қаҳҳор Қўқонда очилган интернатлардан бирида ўқиди. Кейин у ўқишни Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)да давом эттирди. У газеталарда адабий ходим, бўлим бошлиғи бўлиб ишлади.

Абдулла Қаҳҳор дастлаб кичик ҳикоялар ёзди, рус ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Абдулла Қаҳҳор «Қўшчинор чироклари», «Сароб», «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар», «Олтин юлдуз» каби йирик прозаик асарлар ёзди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» («Янги ер»), «Оғрик тишлар», «Сўнгги нусхалар», «Аяжонларим» каби драматик асарлари ҳам бор.

Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари СССР халқлари тилларига ва чет тилларга таржима қилинган. Унинг «Шоҳи сўзана» комедияси СССР Давлат мукофотига, «Ўтмишдан эртақлар» повести эса Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Абдулла Қаҳҳор 1968 йилда вафот этди.

То п ш и р и к. Текстни ўқинг, мазмунини айтиб беринг.

МАҚОЛЛАР

Билим — бахт белгиси.
Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди.
Мақтанчоқ — бекорчига ўйинчоқ.

Топширик. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушуниб олинг. Мақолларни ёд олинг.

АЖОЙИБОТЛАР

Дунёда энг узок умр кўрган одам инглиз Томас Кари ҳисобланади. Черков китобларида унинг Лондонда туғилганлиги ва 207 йил яшаганлиги ёзилган.

* * *

Дунёда энг пакана одам немис Вальтер Беминг бўлиб, унинг бўйи 52 см экан. У 1955 йилда 48 ёшида вафот этган

* * *

Америкалик Роберт Поршчин Ундлоннинг бўйи 270 см, вазни 232 кг бўлган. У 1944 йилда 22 ёшида вафот этди.

* * *

Дунёда энг енгил вазли одам Хапин Хопкинс эди. Унинг вазни 17 ёшида (1574 йилда) 7,7 кг бўлган.

Топширик. «Ажойиботлар»ни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

- Сиз яшайдиган шаҳарда қандай театрлар бор?
- Кўпроқ қайси театрларга боришни яхши кўрасиз?
- Сиз драмани кўпроқ ёктирасизми ёки комедияни?
- Драма театрида қайси спектаклларни кўргансиз?
- Комедия театрида-чи?
- Кўпроқ қандай образларни ёктирасиз?
- Сиз яхши кўрган образларни қайси артистлар ижро этади?
- Қайси драматургларнинг асарларини кўпроқ ёктирасиз?
- Қайси композиторларнинг музыкаларини кўпроқ ёктирасиз?

СИНТАКСИС

Синтаксис — раздел грамматики, изучающий формы и типы предложений, структуру словосочетаний и связи слов в словосочетании и предложении.

В синтаксисе изучается прежде всего предложение, являющееся целостной грамматически организованной единицей речи.

Так как каждое предложение как отрезок связной речи, выражающий мысли, чувства и волеизъявления, строится из слов, то в синтаксисе изучаются и слова. Но они изучаются не как лексические единицы или части речи, обладающие определенными грамматическими свойствами и морфологическими формами, а как те или иные члены предложения.

57- §

ГАПДА СЌЗЛАРНИНГ БОГЛАНИШИ

(Связи слов в предложении)

В предложении слова могут вступать в связь как синтаксически равноправные, независимые или как неравноправные элементы (т. е. когда одно слово зависит от другого). Поэтому различаются два типа синтаксической связи: сочинительная связь — *тенг боғланиш*, подчинительная связь — *эргаш боғланиш*.

Сочинительная связь между словами может быть бессоюзной или союзной (с сочинительными союзами), для нее характерна интонация перечисления. Слова, соединенные сочинительной связью, являются равноправными однородными членами предложения. Например: *Агар бутун дунё халқлари тинчлик ишини ўз қўлларига олсалар, тинчлик сақланади ва мустақамланади.* — Если народы всего мира возьмут дело мира в свои руки, то мир сохранится и упрочится.

260- машқ. Ўқинг. Боғланган қўшма гапларни топинг, боғловчиларни аниқлаб, нима учун қўлланганлигини тушутиринг. Гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Ҳар бир комсомол ўқишда ва интизомда бошқаларга намуна бўлиши керак. 2. Мен ўзбек тилини ўрганиш учун ўқийман, ёзаман ҳамда таржима қиламан. 3. Вали ҳам университетнинг кечки бўлимида ўқийди, ҳам кундузи ишлайди. 4. Абдулла Кодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ўзбек совет адабиётининг атокли вакилларидир. 5. Пахта республикамининг фахри ва ифтихори дир. 6. Мажлисида баъзан ютуқларимиз ҳақида, баъзан камчиликларимиз ҳақида гапирилди.

261- машк. Бирор бадий асардан боғланган қўшма гапга олтига мисол топиб кўчиринг, вергулнинг қўйилиш-қўйилмаслик сабабини айтиб беринг.

При подчинительной связи одно слово является основным — **ҳоким сўз**, а другое зависимым — **тобе сўз**. Основное слово требует от зависимого определенной грамматической формы. Подчинительная связь бывает трех видов: а) **мослашув** — согласование, б) **бошқарув** — управление, в) **битишув** — примыкание.

При согласовании зависимое слово ставится в том же числе и лице, что и главное. Например: *Қўнғироқ чалинди. Студентлар аудиторияга кириб кетдилар.* — Прозвенел звонок. Студенты вошли в аудиторию. В данном предложении слово *қўнғироқ* (звонок) — главное, *чалинди* (прозвенел) — зависимое. Зависимое слово согласуется с главными в лице и в числе: *Мен бугун кутубхонага бордим.* — Я ходил сегодня в библиотеку. *Сен кеча кутубхонага бординг.* — Ты ходил вчера в библиотеку. *У бугун кутубхонага борди.* — Он ходил сегодня в библиотеку. *Биз бугун кутубхонага бордик.* — Мы ходили сегодня в библиотеку. *Сиз кеча кутубхонага бордингиз.* — Вы ходили вчера в библиотеку. *Улар бугун кутубхонага бордилар.* — Они ходили сегодня в библиотеку.

Притяжательные определения также согласуются с определяемыми словами в лице и в числе. Определяемое слово принимает притяжательные аффиксы соответствующего лица и числа. Например: *Институтимизнинг биноси катта ва чиройли.* — Здание нашего института большое и красивое. *Шаҳримизнинг кўп бинолари янги.* — Многие здания нашего города новые. *Менинг китобим бор.* — У меня есть книга. *Сенинг китобинг бор.* — У тебя есть книга. *Унинг китоби бор.* — У него есть книга. *Бизнинг китобларимиз бор.* — У нас есть книги. *Сизнинг китобларингиз бор.* — У вас есть книги. *Уларнинг китоблари бор.* — У них есть книги.

При управлении главное слово требует постановки зависимого в определенном падеже или сочетания с послелогом: *Мен ўзбек тилини ўрганияман.*— Я изучаю узбекский язык. *У институт ёнида туради.*— Он живёт около института.

При управлении главными словами чаще всего бывают глаголы и имена прилагательные. Имя может сочетаться с послелогом. Например:

1) управляет глагол: *Колхозда бизга гишдан уй қўраптилар; уй (нима) қўраптилар; бизга (кимга?) қўраптилар; гишдан (нимадан?) қўраптилар; колхозда (қаерда?) қўраптилар;*

2) именное управление, когда управляющим словом является прилагательное, а имя — зависимым и поэтому имя принимает соответствующую грамматическую форму: *Денгиз кўлдан чуқур.*— Море глубже озера. *Боши фикр билан тўла.*— Голова его полна мыслями.

262- машқ. Куйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг ва кўчиринг

Китоб ўқимок, планни бажармок, ўқитувчидан хурсанд бўлмок, дўстлари билан учрашмок, телефонда гаплашмок, имтиҳонларга тайёрланмок, врачга миннатдорлик билдирмок, музейни томоша қилмок, шанбалик ўтказмок.

263- машқ. Куйидаги гапларни ўқинг, қайси гап бўлаклари мослашиб келганини аниқланг.

1. Вадим «Ўзбек тили» китобини сотиб олди. 2. Икки студент докладчига савол берди. 3. Бизнинг факультетимизда турли хил тўгараклар бор. 4. Фурқат Мукимий ва Завкий билан яқиндан дўстлашди. 5. Қисқа муддатда Фурқат истеъдодли шоир сифатида танилди. 6. Абдулла Кодирий Тошкентда савдогар оиласида туғилди.

При примыкании зависимые компоненты не принимают морфологического показателя, зависимость компонентов выясняется порядком, интонацией и логикой.

В узбекском языке наречия, деепричастия, прилагательные, числительные, причастия, указательные, местоимения связываются с главными компонентами способом примыкания: *Группамизда икки спортчи ҳаммадан тез чопади.*— Два спортсмена из нашей группы бегают лучше всех. *Ўқитувчимиз доим табассум билан гапиради.*— Наша учительница всегда говорит улыбаясь. *Байрамни ўқишда катта муваффақиятлар билан кутиб оламиз.*— Мы встретим праздник большими успехами в учебе. *Команда-*

миз беш очко тўлади.— Наша команда получила пять очков. *Уқиб бўлган китобингни ўз вақтида кутубхонага топшир.*— Прочитанную книгу своевременно сдай в библиотеку. *Бу китобнинг автори — менинг акам.*— Автор этой книги — мой брат.

264- машк. Куйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Чиройли, тез, ўкиб, ўрган, келаётган, кенг, ана, у, ўнта, йигирматача, яхши, секин, кеча.

265- машк. Ўқинг. Ҳоким ва тобе сўзларни аниқланг.

1. Текстда учраган янги сўзларни луғат дафтарингизга ёзиб олинг. 2. Бугун мен газетада ўқитувчимизнинг янги мақоласини ўқидим. 3. Салиманинг синглиси биринчи синфда аъло ва яхши баҳоларга ўқийди. 4. Студентлар ўз устларида тинмай ишлашлари керак. 5. Ҳамма гап меҳнат ва тажрибада. 6. Меҳнат ва кунт билан бажарилган иш донм сифатли бўлади.

266- машк. Ўқинг. Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. На мои вопросы правильные ответы дала Саида Расулова. 2. Наша область разделена на несколько районов. 3. На улице Калинина живет один мой хороший товарищ. 4. На станции Коканд мы встретились со своими товарищами. 5. Мы будем отдыхать в доме отдыха.

БУЮҚ ҒАЛАБА

Умарали Курбонов

Ғалаба,

Ғалаба — оддий сўз эмас,

Заминнинг тугʻили,

ўтли каломи.

Матонат,

дўстликка ўйилган хайкал,

Қуёшнинг мардликка таъзим,

салом!

Ғалаба,

ғалаба — оддий сўз эмас,

Халқимнинг монолит,

мегин бардоши.

Йигирма миллионли шахидлар қони,

Оналар фарёди,

аччиқ кўз ёши!

Ғалаба,

Ғалаба — оддий сўз эмас,
Кентларни топтаган бомба наъраси.
Аланга қаърида ёнган бегуноҳ
Маъсум гўдакларнинг оҳи, ноласи!
Ғалаба,

Ғалаба — оддий сўз эмас,
Дилларни хижронда куйдирган олов,
Тинчликка ибтидо,

дўстликка асос —
Рейхстаг устида порлаган ялов!
Ғалаба,

Ғалаба — оддий сўз эмас,
Тарихнинг чиқарган Ҳақиқат ҳукми,
Ленинча ғояга, Тинчликка содик
Халқларнинг оламда янграган Гимни!

Т о п ш и р и к. «Буюк ғалаба» шеърини ифодали
ўқинг, луғат ёрдамида рус тилига эркин таржима қилинг.

58- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

- Сизларда энг кучли футбол командаси қайси?
- Бу йил қандай халқаро учрашувлар бўлиб ўтди?
- Сизларда хизмат кўрсатган спорт мастерлари борми?
- Спортчиларингиз ичида олтин (кумуш, бронза) медаль олганлар борми?
- Сизларда отиш, шахмат, қиличбозлик командаси борми?
- «Пахтакор» командасининг асосий хужумчиси ким?
- Спортчи хотин-қизлар орасида ҳам чемпионлар борми?
- Бу йилги спорт мусобақалари натижаси қандай бўлди?
- Шахсий биринчиликни ва команда биринчилигини кимлар олди?
- Атоқли футболчиларингиз кимлар?
- Қайси командалар мамлакат биринчилиги мусобақаларига қатнашади?
- Республика (Иттифок) биринчилиги учун бўладиган мусобақалар қачон бошланади?

ГАПНИНГ ИФОДА МАҚСАДИГА КЎРА ТУРЛАРИ

(Типы предложений по цели высказывания)

В узбекском языке все простые предложения по цели высказывания делятся на три группы: повествовательные: *Баҳор келди.* — Пришла весна; вопросительные: *Баҳор келди?* — Весна пришла?; побудительные: *Бор, бор, томоша қил!* — Ступай, ступай, повеселись! Если эти предложения произносятся с особой интонацией, эмоционально, то они могут стать восклицательными, например: *Баҳор келди!* — Весна пришла! *Уртоқ командир, мен кексани қувонтирдингиз, умрингиз узоқ бўлсин!* — Товарищ командир, меня, старика, порадовали, долго жить вам!

ДАРАК ГАП

(Повествовательное предложение)

Повествовательные предложения сообщают о каком-либо факте, явлении и т. п. Повествовательные предложения произносятся в среднем темпе речи и со спокойно-размеренной интонацией: *Майдонда одамлар қувониб куладилар, севиниб йиглайдилар, нотаниш кишилар бир-бирларини қучоқлаб ўнадилар, табриклайдилар.* (X.F.) — На площади все весело смеются, от радости плачут, незнакомые люди обнимаются, целуются, поздравляют друг друга.

267- машк. Куйидаги сўз ва сўз бирикмалари иштирокида бешта дарак гап тузиб, ёзинг.

Китобдан ўқилди, синглим билан, мақола ҳақида, дўстлар учрашди, чикди, шоир.

268- машк. Гапларни ўқиб, тиниш белгиларини қўйинг ва рус тилига таржима қилинг.

1. Улуғбекнинг илмий фаолияти унинг шуҳратини дунёга ёйди / Л. Б. / 2. Алишер расталардан илдам ўтиб борди / Л. Б. / 3. Володя дадил қадам ташлаб олдинга юрди. 4. Ҳамза Ҳакимзода халқимизнинг машҳур шоири, драматурги ва композиторидир. 5. Инсониятнинг энг яхши фарзандлари асрлар бўйи орзу қилган замонлар энди келди. 6. Йигит учун мардлик, қаҳрамонлик энг улуғ фазилатлардан биридир.

269- машк. Гапларни ўзбек тилига оғзаки таржима қилинг

Это было в дни Великой Отечественной войны. Коля Вихров жил со своей матерью в совхозе «Новый путь». Совхоз этот захватили фашисты. Коля собирал сведения о гитлеровских частях. Эти сведения мальчик решил сообщить нашим артиллеристам. Он пошел по открытой степи. Дул холодный ветер. Коля был очень плохо одет. Он дрожал от холода. В таком виде он дошел до наших артиллеристов.

(По Б. Лавреневу)

СҮРОҚ ГАП

(Вопросительное предложение)

Вопросительными называются предложения, в которых говорящий стремится что-либо узнать от собеседника, получить от него информацию: *Бугун ҳаво қандай?* — Какая сегодня погода? *Азимжон сизга нима деди?* — Что говорил вам Азимджан?

В узбекском языке вопросительные предложения образуются следующим образом:

1. При помощи вопросительных слов *ким?*, *нима?*, *нега?*, *қаерга?*, *қачон?*, *нечанчи?*: *Имтиҳонлар қачон бошланади?* — Когда начнутся экзамены? Чтобы ответить на такие вопросительные предложения, необходимо заменить вопросительное слово ответным словом: *Имтиҳонлар июнда бошланади.* — Экзамены начнутся в июне. В данном случае слово *қачон?* заменено словом *июнда*. *Мажлисда ким доклад қилди?* — Кто делал доклад на собрании? — *Мажлисда Соҳибов доклад қилди.* — На собрании делал доклад Сахиров. В данном случае слово *ким* заменено ответным словом *Сахиров*.

2. При помощи вопросительных частиц *-а*, *-я*, *-ми*, *-чи*. Частица *-ми* пишется слитно, а частицы *-а*, *-я*, *-чи* пишутся через дефис: *Сессия бошландими?* — Началась ли сессия? *Имтиҳонлар-чи?* — А экзамены?

270- машк. Дарак гапларин сўрок гапларга айлантириб ёзинг.

1. Уруш Бектемирга дастлаб унча ваҳимали кўринмади. (О.) 2. Ингит ҳеч нима сезмади. 3. Кечкурун зал эшиги олдида икковлари жуда узок гаплашиб турдилар. 4. 22 апрель бутун мамлакатимиз халклари, дунёдаги барча меҳнаткашлар учун қувончли кундир. 5. 22 апрелда (1870 йил) улуғ дохиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган. 6. Ҳамза Ҳакимзода Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оташин куйчиси эди.

271- машк. Сўроқ гапларни ўқинг. Мазмун талаби билан эгани иккинчи шахс бирликда қўйиб, саволларга жавоб ёзинг.

1. Сиз қачон ва қайси мактабни битиргансиз? Қайси йили институтга киргансиз? Сиз қайси фанлардан кириш имтиҳонлари топширгансиз? Сиз ўрта мактабда ҳам ўзбек тили ўқиганмисиз? Сиз ҳаммаиғиз ўзбек тилини яхши биласизми? Сизда ҳозир қандай фанлардан лекция ва практик машғулотлар бўляпти? Сиз бу институтда неча йил ўқийсиз? Институтни битириб, сиз қаерда ва ким бўлиб ишламоқчисиз?

272- машк. Тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчириб ёзинг.

1. Ўз меҳнатининг самарасини кўриб қувонишдан ҳам яхши нарса борми 2. Спорт мусобақасида кимлар ғолиб чиқди 3. Болалар дарахт тагларини юмшатиш ва ўғит солиш билан банд бўладилар 4. Хўш, айт-чи, қандай ёрдам керак 5. Обиджон, сен қачон ва қаерда туғилгансан 6. Канизак мендан қаттиқ хафадир

273- машк. Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Лучшие произведения узбекских писателей переводятся на русский язык. 2. Какие произведения Айбека вы читали или слышали о них? 3. Когда колхозники построили Большой Ферганский канал? 4. Где и когда родился Гафур Гулям?

ЕР ЮЗИДА НЕЧА ХИЛ ТИЛ БОР?

Олимларнинг ҳисобича, ер юзида 2976 хил тил бор. Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда халқлар 130 дан ортиқ тилда гаплашадилар. Ҳали кўп тиллар старли ўрганлмаган. Африка ва Лотин Америкасидаги баъзи халқ ва қабиаларнинг тиллари шулар жумласидандир.

Ер юзида минг кишигина гаплашадиган тиллар ҳам, юз миллионлаб кишилар гаплашадиган тиллар ҳам бор.

Жаҳонда сўзлари, грамматик қоидалари бир-бирига ўхшаш ёки яқин тиллар ҳам бор. Масалан, ўзбек, озарбайжон, козок, қирғиз, туркман, татар ва бошқирдлар бир-бирларининг тилларида ёзилган нарсаларни ўқий оладилар, бир-бирларининг гапларига тушуна оладилар. Шу яқинлик, ўхшашлик эътиборга олиниб, жаҳон тиллари бир неча онлага бўлинган.

Т о п ш и р и қ . Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг

ОЙ — ЕРНИНГ ЙЎЛДОШИ

Ойнинг диаметри Ер диаметридан деярли 4 барабар кичик бўлиб, 3476 километрга тенгдир. Ой сатҳининг майдони ер юзаси майдонидан 14 барабар, массаси Ер массасидан 81,5 барабар кичик. Ойни қитъаларга таққослайдиган бўлсак, Осиё қитъаси Ойдан катталиқ қилади. Ойнинг ердан кўринадиган қисмининг майдони Жанубий Америка территориясига тенгдир. Агар Ойни СССР территорияси устига қўйишнинг иложи бўлса, шарнинг бир чеккаси Москва шаҳри ва иккинчи чеккаси Тошкент шаҳри ёнига тўғри келган бўлар эди.

Ой — бизга энг яқин осмон жисми. Ойдан Ергача бўлган масофа — ўрта ҳисобда 384 минг километр. Ой билан Ер оралиғи ўзгариб туради. Ой Ерга энг яқин келганда, орадаги масофа 363 минг километр, Ердан узоқлашганда эса 405 минг километр бўлади. Шунинг учун Ой бизга Қуёшдан гоҳ каттароқ, гоҳ кичикроқ бўлиб кўринади.

Еруғлик Ойдан Ерга 1 секунддан сал ортиқроқ вақтда етиб келади.

59-§

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

- Сизга Тошкентнинг қайси жойлари ёқади?
- Тошкентдаги қайси олий ўқув юртларини биласиз?
- Тошкентдаги қайси музейларда бўлгансиз?
- Тошкентда кейинги йилларда қурилган биноларнинг номларини айтиб бера оласизми?
- Кейинги вақтларда сизнинг шахрингизда қандай янги бинолар қурилмоқда?
- Ҳозир Тошкентда нечта аэровокзал бор? Улар қандай номланади?
- Ҳозир Тошкентда нечта темир йўл вокзали бор? Улар қандай номланади?

БУЙРУҚ ГАП

(Побудительное предложение)

Побудительные предложения выражают различные оттенки волеизъявления — от категорического приказа до просьбы и увещевания. Сказуемое побудительного предло-

жения выражается формами повелительного наклонения или словами, произносимыми с особой побудительной интонацией: *Бор, бор, томоша қил!* — Ступай, ступай, повеселись!

274- машк. Гапларни рус тилига оғзаки таржима қилинг

1. Қани, подачига мушт кўтариб кўр-чи! 2. Дастурхонни менга бер-чи! 3. Опа, шу хикоя китобни менга беринг! 4. Оппок пахта очилди, тезрок теринг, ўртоқлар! 5. Қани, кетдик! Қани ишга тушдик!

275- машк. Сўроқ гапларни буйруқ гапга айлантириб ёзинг.

1. Китобингни менга берасанми? 2. Эртага бизникига келасанми? 3. Ота-онангга хат ёзасанми? 4. Дарсларни пулта тайёрладингми? 5. Ҳамма студентлар аълочи бўлиши мумкинми? 6. Дўстингга ўзбек тилидан ёрдам бердингми?

УНДОВ ГАП

(Восклицательное предложение)

Восклицательные предложения выражают различные эмоции, произносятся с особой восклицательной интонацией, более низкой, чем при вопросе, и более высокой, чем при обычном повествовании. Обычно подобные предложения употребляются при обращении, призыве, приказании: *Ўртоқ командир, мен кексани қувонтирдингиз, умрингиз узоқ бўлсин!* — Товарищ командир, меня, старика, порадовали, долго жить вам!

276- машк. Дарак гапларни ундов гапларга айлантириб ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

1. Совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги йўлида врачлар ҳеч қачон ўз кучларини аямадилар. 2. Ҳар бир халқ ўзи етиштирган бойликдан кўпроқ бахраманд бўлгиси келади. 3. Бир ғалабамизга минг ғалаба кўшилади. 4. Совет Армиясининг кучига куч қўшилди.

277- машк. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг ифода мақсадига кўра турини айтинг

1. Мехр-муҳаббатсиз оила оила бўладими? 2. Аҳмоқ дўстан ақлли душман яхши. (*Мақол*) 3. Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси шонли Коммунистик партия! 4. ... Ўн нафис ой ҳўл мева узилмайдиган ўлка

бошка каерда бор? 5. Совет жангчисининг шарафли номини пок сақлангиз. 6. Онасини кадрламаган инсон канақа инсон ўзи!

278- машқ. Гапларни ўзбек тилига ёзма таржима қилинг.

1. Я землю эту люблю! (М.) 2. Какой чудесной стала жизнь! (Н. О.) 3. Поднимите выше знамя! 4. В зале стоял бюст А. Навои. 5. У тебя есть отец и мать? 6. Эти книжки продаются в киоске. 7. Ребята, постройтесь в колонну!

РЕГИСТОН

Самарқанддаги Регистон ансамбли учта салобатли бинодан ташкил топган. Булар Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларидир.

Улуғбек мадрасаси 1471 йилда барпо этилган. Бу бино Улуғбек курдирган мадрасаларнинг энг каттаси ва энг ҳашаматлиси эди. Унинг монументал пештоклари, ён гумбазлари ва миноралари ҳозир ҳам кишини ҳайратга солади. Мадрасада диний илмдан ташқари, турли дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Бу ер ўз даврида илм-фаннинг йирик маркази бўлган. Мадрасада машҳур олимлар, жумладан Улуғбекнинг ўзи ҳам дарс берган.

Шердор мадрасаси 1619—1636 йилларда Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодирнинг топшириғи билан қурилган. Баҳайбат пештоқ тепасида шер ва оҳулар расми солингани учун, Шердор мадрасаси деб аталган. Мадраса ўз даврининг олий диний мактаби ҳисобланган.

Тиллакори мадрасаси 1647—1660 йилларда қурилган. У зарҳал нақшлар билан ишланганлигидан шундай ном олган. Бу мадраса биноси қурилиши билан Регистоннинг ажойиб ансамбли мукаммал шакл олган.

Совет ҳокимияти йилларида Регистон майдонидаги бу учала бинонинг кўп қисми қайта тикланди. («С. Ўзб.»)

Топширик. Текстни ўқиб, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг, ҳар бир мадрасани тасвирлаб беринг.

ЛАЗЗАТЛИ ТАОМ

Бир куни Ҳусайн Мирзо вазирларидан:

— Дунёда нима лаззатли? — деб сўрабди.

Вазирлар билганларича жавоб берибдилар.

Ҳусайн Мирзо:

— Йўқ, тополмадингиз! Эрталабгача тополмасангиз ҳаммангиз жонингиздан умидингизни узинг! — дебди.

Вазирлар маслаҳатлашиб, бир вазирни Навоийнинг хузурига юборибдилар.

Вазир Навоийнинг олдига келиб:

— Хусайн Мирзо бизга: «Дунёда нима лаззатли, шуни топинглар!» — деб буюрди, биз топа олмадик. Айтиб бермасангиз бўлмайди, — дебди.

— Қайси таомни оч қолиб есангиз, ўша лаззатли, денг, — дебди Навоий.

Вазирлар Хусайн Мирзога бу жавобни айтибдилар.

— Бунни сиз топмагансиз, тўғриси айтинг, ким айтиб берди? — дебди.

Вазирлар:

— Таксир, ўзимиз топдик, — дебдилар.

Хусайн Мирзо ҳаммаларини бир уйга қамаб: «Қимки тўғриси айтмаса, шу уйдан бир-бир чиқариб, бошини олавераман», дебди.

Шунда вазирлар:

— Биз Алишердан сўрадик, — дебдилар.

Хусайн Мирзо айтибди:

— Ўзингиз уни менга ёмонлаб ҳайдатиб юбориб, яна нега ундан маслаҳат сўрайсизлар? Демак, сизларнинг миянгиз ишламас экан-да!

Шундай сўнг Хусайн Мирзо Навоийни чақиртириб, яна вазирликка тайинлабди.

Т о п ш и р и қ . «Лаззатли таом» текстини ўқинг, рус тилига таржима қилинг. Текстдаги сўрок, дарак, буйруқ ва уидов гапларни айтинг.

60- §

СУХБАТ

— Сизда мевали конфет борми?

— Ҳа, бор.

— Менга 200 грамм беринг. Мана бу конфетнинг баҳоси неча пул?

— Уч сўм етмиш тийин.

— Ундан ҳам икки юз грамм беринг.

— Яна нима оласиз?

— Гўшти сомса борми?

— Ҳа.

— Картошкали-чи?

— Картошкали сомса ҳам бор.

— Иккита гўшти, иккита картошкали сомса, бир шинча сув, икки стакан кофе беринг.

— Яхши олма бор, олмайсизми?

— Оламан. Ярим килограмм олма беринг. Кечирасиз бу ерда музкаймоқ ҳам сотиладими?

— Музкаймоқ кўчанинг париги бетиди, китоб дўкони ёнида сотилади.

ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

(Подлежащее и способы его выражения)

Подлежащее (эга) — главный член предложения, грамматически не зависимый от других членов предложения.

Подлежащее может быть выражено любой частью речи, а также словосочетанием. В функции подлежащего используются:

1) имя существительное: *Студентлар лекция ёзантилар.* — Студенты пишут лекции;

2) отглагольные имена: *Уқиш — ҳамманинг бурчи.* — Учиться — долг каждого;

3) инфинитив: *Уқимоқ — юксалмоқ.* — Учиться — развиваться, расти;

4) местоимение: *Мен университетда ўқийман.* — Я учусь в университете. *Бу Азизанинг китоби.* — Эта книга Азизы. *Ўзи бу хатни ўқиб берсин.* — Пусть сам прочтет это письмо. *Ким текст мазмунини сўзлаб беради?* — Кто расскажет содержание текста? *Ҳеч ким кечаги шанба-ликдан қолмади.* — Никто вчерашнего субботника не пропустил;

5) субстантивированное прилагательное: *Ақлли — ҳар ерда ҳурматда.* — Умный всегда в почете;

6) числительное: *Уч — тоқ сон.* — Три — число нечетное;

7) причастие: *Келганлар залга киришди.* — Пришедшие вошли в зал.

279- машқ. Гапларнинг эгасини топинг, қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини айтинг.

1. У ҳар кимнинг фикрини сабр ва диққат билан тинглайди. 2. Барчамиз институтни муваффақиятли битириш учун курашайлик. 3. Мард майдонда билинар. (Мақол.) 4. Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар. (Мақол.) 5. Буларнинг иккитаси менинг группамдан. 6. Келаётганлар биз билан кўл сиқиб хайрлашди. 7. Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир. (Мақол.)

280- машк. Куйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг

Чиройли, бешинчи, тўрттаси, галаба, ўқиш, бажарган, ўзи, мен, у, ўқимок.

281- машк. Куйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг, эганинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини айтиб беринг.

1. На сборе туристы рассказывали о том, как они путешествовали. 2. Он усиленно готовится, чтобы поступить в университет. 3. Молодежь в воскресенье веселилась в клубе. Веселье продолжалось до самого вечера. 4. Пятеро из нашей команды заняли первое место. 5. Работать — полезно. 6. Когда вы вошли в лес? 7. Большие и малые относились к нему с уважением.

УЛУҒБЕК МУЗЕЙИ

Улуғбек расадхонаси ёнида гўзал бир бино кўзга ташланади. У ҳам олимнинг қилган ишлари, мазмунли ҳаётининг гувоҳи бўла олади. Бу Улуғбекнинг уй-музейидир.

Бино тошкентлик архитектор А. Бобохонов лойиҳаси асосида қурилган. Унинг ташқи кўриниши ғоят кўркам. Ичига кирсангиз, гўё Улуғбек замонидаги афсонавий қасрга кириб қолгандек бўласиз. Ички зеб-зийнатлар, деворлардаги безаклар, бир-бирига монанд экспонатлар кишини мафтун қилади. Музейни машҳур ўзбек рассоми Чингиз Ахмаров безаган.

Мўкалам билан чизилган Улуғбек ва ўша даврнинг фозил кишилари портретлари, «Олимлар Улуғбек ҳузурида», «Улуғбек Самарқанд олимларига расадхона макетини кўрсатмоқда», «Алишер Навоий Улуғбек мадрасасида», «Шоирлар мушоираси», «Улуғбекнинг ўз рақиблари билан тўқнашуви» каби полотнолари — тарих ойнасининг ўзгичаси.

«Улуғбекнинг ўз рақиблари билан тўқнашуви» полотносида буюк олим мағрурона қараб турибди. Улуғбекнинг қаршисида маърифат душмани Хўжа Аҳрор тасвирланган. Унинг ўзи кўринмайди. Лекин атрофдаги дарвешлар, ҳарбий кишиларнинг совуқ башарасиёқ жоҳил шайхнинг қабих қилмишини намоён этади, томошабинни нафратлантиради.

Бу музей совет халқининг буюк олим Улуғбекка, унинг илмий меросига чексиз муҳаббатининг ёрқин далилидир.

Т о п ш и р и қ. Ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини сўзлаб беринг.

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

Улугбек музейи қасрда жойлашган?
Музей кимнинг лойиҳаси асосида қурилган?
Унинг ташки ва ички қўриниши қандай?
Музейни ким беаган?
Бино ичида қандай полотноларни кўрасиз?
«Улугбекнинг ўз рақиби билан тўқнашуви» полотноси ҳақида нималар дея оласиз?

КЕСИМ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

(Сказуемое и способы его выражения)


Сказуемое — главный член предложения, грамматически зависящий от подлежащего. Сказуемые делятся на следующие типы: именное сказуемое — от-кесим: *Республикамизнинг пойтахти — Тошкент.* — Столица нашей республики — Ташкент; глагольное сказуемое — феъл-кесим: *Биз ўзбек тилини ўрганяпмиз.* — Мы изучаем узбекский язык.


Сказуемое выражается следующими частями речи:

1. Глаголом: *Мен эртага имтиҳон топшираман.* — Завтра я буду сдавать экзамен. *Улар экскурсияга бормоқчилар.* — Они хотят поехать на экскурсию. *Сен имтиҳонларга яхши тайёрлан.* — Ты хорошо готовься к экзаменам. *Унинг отаси заводда ишлаган эди.* — Его отец работал на заводе.

2. Именем существительным: Мой отец — агроном. — *Менинг отам — агроном.*

В именном сказуемом аффиксы сказуемости в единой форме выражают субъект и предикат, в силу этого категория сказуемости неотделима от категории лица:

Мен студентман. — Я
Сен студентсан. — Ты
У студент. — Он (она)  студент.

Биз студентмиз. — Мы
Сиз студентсиз. — Вы
Улар студент(лар). — Они  студенты.

3. Именем прилагательным: *Мактабнинг ҳовлиси — чиройли.* — Двор школы красивый.

4. Именем числительным: *Бизнинг уйимиз — бешинчи.* — Наш дом пятый. *Уч карра уч — тўққиз.* — Трижды три — девять.

5. Местоимением: *Энг муҳими — мана шу.* — Самое главное — вот это.

6. Наречием: *Айтиш осон, бажариш қийин.* — Сказать легко, а выполнять трудно.

7. В роли именного сказуемого также могут выступать слова *бор, йўқ, оз, кўп*: *Бугун мажлис бор.* — Сегодня (есть) собрание. *Группамизда иккичиларга ўрин йўқ.* — В нашей группе нет места двоечникам. *Бу йил ҳосил кўп.* — В этом году много урожая.

Сказуемое согласуется с подлежащим в лице и числе: *Мен айтаман.* — Я скажу. *Сиз айтасиз.* — Вы скажете. *У келади.* — Он придет. *Улар келадилар.* — Они придут.

СКАЗУЕМОЕ И СПОСОБЫ ЕГО ВЫРАЖЕНИЯ	
ПОДЛЕЖАЩЕЕ	СКАЗУЕМОЕ

|
глаголом: *Мен имтиҳон топширмақ-
чидман.*

|
именем существительным: *Ўзбекис-
тоннинг пойтахти — Тошкент.*

|
именем прилагательным: *Мактаб-
нинг ҳовлиси — чиройли.*

|
числительным: *Бизнинг уйимиз —
бешинчи.*

|
местоимением: *Ҳамма гап — шу.*

|
наречием: *Айтиш осон, бажариш
қийин.*

|
модальными словами: *Бугун мажлис
бор.*

|
Группамизда иккичиларга ўрин йўқ.

282- машқ. Қуйидаги гапларни ўқинг, кесимларнинг қандай сўз гуркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Ақлдан ортик бойлик йўк. (Мақол.) 2. Эртага мажлис бўлади. 3. Сен спектаклнинг мазмунини айтиб бер. 4. Унинг айтмоқчи бўлган гапи — мана шу. 5. Менинг максадим — ўқитувчи бўлиш. 6. Гулнинг ранги ок. 7. Менинг яхши кўрган жойим — мактаб.

283- машк. Қуйидаги феъллар иштирокида гаплар тузинг.

Бажардик, ўқийди, ёзиб олди, ёрдам бердик, олдим, ишладик, келди, тердилар, топширдингиз, тугатамиз, ўқитувчи бўлди.

284- машк. Гапларни ўқинг, рус тилига таржима қилинг, кесимларни аниқлаб, айтинг.

1. Совет халқи тишчилик учун курашмоқда. 2. СССРнинг пойтахти — Москва. 3. Ишимизда ҳали камчиликлар кўп. 4. Эришган муваффақиятларинг етарли эмас. 5. Болалар келди. 6. Мен ҳамма вақт яхши ўқишга ҳаракат қиламан.

285- машк. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг, кесим қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтиб бериш.

Сегодня студенты нашего курса занимались в кабинете узбекского языка. 2. Мой отец — коммунист. 3. На столе лежит узбекско-русский словарь, а нового журнала нет. 4. Наша новая школа очень красивая. 5. Дважды два — четыре, а не пять. 6. Шурка вырвал из тетрадки еще один лист (В. М. Шукшин).

ОЙБЕК

(1905—1968)

Мусо Тошмухаммад Ойбек ўзбек совет адабиётининг йирик вакилларида биридир.

Шоир Ойбек «Днепрострой», «Фанга юриш», «Комсомолка — ишчи қизга» каби лирик шеърларида ва «Ўч», «Дилбар — давр қизи» поэмасида социализм қураётган халқнинг қаҳрамонона меҳнатини қуйлади.

1940 йилда «Қутлуг қон» романининг босилиб чиқиши ўзбек совет адабиётининг ютуғи бўлди. Бу асар ўзбек халқининг тарихини ўрганишга бағишланган энг яхши асарлардан биридир.

Ойбекнинг «Навой» романи ўзбек совет адабиётида халқимизнинг ўтмишдаги ялғор фарзандлари образини яратишга бағишланган биринчи асардир. «Навой» романи 1944 йилда ўзбек тилида, 1946 йилда рус тилида

нашр этилди. Ёзувчи романда Алишер Навоийнинг гуманист шоир ва олим эканини, давлат арбоби сифатида халқнинг оғир ҳаётини енгиллаштиришга ҳаракат қилганини тасвирлайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек «Навоий» романи учун СССР Давлат мукофоти лауреати бўлган эди. Шу роман асосида «Навоий» кинофильми яратилган.

Ойбек А. С. Пушкин, М. Лермонтов, Л. Толстой, М. Горький ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ойбекнинг асарлари эса рус, украин, қозок, тожик, шунингдек, француз, немис, чех, хитой, уйғур ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Атоқли адиб Ойбек 1968 йилда вафот этган.

Т о п ш и р и қ. Текстга бир неча савол тузинг, саволларингизга ёзма жавоб беринг.

62- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

Ойбекнинг ижоди унинг қайси шеъри билан бошланади?

Шоир халқнинг қахрамонона меҳнатини қайси шеърларида куйлайди?

«Қутлуғ қон» романи ҳақида нималарни биласиз?

«Навоий» романи ҳақида-чи?

Ойбек қайси ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

Ойбекнинг асарлари қайси тилларга таржима қилинган?

Ойбек қайси романи учун СССР Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлган?

ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

(Второстепенные члены предложения)

Второстепенные члены предложения: определение — аниқловчи, дополнение — тўлдирувчи, обстоятельство — ҳол — служат для пояснения главных членов предложения.

АНИҚЛОВЧИ

(Определение)

Определение — второстепенный член предложения, указывающий на признак любого члена предложения, выраженного именем существительным или субстантивированной частью речи. Отвечает на вопросы *қ а н д а й ?* — какой?, *қ а й с и ?* — который?, *к и м н и н г ?* — чей?, *кого?*, *н и м а н и н г ?* — чего?, *қ а н ч а ?* — сколько?

Определение всегда стоит перед определяемым словом.

Определение может быть выражено:

1. Именем прилагательным: *Бизнинг ҳовлимизда чиройли гуллар очилди.* — У нас во дворе расцвели красивые цветы. *Яхшироқ қаламингиз йўқми?* — У вас нет карандаша получше? *Энг гўзал боғлар бизнинг колхозимизда.* — Самые лучшие сады — у нас в колхозе.

2. Именем числительным (все разряды числительных): *Мен кутубхонадан иккита китоб олдим.* — Я взял из библиотеки две книги. *Вали биринчи курсда ўқийди.* — Вали учится на первом курсе.

3. Местоимением: *Бу уй акамники.* — Этот дом моего старшего брата. *Ҳар бир ўқувчи уй вазифасини диққат билан бажариши керак.* — Каждый ученик должен внимательно выполнять домашние задания.

4. Причастными формами на *-ган, -ар, -увчи* и др.: *Келган меҳмонлар залга киришди.* — Пришедшие гости вошли в зал. *Экскурсияга боровчи студентлар, эртага соат еттига институтга йиғилинглар.* — Студенты, едушие на экскурсию, завтра соберитесь в семь часов в институте.

5. Именем существительным: *Халқимиз сувсиз чўллари олтин водийга айлантирмоқда.* — Наш народ превращает безводные степи в золотые долины. — *Завод ишчилари шанбаликда актив қатнашдилар.* — Рабочие завода приняли активное участие в субботнике.

Определение и способы его связи

Сенинг уканг ўқилган китобнинг мазмунини айтиб берди.

286- машқ. Куйидаги гапларни ўқинг. Аниқловчи ва аниқлаштириш кўчириб ёзинг ва рус тилига таржима қилинг.

1. Мен учинчи курсда ўқияпман. 2. Менинг дўстим мусобақада биринчи ўринни олди. 3. Улар жанговар топшириқни бажардилар. 4. У сўзининг лексик маъноси

хакида доклад қилди. 5. Мажлисдаги ўртоклар Раззоқнинг бу таклифини ҳам маъқулладилар.

287- машқ. Қуйидаги гапларни рус тилига оғзаки таржима қилинг. Аниқловчининг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Институтимиз ховлисига олма кўчатлари ўтқизилди. 2. Сен эккан гул жуда чиройли экан. 3. Улар кўрган кинофильмни мен ҳам кўрдим. 4. Болалар анави боғда дам олдилар. 5. Улгурмовчи студентларга ёрдам беришимиз керак. 6. Кенг далаларда оппок пахталар очилди.

288- машқ. Гапларни ўзбек тилига таржима қилиб ёзинг.

1. В нашей стране много цветущих долин. 2. Позади нашего дома расположен большой сад. 3. В магазин привезли шерстяные и шелковые ткани. 4. Собрание рассмотрело два важных вопроса. 5. Сегодня библиотека получила новые книги. 6. Мы споем веселую песню.

289- машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларни иштирокида гаплар тузинг.

Илмий иш, студентлар конференцияси, гўзал боғ, баланд тоғлар, кенг кўча, оқаётган сув, ажойиб эртак, бахтли болалик, илмли киши.

То п ш и р и қ. Қуйидаги мақолларни ўқинг, аниқловчи ва аниқланмишни аниқлаб айтинг, луғат ёрдамида рус тилига таржима қилинг ва ёд олинг.

Ширин сўз — асалдан ширин.

Айтилган сўз — отилган ўқ.

Ботирнинг мушти ҳам яроғ.

ЙЎЛЧИ

(«Қутлуг қон» романидан)

Ойбек

Одамлар бирин-кетин таркала бошларкан, Йўлчи баланд товуш билан уларга мурожаат қилиб, тўхтатди, ҳаммаси бегона йигитга тикилди.

— Халойиқ! — деди Йўлчи ҳаяжонланиб. — Бўш келманглар, муштни кўрсатиш керак. Ҳамма камбағал халқ кўлни кўлга бериб, бир бўлиб турса, кимнинг ҳадди бор! мардикор олинган! Бойлар, амалдорлар ўз подшоҳига ён

¹ Қимнинг ҳадди бор — кто смеет.

босади, подшоҳ уларга ён босади. Бойларнинг подшоҳга ён босиши бекорга эмас. Ер уларники, сув уларники, қозихона — ҳаммаси уларники. Қаерга борсалар, уларнинг сўзи маъқул, камбағалларнинг арз-додига ҳеч ким қулоқ солмайди. — Йўлчи бир нафас тўхтаб, унинг сўзини диққат билан тинглаётган одамларга қаради, яна қучли хаяжонланиб давом этди. — Уруш бойларнинг ҳамёнини тўлдирадими? Бас, улар борсин. Биродарлар, ўйлаб қаранглар, шу ҳам яшашми? Ахир, бу бир зиндон эмасми? Қачонгача қон ютамиз? Овозимизни баланд қўяйлик, ё ҳаёт, ё ўлим!.. Бундай тўполонлар фақат бу маҳаллада эмас, кўп маҳаллаларда бўлиб турибди. Эшитган бўлсангиз керак, ҳозир кўп шаҳарларда, қишлоқларда камбағал халқ ўз ҳақини талаб қилишга тайёрланмокда. Мен бугун жуда кизик хабарлар эшитдим. Гап шу, биродарлар, жабр-зулмга қарши жанг қилиш учун тайёрланиш керак. Бойларнинг гапига сира қулоқ солиш керак эмас. Уларнинг ҳаммаси алдоқчи, ҳаммаси юртимизни заҳарлайди, ҳаммаси ифлос! Мен уларни жуда яхши билиб олганман...

Йўлчи сўзини тугатиб, хансираб, деворга суялди. Гапим маъқулми, дегандай одамларга бир-бир қараб қўйди. Бир неча йигит унинг ёнига келиб, ҳам марокланиб, ҳам тортиниб у билан сўзлаша бошлади. Хотинларнинг баъзилари кизкиб Йўлчига яширинча қараб қўйишди. Кимдир бу «оташзабон йигит экан» деб қўйди. Бир неча йигит Йўлчининг атрофини қуршади. Йўлчи улар билан содда ва очиқкўнгил билан сўзлашиб, бир пайтда апоқ-чапоқ ўртоқлашиб қолишди.

63- §

СУҲБАТ

— Салом, Коля!

— Салом, Андрей!

— Яхшимисан, Коля, соғлигинг яхшими, яхши юрибсанми?

— Раҳмат, Андрей. Ўзинг ҳам яхши юрибсанми? Ўқишлар яхшими?

— Ҳа, яхши.

— Коля, йўл бўлсин, қаерга кетяпсан?

— Мен янги йил газета-журналларига ҳали ёзилганим йўқ, шуларга ёзилиш учун кетяпман.

— Жуда яхши. Мен ўтган куни ёзилдим. Сен қандай газеталарга обуна бўлмокчисан?

— «Правда», «Правда Востока», «Комсомольская правда» ва «Ёш ленинчи» газеталарига ёзилмоқчиман.

— Жуда яхши. Мен ҳам «Ёш ленинчи» газетасига ёзилдим. Сен бу газетага ҳар йил ёзиласанми?

— Ҳа, ҳар йили ёзиламан. Ҳозир бу газетани лугат ёрдамисиз ўқий оладиган бўлиб қолдим. Сен-чи?

— Мен газета материалларини ўзбекча яхши ўқийман, аммо баъзи сўзларни яхши тушуна олмайман. Лугатдан фойдаланаман.

— Аввал мен ҳам сен каби лугатдан фойдаланиб ўқир эдим. Ҳозир «Ёш ленинчи» газетасида мен тушунмайдиган сўзлар кам учрайди. Мен янги сўзларни ўзлаштириш учун ҳар хил машқлар бажараман. Сен ҳам шундай қил.

— Андрей, сенга менинг ҳавасим келди. Энди мен ҳам ўзбекча текстларни кўпроқ ўқийман ва янги сўзларни эсда сақлаб қолишга ҳаракат қиламан.

— Коля, хайр, соғ бўл!

— Қўришгунча хайр, Андрей!

ТЎЛДИРУВЧИ

(Дополнение)

Дополнение — второстепенный член предложения, обозначающий предмет, на который направлено действие, и отвечающий на вопросы дательного, винительного, местного и исходного падежей: *кимга? нимага? кимни? нимани? кимда? нимада? кимдан? нимадан? ким билан? нима билан?*

Дополнение чаще всего относится к глаголу и обозначает объект действия: *Биз ўз Ватанимизни севамиз.* — Мы любим свою Родину. *Халқимизнинг тарихини биз китобдан билиб оламиз.* — Мы узнаем из книг историю нашего народа. *Онам менга қаради.* — Мать посмотрела на меня.

По характеру связи между действием и объектом различают прямое дополнение — *воситасиз тўлдирувчи* и косвенное дополнение — *воситали тўлдирувчи*.

Прямое дополнение обозначает предмет, на который непосредственно направлено действие, и стоит в форме винительного падежа (оформленного или неоформленного). Отвечает на вопросы *кимни? — кого?, нимани? — что?* На русский язык переводится также прямым дополнением в форме винительного падежа без предлога: *Студент имтиҳон топширди.* — Студент сдал

экзамен. *Студент и мтиҳонни кеча топширди.* — Студент сдал экзамен вчера.

Косвенное дополнение обозначает объект, на который действие направлено косвенно, и выражается формами дательного, исходного и местного падежей. Косвенное дополнение может быть выражено также словом в форме именительного падежа в сочетании с послелогом. В функции косвенного дополнения употребляются существительные, числительные, местоимения, причастия, отглагольные имена: *Мен бу ҳақда ўқитувчидан сўрадим.* — Я об этом спросил у учителя. *Дилшодда ёшликдан илмга ҳавас катта эди.* — У Дилшоода с детства был большой интерес к науке. *Пахта машина билан терилади.* — Хлопок собирают машинами. *Улар янги роман ҳақида суҳбатлашдилар.* — Они беседовали о новом романе. *Декан сессия тўғрисида гапирди.* — Декан говорил о сессии.

290- машк. Куйидаги гапларни ўқинг. Воситали ва воситасиз тўлдирувчиларни аниқланг. Гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Бу мақолани ўзбек тилига таржима қила оласанми? 2. Сен имтиҳон сессияси тўғрисида деворий газетага мақола ёз. 3. Улар бизни мусобақага чақирдилар. 4. Отам мукофот олди. 5. Тамара сенга нима деди? 6. Тинчлик уруши энгади. 7. Бу мақола ким томонидан таржима қилинган?

291- машк. Куйидаги гапларни ўқинг. Тўлдирувчиларни аниқланг ва уларни ўзларни боғлаиб келган сўз билан бирга кўчириб ёзинг. Бирикмаларни рус тилига таржима қилинг.

1. Қоля ўзбек тилини яхши билади. У тил ўрганишга жуда қизиқади. Хозир Қоля ўзбек тилидаги китоб ва журналларни ўқийди. 2. Тил ҳақидаги мақолларни ўрганамиз. 3. Сиз деворий газетага мақола ёзишни кимга топширдингиз? 4. Мен олма, ўрик, олча сотиб олдим.

292- машк. Куйидаги гапларни ўқиб, ўзбек тилига ёзма таржима қилинг. Воситасиз тўлдирувчилар тагига бир чизик, воситали тўлдирувчилар тагига икки чизик чизинг.

1. Делегатов съезда приветствовали пионеры. 2. Советское правительство заботится о детях. 3. Я люблю дыню и арбуз. 4. Мы любим эти книги. 5. Студенты говорили об экзаменах. 6. Мы ждем гостей. 7. Иван Васильевич назвал свою фамилию.

ХАМЗАОБОД ОРОМГОҲИ

Фарғона водийсининг чиройли жойларидан бири — Шохимардон. У Фарғона шаҳридан 60 км жанубда, Олой тоғлари этагида жойлашган. Бу ерда 1932 йилда Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан курорт ташкил килинган. Курортнинг иқлими мамлакатимиздаги Абастумани, Теберда, Дилижон курортлари ва чет эллардаги Женева, Рио-де-Жанейро каби машҳур курортлардан қолишмайди. Ҳамзанинг қабри ҳам шу ерда. Ҳамзаободдан юқорида Қўли Қуббон ёки Қуббонқўл бор. Унинг суви тиниқ ва тоза.

Шохимардон курорти меҳнаткашларнинг оромгоҳига айлантирилган.

Шохимардон яқинида машҳур альпинистлар лагери бор. Унда мамлакатимизнинг «Коммунизм» (7495 м) ва Ленин номи (7134 м) энг баланд чўққиларга чикувчи альпинистлар тайёргарлик кўришади.

То п ш и р и қ. 1. Текстни ўқинг. Текст мазмунига саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текст мазмунини сўзлаб беринг.

64- §

СУХБАТ

- Сиз ўзбек совет адабиёти билан танишмисиз?
- Ҳа, урта мактабда танишганман.
- Ўзбек ёзувчиларидан кимларни биласиз?
- Мен ўзбек ёзувчи ва шоирларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниязий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор кабиларни биламан.
- Ойбек қандай асарлар ёзган?
- Ойбек «Қутлуг қон», «Навойи», «Олтин водийдан шабадалар» каби романларни ёзган.
- Абдулла Қаҳҳор-чи?
- Абдулла Қаҳҳор «Синчалак», «Ўтмишдан эртаклар» каби йирик прозаик асарлар ва «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш» сингари драматик асарлар ёзган. Мен уларни севиб ўқийман.

ҲОЛ

(Обстоятельство)

Обстоятельство — это второстепенный член предложения, уточняющий характер (образ) действия, обстановку, условие, при котором совершается действие, место, время, цель, причину, меру и степень совершения действия.

Различаются следующие разряды обстоятельств:
1) равиш ҳоли — обстоятельство образа действия;
2) ўрин ҳоли — обстоятельство места; 3) пайт ҳоли — обстоятельство времени; 4) максад ҳоли — обстоятельство цели; 5) сабаб ҳоли — обстоятельство причины; 6) даража-микдор ҳоли — обстоятельство меры и степени.

Обстоятельства отвечают на вопросы қандай қилиб? — как? каким образом?, қандай? — как?, қачон? — когда?, нега? нима учун? — почему?, қаерда? — где?, нима сабабдан? — по какой причине?, қаердан? — откуда?, қаерга? — куда?, нимадан? — от чего?, қачонгача? — до каких пор?, қачондан бери? — с каких пор?

РАВИШ ҲОЛИ

(Обстоятельство образа действия)

Обстоятельство образа действия обозначает, как, каким образом совершается действие, и обычно выражается наречием и деепричастием. Отвечает на вопросы қандай? — как?, қандай қилиб? — каким образом? Обстоятельства образа действия могут выражаться сочетаниями существительных с послелогами: *Студентлар ишонч билан жавоб бераптилар.* — Студенты отвечают уверенно. *Юлдузлар қимматбаҳо тошлар каби ялтирайдди.* — Звезды блестят, как драгоценные камни. *Диққат билан эшит!* — Слушай внимательно (с вниманием)! *Ботир илдам қадам билан борарди.* — Батыр шел быстрыми шагами.

293- машқ. Гапларни ўқинг. Равиш ҳолларини тоинг. Уларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб ёзинг ва бирикмаларни рус тилига таржима қилинг.

1. Емғир тўсатдан ёға бошлади. 2. Аҳмад ишонч билан жавоб берди. 3. Карима кечаги воқеани кула-кула айтиб берди. 4. Улар ўзбек тилини астойдил ўрганиптилар. 5. Қурувчиларимиз биноларни чиройли ва мустаҳкам қурадилар. 6. У ўзбекча гаплаша бошлади.

294- машқ. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

Дўстона суҳбатлашди, қаҳрамонларча курашди, яхшилаб тушунирди, мажбуран бажарди, тасодифан келиб қолди, тўхтовсиз гапириб турди.

ЎРИН ҲОЛИ

(Обстоятельство места)

Обстоятельство места обозначает место, где происходит действие. Отвечает на вопросы *қ а е р д а ?* — где?, *қ а е р д а н ?* — откуда?, *қ а е р г а ?* — куда?, *қ а е р г а ч а ?* — до какого места? Например: *Биз бугун колхоз клубида концерт бермоқчимиз.* — Мы сегодня собираемся дать концерт в колхозном клубе.

Обстоятельства места также могут выражаться существительными с послелогоми: *Студентлар ва ўқитувчилар меҳмонларни институт биноси олдида кутиб олдилар.* — Студенты и преподаватели встретили гостей у здания института.

295- машқ. Гапларни ўқинг, кўчириб ёзинг. Ўрин ҳолларини топиб, айтинг.

1. Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатларининг кинофестивали бўлди. 2. Самарқандга Москвадан меҳмонлар келишди. 3. Учинчи курс студентлари аудиторияда лекция тинглаяптилар. 4. Ўзбекистонда ёзнинг иссиқ кунлари бошланди. 5. У ўқитувчининг саволига ўйлаб жавоб берди. 6. Ғафур Ғулом Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. 7. Тошкентда ҳар хил симпозиумлар ва семинарлар тез-тез ўтказиб турилади.

296- машқ. Қуйндаги бирикмалар иштирокида гаплар тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

Секин эшитилди, бу ерда бўляпти, институтда ўтказилди, шошилиб келди, студентлар ишлаётган томонга кетди, тўғри жавоб берди.

ПАЙТ ҲОЛИ

(Обстоятельство времени)

Обстоятельство времени указывает на время совершения действия. Отвечает на вопросы *қ а ч о н ?* — когда?, *қ а ч о н г а ч а ?* — до каких пор?, *қ а ч о н д а н б е р и ?* — с каких пор?, *қ а й в а қ т ?* — в какое время? Обычно выражается наречием времени, деепричастными формами на *-гач* (*-қач, қач*), *-гунча* (*-кунча, -қунча*), существительными в форме *-гача, -га қадар, -га довр*: *Бугун факультетимизда комсомол мажлиси бўлади.* — Сегодня на нашем факультете будет комсомольское

собрание. *Яқинда имтиҳон сессияси бошланади.* — Скоро начнется экзаменационная сессия. *Сессияга қадар кўп китоб ўқишимиз керак.* — До сессии мы должны читать много книг. *Октябрь ойигача педпрактикада бўламиз.* — Мы будем на практике до октября месяца.

297- машқ. Гапларни ўқинг, пайт ҳолларини топинг ва гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Турсун кишин-ёзин спорт билан шуғулланади.
2. Курувчиларимиз бинони тез ва пухта курадилар.
3. Спорт майдончасини баҳоргача тайёрлаб қўямиз.
4. Ўртоғим гимнастика билан ҳар куни шуғулланади.
5. Мусобака ғолиблари шу ерга келадилар.
6. Ҳамиша интизомга риоя қилишимиз керак.
7. Дугонам ҳозир туртинчи курсда ўқияпти.

САБАБ ҲОЛИ

(Обстоятельство причины)

Обстоятельство причины указывает на причину совершения действия. Отвечает на вопросы *нимага?*, *нимачун?* — почему?, *нима сабабдан?* — по какой причине?

Обстоятельства причины выражаются деепричастием, именем существительным в исходном падеже, прилагательным и причастием в дательном-направительном падеже. Например: *Валибек қўрққанидан ўзини йўқотиб қўйди.* — Валибек растерялся от испуга. *Студент имтиҳонда яхши жавоб бера олмаганидан қийналди.* — Студент переживал из-за плохого ответа на экзамене.

Обстоятельства причины также выражаются существительными в сочетании с послелогами *учун* — в виду того что, *сабабли* — по причине, *туфайли* — из-за и т. д.

Например: *Зафар назарий жиҳатдан кучли бўлгани учун Мақсуд билан баҳслашиб туради.* — Ввиду того что Зафар силен в теории, он дискуссирует с Максудом. *У тайёрланмаганлиги сабабли бу саволга жавоб бера олмади.* — Он не смог ответить на этот вопрос, так как не подготовился. *Тургунов касаллиги туфайли кела олмади.* — Тургунов не смог придти из-за болезни.

298- машқ. Гапларни ўқинг. Сабаб ҳолларини топиб, ўзи боғланиб келган сўз билан бирга қўчириб ёзинг.

1. Васида уялганидан гапира олмади.
2. Студентлар имтиҳонларга яхши тайёрланганликлари сабабли яхши ва

аъло баҳолар олдилар. 3. Об-хаво ёмонлиги туфайли бугун экскурсияга бора олмадик. 4. Кўп меҳнат сарф қилингани учун экиндан мўл ҳосил олинди. 5. У тилни ўрганишига қизиққани учун тўғарак машғулотларига актив қатнашадн.

299- машқ. Сабаб ҳоллари иштирокида бешта гап тузинг.

МАҚСАД ҲОЛИ

(Обстоятельство цели)

Обстоятельство цели указывает на цель выполнения действия и отвечает на вопросы *н и м а у ч у н ?* — почему?, *н и м а м а қ с а д д а ?* *н и м а г а ?* — с какой целью?

Обстоятельство цели в большинстве случаев выражается именем существительным с послелогом *учун* (чтобы), *мақсадида* (с целью): *Юлдузлар сирини билиш мақсадида Улугбек астрономия ва математика фанларини қўнт билан ўрганди.* — Для того чтобы узнать тайны звезд, Улугбек с большим усердием изучал астрономию и математику. *Мен имтиҳон топшириш учун келдим.* — Я пришел, чтобы сдать экзамен.

Оно может выражаться также наречием и причастием: *Турсунбой атайин жим ўтирди.* — Турсунбай нарочно сидел молча. *Биз институтга ўқигани келдик.* — Мы пришли в институт, чтобы учиться.

300- машқ. Гапларни ўқинг. Мақсад ҳолларини топинг. Улар қайси сўзларга боғланиб келганини аниқланг ва бирикма ҳолида кўчириб ёзинг. Сўнгра рус тилига таржима қилинг.

1. Мен Тошкентга институтга кириш учун келдим. 2. Мен ўқитувчи бўлиш мақсадида Педагогика институтига кирдим. 3. У ўзбек тилини ўрганиш учун кўп ҳаракат қилипти. 4. Сухбатлашиш мақсадида сени бу ерга чақиртирган эдим. 5. У бичиш-тикишни ўрганиш учун тўғаракка ёзилди. 6. Мен муваффақиятларингиз сирини ўргангани келдим.

301- машқ. Мақсад ҳоли иштирок этган бешта гап тузинг ва уни рус тилига таржима қилинг.

МИҚДОР ҲОЛИ

(Обстоятельство меры)

Обстоятельство меры, определяя меру и степень действия, отвечает на вопросы *қ а н ч а ?* — сколько?,

неча марта? — сколько раз?, канчалик? — насколько?, канчалаб? — по сколько?

В большинстве случаев обстоятельство меры и степени выражается наречиями меры и степени: *Оз сўзла кўп тингла.* — Меньше говори, больше слушай.

Иногда числительное со словом марта также может выражать обстоятельство меры и степени: *Бу йил бизнинг бригадамиз ўтган йилдагига қараганда икки марта кўп пахта терди.* — В этом году наша бригада собрала хлопок в два раза больше, чем в прошлом году.

Обстоятельство меры и степени также может выражаться и словосочетаниями: *Студентларнинг илмий методик конференцияси икки кун давом этди.* — Студенческая научно-теоретическая конференция продолжалась два дня.

ОБСТОЯТЕЛЬСТВО И ЕГО ВЫРАЖЕНИЕ

ПОДЛЕЖАЩЕЕ

СКАЗУЕМОЕ

Обстоятельство

наречием: *У ўзбекча сўзлаша бошлади.*

деепричастием: *У кечаги воқеани кула-кула айтиб берди.*

именем существительным: *Клубда концерт бўлди.*

звукоподражательными словами:
У совуқ чойни қулт-қулт ютди.

302- машқ. Гапларини ўқинг, кучириб ёзинг. Миндор холини топиб, қандай саволга жавоб бўлганини айтинг.

1. Ҳар иккала бригаданинг ютуғи бир-биридан кам фарқ қилади. 2. Биз сизнинг келишингизни кўп кутдик. 3. Кечаги терган пахтамыз бугунги терган пахтамыздан икки марта кам эди. 4. Бемор бугун кечагидан бир оз тузалди. 5. Москвада бўлган қуларимни сира-сира унутмайман. 6. У мажлисда оз ва мазмунли гапирди.

303- машқ. Гапларини ўқинг. Холиниг турини аниқлаб Гапларини рус тилига таржима қилинг.

1. Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида Хирот шаҳрида вафот этган. 2. Улуғбекнинг «Астрономик жадвал» («Зичи Кўрагоний») асари 1665 йилда Оксфордда (Англия), 1853 йилда Парижда, 1917 йилда Америкада, 1943 йилда Лондонда таржима қилинган ва босилиб чиққан. 3. Мен спектаклни кўриш учун келдим. 4. Бригада ишининг бориши бирмунча тузук. 5. Валижон ноиложликдан бирон сўз айтолмади. 6. Қарима хаяжонланиб тушунтирди. 7. Баҳорда ҳамма ёк кўм-кўм бўлади.

304- машқ. Бадний адабиётдан миқдор ҳолига эга бўлган бешта гап топиб, кўчириб ёзинг.

ОЛТИН ЮЛДУЗ

Абдулла Қаҳҳор

Бир куни Аҳмаджонни полковник чақиртирди.

— Ўтиринг, сержант, нима учун чақирганимизни биласизми? — деди.

— Билмайман, ўртоқ полковник.

Полковник ўрнидан туриб, унга яқин келди.

— Устингиздан арз қилишди... Немислар сиздан норози...

Полковник унинг елкасига кўлини ташлаб, кўзига тикилди.

— Ҳар ҳолда, немис офицери сиздан қаттиқ шикоят қилди.

— Қайси бири, ўртоқ полковник?

— Тўппонча отиб, бошингизни ярадор қилган офицер.. Сиз унинг бошига бир мушт туширибсиз.

Аҳмаджон полковникнинг ҳазиллашаётганини билганидан сўнг, кулиб жавоб берди:

— Ҳа, бир мушт туширдим, ўртоқ полковник, икки муштни кўтара олмас эди. Қолганига биз қарздор. Расчётни Берлинда қиламиз.

— Офицер сизнинг ким ва қаерлик эканингизга кўп қизикди. Лагерга жўнаш олдидан лейтенантдан: «Ўша одамни яна бир кўрсам»,— деб илтимос қилибди. Ўша вақтда кўзи тилиб кўрмаган экан-да. Лейтенант: «Сен бир мартаба кўргансан, энди кўрмаганлар кўрсин»,— деб жавоб берибди.

Полковник бирпас жим қолгандан кейин:

— Икковимиз биринчи марта қаерда учрашганмиз, эсингизда борми? — деб сўради.

Бу нарса Аҳмаджоннинг хотирасида бор эди, дарров жавоб берди:

— Кишда, мудофаада ётган вақтимизда, ўрток полковник.

— Ўшанда менга нима деб савол берганингиз ҳам эсингизда борми?

— Бор, «Сиз Олтин Юлдузни қандай қилиб олгансиз, шуни айтиб берсангиз», деган эдим.

— Мен нима деб жавоб берган эдим?

— Билмайман, деган эдингиз. Яна шуни айтдингизки...

Шу пайт адъютант кириб, полковникка бир қоғоз узатди.

Полковник қоғозни ўқир экан:

— Хўш, хўш? — деди.

— Яна шуни айтган эдингизки, қаҳрамон бўлишни ҳеч қачон ўйламаган экансиз...

Полковник қўлидаги қоғозни Аҳмаджонга узатди. Аҳмаджон қоғозни ўқимасдан бурун полковник ўрнидан турди-да, кулочини ёзиб:

— Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан табриклайман! — деди ва ўрнидан туришга улгура олмаган Аҳмаджонни кучоқлади.

Аҳмаджон бутун умрида биринчи марта шундай саросималикка тушган эди. У дарҳол ўзини ўнглаб:

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан! — деди.

Ўзининг товуши ўзига узокдан эшитилгандай туюлди.

— Хўш, сержант, — деди полковник, — Олтин Юлдузни сиз қандай қилиб олдингиз?

Аҳмаджон нима дейишини билмас эди.

Т о п ш и р и қ . «Олтин Юлдуз» текстини диалог тарзида ўқинг. Текст мазмунини гапириб беринг.

65- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз институт ётоқхонасида турасизми ёки уйингиздами?

2. Институт ётоқхонасида телевизор борми?

3. Телевизорда қандай эшиттиришларни томоша қилишни ёқтирасиз?

4. Ёшлар учун берилган кўрсатувларнинг ҳаммасини томоша қиласизми?

5. Сиёсий эшиттиришларни ҳар куни кўрасизми?

6. Телевизордаги кўрсатувлар ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

ГАПДА СЎЗ ТАРТИБИ (Порядок слов в предложении)

В узбекском языке члены простого распространенного предложения обычно располагаются в следующей последовательности:

1. обстоятельство времени: *Кеча мен имтиҳон топширдим.*— Вчера я сдал экзамен.

2. обстоятельство места: *Кеча институтда комсомол мажлиси бўлди.*— Вчера в институте состоялось комсомольское собрание.

3. подлежащее: *Бугун институтга делегатлар келдилар.*— Сегодня в институт пришли делегаты.

4. Дополнение (прямое и косвенное): *Кеча аэропортда спортчиларни кутиб олдик.*— Вчера в аэропорту мы встречали спортсменов.

5. обстоятельство образа действия, обстоятельство меры, обстоятельство причины обычно находятся перед сказуемым: *Хушхабар жуда тез тарқалади.*— Радостная весть распространяется очень быстро. *Ким кўп ўқиса, у кўп билади.*— Кто много читает, тот много знает. *Каримов Тошкентга ўқиб учун келди.*— Каримов приехал в Ташкент с целью учиться. *Зафар уялганидан қизариб кетди.*— Зафар покраснел от стыда.

6. Сказуемое всегда стоит в конце предложения: *Интизомли ўқувчи ҳамма вақт яхши ўқийди.*— Дисциплинированный ученик всегда учится хорошо.

Определение всегда стоит перед определяемым словом: *Мен А. Навоий асарларини ўрганиман.*— Я изучаю произведения А. Навои. *Эрта баҳор менга жуда ёқади.*— Ранняя весна мне очень нравится.

305- машк. Куйидаги гапларни ўқинг, гап бўлақларининг тартибига эътибор беринг ва гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Биз оилавий пудратга ўтиш ҳақида маслаҳатлашиб олдик. 2. Бригадамиз аъло сифатли маҳсулот етказиб бермокда. 3. Эртага кўргазма очилади. 4. Эртага ўн бешинчи аудиторияда ўзбек тили тўғарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. 5. Биз институтимизга келган меҳмонларни яхши кутиб олдик. 6. Узоқдан онанинг мулойим овози эшитилди.

306- машк. Куйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Уларни рус тилига таржима қилинг.

Ўқини, китоб, оширади, сўз, кишининг, бойлигини.

Намуна. Китоб ўқиш кишининг сўз бойлигини оширади.— Чтение книг обогащает словарный запас человека.

1. Йўқотиш, хашаротларни, керак, зарарли. 2. Брига-дамизда, бор, боғбон. 3. Учратдик, биз, цехида, Карим Аминовични, куюв, заводнинг. 4. Радио, биз, тинглар эдик, кечкурунлари. 5. Ёзилган, болаларга, ўқидим ҳикояни. 6. Ўқувчилар, тайёрланыптилар, кутиб олишга, байрамни.

307- машк. Куйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг ва гап бўлакларининг ўрнига эътибор беринг.

1. Чтобы стать учителем, он поступил в педагогический институт. 2. Наш староста выступает на собраниях мало. 3. Карима долго готовилась к докладу. 4. В этом году наш завод выполнил план досрочно. 5. Вчера в нашем институте была встреча с поэтами. 6. Я встретился со своим товарищем в Ленинграде.

САНИТАРКА САИДА

Адҳам Раҳмат

Каттиқ жанглар бошланиб кетди. Ўзокдан отилган мина старшинани ва икки танкчини каттиқ жароҳатлади.

Окопдан окопга, чуқурдан чуқурга югуриб юрган Саида жангчиларга ёрдам кўрсатарди. Старшинанинг аҳволи оғир. У ўнг оёғи, елкаси, чап қўлидан яраланган. У чакқонлик билан старшинанинг яраларини боғлади-да, уни санбат томон судраб кетди.

Саида старшинани жанг майдонидан олиб чиқаётганда, чекинаётган душман жангчиларимиз устига бўғувчи ва кўзни ачитадиған газ юборди. Бу жуда хавфли эди. Нима қилиш керак? Старшинанинг противогази ишдан чиққан. Саида илоҳий қолди. Чунки старшинанинг ҳаёти хавф остида эди. Саида тезда противогазин олиб, старшинага кийгизди. Саида старшинани анча жойгача судраб олиб борди. Аччиқ газ Саидани ҳам бўға бошлади. Саиданинг югуриши секинлашди. Улар ўн-ўн икки кадам юрар-юрмас ҳолдан тойиб йиқилиб қолишди.

Полк командири бу воқеадан хабар топиб, зудлик билан зарур чоралар кўрди. Санбат врачни Степанова, яна икки солдат тезда етиб келиб, старшина ва Саидани олиб кетинди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Саидани госпиталга юбордилар. Полк командири унинг саломатлигини билиш учун санбатга келди.

— Қимирлама, қимирлама. Хуш, аҳволинг қалай, тузаялпсанми? Сен ажойиб мардлик кўрсатдинг, ярадор жангчиларни ҳалокатдан сақлаб қолдинг. Уларни эсон-омон жанг майдонидан олиб чиқдинг. Раҳмат.

— Сизга ҳам раҳмат, уртоқ командир, мен ўз хизмат бурчимни бажардим, холос.

— Жангда кўрсатган жасоратинг, унлаб ярадор жангчиларни даҳшатли уруш майдонидан олиб чиққанинг учун ҳукуматимиз сени «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Командир унинг кўксига медални тақаркан, қўлини маҳкам қисиб, табриклади. Врачлар, ҳамширалар, ярадорлар ҳам уни чин кўнгилдан табрикладилар.

Топшириқлар. 1. Текстни ўқинг. Саволлар тузинг ва суҳбатлашинг.

2. Текст мазмунини айтиб беринг.

66- §

СУҲБАТ

— Илтимос, қора рангли туфли бўлса кўрсатинг.

— Сизга қайси размер керак?

— Ўттиз олтинчи размер.

— Марҳамат.

— Раҳмат, кийиб кўриш мумкинми?

— Албатта, мумкин. Бу ёққа ўтинг.

— Бу менга бир оз торроққа ўхшайди. Ўттиз еттинчи размерини беринг-чи.

— Мана, марҳамат.

— Раҳмат, буниси лойик. Шу туфлини оламан.

ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАҚЛАРИ

(Однородные члены предложения)

Однородными членами предложения называются такие члены предложения, которые выполняют одинаковые синтаксические функции, относятся к одному и тому же члену предложения, отвечают на один и тот же вопрос и связаны друг с другом сочинительной связью.

Однородными могут быть и главные, и второстепенные члены предложения. Например, однородные подлежащие: *Районимизда мактаблар, болалар боғчалари ва мага-*

зинлар қуриляпти.— В нашем районе строятся школы, детские сады и магазины.

Однородные сказуемые: *Мен бугун ўқидим ва ёздим.*— Я сегодня читал и писал.

Однородные дополнения: *Саёҳат вақтида ҳар хил шаҳар ва қишлоқларни кўрдим.*— Во время путешествия я увидел разные города и деревни.

Однородные определения: *Студентлар кенг ва ёруғ аудиторияларда лекциялар тинглайдилар.*— Студенты слушают лекции в просторных и светлых аудиториях.

Однородные обстоятельства: *Қурувчиларимиз бинони чиройли ва тез қурадилар.*— Наши строители строят красиво и быстро.

Однородные члены предложения отделяются друг от друга запятой или сочинительными союзами.

Перед соединительными союзами **ва, ҳам, ҳамда, билан** запятая не ставится: *Мактабимизни битирган баъзи ўқувчилар завод ва фабрикаларда ишляптилар.*— Некоторые выпускники нашей школы работают на заводах и фабриках.

Перед противительными союзами **аммо, лекин, бироқ, балки** ставится запятая: *Фурқат ватанидан узоқда яшади, лекин ватандошларини унутмади.*— Фурқат жил вдали от своей родины, но соотечественников не забыл.

308- машқ. Уюшиқ булақлар гапнинг қайси булаги эканлигини аниқланг ва гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Актёр гоҳ куларди, гоҳ йигларди. 2. Аҳмад билан Каримнинг меҳнати юқори баҳоланди. 3. Шеърни ифодали ўқинг ва ёдланг. 4. Ой ёритади, аммо иситмайди. 5. Ўқувчилар дарсда тинглайдилар, ўқийдилар ва ёзидилар.

309- машқ. Гапларни ўқинг. Уюшиқ булақлар ўзаро қандай боғланганини айтиб беринг.

1. У яқин дўстлари, ўртоқлари ва таниш-билишлари билан хайрлашди. 2. Ўрик, олма, шафтоли ва беҳилар гуллади. 3. Кўп нарсани билиш учун кўп ўқиш керак, кўп ўрганиш керак. 4. Ўртоқларингиз, дўстларингиз ва қариндошларингиз салом айтиб юбордилар.

310- машқ. Гапларни ўқинг. Рус тилига таржима қилинг.

1. Бу бино тез ва чиройли қурилди. 2. Унинг кўзлари ёнар, ўзи одатдан ташқари шод, ҳаяжонда эди. (Ас. М.) 3. У хафа бўлди, аммо йигламади. 4. Бугун сен

ўйна, кул, шодлан. 5. Озода супурилган, салкин ҳовлида тўй бошланди.

311- машқ. Қуйидаги сўзлар ва бирикмалардан фойдаланиб уюшиқ бўлакли гаплар тузинг.

Олма, ўрик, нок ва беҳи; ок, қизил, сарик; баъзан ўқийди, баъзан ёзади; ҳам ўқийди, ҳам ишлайди; имтиҳон ва синов; ёки трамвай, ёки троллейбус, ёки автобус.

312- машқ. Бир неча уюшиқ бўлакли гап тузинг ва рус тилига таржима қилинг.

МАРМАР ТОҒЛАР

Ўзбекистон чиройли, ранг-баранг мраммар конларига бой. Бундай қимматбаҳо тошларга талаб тобора ортиб бормоқда.

Геология экспедицияси Чотқол, Чимён, Зирабулок, Нурота ва Молгузар, Китоб ва Яккабоғ, Яхтон — Хисор тоғларида ва Қорақалпоғистон АССР тоғларида кидирув ишларини олиб борди. Натижада Чотқол тоғларидан уч хил рангдаги гранит тош конларини топдилар.

Чоркесарнинг гранити энг сифатли тошлар бўлиб, бемалол мраммар ўрнини боса олади. Унинг қизил, қўнғир, ҳаво ранг гранитлари республикамизнинг барча қурилишларида ишлатилмоқда ва яхши баҳолабмоқда. Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдондаги фонтанларни, В. И. Ленин хиёбонини безашда ана шу кон тошлари ишлатилди. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасига ҳам, «Осиё» ресторанига ҳам, Тошкент метроси деворларига ҳам Чоркесар гранит тошидан фойдаланилган.

Топширмқ. Текстни ўқинг, бир неча савол тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

67- §

СУҲБАТ

- Кечирасиз, бу бекатнинг номи нима?
- Бу бекатнинг номи «Бешқайрағоч».
- Мен метро бекатига бормоқчи эдим, қайси автобусда борсам бўлади?
- Сиз метронинг қайси бекатига бормоқчисиз? Бу ердан «Пахтакор» ва «Чилонзор» бекатларига боришингиз мумкин.
- Қайси бири яқинроқ?

— Бу ердан хар иккала бекатнинг узоклиги деярли бир хил. Агар «Пахтакор»га борсангиз, 53-автобусга утирасиз. Агар «Чилонзор»га борсангиз, 79-, 189-маршрутдаги автобусларга чиқинг.

— Раҳмат.

— Марҳамат.

УНДАЛМА (Обращение)

Обращением называется слово (или группа слов), которое называет того, к кому обращена речь. Обращение стоит в форме основного падежа. Цель обращения — побудить собеседника слушать речь объекта. Обращение произносится с особой интонацией: *Хўш, дўстим, кайфиятинг қалай?* — Ну, друг, как твое настроение? *Нигора, сенга гапим бор, қулоқ сол.* — Нигора, я хочу тебе что-то сказать, послушай.

Обращение может находиться: а) в начале предложения: *Қадрдонларим! Янги муваффақиятлар билан табриклайман.* — Дорогие мои! Я поздравляю вас с новыми успехами; б) в середине предложения: *Эшитинг, ҳурматли ўртоқлар, эртага конференция ўз ишини давом эттиради.* — Слушайте, дорогие товарищи, завтра конференция продолжит свою работу; в) в конце предложения: *Нега сўзга чиқмадинг, Ҳасанбой?* — Почему не выступил, Хасанбай?

В предложении обращение выделяется запятыми. В начальном положении может отмечаться восклицательным знаком.

313- машк. Қуйидаги гаплардан ундалмаларни топинг ва гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Бутун дунё халқлари, тинчлик учун кўрашингиз!
2. Бери кел, Санобар, сўзим бор сенга. 3. Ҳорманг, пахтакор ўртоқлар! Мўл ҳосил билан табриклайман! 4. Бу жуда унғай, укажон! 5. Мажлисида сиз сўзга чиқасиз, ўртоқ Аҳмедов! 6. Сабр қилинг, ҳурматли китобхон, олдин кишлоқ билан танишайлик. (И. Р.) 7. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

314- машк. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг. Ундалманинг қайси уринда келганини айтиб беринг.

Ўртоқлар, азизим, эҳ, ука, болалар, ўртоқ, студентлар.

315- машк. Ундалмали бешта гап тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

316-машк. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг, ундалманинг ўрни ва тиниш белгисини айтинг.

1. Женщины мира, боритесь за мир! 2. Прощай, мой старший товарищ. 3. Комсомольцы и пионеры, настойчиво овладевайте знаниями! 4. «Нет, ребята, я не трус», — сказал Турсун. 5. Идите к доске, товарищ Юлдашев. 6. Собирайтесь, дети, пойдем в парк.

ҚОРИ-НИЁЗИЙ

Тошмухаммад Ниёзович Қори-Ниёзий 1897 йилда Хўжанд, ҳозирги Ленинобод шаҳрида туғилган. У аввал Хўжандда эски мактабда, кейин Фарғона рус-тузем мактабида ўқиди. 1911—1915 йилда Петербургдаги «Круг самообразования»да сиртдан ўқиди. 1917 йилда Фарғона ревкомининг таклифи билан биринчи ўзбек мактабини ташкил қилган.

Қори-Ниёзий 1926 йилда САГУнинг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Уни муддатидан олдин тугатиб, шу факультетда ўқитувчилик қилди. 1931—1933 йилларда у университетнинг ректори бўлди. Сўнгра Қори-Ниёзий (1939—1943 йилларда) ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари лавозимида ишлади. Улуг олим Қори-Ниёзий 1939 йилдан то умрининг охиригача Тошкент Ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида математика кафедрасига бошчилик қилган.

Қори-Ниёзийнинг олий математикага оид «Математик анализнинг асосий курси» китоби (4 китоб) ўз даврида муҳим дарслик сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

Қори-Ниёзий «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг айрим бобларини ёзган. У вафотидан сўнг (1970 й.) Беруний номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати бўлди. Қори-Ниёзий бир канча орден ва медаллар билан мукофотланган.

Ўзбек совет олими, педагог, давлат ва жамоат арбоби, физика-математика фанлари доктори, ЎзССР ФА академиги, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қори-Ниёзий 1970 йил 18 мартда Тошкентда вафот этган.

Топшириқ. Текст юзасидан ўн та савол тузинг ва саволларингизга ёзма жавоб ёзинг. Текст мазмунини ўзбек тилида гапириб беринг.

СУҲБАТ

— Мен эшитиб қолдим, Ашхободга кетаётган эмиш-сиз?

— Ҳа, тўғри. Студентлар илмий жамиятининг Бутунитифок конференциясига бориб келишим керак.

— Сиз поездда кетасизми ёки самолётдами?

— Поездда кетаман. Билет олиб қўйдим?

— Қачон жўнаб кетасиз?

— Эртага кечкурун соат тўққизда.

— Поезд Ашхободгача неча соат юрар экан?

— Йигирма саккиз соат.

— У ерда қанча бўласиз?

— Мен у ерда беш кун бўламан.

— Яхши бориб келинг.

— Раҳмат.

КИРИШ СЎЗ ВА ҚИРИШ БИРИҚМАЛАР

(Вводные слова и сочетания слов)

Вводными называются такие слова и сочетания слов, которые грамматически не связаны с членами предложения, не являются членами предложения и служат для выражения отношения говорящего к высказываемой мысли. Вводные слова и сочетания слов стоят чаще в начале или в конце предложения. Например: *Афсуски, ишимизда ҳали камчиликлар кўп экан.* — К сожалению, в нашей работе еще много недостатков. *Сизнинг муносабатингиздан қатъи назар, мен рост гапни айтаман.* — Независимо от вашего отношения, я скажу правду. *Менимча, бу йигит бизнинг институтда ўқийди.* — По-моему, этот молодой человек учится в нашем институте.

Вводные слова могут указывать:

а) на источник высказывания: *менимча* — по-моему, *сизнингча* — по-вашему, *унингча* — по его словам и т. д.: *Бу, менимча, жуда актуал мақола.* — Эта статья, по-моему, очень актуальная;

б) на последовательность мысли: *биринчидан* — во-первых, *аввало* — прежде, *демак* — следовательно и т. д.: *Биринчидан, луғатдан нотаниш сўзларни топиш керак.* — Во-первых, нужно найти в словаре незнакомые слова;

в) на способ выражения мысли: *шундай қилиб* — так сказать, *хуллас* — одним словом, *қисқаси* — короче говоря

и т. д.: *Қисқаси, сафар ҳаммамиз учун фойдали бўлди.* — Короче говоря, поездка была полезной для нас;

г) вводные слова могут также выражать уверенность: *албатта* — конечно, *шубҳасиз* — разумеется, *тушунарли* — понятно и т. д.; предложение, неуверенность, сомнение: *балки, эҳтимол* — вероятно, *афтидан* — по-видимому и т. д.: *Биз, албатта, сизни кутамиз.* — Мы, конечно, будем ждать вас. *Эҳтимол, мен уни эртага кўрарман.* — Вероятно, завтра я увижу его;

д) чувства, выражаемые говорящими: *бахтимизга, бахтга қарши* — к счастью, к сожалению и т. д.: *Бахтимизга, ҳаммаси яхши тугади.* — К счастью, все закончилось благополучно.

317- машқ. Гапларни ўқинг. Кириш сўзларни топинг ва уларнинг маъносини айтиб беринг.

1. Менимча, бугун бизнинг командамиз голиб чиқади. 2. Студентлар предметларни яхши ўзлаштиришлари учун, биринчидан, интизомга алоҳида эътибор беришлари керак; иккинчидан, адабиётлардан яхши фойдаланишлари керак. 3. Ниҳоят, ҳаммамиз бир фикрга келдик. 4. Афсус, командамиз биринчилиكنи ололмади. 5. Эҳтимол, бор ҳақиқатни сиз айтиб берарсиз. 6. Бахтга қарши, сиз тўғри гапни тушунмадингиз.

318- машқ. Кириш сўз ва кириш ибораларни қатнаштириб бешта гап тузинг.

319- машқ. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Кириш сўз ва кириш ибораларнинг тагига чизинг.

1. Наконец, мы решили продолжать путь без проводника. 2. К сожалению, мы опоздали на концерт. 3. Во-первых, нужно прочитать текст, во-вторых, рассказать его содержание. 4. Значит, завтра комсомольское собрание будет в 14 часов. 5. Мы долго спорили и, в конце концов, пришли к одному выводу.

КИРИТМА ГАП

(Вводные предложения)

Вводные предложения, включенные в основное предложение, выполняют те же функции, что и вводные слова и сочетания слов. Они могут выражать эмоциональную оценку сообщения, указывать на его источник. Интонационно вводные предложения всегда выделяются паузами, более низкой интонацией и быстрым темпом речи.

Вводные предложения могут относиться ко всему предложению в целом, а также к отдельным членам предложения: *Қизлар (уларнинг ҳаммаси кечки мактабда ўқишади) имтиҳонларга тайёргарлик туғрисида қизгин суҳбат қила бошладилар.*— Девочки (они все учатся в вечерней школе) стали оживленно беседовать о подготовке к экзаменам.

320- машқ. Ўқинг, киритма гапларни аниқланг. Гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Абдурасул ўртоқ ўқитувчини (Холмуродни кишлок-дагилар шундай деб атаганлар) колхоз идорасига бошлаб келди. (П. Т.) 2. Ўйлаб иш қил, ўғлим, мен бу гапни сенга айтяпман. 3. Имтиҳон топшириш осон эмас, буни ўзинг ҳам биласан, яхши тайёрланиш керак. 4. Кулок сол, ўғлим (бу гапни унга онаси айтяпти), ҳеч қачон виждонинг қабул қилмаган ишни қилма. 5. Мен сенга, буни ўзинг ҳам биласан, имтиҳонларга жиддийроқ тайёрланиш кераклигини айтяпман.

321- машқ. Киритма гапларни катнаштириб бешта гап тузинг.

УЙҒУН

Шоир ва драматург Уйғун (Раҳматулла Отақўзиев) 1905 йилда Жанубий Қозоғистоннинг Марки кишлоғида хизматчи оиласида туғилди.

Шоир ижодининг биринчи намунаси бўлган «Баҳор севинчлари» тўплами 1929 йилда нашр қилинди. Тўпламга студентлик даврида (1925—1928) ёзилган 30 шеър киририлди.

Шоир кичик шеърлар ёзиш билан бирга, «Жонтемир» (1931) ва «Украина еллари» (1934) каби поэмалар ҳам яратди.

Улуғ Ватан уруши йилларида шоирнинг «Зафар тароналари» (1942), «Ғазаб ва муҳаббат» (1943), «Шеърлар» (1944) тўпламлари нашр қилинди. Бу тўпламларда шоир фашизмни фош қилиб, халқни ёвуз душманга қарши қаҳрамонона курашга ва Улуғ Ватанни ҳимоя қилишга чақирди. Уруш йилларида шоирнинг поэзияси ғазаб ва муҳаббат лирикасига айланди.

Уйғун таланти шоиргина эмас, йирик драматург ҳамдир. У «Алишер Навоий» (1944), «Ҳаёт кўшиғи» (1947), «Олтин кўл» (1948), «Навбаҳор» (1949), «Хуррият» (1959), «Парвона» (1966), «Беруний» (1973), «Забуннисо» (1982) каби сахна асарларини яратди. Айниқса

«Алишер Навоий» драмаси (Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзилган) билан шоир катта шухрат қозонди.

Ана шу спектакль учун Ҳамза номидаги Ленин ордеили Ўзбек Давлат Академик драма театрининг бир группа сахна усталари Давлат мукофоти лауреати деган шарафли унвонга эга бўлдилар.

Талантли шоир ва драматург Ўйғуннинг ижодий меҳнатини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати юқори баҳолади. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, бир қанча орден ва медаллар билан мукофотланди.

Ўйғун Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати деган фахрий унвонларга сазовор бўлди.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўқинг. Унга оид саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Текстнинг мазмунини сўзлаб беринг.

69- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз ўзбек классик шоирларидан кимларни биласиз?
2. Уларнинг қайси асарларини ўқигансиз?
3. Алишер Навоий тўғрисида нималарни биласиз?
4. Алишер Навоийнинг қайси асарларини ўқигансиз?
5. «Навоий» романини ким ёзган?
6. «Алишер Навоий» кинофильмининг кўрганмисиз?
7. Шаҳрингизда Алишер Навоий номи билан аталган нималар бор?
8. Сиз Навоий номли Адабиёт музейида бўлганмисиз?

БИР СОСТАВЛИ ВА ИККИ СОСТАВЛИ ГАПЛАР

(Односоставные и двусоставные предложения)

По наличию главных членов различают односоставные и двусоставные предложения.

Односоставные предложения имеют один главный член: или подлежащее, или сказуемое: *Баҳор* — Весна. *Билсанг, гапир!* — Если знаешь, говори!

Различаются следующие типы односоставных предложений:

- 1) определенно-личные — шахси аниқ гаплар: *Тушундингизми?* — Поняли (вы)?;


2) неопределенно-личные — шахси ноаниқ гаплар: *Эртага мажлисга боришингиз кераклиги айтилди.* — Сказали, что вы завтра должны пойти на собрание.

3) обобщенно-личные — шахси умумлашган гаплар: *Етти ўлаб, бир кес.* — Семь раз отмерь, один раз отрежь;

4) безличные — шахсиз гаплар: *Тургунга ҳамма гапни айтиб бўлмайди.* — Тургуну нельзя сказать обо всем.

5) номинативные — номинатив гаплар: *Ёз.* — Лето. *Иссиқ кунлар.* — Жаркие дни;

6) слова-предложения — сўз-гаплар: *Ҳа! Майли.* — Да! Ладно.



Двусоставные предложения, в отличие от односоставных, имеют и подлежащее и сказуемое: *Студентлар ўқияптилар.* — Студенты читают. *Биз мактабга келдик.* — Мы пришли в школу.

322- машк. Куйидаги гапларни ўқинг, аввал бир составли, кейин икки составли гапларни кўчириб ёзинг.

1. Назаров ташаккур айтиб хайрлашди. (Ас. М.)
2. Билсанг гапир, билмасанг эшит. (Мақол.)
3. Бир иш қилсанг, ўйлаб қил.
4. Гулзорда ранг-баранг гуллар очилиб турарди.
5. Аввал ўйла, кейин сўзла. (Мақол.)
6. Бугунги ишни эртага қўйма. (Мақол.)
7. Конференцияни бир ой олдин ўтказишга тўғри келди.
8. Эрта баҳор.
9. Мени кечирсинлар.

323- машк. Учта бир составли, учта икки составли гап тузинг.

КЎП ТИЛДА СЎЗЛАШУВЧИ МАЙНА

1986 йилда Чехословакиянинг Оломоуце шаҳрида бўлиб ўтган кушларнинг халқаро кўргазмасида наманганлик хаваскор орнитолог Абдужаббор Қаҳҳоров ҳам ўзининг 150 кушдан иборат катта коллекцияси билан катнашди. У кўргазманинг бош соврини — «Экзот» мукофотига сазовор бўлди. Унинг қанотли дўстлари яна йигирмага яқин олтин, кумуш ва бронза медаллари билан мукофотланди. Бу ерга келувчиларни айникса Гриша лақабли майна ўзига кўпроқ жалб этди. У меҳмонларни рус, ўзбек, чех тилларида салом бериб кутиб олди.

70- §

СУҲБАТ

- Кеча сиз каерда эдингиз?
- Кеча универмагга бордим.
- Қайси универмагга бордингиз?
- ГУМга, ЦУМга бордим, кейин Савдо марказида ҳам бўлдим.
- Нима сотиб олдингиз?
- Мен ўзимга кузги пальто сотиб олдим.
- Пальтонгизнинг ранги қандай?
- Жигар ранг.
- Кишки пальтолар ҳам бор эканми?
- Ҳа.
- Эртага ЦУМ ишлайдими?
- Йўқ, якшанба куни ЦУМ ишламайди.
- Раҳмат. Ундай бўлса индинга, душанба куни бораман. Хўп, хайр. Сизга катта раҳмат.
- Марҳамат, хайр.

ШАХСИ АНИҚ ГАПЛАР

(Определенно-личные предложения)

Определенно-личными предложениями называются такие односоставные предложения, в которых главный член выражен глаголом в личной форме, указывающей на определенное действующее лицо. Сказуемое в этих предложениях выражается глаголами: 1) в форме изъявительного наклонения: *Бугун айтмайман, эртага айтаман.* — Сегодня не скажу, скажу завтра; 2) в форме повелительного-желательного наклонения: *Бирга борайлик.* — Идем вместе. *Ҳамма билан бирга ишла.* — Работай вместе со всеми.

ХАЙКАЛ ЕНИДА

Космодемьянская хотирасига
Эркин Воҳидов

— Айт, бир умр бўлурсан озод:
Ўзинг кимсан, ўртоқларинг ким?—
Дор остида сўрайди жаллод,—
Айтсанг — ҳаёт, айтмасанг — ўлим.
Зоя ҳамон жим ...
Ғазабидан титраб, энтикиб:
— Айт! — қичкирди фашист сўнгги гал.

Уфқларга мағрур кўз тикиб,
Сукут ичра боқади хайкал.
Осмоқ бўлса ёв яна минг бор,
Солса яна минг хил кийноққа,
Мағрур бу қалб гўёки тайёр
Яна минг йил сукут қилмоққа ...

Топширик. Шеърни ифодали ўқинг.

71-§

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз амалий машғулотларга қандай тайёрланасиз?
2. Темага зарур бўлган китобларни қаердан оласиз?
3. Бир ўзингиз тайёрланасизми ёки ўртоқларингиз биланми?
4. Қайси фанларнинг амалий машғулотига кўпроқ тайёрланасиз?
5. Лекцияларга қандай тайёрланасиз?

ШАХСИ НОАНИК ГАПЛАР

(Неопределенно-личные предложения)

Неопределенно-личными предложениями называются такие односоставные предложения, в которых сказуемое выражено глаголом 3-го лица множественного числа и обозначает действие, совершаемое неопределенными лицами: *Бизга тарих ва географиядан янги ўқитувчи тайинланди.* — Нам назначили нового преподавателя истории и географии.

324- машқ. Қуйидаги шахси ноаник гапларни рус тилига юзлаки таржима қилинг.

1. Уларни аълочилар дейишади. 2. Илғорларга мукофотлар бериш керак дейдилар. 3. Менга телефон қилишди. 4. Илғор комсомолларни мактайдилар. 5. Бизни командировкага юбормоқчи бўлишди.

325- машқ. Қуйидаги гапларни ўзбек тилига ёзма таржима қилинг.

1. На стадионе ждут выхода спортсменов. 2. В большом доме играли на рояле. 3. Сейчас его приведут сюда. 4. Там улеглись спать. (Н. О.) 5. К ужину подали вкусные пирожки. 6. В Узбекистане сеют хлопок. 7. Сделайте то, что вам поручили.

326- машқ. Шахси ноаниқ гапга бадий асардан ёки ўзингиз ўйлаб 5—6 та мисол топинг.

ЎНЛИ ҚАСРНИ КИМ ИХТИРО ҚИЛГАН?

Жамшид Қоший Улуғбекнинг ўқитувчиси бўлиб, расадхона (обсерватория)нинг қурилишида қатнашганлардан биридир. Қоший математика ва астрономия фанларининг билимдони эди. 1427 йилда Қоший «Арифметика қалити» номли китоб ёзган. Бу китобда у жаҳонда биринчи марта ўнли қаср ва тўрт амални бажариш қондасини тушунтиради. Ўзи яратган ўнли қасрни ёзиш системаси ҳақида тўла тушунча беради. Унгача фақат оддий қаср ишлатиларди.

Ал-Қошийнинг асарлари кўп йилларгача Европа олимларига маълум эмас эди. Европада ўнли қасрлар ҳақида биринчи марта фламандиялик олим Симон Стевин 1585 йилда «Ўнли қасрлар ҳақида» номли китоб ёзган. Унда қасрлар устида амалларнинг бажарилиши ва қасрнинг амалиётдаги афзаллигини тушунтириб берган. Ўнли қасрнинг бутун қисмини вергул билан ажратишни немис олими Кеплер (1571—1630) таклиф қилган.

То п ш и р и қ. Текстни ўқинг ва текст мазмунига бир неча савол тузинг, суҳбатлашинг.

72- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Дам олиш кунларини қандай ўтказасиз?
2. Ўзбекистондаги энг яхши дам олиш жойларидан қаерларни биласиз?

3. Чимёнда бўлганмисиз? Хумсонда-чи? Чимён ва Хумсон ҳақида билганларингизни айтиб беринг.

4. Ёзги каникулни қаерда ўтказмоқчисиз?

ШАХСИ УМУМЛАШГАН ГАП (Обобщенно-личные предложения)

В обобщенно-личных предложениях называется действие, которое относится или может быть отнесено к любому лицу: *Етти ўлчаб, бир кес.* — Семь раз отмерь, один раз отрежь.

Сказуемое в обобщенно-личных предложениях выражается:

1. Личной формой глагола а) прошедшего времени: *Ҳаяжондан нима дейишга сўз ҳам тополмай қолар экансан.* — Бывает, от волнения не знаешь что и ответить; б) настоящего-будущего времени: *Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.* — Будешь уважать, будешь уважаемым.

2. Повелительно-желательной формой: *Фан асосларини чуқурроқ эгаллайлик.* — Нужно стремиться к глубокому овладению основами наук.

3. Условно-желательной формой: *Нима эксанг, шуни ўрасан.* — Что посеешь, то и пожнёшь.

327- машқ. Куйидаги мақолларнинг кесими қандай ифодаланганини айтиб беринг ва гапларни рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Меҳнатсиз бахтли бўла олмайсан. 2. Билсанг ишла, билмасанг ўрган. 3. Ваъда беришга шошилма, ваъдани бажаришга шошил. 4. Кўп ўйла, оз сўйла. 5. Жўжани кузда санайдилар. 6. Ўзинг ўтирган шохга болта урма. 7. Саволни жавобсиз қолдирма, дўстни — эътиборсиз.

328- машқ. Шахси умумлашган олтига гап тузинг ёки уларни бадий асарлардан топиб, кўчириб ёзинг.

329- машқ. Куйидаги мақолларни ўқинг. Шахси умумлашган гапларни топинг. Мақолларнинг мазмунини айтиб беринг ва ёдланг.

МАҚОЛЛАР

Аввал ўз айбингни бил, кейин бировдан кул.

Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.

Билмасанг — баҳслашма.

Бугунги ишни эртага қўйма.

330- машқ. Куйидаги шахси умумлашган гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Любишь кататься, люби и саночки возить. 2. С кем поведешься, от того и наберешься. 3. Без труда не вынешь и рыбку из пруда. 4. Что написано пером, не вырубишь топором. 5. Век живи, век учись. 6. Не спеши языком — торопись делом.

Топширик. Юкоридаги маколларнинг ўзбек тилидаги эквивалентини топиб айтинг.

ЧИМЕН ЧОРЛАЙДИ

Ажойиб Чимён тоғларини кўрганмисиз? Қишин-ёзин бу ерда дам олувчилар кўп бўлади. Айниқса, олтин куз тугаб, кумуш қиш бошланганда, тоғ бағирлари гўзал бўлади. Қизилжар тепалигига чиқсангиз, Чимённинг гўзаллигини томоша қиласиз. Бу ерда дам олувчилар учун туристлар базаси, тўққиз қаватли улкан бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Оилавий дам олувчилар учун барча имкониятларга эга бўлган бир қаватли коттеджлар қурилган. Чанғи ва бошқа спорт анжомларидан фойдаланмоқчи бўлсангиз, прокат пункти хизматингизга тайёр. Чимёндаги 200 дан зиёд булоқнинг шифобахш суви минг дардга даво саналади. Қишда бу ерда ҳар турли спорт мусобақалари ва ўйинлари ўтказилади. Бутуниттифок дам олиш маршрутларининг айримлари Чимёндан ўтади.

Топширик. Текстни ўқинг. Ёзда қаерда ва қандай дам олмакчи эканлигингиз тўғрисида суҳбатлашинг.

73- §

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз қайси кўчада турасиз?
2. Кўчангиздан трамвай, троллейбус ўтадими?
3. Сиз ўқишга трамвайда борасизми ёки троллейбусда-ми?
4. Автобус бекати ўзингизга яқинми?
5. Қайси бекатда тушасиз?

ШАХССИЗ ГАП

(Безличное предложение)

В безличных предложениях отсутствует субъект (подлежащее). Его нельзя установить по связи с другими

членами предложения. В безличном предложении есть только сказуемое, с которым синтаксически связываются второстепенные члены предложения.

Безличные предложения могут выражать:

1) необходимость совершения действия. При этом сказуемое выражается именем действия в сочетании со словами *керак, лозим, зарур*: *Кўп нарсани билиш учун кўп ўқиш керак.*— Чтобы много знать, надо много учиться. *Топшириқни ўз вақтида бажариш зарур.*— Задание необходимо выполнить своевременно;

2) возможность, допустимость совершения действия. В этом случае сказуемое выражается именем действия в сочетании со словом *мумкин*: *Беш йиллик планни тўрт йилда бажариш мумкин.*— Пятилетний план можно выполнить за четыре года;

3) невозможность совершения действия. Это значение безличного предложения передается сказуемым, выраженным а) именем действия в сочетании со словом *мумкин эмас*: *Бу ерда чекиш мумкин эмас.*— Здесь нельзя курить. *Интизомни бузиш мумкин эмас.*— Нельзя нарушать дисциплину; б) деепричастием с аффиксом *-б (-иб)* в сочетании со словом *бўлмайди* (нельзя): *Устахонага бўлдан бориб бўлмайди.*— В мастерскую по этой дороге идти нельзя.

331- машк. Гапларни ўқинг. Шахсиз гапларни аниқланг. Уларнинг кесими кандай грамматик форма билан ифодаланганини айтиб беринг.

1. Аъло ва яхши баҳоларга ўқиш мумкин. 2. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. (Мақол.) 3. Интизомга риоя қилиш керак. 4. Тинчлик учун курашиш зарур. 5. Беморга ёрдам бериш лозим. 6. Ўйлаб иш қилиш керак.

332- машк. Олтига шахсиз гап тузинг ёки бадий адабиётдан топиб, кўчиринг.

К. К. ЮДАХИН

Атокли шарқшунос ва турколог олим Константин Кузьмин Юдахин ўзбек тилшунослиги ва диалектологиясининг асосчиларидан биридир. У Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1952), Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги (1955), Қирғизистонда хизмат кўрсатган фан арбоби эди.

К. К. Юдахин Тошкент ўқитувчилар семинариясини тугатди. 1910—1915 йилларда Манкент ва Қорабулоқ

кишлоқларида рус-тузем билим юртларида ўқитувчилик қилди. 1925 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факультетини тамомлади, 1925—1932 йилларда Ленинградда ишлади: ўзбек, уйғур, қозок, қирғиз тилларидан дарс берди. 1952—1954 йилларда Фарғона педагогика институтида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори бўлиб ишлади. У ўзбек шеваларини ўрганган ва ўзбекча-русча лугат тузган биринчи олимлардандир. 1965 йили Москвада босилиб чиққан «Қирғизско-русский словарь» учун СССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлган. У орден ва медаллар билан мукофотланган.

К. К. Юдахиннинг ўзбек тили бўйича нашр этилган муҳим асарлари қуйидагилардир: Краткий ўзбекско-русский словарь, 1927; Материалы к вопросу о звуковом составе чигатайского языка, 1929; Ўзбекча-русча лугат, 1931; Водил кишлоғининг лаҳжаси ҳақида бир неча сўз, 1957; Некоторые особенности карабулакского говора, 1957.

Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик, 1958; Ўзбек диалектологиясидан материаллар, 1961.

Топшириқ. Текстни ўқинг ва таржима қилинг.

74- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз музикани севасизми?
2. Сиз қайси қўшиқларни севиб тинглайсиз?
3. Бастакорлардан (композиторлардан) кимларни биласиз?
4. Ўзингиз ҳам ашула айтасизми?
5. Ўзингиз яхши кўрган хонандаларнинг номларини айтинг.

НОМИНАТИВ ГАП

(Номинативные предложения)

Номинативные предложения указывают на наличие, существование предмета или явления и имеют один главный член — подлежащее. Подлежащее может быть выражено именем существительным, числительным или местоимением в форме основного падежа.

Номинативные предложения могут быть нераспространенными и распространенными: *Тонг.* — *Утро, Эрта тонг.* —

Раннее утро. *Кишлоқ*. — Деревня. *Мана, мен усган кишлоқ*. — Вот деревня, где я вырос. *Ха, сен*. — Да, ты.

Номинативные предложения могут обозначать:

1) разные события, происшествия, случаи: *Майнинг охири*. — Конец мая. *Кундуз соат учлар чамаси*. — Около трех часов дня. *Янги шаҳар кўчалари*. — Улицы нового города. *Илк баҳор шабадаси*. — Ранний весенний ветерок;

2) обстоятельства: *Диноранинг уйи*. — Дом Динары. *Ёруғ*. — Светлая. *Озода*. — Чистая. *Биринчи хона*. — Первая комната;

3) указания на кого-либо или что-либо: *Муқимий*: — *Зокиржон ука! Мана озор, мана ҳақсизлик*. (С. Абд.) — Муками: Брат Закирджан! — Вот эта мука, вот это бесправия;

4) оценку, экспрессивные оттенки (радость, удивление, сожаление): *Чиройли манзара! Қолхозчилар бу ерда дам оладилар*. — Прекрасный пейзаж! Колхозники отдыхают здесь;

5) подтверждение личности посредством личных местоимений: *Мана мен! Ҳозир қаёққа қарасанг, менга ўхшашлар*. (О.) — Вот я! Сейчас куда ни смотри, все похоже на меня;

6) явления природы: *Кучли ёмғир. Тезда ариқлардан сувлар тоша бошлади*. — Сильный дождь. Вода в арыках быстро вышла из берегов;

7) указание на место: *Зиндон. Оёқ-қўли кишанланган Равшан ўй суриб ўтирарди*. — Зиндан. В темнице сидел в раздумье Равшан, закованный в кандалы;

8) указание на историческое событие, время: *Улуғ Ватан уруши. Совет халқи мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди*. — Великая Отечественная война. Советские люди проявили в этой войне образцы невиданного героизма.

333- машқ. Кўчириб ёзинг. Номинатив гапларни топинг.

1. Кеч куз. Дарахт япроқлари сарғайиб, тукила бошлади. (М. Исм.) 2. Апрельнинг дастлабки кунлари. Биз экскурсияга чикдик. 3. Хайрлашув. Мана поезд ҳам кўзгалди. 4. Мана ётоқхона деразалари. Чироқлар кўриняпти. 5. Вокзал. Ҳамма пассажирлар тўпланиб, поезд жунашини кутиб туришибди. 6. Улуғ Москвининг Қизил майдони. Мавзолей.

334- машқ. Ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг, номинатив гапларнинг қўлланишини айтиб беринг.

1. Год 1920-й. Июнь. 2. «Вот он!» — вдруг закричала Нюся тонким голосом. 3. Аэроклуб. Военная школа. Служба в Сибири, в Карелии, на Дальнем Востоке. 4. Кашне. 5. Недорогое пальцецо. 6. Под мышкою портфель.

335- машк. Номинатив гапга олтита мисол тузинг ёки бадий адабиётдан топиб, дафтарингизга кучириб ёзинг.

ЮНУС РАЖАБИЙ

Юнус Ражабий Ўзбекистонда маком мактабини яратган маданият арбобидир. 1940—41 йилларда Москвада очилган композиторлар курсида ўқиди. Унда Фарбий Европа музыкаси, рус классик асарлари билан танишди. Бу ҳақда Юнус Ражабий бундай дейди: «Москвада ўтган икки йил мен учун ўзига хос мактаб ролини ўйнаган эди».

Юнус Ражабий атоқли маданият арбоблари Домла Ҳалим Ибодов, Хожи Абдулазиз Расулев, Шораҳим Шоумаров, Мулла Тўйчи Тошмухамедовлардан макомларни ўрганди.

Юнус Ражабий «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Холисхон» каби спектаклларга халқ ашулалари асосида куйлар яратди.

Халқимиз «Баёт», «Гиря», «Дугоҳ Хусайний», «Кўча боғи», «Шаҳнози гулёр», «Чоргоҳ», «Эшвой», «Насруллои», «Мискин» каби тароналарни Юнус Ражабий туфайли севиб қолганлар.

Юнус Ражабий халқ музыкаси намуналарини 1930 йиллардаёқ нотага ёзиб олишга киришган. Кейинчалик уларни нашр эта бошлаган. «Ўзбек халқ музыкаси»нинг I — V томлари Юнус Ражабий ёзиб олган музыка намуналаридан иборат. Унда Тошкент — Фарғона маком йўллари, Бухоро «Шашмаком»и алоҳида урин эгаллайди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, республика Фанлар Академиясининг академиги Юнус Ражабий яратган тароналарни халқимиз деярли ҳар куни эшитиб, дам олмоқда.

Т о п ш и р и қ . Текстни ўқинг. Текст мазмунига бир неча савол тузинг. Саволларингизга ёзма жавоб беринг.

75- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ёзги имтиҳон сессияси қачон бошланади?
2. Сизнинг факультетингизда-чи?

3. Ёзги имтиҳон сессиясида сиз нечта имтиҳон ва нечта синов топширасиз?

4. Имтиҳон қайси фанлардан бўлади?

5. Синов-чи?

6. Имтиҳон ва синовга қандай тайёргарлик кўряпсиз?

СЎЗ-ГАП

(Слово-предложение)

Слова-предложения состоят из одного слова или неразложимого словосочетания. Они не распространяются пояснительными словами.

В функции слов-предложений могут выступать междометия и междометные выражения (*оҳ-оҳ, вой-вой, туф-туф* и др.).

По содержанию различают эмоционально-оценочные, утвердительные, отрицательные, побудительные и вопросительные слова-предложения.

Эмоционально-оценочные слова-предложения выражают:

1) **радость, восхищение, восторг:** *Бизнинг команда ғолиб чиқди. Ура! —* Наша команда победила. *Ура! «Балли, балли», — чапак чалиб қичқириб юборди Надежда Алексеевна. — «Браво, браво» —* воскликнула Надежда Алексеевна и захлопала в ладоши;

2) **удивление, изумление:** *«Тавба! — деди Серпилин. — Мен богдан келсам, у тоғдан келади!».* — «Вот те на! — сказал Серпилин. — Я ему про Фому, а он мне про Ерему!» (*К. Симонов*);

3) **недовольство, возмущение, презрение, негодование, ненависть, злобу:** *А-а-а...., ҳали сен менга қўполлик қиласанми! — А-а-а..., ты еще смеешь говорить мне дерзости! Уф! Саримсоқдек жонимга тегдинг. — Уф! Надоел пуще горькой редьки.*

Утвердительные слова-предложения оформляются словами: *тўғри* — правильно, *ҳа* — да, *албатта* — конечно, *хўп* — ладно, *яхши* — хорошо, *сўзсиз* — разумеется и др.: — *Қайси томонга юрайлик, бу томондами? — Ҳа. — Куда нам идти — в эту сторону? — Да. Тўғри. Сизнинг ишингиз кўп, мен биламан. —* Правильно. Работы у вас много, я знаю. *Чой ичиб оласизми, Павел Михайлович? — Албатта? —* Выпьете чаю, Павел Михайлович? — Конечно.

Отрицательные слова-предложения обозначают отри-

цательный ответ на поставленный вопрос или выражают несогласие говорящего с чьим-либо высказыванием. Функцию таких предложений выполняют отрицательные слова *йўқ* — нет, *нотўғри* — неправильно и др.: *Сен бирор ерга борасанми? — сўради Николай Сергеевич. — Йўқ, нимагадир истагим йўқ.* — Ты пойдёшь куда-нибудь? — спросил Николай Сергея. — Нет, не хочется что-то (*Гайдар*). *Сиз кимсиз? Артистмисиз? — Йўқ — жавоб берди у одам. Мен инженер-механикман.* — Вы кто? Артист? — Нет, — ответил человек. — Я инженер-механик. *Сиз айтдингиз дейишяпти. — Нотўғри, мен бундай гапни ҳеч қачон айтмайман.* — Говорят, вы сказали. — Неправильно, я никогда не говорю такие вещи.

Побудительные слова-предложения выражают эмоциональную реакцию говорящего: *Йўқол! Қоранги кўрсатма, аблаҳ! Йўқол!* — Вон! Чтоб и духу твоего здесь не было, негодяй! Вон!

Вопросительные слова-предложения характеризуются вопросительной интонацией и состоят из слов *шундайми*, *шундай эмасми* — не правда ли, *наҳотки* — неужели и др.: ... *Бугун бизга жавоб беришлари керак. — Наҳотки? — ...* Сегодня нам должны дать ответ. — Разве?

336- машк. Гапларни ўқинг. Сўз-гапни топинг ва рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Алексей, ўзбек тилидан берилган шеърни ёд олдингми? — Ҳа. 2. — Ҳа, — деб жавоб берди Йўлчи. (*О.*) 3. Йўқ, Иван Петрович. 4. — Яша, — дейман, — ўғлим. (*Ф. Ф.*) 5. — Вой-вуй, — деди Жўра кўзларини катта очиб. 6. — Офарин! — деди Нормат ака. 7. — Раҳмат, — Аҳмаджон миннатдор жилмайди. (*Ҳ. Ф.*)

337- машк. Сўз-гапга ўнта мисол ёзинг ёки бадний адабиётдан топиб кўчириб ёзинг.

76- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз комсомол аъзосимисиз?
2. ВЛКСМ сафига нечанчи йили киргансиз?
3. Қандай жамоат ишларини олиб борасиз?
4. Сиз комсомол мажлисида қандай масалаларни муҳокама қиласиз?
5. Комсомоллар қандай ишларда ташаббус кўрсатмоқдалар?

ТЎЛИҚ ВА ТЎЛИҚСИЗ ГАПЛАР (Полные и неполные предложения)

Полными предложениями называются такие синтаксические конструкции, в которых представлены все необходимые члены. Например: *Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади.* (Х. О.) — Перед моим окном белыми цветами расцвел урюк. *Илм аҳллари Навоийни сабр-сизлик билан кутар эдилар.* (О.) — Ученые ждали Навои с нетерпением.

Неполными предложениями называются такие синтаксические конструкции, в которых тот или иной отсутствующий член предложения легко восстанавливается исходя из контекста или ситуации.

Неполные предложения бывают:

1) без подлежащего: *Бораман ва ҳамма гапни айтиб бераман* — Пойду и обо всем расскажу;

2) без сказуемого: — *Қим боради?* — Мен. — Кто пойдет? — Я;

3) без подлежащего и сказуемого: — *Карим кимни чақиряпти?* — Сени. — Кого зовет Карим? — Тебя;

4) без второстепенных членов предложения: — *Слесарнинг ишини ким текширди?* — Мен текширдим. — Кто проверил работу слесаря? — Я проверил.

338- машқ. Тулиқ гап билан тўлиқсиз гапнинг фарқини айтиб беринг.

1. Тоғ чўққисидаги қорлар ҳам кўринмай қолди. (П. Т.)

2. Уста Ковул қўлда устара билан бойга тикилди:

— Саводсиз одамман, балки хато ёзгандирман, билганимни айтай, сиз қулоқ солиб, тасдиқлаб туринг.

— Нималар деяпсиз? Нимани тасдиқлайман!

— Тунда бўлган воқеани. Қулоқ солинг! (С. Абд.)

3. Мана энди унинг ҳаётида янги саҳифа очилди. (С. К.)

4. Сендан сўраб ўтирмайман.

5. Ўзи (Муқимий) ўтириб, пиёлага каттиқ нон тўғрар экан, тикилиб ўтирган нотаниш йигитдан сўради:

— Хизмат?

— Айтсам бемалолми?

— Гапиринг, гапиринг...

— Исмим — Зоҳидхўжа, касбим — новвой...

— Хўш?

— Бошимдан ўтганини айтаверайми?

— Бир ёққа шошиб турибман, қисқарок қилинг...

- Мени сизга хотиним Анбарбиби юборди.
- Анбарбиби?
- Ҳа, оёғи шол, бир ерда ётиб шеър ёзади... (С. Абд.)

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ

Эргаш шоир 1868 йилда Самарқанд область, Нурота район, Кўрғон қишлоғида дехқон-бахши оиласида туғилди. Отаси, амакилари машҳур дostonчилар эдилар.

Эргаш 7 ёшида мактабга кириб, тезда ўқиш-ёзишни ўрганиб олди. Кейин Бухоро мадрасасида ўқиди. Навоий, Ғузулий, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Машраб, Махтумқули каби классик шоирларнинг асарларини кунт билан ўрганди. Форс, озарбайжон адабиёти классиклари ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишди. Терма (один из жанров узбекского фольклора — песня) ва дostonлар ёдлади, ўзи ҳам шеърлар ижод эта бошлади.

1886 йили Эргашнинг отаси вафот этди. Вабо касали шоирнинг укалари, сингиллари, онаси, хотини ва болаларини олиб кетди.

Бу оғир жудоликдан шоир умидсизликка тушмади. Самарқанд ва унинг атрофларида гоҳ бахшилик, гоҳ табиблик қилиб юрганда халқ дostonлари, қўшиқ ва термаларини йиғди.

Шоирнинг репертуари жуда бой ва ранг-баранг эди. У йиғирмадан ортиқ дoston ва кўплаб термаларни билар эди. Масалан, «Равшан», «Далли», «Холдорхон», «Якка Аҳмад», «Кунтуғмиш», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Кундуз билан Юлдуз», «Ошиқ Ғариб», «Махтумқули» ва бошқалар.

Шоир Улуғ Октябрни зўр хурсандлик билан кутиб олди. Революция, доҳиймиз В. И. Ленин, Советлар ҳокимияти ҳақида барала қуйлади. Эргаш шоир «Октябрь», «Қизил», «Шўро», «Охунбобоев», «Келдим» каби термалари ва «Ўртоқ Ленин» дostonини яратди. Бу асарлар ўзбек совет адабиёти ва, айниқса, халқ оғзаки ижодининг ривожига катта аҳамиятга эгадир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1937 йил 12 мартда ўз қишлоғида вафот этган.

Топширик. Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

СУҲБАТ

- Сиз студентмисиз?
- Ҳа, мен студентман.
- Қаерда ўқийсиз?
- Мен Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтида ўқийман.
- Кечирасиз, сиз тошкентликка ўхшамайсиз.
- Ҳа, мен москваликман. Биз Тошкентга яқинда кўчиб келганмиз. Менинг отам — инженер, онам эса врач.
- Сиз ўзбек тилини яхши биласизми?
- Йўқ, ўзбек тилини яхши билмайман, аммо уни ўрганишга ҳаракат қиляпман.

ҚЎШМА ГАП

(Сложное предложение)

Сложное предложение состоит из двух или более простых предложений: *Қўнғироқ чалинди ва ўқувчилар синфга кирдилар.* — Прозвенел звонок, и ученики вошли в класс. *Ўқитувчи аудиторияга кирганда, студентлар ўринларидан турдилар.* — Когда преподаватель вошел в аудиторию, студенты встали с мест.

Простые предложения в составе сложного предложения соединяются с помощью союзов и без них: *Баҳор келди ва кунлар узая бошлади.* — Наступила весна, и дни стали длиннее. *Куз келди, кунлар совий бошлади.* — Пришла осень, дни стали холоднее.

В зависимости от содержания, грамматических признаков, строения и интонации сложные предложения в узбекском языке делятся на три типа: 1) сложносочиненные; 2) сложноподчиненные и 3) бессоюзные сложные предложения.

339- машк. Гапларни ўқинг. Содда гапларни алоҳида, қўшма гапларни алоҳида кўчириб ёзинг. Содда ва қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беришг.

1. Етти ўлчаб, бир кес. (Мақол.) 2. Сен ўзингни мактама, сени биров мактасин. 3. Ҳамма билადики, биз тинчлик учун курашяпмиз. 4. Ўртоқ генерал, душманга орқа томондан ҳужум қилдик. 5. Қим ҳалол меҳнат қилса, уни ҳамма ҳурмат қилади. 6. Сен ўқиган китобни мен ҳам ўқидим.

340-машк. Гапларин укиннг, солда ва кўшма гапларин аниқланг ва рус тилига таржима қилинг.

1. У йил давомида яхши ўқиди ва имтиҳонда аъло баҳо олди. 2. Баҳор келди, гуллар очилди. 3. Мен ҳам ўқидим, ҳам ёздим. 4. Бугун сен ҳам ўқийсан, мен ҳам ўқийман. 5. Пединститутни тамомлаганимдан кейин, мени мактабга ишга юборишди. 6. Социалистик мамлакатимизда ҳамма бола ўқийди. 7. Бугунги ишни эртага қўйма. (Мақол.) 8. Ҳаво булут бўлиб, ёмғир ёға бошлади.

78-§

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сизнинг курсингизда практик машғулотлар кўпми?
2. Қайси фанлардан практик машғулотлар ўтказилади?
3. Практик машғулотларда техника воситаларидан қандай фойдаланасиз?
4. Сиз практик машғулотларга қандай тайёрланасиз?
5. Қайси кутубхонага борасиз?
6. Кутубхонадан қандай китоблар оласиз?

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП

(Сложносочиненное предложение)

Сложносочиненные предложения состоят из двух или более простых предложений, соединенных между собой соединительными (*бириктирув боғловчилари*), противительными (*зидлов боғловчилари*) или разделительными союзами (*айирув боғловчилари*) и образующих единое смысловое и интонационное целое. Самостоятельность компонентов относительна, ибо компоненты являются частью сложного целого.

БИРИКТИРУВ БОГЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП

(Сложносочиненное предложение с соединительными союзами)

Соединительные союзы *ва, ҳам, ҳамда* служат для связи компонентов сложносочиненных предложений и выражают *временные, сравнительные, следственные и при-*

чинные отношения. Например: *Бугун эрталаб ҳам совуқ бўлди, ҳам ёмғир ёғди.*— Сегодня утром погода была холодная и шел дождь. *Кеч кирди ва геологлар ўз лагерларига қайтдилар.*— Наступил вечер, и геологи вернулись в свой лагерь. *Содиқжон хурсанд бўлиб кетди ва кўзларига ёш келди.*— Садикжон обрадовался, и слезы появились в его глазах.

341- машқ. Гапларни ўқинг. Боғланган қўшма гап компонентлари ўзаро қандай боғловчилар билан боғланганлигини айтинг.

1. Ҳамма докладни диққат билан тинглади ва ҳеч ким савол бермади. 2. Доклад тугади ҳамда доклад юзасидан муҳокама бошланди. 3. Саҳнанинг пардаси қутарилди ва кўз ўнгимда чиройли кўриниш пайдо бўлди. 4. Канал ҳам қурилди, чўллар ҳам обод бўлди. 5. Қуз келди ва йўғим-терим ишлари бошланиб кетди.

342- машқ. Бириктирув боғловчилар билан боғланган қўшма гапга олти тасвир тузинг ёки бадиий адабиётдан топиб, кўчириб ёзинг.

ЗИДЛОВ БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП

(Сложносочиненное предложение с противительными союзами)

Сложносочиненные предложения с противительными союзами *аммо, лекин, бироқ* выражают отношения противопоставления: *Ёш партизани қийнадилар, аммо у ҳарбий сирни айтмади.*— Молодого партизана пытали, но он не выдал военную тайну. *Кузнинг охири ойи бошланди, лекин ҳали далада иш кўп.*— Начался последний месяц осени, но на полях еще много работы. *Ҳаво булут бўлди, бироқ ёмғир ёғмади.*— Была облачная погода, но дождя не было.

В узбекском языке иногда соединительные и противительные союзы заменяются частицами *-да, -у (ю), -ку*, которые служат для связи компонентов сложносочиненных предложений. При этом компоненты имеют временные, сравнительные, следственные и противительные отношения. Например: *Ваъдабозлик камроқ бўлсин-у, ваъдани бажариш кўпроқ бўлсин.*— Пусть будет меньше обещано, а больше выполнено. *Сигнал берилди-ю, ўйин бошланди.*— Прозвучал сигнал, и игра началась.

Для усиления противительного значения употребляются и частицы, и противительные союзы: *Актёрлар кўп куч сарф*

қилдилару, аммо режиссёр қаноатланмади.— Актеры вложили много усилий, но режиссёр не был доволен.

343- машқ. Боғланган қўшма гап компонентларининг қандай воситалар билан боғланганлигини айтиб беринг.

1. План бажарилди, аммо ҳали далада пахта бор.
2. Муваффақиятларга эришдик, лекин ҳали ишнимизда камчиликлар оз эмас.
3. Баҳор келди-ю, лекин ҳали гуллар очилгани йўқ.
4. Сен ўз устингда яхши ишляяпсан, бироқ ҳали камчилигинг кўп.

344- машқ. Зидлов боғловчили боғланган қўшма гапга олти та мисол тузинг.

МИРЗАҚАЛОН ИСМОИЛИЙ

Мирзақалон Исмоилий Ўш шаҳрида туғилган. Болалар уйида тарбияланиб, Маориф институтини ва В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетини тамомлади. Ишчилар факультетида ўқитувчилик қилди. Тошкент киностудияси, «Кизил Ўзбекистон» газетаси редакцияси, Давлат нашриёти ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ишлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида М. Исмоилий фронт мухбири бўлди.

Унинг адабий фаолияти 1927 йилда бошланган. «8 Март — Хотин-қизлар озодлиги куни», «Кенг уфқлар» пьесаларини ёзди. «Фарғона тонг отгунча» трилогияси, «Бизнинг роман», «Инсон ҳусни», «Одамийлик қиссаси» каби асарлари китобхонларнинг севимли китобларига айланди.

Мохир таржимон Мирзақалон Исмоилий рус, совет ва чет эл адабиёти дурдоналаридан юзлаб асарларни таржима қилди. М. Лермонтов, Л. Толстой, А. Чехов, М. Горький, Н. Погодин, Н. Островский, М. Шолохов, Э. Войнич, Жюль Верн каби ёзувчилар асарларини китобхонлар М. Исмоилий таржимасида ўқиганлар.

Т о п ш и р и қ. Текст юзасидан бир неча савол тузинг ва ўзаро суҳбатлашинг.

79- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз институт кутубхонасидан қандай китоблар оласиз?

2. Кутубхонанинг ўқув залидан қандай фойдаланасиз?
3. Ўқув зали қайси кунлар ва қайси вақтларда ишлайди?
4. Сиз шаҳар кутубхонасидан ҳам фойдаланасизми?

АЙИРУВ БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП

(Сложносочиненное предложение с разделительными союзами)

Действия, называемые в сложносочиненных предложениях с разделительными союзами (*гоҳ ... , гоҳ ... ; баъзан..., баъзан...; дам ..., дам ..., ё ..., ё ...; хоҳ ..., хоҳ ...; бир ..., бир... и др.*) или чередуются, или совершаются одновременно: *Унинг дам жаҳли чиқар, дам кулгиси қистар эди.*— Она то злилась, то ей хотелось смеяться. *Бугун мажлисда ё мен гапирман, ё сен гапирсан.*— Сегодня на собрании или я выступлю, или ты будешь выступать.

ИНКОР БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП

(Сложносочиненное предложение с отрицательными союзами)

В отрицательных сложносочиненных предложениях соединительные отношения выражаются при помощи союза *на..., на...: На қулоғига гап киради, на кўзига одам кўринади.*— Ни уши его никого не слышат, ни глаза его никого не видят. *Бечора қизнинг на отаси бор, на онаси бор.*— У бедной девушки ни отца нет, ни матери нет.

345- машқ. Гапларни ўқинг. Компонентларнинг ўзаро қандай боғланганлигини айтиб беринг.

1. Геологлар гулхан атрофига ўтирдилар ва экскурсовод эски қалъа тарихини гапириб берди. 2. Кеча Термизда каттиқ шамол бўлди ва кечкурун қор ёғди. 3. Кузда гоҳ кунлар исиб кетади, гоҳ ёмғир ёғади. 4. Бу жуда қизик китоб экан, аммо мен ҳали уни ўқимадим. 5. Бугун ё подшо бир ерга чиқади, ё элчи келиши кутилади. (О.) 6. Янги спектаклни на биз кўрдик, на улар кўрдилар.

346- машқ. Нукталар ўрнига керакли боғловчиларни қўйиб гапларни қўчиринг.

1. Сарой бир зумда одамлар билан тўлди ... устахонадаги станоклар ҳаракатга келди. (Ҳ. Н.) 2. Қурилиш

материаллари келтирилди ... иш бошланди. 3. Студентларимиз экскурсиядан келди, ... мен уларни кутиб ололмадим. 4. Кишининг ҳаётида ... шодлик кунлар бўлади, ... қайғули кунлар.

347- машқ. Богланган қўшма гап компонентларининг ўзаро богланиш усулларини айтиб беринг.

1. Сессия бошланди ва биз имтиҳон топшира бошладик. 2. Шаҳримизнинг бугунги кўриниши чиройли, аммо эртаси яна ҳам яхши. 3. Залдаги ғовур-ғувур тинди-да, мажлис бошланди. 4. Ҳамма иш бажарилгандек кўринади-ю, аммо ҳали ишимизда камчиликлар кўп. 5. Кўклам келди-ю, аммо ҳали гуллар очилмади.

КОМИЛ ЯШИН

Комил Яшин (Комил Нуъмонов) 1909 йил 25 январда Андижон шаҳрида туғилади. 1925—28 йилларда Ленинград Ўрмончилик институтида ўқийди. 1928—30 йилларда Андижонда ўқитувчилик қилади.

Унинг шеърий тўпламлари 1930 йилдаёқ босилиб чиқа бошлайди: «Қуёш» (1930), «Қураш» (1931), «Комсомол» (1933) ва бошқалар.

Яшин «Ўртоқлар» ва «Ёндирамиз» пьесаларида ўша даврдаги қишлоқ ҳаётида юз берган синфий курашни тасвирлайди. «Номус ва муҳаббат» (1935) пьесасида эскилик билан янгилик ўртасидаги конфликтни акс эттиради. «Гулсара» (1934), «Нурхон» (1940) музыкали драмалари эса хотин-қизлар озодлиги темасига бағишланди.

Комил Яшин Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлади. Бу ҳақда ўзи бундай дейди: «Мен ёзганларимни улкан шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга юбориб, ундан маслаҳат ва ёрдам олиб турардим».

Яшин Амин Умарий билан ҳамкорликда «Ҳамза» номли биринчи тарихий-биографик шеърий драмасини яратди (1940 й.).

У Улуғ Ватан уруши йилларида «Даврон ота» (С. Абдулла билан ҳамкорликда, 1942), «Ўлим босқинчиларга» (1942) пьесаларида ватанга муҳаббатни қуйлайди. «Офтобхон» драмасида (1944) фронт билан мамлакат ичка-риси бирлигини ифодалайди. «Генерал Раҳимов» драмаси

(1949) ва киносценарийси (М. Луковский, З. Собитов билан биргаликда, 1967) биринчи ўзбек генерали, Совет Иттифоки Қаҳрамони Собир Раҳимов ҳаётига бағишланди.

Комил Яшин ўзининг «Йўлчи Юлдуз» драмасида улуғ дохниймиз В. И. Ленин образини яратди.

У кўпгина асарларни ўзбек тилига таржима қилди. Комил Яшин СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари вазифасида ишлаган.

У ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ЎзССР ФА академигидир.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўқинг. Текст мазмунига оид ўнта савол тузинг. Саволларингизга ёзма жавоб беринг.

80- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз ўзбек совет драматургларидан кимларни биласиз?

2. Уларнинг қандай асарларини биласиз?

3. Комил Яшиннинг қандай драматик асарларини биласиз?

4. Комил Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз» драмасини ўқиганмисиз ёки сахнада томоша қилганмисиз?

5. Драматург бу пьесада кимнинг образини яратган?

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП


(Сложноподчиненное предложение)

Сложноподчиненное предложение состоит из двух или более простых предложений, которые неравноправны: одно из них определяет и разъясняет другое. Поясняющая часть сложноподчиненного предложения является придаточным предложением — *эргаш гап*, а поясняемая часть является главным предложением — *бош гап*. Они связываются между собой подчинительными союзами, союзными словами, грамматическими формами причастия и деепричастия, условной формой наклонения глагола, именами действия, формой *деб* и другими грамматическими формами.


Придаточное предложение может относиться к главному предложению в целом: *Уйингизга келсам, йўқ экансиз.* — Когда я к вам приходил, вас не было дома.

Оно может относиться и к одному из членов главного предложения, отвечая на вопрос, исходящий от этого члена: *Мен сизга шуни айтмоқчиманки, сиз ҳали эшитмагансиз.*— Я хочу сказать вам то, что вы еще не слышали. Придаточное *сиз ҳали эшитмагансиз* относится к слову *шуни*, т. е. дополнению в главном предложении.

Сложноподчиненное предложение



Сложносочиненное предложение



348- машқ. Гапларни ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқланг.

1. Биз залга кирганда, ҳали концерт бошланмаган эди.
2. Шундай асарлар ҳам бўладик, уларни қайта-қайта ўқийсан.
3. Улар келгунча, биз анча жойни культивация қилиб қўйдик.
4. Биз биламизки, совет халқи тинчлик учун курашмоқда.
5. Дам олиш куни ҳаво очиқ бўлса, Чимёнга чиқамиз.

349- машқ. Гапларни ўқинг. Бош гап ва эргаш гапни аниқланг. Компонентлар қандай восита билан ўзаро боғланганликларини айтиб беринг.

1. Жаҳл келганда, ақл кетади. (Мақол.)
2. Баҳор келса, ариқларда сувлар кўпая бошлайди.
3. Айрим колхозлар борки, улар йиллик пахта тайёрлаш планини октябрь ойидаёқ бажариб қўядилар.
4. Кучли шамол нҳолларга зарар етказа олмаса ҳам, биз анча ташвишланиб қолдик.
5. Чўлимиз обод бўлсин деб, кўчатлар етиштирдик.

350- машқ. Ўзингиз олтига эргаш гапли қўшма гап тузинг.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Комил Яшин

4 парда, 9 кўринишли драма

(Еттинчи кўриниш, қисқартиб олинди)

1918 йил, ёз кунларидан бири. В. И. Лениннинг Кремлдаги кабинети. Ленин кириб келади. Секретарь кўринади.

Л е н и н. Лида Александровна, мана бу телеграммани Царицинга юборинг.

Секретарь. Хўп бўлади, Владимир Ильич.

Ленин. Мана бу Америка ишчиларига ёзилган хат. Ҳа, Сокольники клубида бугун кеч йиғилиш бўлиши керак эди.

Секретарь. Телефон қилишди. Бўлар экан. Нутқингизни эшитиш учун...

Ленин. Яхши.

Секретарь. Тошкентдан телеграмма.

Ленин. (*Телеграммани кўздан кечиради.*) Туркистон халқларининг бошига оғир кун тушди, оғир кун. (*Уй суради, секретарга*) ёзинг. ТуркЦИК раисига. (*Айтиб туради, секретарь ёзади.*) Сизга ёрдам бериш учун мумкин бўлган чораларнинг ҳаммасини кўраётимиз. Рухингизни туширманг, Совет ҳокимиятини сақлашга кучингиз борица ҳаракат қилинг. (*Телеграммага имо қилиб.*) Дарҳол жўнатинг. Ҳа, Туркистондан келган делегациянинг озиқ-овқатидан хабар олишяптими? Врач тайин қилиндими? Бу ўртоқлар оғир йўл босиб келишган.

Секретарь. Ҳаммаси қилинган, Владимир Ильич.

Ленин. Яна ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб туринг, ўртоқ Фрунзени чақирдингизми?

Секретарь. Ўртоқ Фрунзе келади, Владимир Ильич. Делегация ҳали замон қабулингизда бўлади.

Секретарь чиқади. Ленин ёзув столига ўтириб уй суради, ёзади, ўчириб, яна ёзади, секретарь киради.

Ўртоқ Фрунзе келди, Владимир Ильич!

Ленин. Жуда соз. Чақиринг. Чақиринг.

Секретарь чиқади. Бир оз вақт ўтгач, кабинетга Фрунзе кириб келади. Улар кўришадилар.

Марҳамат, келинг, ўтиринг, Михаил Васильевич. (*Қоғозни бериб.*) Мана буни Полторацкий ўз қўли билан ёзган. Бизнинг не-не шунқорларимизни уриб йиқитишмади-я! Шаумян, Жапаридзе, Азизбеков, Амиров, Полторацкий...

Фрунзе. Аҳволимиз танг. Душман ана шундан фойдаланмоқда.

Ленин. Озиқ-овқат тўғрисида шуни айтишим керакки, бугун Питерда ҳам, Москвада ҳам ҳеч нарса берилаётгани йўқ. Айниқса, Туркистонни вабо, очарчилик қийнаб, жон-жонидан ўтказиб юборди.

Фрунзе. Туркистонга юбориш мумкин бўлган ҳамма нарса юборилди. Бир неча ўн минг пуд ғалла юборилди.

Ленин. Туркистон халкларининг озодлиги, мустакиллиги хавф остида. Каллакесар Дутовни тор-мор қилиб, тездан Туркистонга йўлни очишимиз керак. Ўрта Осиё шаҳарларининг бир қисмида контрреволюцион кўзғолонлар бўлиб турибди. Бу кўзғолонларда Ҳиндистонда ўрнашиб олган, бутун Эронни ютиб юборган, Афғонистонни ўзига бўйсундирган, миллатларни бўғиш, кемириш учун ҳам, шунингдек Россияга хужум қилиш учун ҳам аллақачон ўзларига таянч пункти тузиб олган инглизлар очикдан-очик иштирок қилмоқдалар. Булар Туркистонни ҳам олов халқа ичига олиб, бўғиб ташламоқчилар. Қатъий чора кўрмасликнинг асти иложи йўқ. Мен, Михаил Васильевич, сизни шунинг учун йўқлаган эдим. Марказий Комитет номидан сўрайман. Туркистон fronti кўмондонлигини қўлингизга олсангиз.

Фрунзе. Мен партиянинг солдатиман. Ҳар бир хизматга тайёрман, Владимир Ильич.

Ленин. Чет эл босқинчиларини ҳайдаш, маҳаллий халқни Қизил Армия сафига тортиш, совет автономиясининг асл моҳиятини кенг халқ оmmasига тушунтириш, халқ хўжалигини, маданиятини кўтариш... Э-ҳе, қанчадан-қанча вазифаларни ўташга тўғри келади, Михаил Васильевич (*қулиб*), сизга оғирлик қилмасмикин?

Фрунзе. Партия бор. Сиз бор, қийналмаймиз Владимир Ильич.

Ленин. Раҳмат. Сиз билан бирга ўрток Қуйбишев ҳам Туркистонга боради.

Фрунзе. Бир-икки илтимос бор, рухсат берармикинсиз?

Ленин. Айтинг.

Фрунзе. Мен главкомдан Туркистон fronti учун қурол талаб қилиб, бир неча бор унга мурожаат қилдим, талабларим рад қилинди.

Ленин. Туркистон учун қурол берамиз. Туркистон fronti ҳозир энг оғир участкалардан бири бўлиб қолди. Бутун Россия Туркистонга ёрдам қўлини чўзди. Сиз ҳар бир масалада бевосита менинг ўзимга мурожаат қилинг, Михаил Васильевич.

Фрунзе. Раҳмат, Владимир Ильич. Менга мана шу биргина сўзингиз ўзи бас.

Ленин. Мана, Туркистон харитаси. Яқинроқ келинг. Мана бунга диққат қилинг, Михаил Васильевич.

Стол устига ёзилган харитани кўришади.

Топшириқ. «Йўлчи Юлдуз» текстини ролларга бўлиб ўқинг, рус тилига таржима қилинг.

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз ўқиётган институтнинг ётоқхонаси борми?
2. У қайси кўчага жойлашган?
3. Ётоқхонада қанча студент яшайди?
4. Ўқув зали ётоқхонанинг нечанчи қаватида?
5. Ётоқхонангизда яшаш ва дарс тайёрлаш учун шароит қандай?
6. Ётоқхонангизда нималар бор?

ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

(Сложноподчиненное предложение с придаточным
изъяснительно-объектным)

Изъяснительно-объектные придаточные предложения конкретизируют и раскрывают значение дополнения в главном предложении. Это дополнение выражается местоимением: *Мен шунки айтмоқчиманки, ота-онангизни ҳурмат қилинг.* — Я хочу сказать, чтобы вы уважали своих родителей. *Мен шунга аминманки, бизнинг орамизда қўрқоқлар йўқ.* — Я убежден в том, что среди нас нет трусов.

Дополнения в главном предложении могут отсутствовать: *Ҳошимжон яхши биладики, уни капитан Алиев каби кишилар ҳимоя қилади.* — Хашимджан хорошо знает, что его защитят такие люди, как капитан Алиев.

Придаточное изъяснительно-объектное связывается с главным при помощи:

а) подчинительного союза **-ки**. В этом случае главное предложение находится перед придаточным: *Коля тушундики, катта муваффақият учун катта ҳаракат керак.* — Коля понял, что для больших успехов необходимо большое старание;

б) условной формы глагола (с суффиксом **-са**): *Сиз кимни маслаҳат берсангиз, ўшани ўзимга шерик қилиб оламан.* — Я возьму себе напарником того, кого вы посоветуете. В таких случаях придаточное предложение ставится перед главным;

в) частиц **-ми**, **-ку**: *Сиз эшитдингизми, эртага кетар эканмиз?* — Вы слышали, оказывается, мы завтра уезжаем. *Ўзингиз биласиз-ку, мен ёлғонни ёмон кўраман.* — Вы же знаете, что я не люблю ложь. В этих случаях главное предложение находится перед придаточным.

351- машқ. Бош ва эргаш гапни топинг, улар ўртасидаги боғланиш усулларини айтиб беринг.

1. Мен истайманки, ҳеч қачон уруш бўлмасин. 2. Сиз биласизми, бу масалани биринчи бўлиб Салим Аҳмедов кўтарган. 3. Шуни эсда тутиш керакки, киши фақат ўз тажрибасигагина суяниб қолмасин. 4. Ким одобли бўлса, уни ҳамма ҳурмат қилади. 5. Биз хоҳлаймизки, тинчлик мустаҳкамланаверсин. 6. Ҳеч шубҳа йўқки, биз йиллик план-топшириғини бажарамиз. 7. Эшитдингизми, бу йил ўзбек тилидан имтиҳон бўлар эмиш?

352- машқ. Нуқталар ўрнига бош гапни ёки эргаш гапни қўйиб ёзинг ва гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Мен кўриб турибманки,... 2. Сиз шунга эътибор берингки, ... 3. Унинг ўзи ҳам эшитди-ку, ... 4. Нимага эътибор берсангиз, ... 5. Кўнглингиз нимани истаса, ... 6. Мен шунга ҳайронманки, ... 7. Сиз кўрдингизми, ...

353- машқ. Гапларни ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Мы должны делать то, что требуется по закону.
2. Я знаю, что Света получила по узбекскому языку отличную отметку.
3. Я убежден, что мир нужен всем.
4. Декан сказал, что все должны прийти на субботник.
5. Знаете ли вы, что мы собираемся завтра ехать на экскурсию.

АКМАЛ ИКРОМОВ

Акмал Икромов 1898 йил 13 мартда Тошкентда ўқитувчи оиласида туғилган.

1917 йилда Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлаб, ўқитувчи бўлиб ишлади. У Наманганда партия, совет органларида ишлади. Фарғонада ҳамда Сирдарё областида партия комитетининг секретари бўлди. Акмал Икромов 1921 йилда Туркистон Компартияси МК секретари ва ташкилот-инструкторлик бўлими мудири қилиб тайинланди. Сўнгра Москвадаги Я. М. Свердлов номли Коммунистик университетда ўқиди. Ўзбекистон Компартиясининг I пленуми (1925 й. февраль) Акмал Икромовни Ўзбекистон Компартияси МК масъул секретари қилиб сайлади. 1929 йилда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретарлигига сайланди.

Акмал Икромов В. И. Лениннинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган биринчи таржимон-муҳаррирлардандир. Акмал Икромов 1924—34 йилларда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси бўлди. 1931—34 йилларда

ВКП(б)нинг МК Ўрта Осиё бюроси секретари бўлиб ишлади. ВКП(б)нинг XIV, XV, XVI съездларида ВКП(б) МК аъзолигига кандидат, XVII съездида ВКП(б) МК аъзоси қилиб сайланди. Акмал Икромов РСФСР Советларининг IX съездида РКП(б) МКнинг В. И. Ленин иштирок этган Пленумининг тавсиясига биноан Бутун Россия МИК аъзоси қилиб сайланди. Акмал Икромов 1925 йилдан 1937 йилгача Бутуниттифок МИК Президиуми аъзолигига кандидат, Туркистон Советларининг IX ва X съездларида Туркистон МИКнинг аъзоси, Туркистон МИК Президиуми аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1925—37 йилларда Акмал Икромов Ўзбекистон МИК Президиумининг аъзоси бўлди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ташкилотчиларидан бири Акмал Икромов 1938 йилда бевакт вафот этди.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

82- §

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбек совет шоирларидан кимларни биласиз?
2. Ўзбек совет ёзувчиларидан-чи?
3. Сиз эртак ўқишга кизиқасизми?
4. Сиз қандай ўзбек халқ эртақларини биласиз?
5. Эртак асосида яратилан қандай кинофильмларни биласиз?
6. Сиз ўзбек халқ эртақларидан қайси бирини ёқтирасиз?

АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

(Сложноподчиненное предложение с придаточным определительным)

Определительные придаточные предложения указывают признак предмета, названного в главном предложении и выраженного именем существительным или местоимением.

Определительные придаточные предложения могут присоединяться к главному:

- 1) при помощи подчинительного союза *-ки*. При этом в

главном предложении в качестве определения употребляются слова или словосочетания: *шундай, шу, айрим, баъзи, ҳеч бир, бир, шундай бир.*

Придаточное предложение находится в этом случае после главного: *Шундай кишилар ҳам борки, улар ҳамма ишда бошқаларга намуна бўладилар.*— Есть такие люди, которые во всем являются примером для других. *Курсимизда шундай студентлар борки, улар аъло ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашадилар.*— На нашем курсе есть такие студенты, которые учатся на отлично и активно участвуют в общественных делах;

2) при помощи условной формы глагола с суффиксом -са. Придаточное предложение при этом находится перед главным предложением: *Тингловчиларни қайси тема қизиқтирса, лектор шу темада доклад ўқийди.*— Лектор прочтет доклад на тему, которая интересует слушателей.

354- машқ. Бош ва эргаш гапларини аниқланг. Эргаш гапнинг бош гапга қандай боғланганлигини айтиб беринг.

1. Иш вақтида шундай масалалар ҳам учрар эдики, улар мен учун бажариб бўлмайдигандай туюларди. 2. Лолахонга сиз қандай тарбия берсангиз, отаси ҳам шундай тарбия беради. 3. Дунёда шундай бир азиз инсон борки, биз ундан хамиша қарздормиз. (Г.) 4. Баъзан шундай ёшлар ҳам учрайдики, улар кўпчилик ўртасида ўзларини тутишни билмайдилар. 5. Кимнинг фикри тўғри бўлса, унинг иши ҳам тўғри бўлади.

355- машқ. Нукталар ўрнига бош гап ёки эргаш гап қўйиб, аниқловчи эргаш гапли қўшма гап тузиб ёзинг. Бош гапни эргаш гапга боғловчи воситаларини аниқланг.

1. Шундай асарлар борки, ... 2. Сен шундай бир иш қилгинки, ... 3. Шундай бир воқеани кўрдимки, ... 4. Бола тарбиясида ота-она қандай ўрин тутса, ... 5. Баъзи бир кишилар борки, ...

356- машқ. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга ўзингиз олтига гап тузинг.

ОРОЛГА ОБИҲАЁТ

Одамларнинг сувдан нотўғри фойдаланишлари натижасида Орол денгизи ва унга яқин жойлар хавф остида қолмоқда.

Кейинги чорак аср давомида денгиздаги сув ҳажми деярли уч баравар камайди. Орол сатҳи 13 метр пасайди. Қирғоқ қизиги 70—80 километр чекинди. Орол денгизи

балиқчилик ва транспорт аҳамиятини батамом йўқотди. Қирғоқ бўйи зонасининг ҳайвонотига қақшаткич зиён етказилди. Регион иқлимида сезиларли ўзгариш бўлди.

Қуриган денгиз тубида ҳосил бўлган туз ва кумдан иборат чўл атроф районларнинг деҳқончилиги ва чорвачилигига катта зиён етказмоқда. Балиқчи посёлкалар бўшаб қолмоқда, аҳоли туғилиб ўсган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда.

Аччиқ ҳақиқат мана шундай...

Буларнинг ҳаммаси Оролни ва Оролбўйини экологик ҳалокат райони деб ҳисоблашга асос бўлади.

Кейинги вақтларда ҳукумат Орол бўйидаги экологик, социал-иқтисодий шароитни яхшилаш учун бир қанча қарорлар қабул қилди. Шу билан бирга, Оролни кутқариш ҳамманинг вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда бир гектар пахта даласига бир йилда 15 минг куб метргача, бир гектар шолিপояга эса 45—50 минг куб метр сув сарфланмоқда. Бу миқдор илмий асосланган нормадан анча ортиқдир.

Олимлар Амударё ва Сирдарё этакларида деҳқончилик структураси рационализация қилинса, бир йилда 7 куб километр сув тежалишини ҳисоблаб чиқдилар.

Агар сув далаларда ҳам, шаҳарларда ҳам тежаб сарфланса, Оролга ҳар йили 25—30 куб километр сув бериб туриш мумкин бўлади. Бу Сибирь дарёсидан келтириш мумкин бўлган сувдан уч баравар кўпдир.

Т о п ш и р и қ. Текстга саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

83- §

СУҲБАТ

- Сиз спорт билан шуғулланасизми?
 - Ҳа, шуғулланаман.
 - Спортнинг қайси турлари билан шуғулланасиз?
 - Қишда чанғидан, ёзда велосипеддан фойдаланаман.
- Бўш вақтим кам бўлганлиги учун бассейнга ҳафтада икки марта бораман, чанғида учишга эса фақат якшанба кунлари бораман.
- Спорт билан кўпдан бери шуғулланасизми?
 - Ҳа, ёшлигимдан шуғулланаман.

ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

(Сложноподчиненное предложение с придаточным времени)

Придаточные предложения времени указывают на время совершения действия, названного в главном предложении: *У супага яқинлашгач, Йўлчи ўрнидан туриб салом берди. (О.)*— Когда он подошел к супе, Юлчи встал и поздоровался.

Придаточные предложения времени отвечают на вопросы *качон? качонгача? качондан бери?* Обычно придаточное времени стоит перед главным предложением.

Сказуемые в придаточных времени выражаются чаще всего следующими причастными и деепричастными формами, которые являются средствами связи:

а) формами на *-гунча* (*-кунча, -қунча*), *-гач* (*-кач, -қач*), *-б* (*-иб*), *-ар экан, -ган...*: *Азимжон чироқни ўчиргач, хаёли чувалана бошлади.*— После того как Азимджан погасил свет, его мысли стали путаться. *Дарс бошлангунча, бўр ва латтани тайёрлаб қўйиш керак.*— До того как начнутся занятия, надо приготовить мел и тряпку;

б) формами на *-ган*+слова: *вақтда, пайтда, замонда, ҳамон*: *Мен яшаган вақтда, бу шаҳар бундай чиройли эмас эди.*— В то время, когда я жил в этом городе, он не был таким красивым;

в) формами на *-масдан*+слова: *аввал, бурун, илгари, олдин*: *Студентлар практикага кетмасдан аввал, ўқитувчи керакли кўрсатмаларни берди.*— Перед отъездом студентов на практику, преподаватель дал им необходимые указания.

357- машқ. Бош ва эргаш гапларни аниқланг. Компонентларнинг узаро қандай боғланганлигини айтиб беринг.

1. Раис сўз бошлаганда, ҳамма унинг гапига кулок солиб ўтирган эди. 2. Худди ўриқлар гуллаган пайтда, далаларда сайр қилиш ёқимли бўлади. 3. Кечаси келсам, ухлаб қолган экансан. 4. Пахта очилганда, терим бошланади. 5. Ёмғир тингандан кейин, боғда булбуллар сайрай бошлади. 6. Қўнғироқ чалинмагунча, залга кирманглар. 7. Қўнғироқ чалингандан кейин, ҳаммамиз аудиторияга, кирдик.

358- машқ. Қуйидаги аффиксларни ишлатиб, пайт эргаш гапли қўшма гаплар тузинг.

-са, -гач, -иб, -ки, -ганда, -гандан сўнг, -гандан кейин, -масдан аввал, -масдан олдин.

359- машқ. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Когда я пришел, тебя не было дома. 2. Когда барабанщик вошёл в избу, Петя сел подальше от него (Л. Т.). 3. Как только все зрители сели по местам, начался концерт. 4. Когда поезд подошел к станции, на перроне было многолюдно. 5. Я много думал, когда ты мне сказал об этом.

360- машқ. Бешта пайт эргаш гапли қўшма гап тузинг.

ЮРИЙ ГАГАРИН

Эрталабки пайт. Ҳаво очиқ. Қатталар ишга, болалар эса мактабга кетишган.

Бирдан радио орқали муҳим бир хабар тарқалди: совет кишиси ҳаво кемаси — Ер йўлдошида космосга чиқди. У шунчалик баландликка кўтарилдики, бундай масофага ҳали дунёда ҳеч ким чиқмаган эди. Совет кишиси Ер атрофини айланиб учар ва хотиржамлик билан радио орқали: «Учиш яхши давом этмоқда, ўзимни тетик ҳис қиляпман», — деб хабар берар эди.

Бу дов юрак қаҳрамоннинг ўзи ким?

Унинг исми Юрий Алексеевич Гагарин. У колхозчининг ўғли. Юрий беш ёшида акаси билан бирга балиқ овлашга чиқар эди.

Кечкурунлари Юра отасининг дурадгорлик ишини томоша қилишни яхши кўрарди. Тез орада унинг ўзи ҳам кемачалар яшашни, варрак чўпи қилишни ўрганиб олди.

Юра мактабда яхши ўқир эди. Математикани севарди. Кўп ўқир эди. Дарсдан бўш вақтларида эса планер ва самолётлар ясар эди. Ўртоқлари ундан: «Юра, менга самолёт ясаб бер! Юра, планер учиришни ўргатиб қўй!» — деб илтимос қилишар эди.

Бир куни дарсда ўқитувчи болаларга: «Ҳар қайсингиз нимани хоҳласангиз, нимани орзу қилсангиз, ўша нарсанинг расмини чизинг», — деди. Юра самолётнинг расмини чизди. У учувчи бўлишни орзу қиларди. У самолётларда учиш ҳақидаги китобларни ўқир, ўзини чиниктирар, гимнастика билан шуғулланар эди.

Ниҳоят, у ўз орзусига етди: Юрий Гагарин учувчиликка ўқий бошлади.

Ажойиб учувчи Юрий Гагарин жаҳонда биринчи космонавт-учувчи бўлди. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Гагарин ерга кайтиб тушганда, уни барча совет кишилари, бутун Москва кутиб олди. У ҳукуматимиз ва партиямиз раҳбарлари билан бирга Мавзолей минбарига турди. Қизил майдон бўйлаб эса одамлар қаҳрамоннинг катта-катта портретларини кўтариб ўтиб борар эдилар.

Т о п ш и р и к. Текстга ўнга савол тузиб суҳбатлашинг.

84-§

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тинчлик деганда нимани тушунаси?
2. Совет халқи ва бутун дунёдаги прогрессив инсоният нима сабабдан тинчлик учун курашмоқда?
3. Чет эллардаги тинчликсевар халқларнинг ҳаракатлари ҳақида нима дея оласиз?
4. Бутун дунёда тинчлик ўрнатиш учун партиямиз ва давлатимиз қандай кураш олиб бормоқда?

САБАБ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

(Сложноподчиненное предложение с придаточным причины)

Придаточное причины указывает на причину того, о чем говорится в главном предложении. В главном предложении указывается на результат, обусловленный причиной, названной в придаточном предложении: *Баҳор келди, шунинг учун колхозчилар дала ишларини бошлаб юбордилар.* — Пришла весна, поэтому колхозники начали полевые работы.

Место главного предложения по отношению к придаточному зависит от способа связи между ними.

Придаточное предложение причины присоединяется к главному предложению следующими способами:

а) посредством подчинительного союза *чунки*. Главное предложение в этом случае стоит перед придаточным: *Мен китоб ўқишни яхши кўраман, чунки китобдан кўп фойдали ва қизиқарли нарсаларни ўрганиш мумкин.* — Я люблю читать книги, потому что в них много полезного и интересного;

б) при помощи подчинительного союза *шунинг учун*. Главное предложение при этом находится после придаточного: *Биз яхши тайёрландик, шунинг учун командамиз мусобақада биринчи ўринни олди.* — Мы хорошо готови-

лись, поэтому наша команда на соревновании заняла первое место;

в) при помощи грамматических форм на -гандан (-кандан, -қандан), -гач (-кач, -қач), -ганлиқдан, -гани учун, -ган(и) сабабли (туфайли, сабабдан, орқасида, натижасида), -гандан кейин (сўнг). Во всех этих случаях придаточное предложение находится перед главным: *Ўқитувчи яхши тушунтиргани учун, ўқувчилар янги темани яхши ўзлаштирдилар.* — Ученики хорошо усвоили новый материал, так как учитель хорошо объяснил его. *Қор кўп ёққанидан, кун совуқ эди.* — Было холодно, так как выпало много снега. *Сен келмагач, мажлисни вақтида бошлай олмадик.* — Мы не могли начать собрание вовремя, потому что ты не пришел.

361- машқ. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, улар узаро қандай боғланганлигини айтинг. Гапларни рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Қизлар нима гаплигини тушуна олмай ҳайрон эдилар, чунки Раҳимжон уларга ҳеч гап айтмаган эди.
2. Путёвка тайёр бўлгани учун, санаторийга жўнадик.
3. Ҳаво яхши бўлгани сабабли, сайрга отландик. 4. Зумрад ақлли киз бўлгани учун, ҳамма уни ҳурмат қилади.

362- машқ. Қуйидаги боғловчи воситалар иштирокида сабаб эргаш гапли қўшма гап тузиб ёзинг.

Чунки, шунинг учун, -гани учун, -ганидан.

363- машқ. Сабаб эргаш гапли қўшма гапга олтита мисол тузинг.

364- машқ. Бош ва эргаш гапни аниқланг, гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. В нашей группе нет отстающих студентов, так как все стараются. 2. Мы обедали в той столовой, которая находилась в глубине парка. 3. Из-за того что лето было жаркое и сухое, понадобилось поливать каждое дерево. 4. Так как все товарищи пришли без опоздания, собрание началось вовремя. 5. Мир победит войну, потому что все прогрессивное человечество борется за мир.

ТИНЧЛИК СЎЗИ — ИЛЬИЧ СЎЗИ

Пўлат Мўмин

Тинчлик сўзи

Бахтнинг ўзи.

Маъно тўла

Ильич сўзи.

Учрашганда

Дўстлар дарҳол:

— Тинчмисан? — деб

Сўрар аҳвол.

Бу инсоннинг

Инсонлиги,

Қардошликни

Тенг тутар у.

Юракларни
Кенг тутар у.
Кўнгилларга
Берар хузур,
Нондай, гулдай,
Нурдай зарур.
Ильич сўзи
Йўл кўрсатар,
Тинчлик ўзи
Гул кўрсатар.
Тинчлик бахтин
Саклаш учун
Ильич сўзин
Саклаш учун,

Ильич сўзин
Оклаш учун.
Эгаллашга
Хунар-фанни—
Яшнатишга
Кенг Ватанни,—
Ўқиш, ишга
Киришганмиз.
Максадларга
Эришганмиз.
Тинчлик сўзи,
Ильич сўзи
Энг муқаддас
Бахтнинг ўзи.

Т о п ш и р и к. «Тинчлик сўзи — Ильич сўзи» шеърини
ифодали ўқинг.

85- §

С У Х Б А Т

- Кечирасиз, нон юмшокми?
- Ха, юмшок. Хозиргина олиб келишди.
- Менга учта булочка беринг. Мана бу конфет канча туради?
- Бир сўм эллик тўрт тийин.
- Уч юз грамм конфет, битта торт ва бир банка кофе беринг. Буларнинг ҳаммаси неча пул бўлади?
- Беш сўм тўксон тийин.
- Марҳамат.
- Кечирасиз, пишлоқни кайси бўлимдан олса бўлади?
- Сут маҳсулотлари бўлимидан.
- Раҳмат.

ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

(Сложноподчиненное предложение с придаточным
условным)

Придаточное условное выражает условие совершения действия, названного в главном предложении, а главное предложение выражает следствие, вытекающее из этого условия: *Агар эртага ҳаво очиқ бўлса, биз экскурсияга*

борамиз.— Если завтра будет хорошая погода, мы поедем на экскурсию.

Условное придаточное обычно находится перед главным предложением. Союз *агар (агарда)*, находящийся в начале придаточного предложения, усиливает значение условия. Он может быть и опущен. На русский язык предложения в обоих случаях переводятся одинаково: *Сессия бошланса, имтихон топира бошлаймиз.*— Если начнется сессия, начнем сдавать экзамены.

Различаются придаточные предложения с реальным и нереальным условием.

1. Придаточное предложение с реальным условием указывает на условие, осуществление которого является вполне возможным. Сказуемое такого придаточного предложения выражается глаголом настоящего-будущего времени условного наклонения: *Бола йиғламаса, она сут бермайди.*— Если ребенок не заплачет, мать его не покормит. *Интизом бўлса, муваффақият ҳам бўлади.*— Если будет дисциплина, будет и успех.

2. Придаточное предложение с нереальным условием указывает на условие, которое не осуществилось и не может быть осуществлено. Сказуемое придаточного предложения выражается грамматическими формами на *-ганда, -ганда эди, -са эди*: *Қўлингдан бу иш келмаганда, нима қилар эдинг?*— Что бы ты сделал, если бы ты не смог выполнить эту работу? *Вали келса, шахмат ўйнар эдик.*— Если бы пришел Вали, играли бы в шахматы. *Ўртада келишмовчилик бўлмаганда, бу масала ўз вақтида ҳал бўлар эди.*— Если бы не было разногласий, то этот вопрос был бы решен своевременно.

365- машк. Бош ва шарт эргаш гапларни аниқланг, уларни рус тилига таржима қилинг.

1. Батальонимда Шокировга ўхшаганлардан яна беш-олтита бўлса, катта йўлга чиқиб олардик. (В. Г.) 2. Сиз айтганингиздек қилсам, ҳеч нарса ўзгармайди. (П. Т.) 3. Имтихонларни яхши ва аъло баҳоларга топширсам эди, онам хурсанд бўлар эдилар. 4. Агар техникага суяймаганимизда, ишимиз ҳали тугамасди. 5. Агар астойдил ишламоқчи бўлсангиз, сизга мен ёрдам бераман. 6. Вақтим бўлганда эди, сиз билан бирга борар эдим.

366- машк. Ўзбек тилига таржима қилинг ва шарт эргаш гапларни аниқланг.

1. Если не будет дисциплины, то не будет и успеха. 2. Если бы ты вчера пришел к нам, то мы с тобой поехали бы вместе за город. 3. Иногда, если книга интересовала меня или надо было прочитать ее скорее, я вставал ночью, зажигал свечу и читал. (М. Г.) 4. Ты узнаешь много интересного, если прочитаешь эту книгу. 5. Если я пораньше закончу работу, то мы приедем к тебе. 6. Если каждый человек посадит хотя бы одно дерево, то вырастет целый лес.

367- машк. 5 та шарт эргаш гапли кўшма гап тузинг ёки уларни бадий асардан топинг.

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОВ

Йўлдош Охунбобов 1885 йил 13 январда Фарғона областининг Жойбозор кишлоғида туғилади. 1916 йилги Марғилон халқ кўзғолонида иштирок этади. Октябрь социалистик революциясидан сўнг, Жойбозор камбағаллар группаси ташкилотчиси, кишлоқ Совети раиси бўлиб ишлайди. Унинг ташаббуси билан Фарғона водийсининг бир қанча кишлоқларида босмачиларга қарши курашувчи кўнгилли отрядлар тузилади. Йўлдош Охунбобов 1919 йил 12 февралда Марғилон уездида тузилган Қўшчи союзи раиси этиб тайинланади.

Ўзбекистон КП I съездида (1925) Ўзбекистон КП МК бюро аъзоси эди. 1925 йил 13 февралда Бухорода бўлиб ўтган ЎзССР Советларининг биринчи таъсис курултойида ЎзССР МИК раислигига сайланади. Шунингдек, Бутуниттифок Советларининг III съездида МИК аъзолигига, сўнгра СССР МИК Президиуми аъзолигига сайланади. 1926—27 йилларда ЎзССРда ер-сув ислохотини ўтказиш Марказий Комиссиясининг раиси сифатида жуда катта иш олиб боради. 1938 йилдан СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўринбосари ҳамда ЎзССР Олий Совети Президиуми Раиси бўлиб ишлайди. 1941 йил қишда, немис-фашистлари Москвага хавф туғдирган бир вақтда, Йўлдош Охунбобов Ўзбекистон меҳнаткашлари делегациясига бош бўлиб, Ғарбий фронтга боради, ўзбек жангчиларини совет мамлакатининг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун мардонавор жанг қилишга, жасорат кўрсатишга илҳомлантиради.

Йўлдош Охунбобовнинг қатор мақола ва нутқлари колхозчи-деҳқонларнинг сув учун, янги ерларни ўзлаштириш учун, СССРда пахтачиликни ривожлантириш учун

олиб борган курашига бағишланган. Йўлдош Охунбобоев кўп ордон ва медаллар билан мукофотланган.

1943 йил 23 февралда Тошкентда вафот этган.

Т о п ш и р и к. Текстни ўқинг. Саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

86- §

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз яшаётган шаҳарда қандай театрлар бор?
2. Сиз қайси спектакллари кўргансиз?
3. Қайси образлар сизга кўпроқ ёқади? Бу ролларни қайси актёрлар ижро этадилар?
4. Тошкент театрларида қўйиладиган қайси спектаклларни кўришни истайсиз?

ТЎСИҚИЗ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

(Сложноподчиненное предложение с придаточным уступительным)

Уступительные придаточные предложения выражают действие, вопреки которому совершается действие, названное в главном предложении. Сказуемое уступительного придаточного предложения выражается глагольными формами на *-са ҳам, -ганда ҳам, -са-да*. Например: *План тўлган бўлса-да, биз ишни давом эттиравердик.*— Хотя план был и выполнен, но мы продолжали работу.

Для усиления противительного значения в составе главного предложения употребляются противительные союзы *лекин, аммо, бироқ*, а в составе придаточного предложения употребляются союзы *гарчи, гарчанд*. В переводе на русский язык эти оттенки не передаются. Главное предложение в основном находится после придаточного, реже (в стихотворениях) перед придаточным предложением: *(Гарчи қуёш ботган бўлса ҳам, (лекин) ҳали ёруғ эди.*— Хотя солнце село, но было светло. *(Гарчанд) музокара узоқ давом этган бўлса-да, (лекин) маълум хулосага кела олмадик.* Хотя обсуждение продолжалось долго, но мы не смогли придти к определенному выводу.

368- машк. Қуйидаги гапларни ўқинг, бош гапи ва тўсиқсиз эргаш гапи аниқланг ва компонентлар қандай воситалар билан боғланганлигини айтиб беринг, кейин гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Уруш аллақачон тамом бўлган бўлса ҳам, негадир Катядан дарак йўқ эди. (*Вали Фафуров*).
2. Тингловчи-

лар қанча савол берсалар ҳам, лектор уларга батафсил жавоб қайтарди. 3. Қор ёққан бўлса-да, кун унча совук эмас эди. 4. Валига қанча тушунтирсам ҳам, у тушунишни хоҳламади. 5. Мен ҳар қанча кутсам ҳам, саволим жавобсиз қолди. 6. Розиянинг кўнгли ҳар қанча йиғласа ҳам, кўзларга ёш келмасди. (У. У.) 7. Гарчи кеча вақтим бўлганда ҳам, сиз билан бирга бора олмас эдим.

369- машқ Қуйидаги гапларни ўзбек тилига оғзаки таржима қилинг, бош гап ва тўсиксиз эргаш гапларни аниқланг.

1. Хотя было холодно, я не замерз. 2. Бригадир был недоволен качеством нашей работы, хотя мы старались изо всех сил. 3. Несмотря на то, что наступила темнота, мы продолжали идти вперед. 4. Даже если будет дождь, поездка в колхоз состоится. 5. Как ни убеждали его, он ни с кем не согласился.

370- машқ. Қуйидаги афоризмларни ўқинг ва ёдланг.

А Ф О Р И З М Л А Р

Айтиш осон, қилиш қийин.— Сказать легко, сделать трудно.

Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлиши керак. — Если говорящий дурак, слушающий должен быть мудрым.

Ҳар ким экканини ўрар.— Каждый пожнет то, что посеял.

Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.— Не жди на горький вопрос сладкого ответа.

Гапнинг қисқаси яхши.— Кратая речь — хорошая.

Гул тикансиз бўлмас.— Нет розы без шипов.

87- §

С У Х Б А Т

— Кейинги пайтларда мен ўзимни ёмон ҳис қиляпман: бошим тез-тез оғриб туради, тез чарчаб қоламан.

— Сиз эрталаб жисмоний тарбия билан шуғуллана-сизми?

— Йўқ. Бир неча марта жисмоний тарбия машқлари қилишга ҳаракат қилдим. Аммо кейин ташлаб юбордим.

— Бекор қилибсиз. Эрталабки машқлар жуда фойда-

ли. У инсоннинг асаб системасини мустахкамлайди. Мен бир неча йилдан бери жисмоний тарбия билан шуғулланаман, ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

— Сиз радио орқали берилаётган машқларни бажарасизми?

— Йўқ. Мен мураккаброк машқларни бажараман. Аммо сиз оддий гимнастика машқларидан бошлашингиз керак.

— Хўп, энди албатта, мен ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланаман.

НАТИЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

(Сложноподчиненное предложение с придаточным следствия)

Придаточное предложение следствия указывает на следствие, вытекающее из содержания главного предложения. Придаточное следствия связывается с главным предложением при помощи подчинительного союза *-ки*, который прибавляется к сказуемому главного предложения. Придаточное следствия стоит после главного предложения: *Ўқитувчи темани шундай тушунтирдикки, ҳамма диққат билан тинглаб ўтирди.* — Преподаватель так объяснял тему, что все слушали внимательно.

В составе главного предложения имеются слова *шундай, шунақанги, шунча, шу қадар, шунчалик, чунон.*

В составе придаточного предложения следствия обычно употребляются слова *натижада* и *оқибатда*. Нередко они могут опускаться, но легко восстанавливаются по содержанию придаточного предложения: *Колхознинг ғўзалари чунон бўлдики, натижада пункт пахтага тўлиб кетди.* — Колхозный урожай был настолько обильным, что пункт был переполнен хлопком. *Самандар шундай гапирдики, унинг сўзлари тингловчиларга маъқул тушди.* — Самандар говорил так, что его слова понравились слушателям.

371- машқ. Бош гап ва натижа эргаш гапларни топинг, уларни рус тилига огзаки таржима қилинг.

1. Шокиров шунча тез ишлар эдики, у қазийётган окоп бирпасда анча чуқурлашди. (*Вали Ғафуров.*) 2. Сиз шундай тушунтирингки, натижада саволга ўрин колмасин. 3. Улар шундай қаҳрамонлик кўрсатдиларки, ҳамма қойил қолди. 4. Ёмғир шу қадар кучли ёғдики, ариқлар сувга тўлиб кетди. 5. Сен ўзинг ҳақингда шундай гапириб бергинки, у сенинг кимлигингни билиб олсин.

372- машк. Гапларни ўқинг. Эргаш гапларнинг турини аниқланг. Бош ва эргаш гап узаро қандай воситалар билан боғланганини айтиб бериш.

1. Бўрини ҳар қанча боксанг ҳам, у ўрмонга қараб увлайди. 2. Командамиз мавсумга шундай тайёрландики, натижада кучли рақибни енгиш мумкин бўлиб қолди. 3. Агар киши жамоат ишларида актив қатнашса, ҳамма уни ҳурмат қилади. 4. Яна икки кун вақт бўлса эди, ишимизни бажариб олар эдик. 5. У жуда ҳаяжонланганидан, ранги оқариб кетди. 6. Қўрик ва бўз ерлар ўзлаштирила бошлангандан бери, янги-янги қишлоқлар пайдо бўла бошлади.

373- машк. Бешта натижа эргаш гапли қўшма гап тузинг ва уларни рус тилига тажрима қилинг.

ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВ

Собир Раҳимов 1902 йилнинг феврилида Тошкент шаҳрида туғилган.

Собиржон 1922 йилнинг ёз ойида Қизил Армия сафига кўнгилли бўлиб ёзилди, сўнгра Боқудаги ҳарбий мактабда ўқиди. У ўқиш даврида уста чавандоз ва моҳир қиличбоз бўлиб етишди.

Собир Раҳимов 1925 йилда ҳарбий мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач, Самарқанддаги ўзбек отлик дивизияси ихтиёрига келди. У бу ерда взвод командири бўлиб хизмат қилди.

Собир Раҳимов ўзининг бутун куч ва қобилиятини Совет давлатининг душманларига қарши курашга бағишлади. У 1925 йилнинг кузида Тожикистон тоғларида ўрнашиб олган Берди додхо бошлиқ босқинчиларга қарши курашди.

1936 йилда Собир Раҳимовга капитан унвони берилди. Шу йили СССР Ижроия Комитети Собир Раҳимовни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлади.

1941 йилда Собир Раҳимов Смоленск шаҳрида мотлаштирилган полк командирининг ўринбосари эди. У хизмат қилган шу йилнинг июль ойида Ельня шаҳри атрофида, 1942 йилнинг ёз ойларида Дон атрофида душманга қарши қаттиқ жанг олиб борди. Шу кунларнинг бирида Москвадан келган вакил дивизия командири, полковник Собир Раҳимовга Суворов орденини ва М. И. Калининнинг шахсий мактубини топширди.

1943 йилнинг март ойида СССР Олий Совети

Президиумининг Фармонига мувофиқ саркарда Собир Раҳимовга генерал-майор унвони берилди.

1945 йилнинг 26 март куни Гданьск шаҳри учун жанг кетаётган вақтда Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, ўзбек халқининг дов юрак ўғли Собир Раҳимов қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимовнинг жанговар ҳаёти совет ватаниарварлигининг ажойиб намунасидир.

Т о п ш и р и қ. Текстни ўқинг, саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг. Сўнгра текст мазмунини сўзлаб беринг.

88- §

СУҲБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз ўқиётган институтда ошхона борми?
2. Ошхона соат нечадан нечагача ишлайди?
3. Ошхонада қандай таомлар тайёрланади?

БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАП

(Бессоюзные сложные предложения)

Простые предложения, соединенные в сложные без помощи союзов, называются бессоюзными сложными предложениями. Например: *Ёмғир тинган, осмон тиниқ, майин шабада ғир-ғир эсарди. (Р. Б.)* — Дождь перестал, небо ясное, веет приятный ветерок.

Простые предложения в составе сложного выражают разные отношения.

1. Они могут указывать на одновременные действия: *Далаларга, аллақачон оқшом чўккан, осмонда юлдузлар милтиллайди. (М.)* — На поля давно опустились сумерки, на небе мерцают звезды.

2. Последнее простое предложение может пояснять содержание первого: *Тонг яқинлашиб қолди: онда-сонда хўрозларнинг қичқириғи эшитила бошлади. (С. З.)* — Близился рассвет, кое-где слышалось пение петуха.

3. Содержание простых предложений сравнивается между собой: *Сув келди — нур келди.* — Пришла вода — пришла светлая, хорошая жизнь.

Отношения между простыми предложениями в составе

бессоюзного сложного выражаются в устной речи интонацией, на письме — знаками препинания.

374- машк. Ўқинг, рус тилига таржима қилинг, боғловчисиз қўшма гапларни қўчириб ёзинг.

1. Қишлоқлар бир-бирига ўхшамайди, ҳаммасининг ўзига хос қиёфаси бор. (Ў. У.) 2. Саодатхон дарчани очиб юборди, уйга совук куз ҳавоси кирди. 3. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилди ва меҳнатқашлар озодликка чиқди. 4. Самолёт юқори кўтарилди ва аэропорт узокда қолди.

375- машк. Гапларни ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг. Содда гапларнинг ўзаро муносабатини айтиб беринг.

1. Ветер дует, гром грохочет. 2. Рассеялся туман, стало светло. 3. Прозвенел звонок, студенты вошли в аудиторию. 4. Он спросил — я ответил. 5. Люди борются за мир — мир будет сохранен.

376- машк. Боғловчисиз қўшма гапга бешта гап тузинг ёки шундай бешта гапни бадий адабиётдан топиб ёзинг.

УЙҒУР

Ўзбек совет театри арбоби Маннон Уйғур 1894 йил 11 октябрда Тошкентда туғилди.

Саҳна фаолиятини 1916 йилда ҳаваскор актёр сифатида «Турон» труппасида бошлайди.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг ташкилотчиси бўлиб, умрининг охиригача шу театрда ижод қилади.

1924—27 йилларда Москва Ўзбек драма студиясида ўқиб, К. Станиславскийнинг илғор саҳна методи, Е. Вахтангов режиссураси билан амалий ва назарий танишади.

У ўзбек совет театри ривожига постановкачи-режиссёр сифатида катта ҳисса қўшди. Юздан ортик саҳна асарини саҳналаштирди.

Ўзбек совет театрининг дастлабки, ташкилий даврида Ҳамзанинг Уйғур томонидан саҳналаштирилган «Бой ила хизматчи» (1919, 1920), «Заҳарли ҳаёт», «Ишчи», «Тухматчилар жазоси» (1920) ва бошқа асарлари муҳим ғоявий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Уйғур саҳналаштирган «Ҳалима», «Аршин мол олон», «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин» асарлари ўзбек совет театрида музикали драма жанрининг ривожини учун замин бўлди. У «Ревизор», «Отелло», «Ҳамлет» драмаларини саҳналаштириш билан режиссёрлик санъатини мукаммал эгаллади ва совет санъати тарихида сўнмас из қолдирди.

У сахналаштирган «Алишер Навоий» 1947 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган. Маннон Уйғур Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Хурмат Белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланган.

Ўзбек совет театри арбоби, таржимон, драматург, педагог Маннон Уйғур 1955 йил 15 октябрда Тошкентда вафот этган.

89- §

СУХБАТ

- Сиз қайси институтда ўқийсиз?
- Мен педагогика институтида ўқийман. Институтни битириб, ўқитувчи бўлмоқчиман.
- Қайси фандан дарс берасиз?
- Рус тилидан дарс бераман.
- Ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабда ишлайсизми ёки ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган мактабда ишлайсизми?
- Мен ҳар иккала мактабда ҳам ишлашим мумкин.
- Сиз ўқитувчилик касбини севасизми?
- Албатта, жуда севаман. Чунки ўз ишим билан ёш авлодга таълим-тарбия бериб, уларнинг жамиятимизнинг актив аъзолари бўлиб етишишларига хисса қўшаман. Бу менинг учун бахт. Сиз ўқитувчилик касби нима учун фахрли касб дейишишини биласизми?
- Ҳа, биламан. Бу ҳақда кўп ўқиганман. Шунинг учун мен ҳам ўқитувчилик касбини яхши кўраман.
- Ўқишингизга ва орзуингизнинг амалга ошишига катта муваффақият тилайман.
- Раҳмат.

КУЧИРМА ГАП

(Прямая речь)

Чужая речь может передаваться различными способами. В зависимости от способов передачи различаются прямая речь и косвенная.

Прямой речью называется чужая речь, передаваемая от имени говорящего без каких-либо изменений, т. е. со всеми особенностями ее содержания и формы.

Прямая речь обычно сопровождается авторскими словами, которые указывают на то, кому она принадлежит: *«Биз катта муваффақиятларга эришдик»*, — деди колхоз раиси. — *«Мы добились больших успехов»*, — сказал председатель колхоза.

Сказуемое авторской речи обычно выражается следующими глаголами: *деди, айтди* — сказал, *гапирди, сўзлади* — говорил, *мурожаат қилди* — обратился.

Авторская речь может занимать различное положение по отношению к прямой речи:

1) может предшествовать прямой речи. При этом сказуемое в авторской речи выражается глаголами *айтди, сўради, жавоб берди, гапирди, деди* и в предложении соблюдается прямой порядок слов: состав подлежащего — состав сказуемого: *Унинг отаси деди: «Мен ҳеч кимга ёмонлик истамайман».* — Его отец сказал: «Я никому не желаю плохого»;

2) может следовать за прямой речью. При этом в авторской речи состав сказуемого предшествует составу подлежащего: *«Биз мусобақада голиб чиқишимиз керак»,— деди Мурод.*—«Мы должны победить в соревновании»,— сказал Мурад;

3) может включаться в прямую речь. При этом в авторской речи состав сказуемого предшествует составу подлежащего: *«Биз,— деди Музаффар,— ўз сўзимиздан қайтмаймиз».*— «Мы,— сказал Музаффар,— не откажемся от своих слов»;

4) может включать в себя прямую речь: *Вазира ўйлаб туриб: «Имтиҳонларга жуда яхшилаб тайёрланиш керак экан»,— деди.*— Вазира, подумав, сказала: «К экзаменам необходимо готовиться как следует».

377- машқ. Ўқинг, рус тилига таржима қилинг, кўчирма гапларни аниқлаб

1. «Ўзингиз ким бўласиз?» — деди Алексей. (Б. П.) 2. Кампир кетиш учун эшикка томон бораркан, Алексей: «Раҳмат, бувижон»,— деди. (Б. П.) 3. «Яхши қилишибди!» — деб кулиб қўйди Коля. (Х. Н.) 4. «Хат!» — деб чувиллашди бедапояга югурган болалар. (Х. Н.) 5. «Манманлик, ёлгончилик, қўрслик қилсанг, сени ҳеч ким ёқтирмайди»,— деди Вали ака Собирга.

378- машқ. Қуйидаги гапларга машининг охирида берилган автор гапларидан мосини қўшиб, тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Звеномиз аъзолари мусобакаларда биринчи ўринни олдилар... 2. Бизга чой келтириб берсангиз... 3. Тўғри, бизнинг звено бу йил планни ортиғи билан бажаришни мўлжаллаган... 4.— Шерали,... отларнинг пойгага тайёрми? — Тайёр, олиб чиксам бўлади...

Кўйиш учун гаплар: деб илтимос қилди Меҳ-ри опа, деб дадил жавоб берди Шерали, деди Лола, деди Қўчқор кулиб, деди Туроббой райком секретарига.

90- §

СУХБАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиз синоптикларнинг об-ҳаво ҳақидаги маълумотла-рини тинглаб турасизми?

2. Эртага республикамизда об-ҳаво қандай бўлар экан?

3. Тошкентда-чи?

4. Республикамизнинг бошқа областларида об-ҳаво қандай бўлар экан?

5. Ўз шахрингизнинг об-ҳавоси ҳақида суҳбатлашинг.

ЎЗЛАШТИРМА ГАП

(Косвенная речь)

Косвенной речью называется чужая речь, передаваемая автором от своего лица.

В косвенной речи применяются глаголы *айтди, гапирди*. Например: *Раис ишда кишининг ўзига нисбатан ҳам талабчанлик кераклигини айтди*. — Председатель сказал, что к работе и к себе необходимо относиться требовательно.

Косвенную речь можно передать прямой. Это можно сделать по-разному в зависимости от места авторских слов. Например:

Раис: Ишда киши ўзига нисбатан ҳам талабчан бўлиши керак — деди. Или: Раис деди: — Ишда киши ўзига нисбатан ҳам талабчан бўлиши керак. Или: «Ишда кишининг ўзига нисбатан ҳам талабчанлик бўлиши керак», — деди раис.

Прямая речь	Косвенная речь
Декан: «Ўзбек тили тўғарагини ташкил қилиш керак», — деди. «Баъзи кишилар, — деди нотик, — ўз камчиликларини бўйни-ларига олмайдилар».	Декан ўзбек тили тўғарагини ташкил қилиш кераклигини айтди. Нотик баъзи кишиларнинг ўз камчиликларини бўйниларига ол-масликларини айтди.

А

абдий вечный; вечно
аввал раньше
авлод поколение
адабиётшунос литературовед
адиб писатель
адир холм, горный склон
адо этмоқ выполнять, испол-
 нять; заканчивать
аёл женщина
аждаҳо / аждар/ дракон
ажойиб удивительный, чудес-
 ный, замечательный
ажратмоқ отделить, выделить
азиз дорогой, милый, любимый
айиқ медведь
айланмоқ превращаться; разви-
 вать; вертеться, кружиться
айни замонда в тоже /самое/
 время, одновременно
айникса особенно; преимущест-
 венно
айтиб бермоқ рассказать
айтмоқ сказать, говорить
акс отражение, отображение;
 обратный, противоположный
аксарият подавляющее
 большинство, большинство
акс этмоқ отражаться, отобра-
 жаться
аланга пламя
албатта обязательно, непре-
 менно
алдамоқ обманывать, вводить
 в заблуждение
алла колыбельная (песня)
алоқа связь, общение, отноше-
 ние; иметь связь
алоҳида отдельный; особый,
 особенный
алғов-далғов суматоха, беспор-
 рядок
амал должность

амалдор должностное лицо; чи-
 новник
амалга ошмоқ осуществляться,
 претворять в жизнь
амалиёт практика, деятельность;
 действие
амир эмир
аммо но, а, однако; хотя; впро-
 чем
аниқ точный; точно
аникламоқ уточнить, выяснить;
 определить
англамоқ понимать, сознавать;
 смекать
анжир инжир
анор гранат
анча много
анъана традиция; высокий;
...га мувофиқ, ...га кўра со-
 гласно традиции
ари оса
ариза заявление, прошение
асалари пчела
асар произведение; труд
аскар воин, солдат
аскарий войсковой
асло вовсе, совсем, совершенно
асос основа, основание; база,
 фундамент
асосан в основном, в основе;
 главным образом
асосий основной, главный; прин-
 ципальный
асосчи основатель, основополож-
 ник
аср век, столетие, эпоха
асрлик вековой
атоқли известный
атроф сторона, окружность, ок-
 рестность, окрестности
атрофида вокруг; около, при-
 близительно
ахир наконец, в конце концов
ахлоқ поведение; нравствен-

пость, этика, мораль
аччик горький; горько; горечь
ашаддий ярый, злейший, лютый
ашула песня
ашула айтмоқ петь песню
аъзо член
аямоқ жалеть
акл ум, разум, рассудок
ағдармоқ преворачивать; опро-
кидывать
ағдариб ташламоқ свергнуть
ахамият важность, значение
ахволи танг тяжелое положение
аҳоли население

Б

бадавлат богатый, зажиточный,
состоятельный
бадарга ссылка
бадий художественный
баён қилмоқ излагать, повество-
вать
бажармоқ исполнять, выполнять
балли может быть; возможно
балли молодец, bravo
бамисоли как; всё равно как;
вроде как
банд бўлмоқ быть занятым
баравар ровный, одинаковый;
ровно, одинаково
барвакт рано, пораньше; ранний
барг лист, листья
барг ёзмоқ распускать, раскрыть
листочки
бардош терпение, выдержка;
выносливость, стойкость
барпо этмоқ строить, воздви-
гать
барча вещь, вся, всё; все
барқ урмоқ блистать, бурно
развиваться
басталамоқ перекладывать (сло-
ва) на музыку, сочинять мо-
тив
бахт счастье
бахтиёр счастливый; счастли-
вец, счастливо
бахт-саодат счастье и блажен-
ство
бахт яратмоқ создать счастье
башара лицо; облик
баъзан иногда, иной раз
баъзи некоторый
бағишламоқ посвящать, пред-
назначать; дарить

бахайбат огромный, громадный
баҳо оценка, стоимость; перен.
оценка, отзыв
бахраманд пользующийся
(чем-л.); получающий удо-
вольствие
бевафолик изменчивость
бевакт безвременный, прежде-
временный; безвременно
бедана перепел, перепёлка
безак украшение
безамоқ украшать, наряжать
безгак лихорадка
безовта беспокойный
безраймоқ смотреть тупо
бекат остановка
бекинмоқ спрятаться
бекор не имеющий дело; не-
занятый, свободный
бекорга зря, попусту, напрасно
белги знак
белкурак лопата
бемор больной
беор не имеющий чувства соб-
ственного достоинства
бетартиб беспорядочный, нахо-
дящийся в беспорядочном сос-
тоянии
бефарзанд бездетный
бизнингча по-нашему
билганича как знает
билдирмоқ сообщать,
известить, доводить до
сведения
билим асослари основы зна-
ния
билимдон знающий, сведущий,
имеющий глубокие познания
билимли образованный,
знающий, обладающий
знаниями
билинмоқ становиться
известным, выясняться
бинафша фиалка
биноан согласно, в соответ-
ствии с, на основании
бир-бирига друг другу
бир-бир чакирмоқ — звать
по очереди, звать по одно-
му
бирга вместе, совместно
биргаликда совместно, сообща
бирга турмоқ жить вместе
бирдамлик единодушие, соли-
дарность, единство

бирдан вдруг, внезапно
 Бирлашган Миллатлар Ташки-
 лоти Организация Объеди-
 нённых Наций
 бирлашмоқ соединяться, объ-
 единяться
 бир лукма немного, незначи-
 тельно; мало
 бир нафас в миг, мгновенно
 биров кто-то
 бир оёклаб на одной ноге
 бир оз немного
 бирон нарса что-то
 бирор некий, какой-то, какой-
 нибудь
 бир оғиз ширин суз пара хоро-
 ших слов; доброе слово
 бирпас один миг, одно мгнове-
 ние; на минуту
 бир четга в сторону
 бир қанча несколько
 бир қисм одна часть
 бодринг огурец
 бойиб кетмоқ разбогатеть,
 стать богатым
 бойнмоқ богатеть
 бойлик богатство
 бол мёд
 болалар детство
 бола очмоқ выводить (выси-
 живать) птенцов
 бор есть, имеется
 бориб келмоқ съездить, сходить
 бориб қўрмоқ навестить по-
 смотреть
 борлик наличие, существование
 (чеге-л.)
 бормоқ идти, пойти; ехать
 босилиб чиқмоқ быть изданным
 босилмоқ печататься, издавать-
 ся
 босмачи басмач; бандит, раз-
 бойник
 бошланмоқ начинаться
 бошланғич начальный
 бошлиқ глава, начальник, ру-
 ководитель
 бош олиб чиқиб кетмоқ уйти,
 уехать навсегда
 бошпана убежище, кров, жи-
 лище, дом
 бош таржимон главный пере-
 водчик
 бошкармоқ управлять, руково-
 дить

бошқача другой
 боқмоқ смотреть, глядеть
 бош қўшмоқ принимать участие
 богбон — садовник
 боғламоқ связывать, привязы-
 вать
 буви бабушка
 бузилмоқ разрушать; разламы-
 ваться
 бузмоқ разрушать; разломать
 букмоқ гнуть, сгибать
 булбул соловей
 бунёд этмоқ создавать
 бунёдга келмоқ создаваться
 бунёдкорлик созидатель, сози-
 дательство
 бурун прежде, раньше
 бурч долг, обязанность
 бурчак угол
 бутун целый
 бутунлай целиком, полностью
 бутуниттифоқ всесоюзный
 буюклик величие, огромность
 буюриб қўймоқ поручить
 буюрмоқ приказывать, предпи-
 сывать, велеть
 буғдой пшеница
 бузчи ткач
 буй рост
 буйлаб по
 бўлажак будущий
 бўлиб етишмоқ стать (кем-то)
 бўлим отделение, отдел, филиал
 бўлим бошлиғи руководитель
 отдела
 бўлинмоқ делиться, разделиться
 бўлмоқ быть; делить
 бусаға порог, подступ
 бустон цветущий сад
 буш пустой; непрочный
 бушамоқ освободиться

В

вазифа задача
 вазн вес
 вайрона развалины, руины
 вайронага айланмоқ превра-
 щаться в развалины
 вайрон бўлмоқ разрушаться
 вакил представитель, уполномо-
 ченный
 васият завешание
 васият қилмоқ завешать

ватандош соотечественник
 ватанпарвар патриот
 вафо верность, преданность
 вафодор верный, преданный
 (другу, любимому)
 вафодорлик верность, предан-
 ность
 вафот этмок умереть, сконча-
 ться
 вафо килмок держать слово,
 выполнять обещание
 вақт время, пора, период
 вақтида вовремя
 ваҳима паника, боязнь, страх
 ваҳимали страшный
 ваҳший дикий, свирепый
 виждон совесть, честь
 вилоят область, провинция
 водий долина
 воз кечмок отказать
 вояга етмок вырасти
 воқеа событие; происшествие,
 случай

Г

гавда туловище, тело
 гавжум людный, многолюдный
 гадо нищий
 газлама мануфактура; ткань,
 материя
 гаплашиб олмок поговорить
 гаплашмок разговаривать, гово-
 рить, беседовать
 гилам ковер
 гилос черешня
 гирифтор килмок втягивать,
 ввергать (кого-л. во
 что-л.)
 гоҳ иногда, по временам
 гувоҳ свидетель; очевидец
 гузар ряд ремесленников;
 махаллинский центр
 гулбоғ цветник; сад с цветами
 гулхан костёр
 гумбур-гумбур звукоподражание
 шуму, треску, грохоту
 гумбурламок греметь
 гумбаз купол, свод
 гуноҳ грех
 гуноҳеиз безгрешный; невинов-
 ный, безвинный
 гулдаста букет цветов
 гумон подозрение; сомнение

гӯдак младенец, грудной ребенок
 гӯзал красивый, изящный,
 прелестный
 гӯшт мясо

Д

дабдаба билан торжественно
 давлат государство, держава
 давлат тили государственный
 язык
 даволаниш леченье
 лаволамок лечить
 давом продолжение
 давр эпоха, эра, век
 дадил довод, аргумент, дока-
 зательство
 дадиллик смелость, храбрость,
 мужество
 дала поле; полевой
 дара ущелье, горный проход
 дарвиш деревниш; отшельник
 дард болезнь, недуг
 дарров немедленно
 дастлабки сначала; первичный
 дафн этмок хоронить, погребать
 дакика минута, момент, пора
 дағал грубый
 даҳшат страх, ужас; ужасный
 девор стена, забор
 деворий газета стенная газета
 девор остида под стенами
 деҳқончилик земледелие; занятие
 земледелием
 диёр страна
 диқ этиб быстро, сразу, мгно-
 венно
 дил сердце
 дин религия
 диний религиозный
 диққат внимание
 диққат билан внимательно
 дов рослый, большой
 доврӯғ слава, известность
 доимо всегда
 донг слава, известность
 донг таратмок прославиться
 доно мудрый
 дори лекарство, медикамент
 дорилфунун университет, выс-
 шее учебное заведение
 дугона подруга
 дук-дук тук-тук (биение сердца)
 звукоподражание

дунё мир, вселенная
 дунёкараш мировоззрение,
 взгляд
 дурдона крупная жемчужина
 дуруст неплохо, неплохой
 дўкон ларёк
 думбира домбра, музыкальный
 инструмент
 дўстлашмоқ подружиться
 дўк окрик, угроза, замучивание

Е

ел ветер
 елка плечо; плечевой
 емирилмас неразрушимый,
 прочный, стойкий
 емоқ кушать, есть
 енгил легкий
 енгилмоқ быть побежденным
 енгмоқ победить
 ер земля
 ерда қолмас не останется зря,
 зря не пропадет
 ер ости подземный, подземелье
 ер юзи поверхность земли
 етакчи ведущий
 етарли достаточно, хватит
 етиб келмоқ успеть, придти
 етказиб бермоқ доставлять
 етказмоқ доставить
 етиштирмоқ выращивать
 етук зрелый
 етим сирота
 етим қолмоқ стать сиротой
 ечмоқ решать (задачу)

Ё

ё или, или же, либо
 ёв враг, недруг, противник, не-
 приятель
 ёвуз злой, злобный; ярый,
 злейший
 ёд память
 ёдгор память
 ёдгорлик память; монумент,
 памятник, реликвия
 ёддан кўтарилмоқ забывать,
 забыть
 ёдлаб олмоқ выучить наизусть
 ёз лето
 ёзги летний
 ёзмоқ писать

ёлгон ложь, неправда, вранье
 ёмонламақ наговаривать, клеветать
 ёмонлик зло, злодеяние, вред
 ёмгир дождь
 ён бок, боковой
 ёнбошламоқ прилечь (на бок)
 ёндирмақ жечь, сжигать, зажига-
 ть, поджигать
 ёнмоқ гореть
 ёнгоқ орех
 ёпмоқ печь (хлеб, лепёшки),
 закрывать (двери)
 ёр возлюбленный, возлюбленная
 ёрдам помощь, поддержка
 ёритгич светило
 ёритмоқ освещать
 ёруғ свет, освещение
 ёруглик яркость, сила света
 ёрқин светлый; ясный; яркий
 ёш возраст, год
 ёшлик молодость
 ёқламақ защищать, отстоять
 ёқмоқ зажигать; правиться,
 быть по душе

Ж

жавоб ответ
 жавоб бермоқ отвечать, давать
 ответ
 жадвал таблица, схема; распи-
 сание (уроков)
 жазм қилмоқ твердо решать
 Жазоир Алжир
 жалб этмоқ привлекать
 жамият общество
 жамламақ собирать
 жамоат общество
 жанговар воинственный, боевой
 жангу жадал бон, сражения
 жанг қилмоқ вести бой; биться,
 сражаться
 жанубий южный
 жануби-шарқ юго-восток
 жароҳат рана; ранение
 жароҳатланмоқ быть раненым
 жасорат отвага, храбрость
 жаҳаннам ад; адский
 жаҳл злоба, злость
 жаҳли чиқмоқ рассердиться
 жаҳон мир, свет, вселенная
 жигар ранг коричневый
 жиддий серьезный; существен-
 ный

жисм тело
 жойлашмоқ устронься
 жон душа, дух
 жонбозлик самоотверженность
 жон Ватан родная страна,
 родной край
 жон-дилдан искренне
 жонивор животное
 жорий килмоқ ввести; освоить
 жоҳил невежда
 жумладан в том числе
 жун шерсть, руно
 жунаб кетмоқ отправиться,
 высхать, уехать
 жуи простой; примитивный
 жунамоқ отправляться
 жушқин кипучий, бурлящий

З

завк наслаждение, удовольствие
 завк билан с наслаждением.
 заифлашмоқ ослабеть, обесси-
 леть
 замон время
 замонавий современный
 замондош современник
 зарар вред, убыток, ущерб
 зарб удар, сила
 зарба бермоқ разгромить; да-
 вать отпор
 зарба билан с силой
 зардӯз золотошвей
 зарур необходимый, нужный;
 необходимо, нужно
 зарҳал золоченый, позолоченный
 зах сырость; сырой, влажный;
 сыро, влажно
 заҳарли ядовитый
 зеб-зийнат украшение
 зерикмоқ скучать
 зехи разум, рассудок, сознание
 зиёрат килмоқ совершать па-
 ломничество, посещать святые
 места
 зийнат украшение, убранство,
 наряд
 зиммага олмоқ взять на себя,
 под свою ответственность
 зина лестница
 зич плотный, тесный
 зодим угнетатель
 зотан в сущности, в действи-
 тельности
 зудлик билан немедленно,
 быстро

И

иборат состоит
 ибрат пример
 ибтидо начало
 ибтидий начальный
 идрок разум, рассудок
 ижод творчество
 ижодий творческий
 ижод килмоқ творить, создавать
 ижрония комитет исполнительный
 комитет
 ижтимоий общественный, со-
 циальный
 иззат-хурмат уважение,
 почтение
 изтироб страдание
 иккиланмоқ колебаться
 илдам быстрый, скорый
 илк первый, начальный
 илик теплый
 иллат болезнь, недуг, недомога-
 ние
 илмий научный
 илмий текшириш научно-иссле-
 довательский
 илм-фан наука, знание
 илмий ходим научный сотрудник
 илон змея
 илтимос просьба, ходатайство
 илгор передовой
 иморат здание, постройка
 ингичка тонкий
 инок дружный; дружно
 инсон человек
 инсоний человеческий, людской
 инсоният человечество, род
 людской
 инсоф справедливость;
 честность
 интизом дисциплина
 интильмоқ стараться
 инқилоб революция
 ип-газлама текстиль
 ипак шелковая нитка
 ирода воля
 исбот килмоқ доказывать
 ислоҳот реформа
 истамоқ желать, хотеть
 истироҳат отдых
 истиқбол будущее
 иттифоқ союз
 ифлос грязь, нечисть
 ифода выражение
 ифодалямоқ выражать
 ифтихор гордость

ихтиёрий добровольный
 ихтиёрсиз невольный
 ихтилоф ва зиддиятлар разно-
 гласия и противоречия
 ихтиро изобретение
 ихчам удобный, миниатюрный
 ичкари внутренняя часть
 ишлаб чиқариш производство;-
 выработка
 ишонмоқ верить
 ишора намек
 иштирок этмоқ участвовать
 иқбол счастье
 иқлим климат

И

йилдан-йилга из года в год
 йилнома летопись, хроника
 йилт этмоқ сверкнуть
 йиғилиш собрание
 йиғилмоқ собраться
 й-гим-терим уборка (урожая)
 ёбор
 йиғинчоклик собранность
 йиғламоқ плакать
 йўлбарс тигр
 йўлбошчи руководитель
 йўлка тротуар, дорожка
 йўлланма путевка; направление
 йўталмоқ кашлять
 йўқолмоқ теряться, исчезать
 йўқ қилмоқ уничтожить, лик-
 видировать

К

калит ключ
 калом слово, фраза, речь
 калтакламоқ бить, избивать
 палкой
 камол топмоқ достигать совер-
 шенства
 камроқ немного
 камтар скромный
 камчилик недостаток, дефект
 капа шалаш
 касаба союз ташкилоти проф-
 союз; организация профес-
 сионального союза
 касаллик болезнь, заболевание
 касб профессия
 касб этмоқ приобретать; овла-
 деть
 катак клетка

кашф этмоқ изобретать
 кезмоқ бродить, ходить
 кейинчалик впоследствии
 кекса пожилой, старый, старец
 кексаймоқ стареть, стариться
 келажак будущее, будущий
 келиб турмоқ посещать; при-
 ходить
 келтирмоқ приносить; приво-
 зить
 кемирмоқ грызть
 кенгаймоқ расширяться, шири-
 ться
 кенгаши совещание
 кенглик широта; широтный
 керакли нужный; необходимый
 кесак комок, кусок сухой глины
 кетмоқ уходить, уезжать; уйти
 кеча ночь; вчера; вечер; ве-
 черинка
 кечикмоқ опаздывать, запазды-
 вать, задерживаться
 кечиктирмоқ откладывать;
 задерживать
 кечирасиз извините, простите
 кечирмоқ простить
 кечки вечерний
 кеч қолмоқ опаздывать
 кечкурун вечером, вечером
 кийим одежда
 кийим-бош комплект одежды,
 костюм
 кир грязь; грязный, нечистый
 кирдикор нехороший поступок
 кириш вход
 кириш имтиҳони вступительный
 экзамен
 коинот вселенная, мир
 кон рудник, шахта
 корхона предприятие; произ-
 водство
 корчалон делец; ловкач
 куй мелодия; мотив, напев
 куйдирмоқ сжигать
 куйламоқ петь
 кула-кула смеясь
 кумуш каби как серебро
 кун бўйи весь день
 кундан-кунга день ого дня, изо
 дня в день
 кундузи днем
 кундузлари в дневное время
 кун сайин ежедневно, день за
 днем
 кун пешиндан окқан полдень

кунжара жмых, дуранда
 кураш борьба
 куртак почка, зародыш
 кутиб олмоқ встречать
 кутиб турган булса керак на-
 верное, он ждет
 кутиб утирмоқ ждать
 кутмоқ ждать, ожидать
 кутубхона библиотека
 куч сила
 кучли сильный, мощный
 кучсиз бессильный, слабый,
 немощный
 куч-кудрат сила, мощь
 куз глаза
 куз ёши слеза
 куз илгамас необозримый
